-бунга қарор қабул қилишда бошқа корхона фирмаларни акциясини акция курсини ва фоиз ставкасини бозор бахосини билиш қўпроқ ёрдам беради.

Янги хар бир вужудга келаётган молиявий инструментларни ташкил топиши янги маълумотлар олишни талаб этади.

1.9.Инвестицион институтлар ва уларнинг таснифланиши.

Молиявий институтлар ташкилий жихатидан худди иқтисодий субъет сифатида молиявий инструментларни эмиссия қилиш, сотиш ва сотиб олишни амалга оширувчи барча молиявий институтлар мажмуасидир. Хар бир молиявий институт мазкур аниқ молиявий инструментларни танлаш бўйича у ёки бу операциясини аниқ бўлган маълум ваколатларга эга. Инвестицион жараённинг бошқа субъекти-

бу инвестицион фаолият объектларидан ишлатувчи –фойдаланувчи хисобланади. Булар инвесторлар, худи шунингдек, давлат ва муниципиал органлари,чет эл давлати ва давлатлараро юридик ва жисмоний шахслар хисобланиб, булар қайсики инвестицион фаолият объектини тузувчилар учун ташкил этилади.

Яна инвестицион иштирокчисини бошқасини келтиришимиз мумкин-буюртмачи.

Буюртмачи хам инвестор бўлиши мумкин, худи шунингдек, инвестицион лойихани амалга ошириш ваколатини олган юридик ва жисмноий шахслар хисобланади. Бунда буюртмачи инвестицион жараённинг бошқа иштирокчилари ўхшаш уларнинг тадбиркорлик фаолиятига аралашмайди(агар бу холат ўзаро шартномада кўрсатилмаган бўлса).

Агар буюртмачи инвестор бўлиб хисобланмаса, у холда амалдаги қонунчилик доирасида ўрнатилган шартномага асосан белгиланган ваколати меъёрида шу даврда инвестициялаш учун буйруклар бериш ва ундан фойдаланиш учун бошқариш хуқуқини ажратади. Ёки тўғрироғи лойиханинг мазкур иштирокчисини бошқарувчи ёки лойиха менеджери деб атаса бўлади.

Инвестицион иштирокчи - бу инвестицион институт бўлиб, қайсики қимматли қоғозлар бозорида брокерлик ва диллерлик фаолиятини амалга оширади.

Брокерлик фаолият - амалдаги буйрук-шартномага ёки шундай амалиётларни амалга оширишдаги комиссия ёки ишончномага асосан қимматли қоғозлар амалиётини бажарганлиги учун ишончнома ёки комиссионерларнинг шартномасидир.

Комиссия шартномаси бўйича биринчи томондан(комиссионер)комитент хисобига ўз номидан бир ёки бирнеча шартномани бошқа томоннинг буйруғига асосан амалга оширганлиги учун рағбатлантирилиши.

Диллерлик фаолияти –ўз номидан ва ўз хисобидан эълон қилинган бахоларда маълум қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олишни мажбуриятини эълон(публично) қилинган бахода сотиш ва сотиб олиш йўли билан шартномаларни бажаришга айтилади.

Инвестицион маслахатчи-бу инвестицион институт бўлиб, маслахатчи фаолияти билан шугулланади.. Маслахатчи фаолият – тахлиллар бўйича хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозлар бозорини холати ва иштирокчиларини прогнози, уларнинг молиявий кўролларини ишлаб чиқиш ва таклифлар бериш, қимматли қоғозларнинг муомалаға чиқариш ва жойлаштириш, уни чиқариш бўйича масалахатлар бериш, мутахассислар қайта тайёрлаш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг инвестицион сиёсатини амалга ошириш билан шугулланади.

Инвестицион компания

Инвестицион компаниялар юридик корхоналар хисобланиб, ўз номидан ва ўз хисобидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, қўйилмани қимматли қоғозларга қўйиш, муомаблаға қимматли қоғозлар чиқаради.

Андеррайтинг

Инвестицион компаниянинг асосий фаолиятидан бири андеррайтинг хисобланиб - инвесторлар орасида қимматли

қоғозларни жойлаштиришни кафолатини ёки сотиб олади. Андеррайтингларга қўйидагилар киради: янги чиқарувчилар ва аъзо бўлганларни гурухларга бўлиб синдикатлар ташкил этиш, инвесторларга қимматли қоғозларини кейин қайта сотиш учун эмитентлардан сотиб олиш, жойлаштиришни кафолатлаш, янги қимматли қоғозларни чиқаришга тайёргарлик кўриш ва шарт шароитларини аниклашдан иборат.

Андеррайтинг-бу инвестицион институт бўлиб, келгусида хусусий инвесторларга қайта сотиш учун эмитентлардан сотиб олиш, қимматли қоғозларни биринчи эмиссиясини кафолатлайди ва хизмат кўрсатади.

Инвестицион фондлар

Инвестицион фондлар- бу бу корхоналар хисобланиб, булар қайсики акционерлар хатарини камайтириб, соф фойда олиш мақсадида банк хисоб ракамларига ва жамғарма хисобларигн ва қимматли қоғозларга фонд номидан жисмоний ва юридик корхоналардан йиғилган маблағларни келгусида жойлаштириш.

Хусусийлаштирлган инвестицион фондлар(ПИФу) Инвестицион фондларнинг бир тури бу хусусийлаштирилган инвестицион фондлар хисобланади. Булар ахолини хусусийлаштириш жараёнига кенгрок жалб қилиш ва хусусийлаштирилаётган давлат корхоналарини акцияларига келгусида ахолидан йиғилган маблағларни йўналтиришдан иборат. Хусусий инвестицион фондлар очиқ турдаги акционерлик жамияти хисобланиб, бу қайсики маблағларни хусусийлаштирилаётган корхоналар қимматли қоғозларига қўйишни

ўз акциясини чиқариш хисобига амалга оширади ёки ўз хисобидан инвестициялайди.

Компания бошқарувчилари

Инвестицион институт юридик ва жисмоний шахслар ва бошқа инвестицион институтларни инвестицион активларини бошқариш бўйича фаолиятни амалга оширади, шунингдек, қимматлт қоғозларни сотиш ва сотиб олишни амалга оширувчиларни компания бошқарувчиси деб айтилади. Қимматли қоғозларни бошқариш бўйича фаолият-бу инвестицион институтлар ўз номидан топширилган қимматли қоғозларга инвестициялаш учун айтилган пул маблағлар, ва бошқа шахсларнинг қимматли қоғозларини маълум даврда ишончли бошқариш хисобига, шунингдек, киматли қоғозларни бошқаришдан олинаётган рагбатлантирилиши пул маблағлари ва қимматли қоғозлари кўринишдаги хисобланади.

Депозитарлар

Депозитарий-бу қимматли қоғозлар бозорининг институти хисобланиб, бу қайсики, қимматли қоғозларни хисоб китоби ва саклаш хуқуқини амалга оширувчиларнинг иш фаолияти хисобланади. Депозитарий - это институт рунка ценнух бумаг, осухествляюхий деятельность по хранению ценнух бумаг и учету прав на ценнуе бумаги.

Клиринг хисоб китоб корхоналари

Рееструшловчи-

Қимматли қоғозлардан фойдаланувчилари реестрининг ушловчилар- бу юридик корхоналар хисобланиб, қимматли

қоғозлардан фойдаланувчилар реестрини жорий этиш тизимига кирувчилар бўйича маълумотлар бериш, саклаш,ишлаб чиқиш, фиксация ва йиғиш буича фаолиятни амалга оширади.

Қимматли қоғозларни номинали бўйича ушлаб турувчиларнинг барчаси шартли равишда 2 га бўлинади:

-номинали бўйича ушловчилар:

-хақиқий эгалик килувчи ушловчилар- қимматли қоғозлар маълум мулкчилик хуқуқи ёки шу қоғоз эгасига мулкчилик хуқуқига эга бўлган шахслар хисобланади.

Қимматли қоғозлар номинали бўйича ушловчилар-мазкур қимматли қоғознинг эгаси бўлмаган холда, бошқа шахснинг буйругига асосан қимматли қоғозни ушлаб турувчилар тушинилади.

Ўзбекистонда 1994 йил охирида фонд магазиналари очилиб-бу инвестицион институтларни бўлимларини струткраси хисоблнади, булар жисмоний шахслар учун қимматли қоғозларнинг чакана ва улгуржи биржадан ташкари савдосини амалга оширади.

Қўйидаги молиявий институтлар мавжуд: тижороат банклари, ўзаъро сбербанклар, кредит союзлари, суғурта компаниялари,нодавлат пенсия фондлари, инвестицион фондлар, молиявий компаниялар.

Молиявий иштирокчиларга қўйидагилар кириб, булар қўйидаги 4 гурухга бўлинади:

-депозит шаклидаги молиявий корхоналар;

- шартномали жамғармакассалар;

-инвестицион фондлар;

- бошқа молиявий ташкилотлар:

Қўпроқ молиявий иштиокчилар сифатида депозит шаклидаги молиявий корхоналар қўлланилади. Ривожланган мамлакатларда уларни хизматларидан ахолини купчилик қисми фойдаланиб, ишончлилигини давлат томонидан таъминловчи суғурта компаниялари депозит маблағлари даромадларини тўловларини кафолатлайди. Депозит корхоналар томонидан жалб қилинган маблағларни ипотека, истеъмол ва банк кредитлари бериш учун фойдаланилади. Мазкур гурухнинг асосий институтлари тижорат банклари, сберкассалар ва кредит союзлари хисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда институлар купкиррали ва

қийин структура хисобланиб, булар инвестицион маблағларни жалб қилишдан бошлаб уни тадбиркорлик фаолиятига қўйишни амалга оширувчи сифатида тан олинади. Бу институлар молиявий иштирокчи сифатида иштирок этиб, асосий қисми бўлган *инветицион капитални корхона ва шахсларни алохида жамғармалари хисобига йигади,* сўнг буни инвестиция истеъмолчилари ўртасида жойлаштирадилар

1.10.Ўзбекистонда инвестиция сиёсати: унинг мазмуни, асосий йўналишлари ва бошқа давлатлардан фарқли хусусиятлари.

Инвестициялар нисбатан янги тоифа бўлиб, улар мамлакатимизга Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин кириб келди. Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими амалда бўлган шароитда “капитал қўйилмалар” тушунчаси

ишлатилган ва бунда асосий фондларни вужудга келтириш учун қилинадиган харажатларнинг барча турлари тушунилган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси ўз иқтисодий ва инвестиция сиёсатини юрита бошлади. Шу муносабат билан, тегишли ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши кўп жиҳатдан хорижий ва ички инвестицияларга боғлиқдир.

Шу муносабат билан инвестициялашнинг ҳозирги аҳволини алоҳида кўриб чиқиш бугунги кун талабларидан биридир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон молиявий барқарорлаштириш ҳамда давлат бошқарувининг янги тизимини яратиш билан боғлиқ ғоят мураккаб масалаларни ҳал қилди. Шу даврнинг ўзида давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва реструктуризациялаш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг 2003 йилда бошланган учинчи босқичида давлатнинг инвестиция фаолияти анча фаоллашгани кўзатилди.

Мамлакат асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсишини қуйидаги 1-жадвалдан кўзатишимиз мумкин. Келтирилган маълумотларга қараб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан кескин ўсиб бориши кўриниб турибди.

Давлат инвестиция сиёсати саноат сиёсати билан ўзвий боғлиқ бўлиши керак. Ўзбекистонда 90-йилларнинг иккинчи ярмида

иқтисодий тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш мақсадида саноат сиёсати юритилган ва у аввало, минерал хом-ашёнинг бой манбаларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ стратегик муҳим саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган эди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси[22]

(фоиз ҳисобида)

	Кўрсаткичлар	2003	2004	2005	2006	2007
1	ЯИМ	104,2	107,7	107,0	107,3	109,5
2	Ахоли сони	101,1	101,2	101,1	101,1	101,3
3	Аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ	103,0	106,5	105,8	106,4	106,7
4	Саноат	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1
5	Кишлок хўжалиги	107,3	108,9	106,2	106,2	106,1
6	Асосий капиталга инвестициялар	104,8	107,2	105,7	111,4	122,9

Бу даврда анча пухта ўйланган инвестиция сиёсати олиб борилиши туфайли қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилди:

[22] «Экономика Ўзбекистана». Информационно-аналитический обзор за 2007 год. Ташкент, 2007, 19-бет, Народное слово.8 февраля 2007г.

- биринчидан, саноат маҳсулотининг ўта муҳим турларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали импорт маҳсулотлар ўрни босилишига эришилди ва натижада валюта ресурслари анча тежалишини таъминлаш мумкин бўлди;

- иккинчидан, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали экспортга асосан хом ашё чиқарилишига барҳам берилди, қўшилган қиймат улуши катта бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ўсишига эришиш имконини берди;

- учинчидан, бозор ва молия инфраструктураси шакллантирилиши учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилди, шунингдек замонавий телекоммуникация воситаларини яратишга муваффақ бўлинди ва ҳ.к.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган қуйидаги асосий механизмлари диққатга сазовордир.

Аввало, давлат инвестицияларига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат ҳар йили ишлаб чиқилаётган инвестиция дастурлари асосида давлат иқтисодиётни таркибан қайта қуришда, конкрет ишлаб чиқаришларни қўллаб қувватлаш ҳамда ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ёрдам берадиган инвестиция лойиҳаларини молиялаётганида ҳам кўриниб турибди.

Мамлакатимизда аниқ мақсадли пул-кредит сиёсати ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бундай сиёсат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларидан воситачи сифатида фойдаланиб, марказлаштирилган кредитлар бераётганида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, бу марказлаштирилган кредитлар тегишли йил инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни амалга оширишга ажратилаяпти.

Мўлжалланган лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Марказий банк фоиз ставкаларига таъсир ўтказишнинг турли воситаларидан фойдаланиб, тақдим этилаётган инвестицияларни янада арзонлаштирмоқда.

Ўзбекистонда мулкчилик шакллари бўйича асосий сармояга йўналтирилган инвестициялар тўзилишини -*жадвал* маълумотлари ёрдамида тахлил қилишимиз мумкин.

5-жадвал.

Мулкчилик шакллари бўйича асосий сармояга йўналтирилган инвестициялар тўзилиши (фоизларда)[23]

	2003	2004	2005	2006	2007
Асосий сармояга йўналтирилган инвестициялар	100	100	100	100	100
Давлат мулки	36,4	39,7	30,9	30,5	30,3
Нодавлат мулки	63,6	60,3	69,1	69,5	69,7

[23] Жадвал “Ўзбекистан в цифрах 2003”, “Ўзбекистан в цифрах 2007” статистика тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган статистик маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестициялар таркибида нодавлат мулкига йўналтирилган маблағлар катта ҳажмни ташкил этади, ва бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормокда. Агар нодавлат мулкига йўналтирилган инвестициялар 2003 йили 63,6 % ташкил қилган бўлса, 2007 йили уларнинг улиши 69, 7 % етди. Бу эса, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартишларни таъминлаш ва ишсизлик муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат инвестициялари устувор даражада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилаётган инвестициялар нисбатида ноишлаб чиқариш соҳаси улуши кўпайиши кўзатилмоқда. Буни -диаграмма маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар таркиби (фоиз ҳисобида)[24]

[24] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.



-диаграммадан шуни кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган давр ичида Давлат томонидан иқтисодиётга сарфланган инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 66,0 фоиздан 70,1 фоизга усиб борган, яъни шу йиллар ичида купайиш 4,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бир қаторда ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 34,07 фоиздан 29,9 фоизга камайган.

Бу ўз навбатида бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан далолат беради.

Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш соҳасидаги кучли инвестицион фаоллик шарофати билангина иқтисодий юксалишга эришилган. Бу, XX асрнинг 60-70-йиллари мисолида айниқса яққол кўринади. Шу даврда ишлаб чиқариш соҳасидаги кучли инвестицион фаоллик билан бир вақтда иқтисодий юксалишнинг ялпи ички маҳсулотдек интеграл кўрсаткичи катта суръатлар билан ўсган. Масалан, Японияда 1966-1970

йилларда ЯИМ аввалги беш йилликдагига нисбатан 70%дан ортиқроқ ўсган.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришган кўпгина ривожланган мамлакатлар келажакда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожланиш учун моддий-техникавий асосни таъминлаган ишлаб чиқариш салоҳиятини вужудга келтириш хисобига муваффақ бўлган.

Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кўзатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир конкрет босқичида мамлакатнинг реал имкониятларини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ бўлади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳалардаги халқаро тажриба ўрганилаётганда кўриб чиқилаётган намуналар бизнинг мамлакатимизда юзага келган вазиятга мос эканлиги шубҳадан ҳоли бўлиши ғоят муҳимдир. Шуни назарда тутиб, Осиёдаги Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Таиланд каби “янги индустриал мамлакатлар”нинг саноатга оид сиёсатини кўриб чиқиш керак. Бу мамлакатлар муваффақиятининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат: чуқур аграр ислоҳотлар ўз вақтида ўтказилгани; экспортга мўлжалланган фаол сиёсат

юритилиши; иқтисодиёт анча эркинлаштирилгани ва натижада иқтисодий ўсишни давлатга қарашли эмас, балки хусусий корхоналар таъминлагани; давлатнинг иқтисодиётга аралашуви маъмурий йўл билан мажбурлашга эмас, балки кучли иқтисодий рағбатлантириш воситаларига асосланганлигидир.

1.11. Инвестиция жараёнининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.

Инвестиция жараён-бу инвестицион фаолиятининг амалга ошириш жараёни бўлиб, бу бевосита инвестицион амалиётлари шаклланадиган барча иқтисодий муносабатар мажмуасидир. Амалдаги Қонунчиликка асосан инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ харакатлари мажмуидир” деб белгиланган. Мазкур фаолиятини давлат аввало ягона орган сифатида қонунчиликлар, халқаро келишувлар, турли даврда ривожланган давлатларнинг стратегик сиёсатлари, турли кўринишдаги имтиёзлар, уларнинг иштирокчилари ўртасида муносабатларни тартибга солиш механизмлар ва бошқалларни ўз ичига олади. Инвестицион жараённи иқтисодий мохиятига назар ташлайдиган бўлсак, аввало мазкур муносабатлардаги “иқтисодий асос” купроқ рол ўйнайди. Чунки фаолитяининг амалга ошиишдан асосий максд кандайдир кўзланган мақсад унинг ортида кандай бўлишидан қатъий назар самара ётади.Бу

ўз навбатида мазкур фаолиятини кенг фаоллошувига бевосита таъсир этади.Фаолитянинг асосида шу мамлаатнинг молия тизимининг эволюцион даврлари ётади. Шунинг учун иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг ривожланган бозор иқтисодиётига назар ташласак у ерда фақат мазкур муносабатларнинг асосий эволюциоон жараёни билан боғлик. Чунки хар бир малакат қонунчилиги доимий равишда бир ерда тухтаб қолмай доимий равишда жахон иқтисодиётига мос такомиллаши борилади ва бу кўзланган натижани беради. Бу маълум даврларни ва такомиллаштириш механизмларини ўз ичига олади. Самара ёки даромад келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муалллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга

тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонликни, тадбиркорликни моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга таянган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билиларига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодиётда инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидаги инқирозга учраши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Мулкчиликни турли шаклларини ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади.

Мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши, ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл капиталининг кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, ҳуқуқий шахсларни ва давлатни, фойда олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борадаги асосий мақсад инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Шунинг билан бирга ривожланган мамлакатлар ифтисодиёти шундан далолат берадики давлатнинг инвестицион стратегиясининг

асосий йўналишлари туғри танланганлигидан далолат беради. Инвестицион стратегия асосан амалдаги такомиллашган тактикалар натижасида кўзланган мақсадга эришилади. Шунингдек стратегияда фаолият учун турли кўринишдаги имтиёзлар яратилади. Чунки иқтисодиётдаги инвестицион жараённи шаклланишида давлат асосий рол ўйнайди. қайсики .барча жараёнларни бир текисда мувофиқлаштиради, тартибга солиб боради, назорат этиб боради, халқаро келишувларни унификациялашган формаларидан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқади.

Инвестицион жараённи мохиятига эътибор берадиган бўлсак бу барча инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлик бўлиб, фаолятнинг асоси хисобланган узоқ муддатни ўз ичига олади. Шунинг учун бу жараён бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда капитални харакати ишлаб чиқариш сохасидан савдо сотиқ жараёнларни кенг йўл очилади. Чунки бунинг асосий сабаби:

1 чидан маблағ ўз эгасидан узоқ вақт бошқа эгасига ўтиб қолади;

2чидан бу ўз навбатида маблағнинг эгасига узоқлашганлиги сабаблиги кайтмаслик эхтимоли бўйича шубха туғдиради;

3 чидан риск хатари бошқаларга нисбатан кучли бўлади;

4 чидан савдо сохасида ишлаб чиқаришга нисбатан даромаднинг келиш тезлиги кучаяди хамда риск хатар даражаси хам нисбатан камроқлиги билан харатерланади;

5 чидан узоқ вақт ичида маблағэ гасига келаётган даромадлилик даражаси камайиб кетади.

Мазкур холатларни бошқариш асосан давлатнинг мувофиқлаштирувчи механизмлари орқали жараённи бошқариб

турилади. Бу бошқарув аввало давлатнинг бос илохатчи сифатидаги роли орқали намоён бўлади. Жараённинг жахон миқёсдаги фаоллашуви эса секин асталик билан бозор иқтисодиёти тамойилларига мослашиб мумлашиб боради. Жахон миқёсида инвестицион жараённинг кенг фаоллашуви жамият ривожи учун халқ манфаати учун ва пировард натижа уларнинг яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

1.12.Замонавий инвестицион сиёсатни амалга оширишда хорижий инвестициялар оқими ўзгаришини ҳисобга олиш.

Инвестиция сиёсати – бу иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб – қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устивор инвестицион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичиқ бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тўзишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсати мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Инвестиция сиёсатининг устивор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик – ҳуқуқий

базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислоҳатларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;
- инвестицион жараённи яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислоҳатлар олиб борилмоқда. Бундай ислоҳатларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, Давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устивор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора – тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ижобий инвестицион ўзгаришлар натижасида мамлакатимизда қатор инвестицион объектлар ишга туширилди. Буларга мисол сифатида, Асакадаги ЎзДэуавто, Навоийдаги Зарафшон Ньюмонт, Самарқанддаги Самкочавто, Тошкент вилоятидаги ЎзДонгжу, Бухоро вилоятидаги нефтни қайта ишлаш корхоналарини келтириш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга

оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин “инвестицион лойиҳа” киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

Инвестицион лойиҳалар Вазирлар Махкамасининг 09.04.99 й. даги 165 – сонли “Чет эл инвестицияси иштирокидаги устивор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тўзилади. Унга кўра инвестицион лойиҳа бу маълум ижтимоий – иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник – иқтисодий, бизнес – бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс хужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар турли мақсадларда тўзилади ва амалга оширилади, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Инвестицион лойиҳаларни 4 хил турдаги давр учун тўзиш ва молиялаштириш мумкин:

- қисқа муддатли лойиҳалар, муддати 1 йилгача;
- ўрта муддатли лойиҳалар, муддати 1-3 йилгача;
- узоқ муддатли лойиҳалар, муддати 3-7 йилгача;
- стратегик лойиҳалар, муддати 7-12 ва ундан кўп йилларни ташкил этади.

Лойиҳаларда юқоридаги ҳаётийлик даври муддатлари лойиҳа иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Лойиҳаларни 3 турдаги активлар (мулк) ҳисобига молиялаштирилади:

1) Молиявий инвестициялар ва қарзлар. Буларга қимматбаҳо қоғозлар, банкдаги депозитлар, кредитлар, пул маблағлари, юқори ликвидли қимматбаҳо предметлар киради;

2) Материал (моддий) активлар. Буларга кўчмас мулк, асосий воситалар, ер, ишлаб чиқариш техникаси, линиялари, хом аше, ва материаллар киради;

3) Номоддий активлар. Буларга ноу-хау, ҳимояланган фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, инновациялар, ишчи капитали ақлий маҳсули киради.

Инвестиция тўғрисидаги қонунга кўра лойиҳа хусусий капитал баъдал сифатида таъсисчилар билан келишган ҳолда хохлаган турдаги предмет киритилиши мумкин. Инвестицион лойиҳани молиялаштирарканлар, инициаторлар аввало ушбу лойиҳадан кўзланган мақсадига ета олиши мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлайди, уларнинг реаллигига ишонгач, лойиҳада қатнашади ва уни молиялаштиради.

Ҳар бир лойиҳа асосан икки турдаги капитал ҳисобига молиялаштирилади:

1) инициатор ўз капитали ҳисобига;
2) қарз капитали ҳисобига.

Қарз капитали ўзига хос ҳусусиятларга эга, бу унинг тамойиллари билан ифодаланади; қайтаришнинг зарурлиги, муддатга берилгани, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик. Бундан ташқари унинг маълум фоизга берилиши ва лойиҳа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишидан қатъий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан хам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун инициатор учун пухта, мукаммал тузилган бизнес режа ёки ТИА зарур бўлади, бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан ҳимояланганлигидан келиб чиқиб, бу икки турдаги маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Қарз капитали, кредитларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, кредит тўловлари белгиланган муддат ва даврлар давомида ундириб олинаверади, инициатор ўз капитали эса оборотдан чиқарилмай, келгуси йилларда хам оборотда ишлатилиши, реинвестицияланиши мумкин.

Ҳар қандай лойиҳанинг амалга оширилиши самарадорлигига юқоридаги омил ва уларнинг ўзгариши бевосита таъсир этади.

Инвестицион лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарорлар маълум ноаниқликлар ва рисклар шароитида қабул қилинади, бундай ноаниқликларни камайтириш учун лойиҳа хақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уларни таҳлил қилиш, прогнозлар қилиш талаб этилади. Қарорлар қабул қилишнинг 2 хил усули мавжуд: статик ва динамик усуллар. Статик усул лойиханинг маълум давр, одатда бир йил, ярим йил, 3 ойдаги кўрсаткичлар тахлилини ўз ичига олади, кўрсатикчларнинг йил боши ва йил охиридаги натижалари

аниқланади, уларнинг ўзгариши ўрганилади. Динамик усулдан эса узоқ муддатли лойихаларни асослаш, таҳлил қилишда фойдаланилади. Бунда кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси йиллар давомида ўрганилади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг энг муҳим, аввало, етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарманинг устав капиталини 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантириш белгиланган бўлиб, 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига жамғарманинг устав капитали 500 миллион АҚШ доллари миқдорида ташкил этди.

Инвестиция сиёсатининг бош мақсади - иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашга концентрацитялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестициялаврни жалб этиш.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда инвестиция сиёсати бозор иқтисодиётига мос ҳолда босқичма – босқич олиб борилмоқда.

1.13.Инвестицияларнинг таснифланиши.

Вақтлар утиб «инвестиция» сўзи бир неча янги ахамиятга эга бўлган изох-тушунчалар билан тўлдирилди ва турли хил фаолиятларда ундан фойдаланиш бошланди, жумладан бундай ахамиятлардан бири (кандайдир корхонага узоқ муддатли капитал қўйилма) бу бундай фойдаланишни массали тус олиши кейинчалик

мумфойдаланувчи категория сифатида бўлиб колишга олиб келди. Бундай ахамият-мохиятлар билан бу сўз бошқа бир хил илдизли сўзлар маъносини ифода этувчи сифатида бизни тилимизга кириб келди.

«Инвестор» нинг анаънавий сўзи худди омонатчи сифатида ўгирилади, а инвестициялаш сифатида эса –капитални қўйиш, жойлаштириш деган маънони билдиради. Бундай таржимада биз аввалги маъноларни инобатга олишимиз мумкин. Хакикатда кандайдир корхонага пулини қўйиб(вклад), қўйувчи(вкладчи) ўз таъсирини ўтказиб-эттириб ўз имкониятларини олиши мумкин. Хаммадан аввал у бу имкониятларини қўйидаги оддий усул орқали амалга оширади: маблағни қўйиб ўз рискига эга бўлади ва кўркувга тушади ва сўнг ўз қўйилмасидан девиденлар олади ёки агар уни бирор нарса(моддий бойлик ёки турли хил манфаатлар) қизиқтирмаса у холда буни оддий қилиб маблағқўйиш хам даромад олиш хам амалга оширилмайди дейилган изох келтирилади. Айрим холларда капиталга омонат қўйилса унга ўзини инвестицион даромадини ошириш ва бошқаришда иштирок этиш мақсадида ўз идеологиясини ва гумашталарининг «мулокот қилиш худуди» да жойлаштириш(утказиш) орқали унга имкониятлар беради. Хакикатда эса, умумқабул қилинган имло таржималарда(лугат) инвестор тушунчасига нафакат купахамиятли характер хисобга олинмайди, балки сўзмаъноси ноамалдаги тавсиф нуқтаи назаридан илгари(олдинга) сурилган. «Вкладчи» рус сўзидан олинган бўлиб бунинг тушунчаси маъно буйча номахсус бўлиб хисобланади ва бу нафакат кандайдир битта жараёнда хаттоки кандайдир бир неча

фаолиятлар сфераси учун: омонатчи нафакат инвестор мисол учун хомий(спонсор) ва бошқаси келгусида шунга ўхшаш бир неча фаолиятлар билан боғлиқдир. Шунинг учун инвестор сўзи худди омонатчи сўзига ўхшаш таржима қилинмайди. Бундай маъноларни киритилиши инвестицион жараён мохиятини очишда ахамиятли фарқ бўлиб колишга олиб келади, бу қонун асосида мазкур сферани умумахамиятли шакллантиришда кечиқтиришга олиб боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияни муаммоси худди хусусий капитални жамғаришдаги муаммога ўхшаш сифатида кўриб чиқилади. Жамғариш тўғрисидаги қонунларни аввалги тахлил бошларида классик сиёсий иқтисодчилар(А.Смит, Д.Рикардо)ни жалб қилинди, қайсики якка капитални такрор ишлаб чиқариш жарён базасидаги уларни афзаллиги тахлил этилди. Мазкур тахлилда талаб ва таклифларнинг ўзаро тасиридаги соф фойдани капитализация кили шва шакллантииш механизми асосий хал килувчи ролни уйнайди. Бундай ёндашув нолиберализм назариётчилари томонидан давом эттирилди ва қабул қилинди.

Инвестицияни янада кенгроқ тушунчаси –келгусида уни ошириш мақадида капитал қўйишдир. Капитални ортиши келгусида инфляциядан йукотишни қоплаш, уни риск учун қопланиши, жорий даврда истеъмолга мавжуд маблағлардан фойдаланишда инвесторни инкор(отказ)ини компенсация қилиш учун етарлича бўлиши лозим.

Бироқ барча турдаги капиталга қўйилмалар инвестиция хисобланмайди. Капитал-бу ўз ўзидан ортиб борувчи қиймат ёки қўшимча қиймат келтирувчи қийматдир. Бундай ўсиш 2 усул орқали амалга оширилади: тижорат ва инвестиция воситаси

ёрдамида.Тижорат жараёнида капитал алохида олинган хўжалик оборотига қўйилади. Тартиб бўйича бу операция макул арбитраж рамкасида кандайдир товар сотиш сотиб олиш учун ишлатилади (бошқасида сотиш мақсадида бир бозордан сотиб олиш).

Инвестиция эса узоқ муддатга ёки бир неча хўжалик оборотига капитал қўйишга олиб боради ва бундай капитал қўйилма асосий воситаларни хохлаган формасидан фойдаланишга олиб боради (сотиб олиш ёки хатто ижара, ташкил этиш). Шунинг учун инвестицияни биринчи фарқ қилувчи хусусияти бу *жараёнда асосий воситаларни иштирок* этиши хисобланади.

Инвестицияни 2нчи фарқ килувчи хусусияти –бу *соф фойда олишдир*. Инвестицияни амалга ошириш мотивини харакати ва капитал ўстиришни манбаси –бундан олинадиган соф фойдадир. Бу икала жараён хам- капиталга маблағқўйиш ва соф фойда олиш-турли хил вақтлар оралигида тартиб бўйича юзага келиши мумкин. Бу соф фойда олиш жараёнларининг тартиб бўйича юзага чиқиши инвестицияни тўлик хажмда амалга оширилгандан сўнг бўлади. Параллелда уларни соф фойда олишини юзага келиши яна инвестиция жараённи тўлик тугатгандан сўнг бўлиши мумкин. Интервалли вақтларда бу жараённи етиб келиши инвестицияни тугатиш даври билан соф фойда олиш ўртасида маълум вақтлар кетади (бу вақтинчалик лагани давомийлиги инвестициялаш формасига ва аник инвестицион лойихани хусусиятларига боғликдир).

Жахон иқтисодий адабиётларида «инвестиция» категориясига аникликни бир неча ёндашувлари тупланган.Биринчиси камрок

тушунчага эга бўлган ривожланган мамлакатларда АКШ, Канада, Гарбий Европа мамлакатларида инвестиция *факат қимматли қоғозларга капитал* қўйиш деб тушунилади.

1.14.Реал инвестицияларни амалга ошириш.

Хакиқий инвестициялар деганда хакиқий активларга қўйилган маблағ тушунилиб- моддий ва номоддий кўринишда бўлади(айрим холларда номоддий активларга қўйилган маблағ илмий техник ривожланишга асосланган бўлса ухолда бу инновацион инвестиция хам дейилади). Хакиқий инвестициялар капитал қўйилма шаклида амалга ошади.

Хакиқий лойихаларга қўйилган инвестициялар-вақтлар бўйича узоқ муддатли жараёнлиги билан характерланади. Шу сабабли бахолаш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

-лойиханинг рисклилигига-харажатларни коплаш муддати қанча узоқ бўлса унинг инвестицион рисклилиги шунча юқори бўлади:

-пулнинг вақтинчалик қиймати вақт утиши билан инфлция натижасида унинг кадри-қийматини йукотиши:

-лойиханинг жозибадорлиги бошқа вариантларга нисбатан қўйилган капитални даромадлилик даражасини компания акцияси кўрс қийматини рисклилик даражаси камрок бўлган шароитда имконият даражада ошириш, инвестор учун бу мақсадни аниқлаш имкониятини мавжудлиги.

Х А К И К И Й
И Н В Е С Т И Ц И Я

М О Д Д И Й	Н О М О Д Д И Й
хакиқий тадбиркорликга кучмас мулк ва ерга	интеллектаал бойликларга инновацион программаларга лицензия,патент, савдо маркасига
инновацияга хусусийлаштирилган объектларга инсон капиталига санъат асарлари ва антиквариятга ва бошқаларга	янги нау хауларга ихтироларга

1. 15.Моддий ва номоддий активларга қўйиладиган инвестициялар.

Кўпинча инвестиция ва капитал қўйилмани ўхшаш томонларини бир хил деб хисобланади ёки инвестициялаш жараёни *–келгусида миллий махсулотни оширувчи пул кўринишдаги йиғилган капитални хақиқийқўйилмасидир.*

Капитал қўйилма-бу асосий капиталга қилинадиган харажатлар, жумладан -янги кўрилиш харажатлари, ишлаб чиқаришни кенгайтииш, қайта жихозлаш, техник қайта кўроллантириш, жихоз сотиб олиш, кўрол, ярог сотиб олиш, лойихавий махсулот харажати,

ва бошқа капитал характерга эга харажатлар киради ёки инвестиция — бу такрор ишлаб чиқариш учун асосий фондлар (бино, жихоз, транспорт воситалари)ни сотиб олишга маблағқўйишдир. Инвестиция сўзини бундай лугати социализмдан қолган тушунча хисобланади. Бироқ инвестиция номоддий активларга хам қўйиш маъносини билдиради (патентлар сотиб олиш, лицензия, «ноу- хау»), хамда айланма активларга, молиявий инструментлар(акция, облигация ва бошқалар)га маблағқўйишни билдиради. Шундай қилиб капитал қўйилма камрок маъного эга бўлиб бу инвестицияни амалга оширишни бир формаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бундай вақтда капитал қўйилма- бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш Билан боғлиқ харажатлар, а охири соф фойда олиб келмаслиги билан изохланади шунинг учун инвестицияни тўғри категория сифатида тушуниш маъного тўлик эга бўлмайди.

Инвестиция тушунчаси куп холларда – бу пул маблағларини қўйиш деб хисобланади.Бундай тушунча хамма вақт хам тўгри бўлавермайди. Капитални инвестициялаш факат пул кўринишда амалга оширилиши мумкин хамда бошқа кўринишда-харакатдаги ва кучмас мулкка, турли хил молиявий инструмент(қимматли қоғоз)ларга, номоддий активларга ва бошқаларга хам қўйилиши мумкин.

Хамма вақтлар хам инвестиция тушунчасига бундай изох бериш мумкин эмас: инвестиция —бу маблағни узоқ муддатга қўйиш. Албатта инвестицияни узоқ муддатли характерга эга алохида формалари маждуд. Бу асосан капитал қўйилмадир. Бирок қисқа

муддатли инвестиция кенгрок-купрк жорий этилган. Бунинг асосий қисми акцияга, жамғарма сертификатига ва бошқаларга қўйиладиган молиявий қўйилмадир. Шунинг учун бундай тушунчалар инвестицион жараённи тахлил этишда ноаник белгилар-тушунчаларга олиб боради.

1.16.Жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида.

Жамғаришдаги муаммоларни макроиқтисодий тахлилларини келгусида ривожлантириш тўғрисидаги иш XX асрнинг 20- 30 йиларида ёзиб чиқилган Дж Кейнс иши билан боғлиқ. Бунда асосий бош мароиқтисодий кўрсаткичларни боғлиқлиги очиб берилган - активлар ва мажбуриятларни умумий суммаси, капитал фоизи, иш хаки ва соф фойда, пул массаси, миллий дароимадни истеъмол ва инвестициядаги улуши ва унинг хажми урганилган. Бу макроиқтисодий параметрлар динамикасидан фойдаланиб Дж. Кейнс жамғармадан фойдаланиш даражалари ва уни инвестициялаш жараёнига таъсир этишини хамда уни шакллантириш механизмини асослаб берди. Жамғарма категорияси ва бу билан боғлиқлилик мултипликатор тушунчаси ва акселератор функциясини бажарувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда жамғарма нормаси ва қўшимча махсулот функциясини бажарувчи иқтисодиётнинг кейнсча иқтисодий усули хисобланади.

Кейнс нинг макроиқтисодий усули уруш давридан сўнг асосан кенг ёйила бошлади. У кўринишда хам бу кўринишда хам у нолиберализм ни хисобга олган холда жахон иқтисодиётга йўналтирилган барча фанлар амалиёт сифатида қабул қилинган. Кейнс йўналиши муқобил вариантлар билан фарқи шуки унда иқтисодиётдаги ўзўзини бошқариш механизмидаги давлатни ўрни ва роли очиб берилган, қайсики либериализм тарафдорлари бўйича бозорни бошқаришдаги давлатнинг ўлчови ва уни аниклаб берган.

Инвестициялар ва бунда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар турли макромухит ва микромухит омиллари билан белгиланади. Макромухит омилларига иқтисодий (инфляция, солиқ даражалари, мамлакатда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати), сиёсий (мамлакатда сиёсий барқарорлик, Қонун базасининг мавжудлиги, давлат бошқарувининг барқарорлиги ва х.к.), илмий-техникавий (фан ва техника тараккиёти даражаси, саноат кудрати, мамлакатда амалга оширилаётган саноат сиёсати ва х.к.) сабаблар киради. Микромухит омиллари жумласига мамлакатда ракобат даражаси, инвестициялаш воситаларидан фойдаланиш имкониятлари ва бошқалар киради.

Бундай ёндашув «инвестиция” категориясини барча томонларини ўзичига олган, унинг иқтисодий мохияти давлат даражасида қўллаш ўз мохиятини очиш ва қўллашга олиб боради.

Инвестицияни ўсишига бир неча омиллар таъсир қилади. Аввало инвестиция хажмига олинаётган даромадни жамғариш ва истеъмолга такисмотига боғлик бўлади.Ахолини ўртача киши бошига тугр келган энг кам даромади шаротида унинг асосий улуши (70-

80%и) истеъмолга ишлатилади. Ахоли даромадини ортиши жамғаришга йўналтирилган унинг улушини ортишига олиб боради, бу қайсики инвестиция маблағларининг манбаси хисобланади.Мос холда умумий даромаддаги жамғарманинг улушини ортиши инвестиция хажмини ортишига олиб боради, ёки акс холда унинг тескариси юзага келади. Бирок бундай шароит уларнинг инвестицион активлигини кафолатловчи давлатга ахолининг ишончини таъминлаш шароити орқали тартибга солинади.

Инвестиция хажмига кутилаётган даромадлиликни нормаси таъсир этади, демак соф фойда улар учун асосий қўзғатувчи кўринишда юзага чиқади. (асосий уйғотувчи восита кўринишда).Кутилаётган соф фойда нормаси қанча юқори бўлса у холда инвестиция хажми шунча куп бўлади ёки акс холда унинг тескариси юзага чиқади.

Шунингдек инвестиция хажмига ссуда фоиз ставкалари ахамиятли таъсир этади, демак инвестициялаш жараёнида нафакат шахсий маблағлар балки жалб қилинган маблағларидан хам фойдаланиш мумкин.Агар кутилаётган соф фойда нормаси ссуда фоизини ўртача ставкасидан юқори бўлса у холда инвестор учун бундай қўйилма макул(выгодны) хисобланади. Шунинг учун ссудани ўртача фоиз ставкасини ўсиши мамлакат иқтисодиётида инвестиция хажмини камайишига олиб келади. Бундай холда давлат пулни кредит эмиссиясини чегаралаш орқали муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида рестрикцион(рестирикционную политику) сиёсат олиб боради. Давлат кредит хисобига ссудани ўртача фоиз ставкасиини камайтириш орқали инвестицион товарларга талабни

кутариш ва унга бўлган таклифни ошириш воситаси ёрдамида инвестицион активликни рагбатлантиради.

1.17. Инвестициянинг шакллари. Инвестициялаш объектларини танлаш.

Ўзбекистон Қонунчилигида инвестицияларни қуйидаги шакллари кўрсатиб утилган ёки Инвесторлар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

-юридик шахслар тўзиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан, мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

-қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

-концессияларни, шу жумладан, табиий ресурсларни кидириш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

-мулк ҳуқуқини, шу жумладан, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш сохалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга хамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини Қонун хужжатларига мувофиқ олиш.

Инвестиция фаолиятида соҳалардан бирини ёки бир нечтасини танлаб олиш ҳуқуқига инвесторларнинг ўзлари эга бўладилар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инвестиция объектларни танлашга мажбур

эта олмайди. У ёки бу соҳани танлашда ва инвестицияларни маълум бир соҳага сарфлашдаги қарорларни инвесторларнинг ўзлари қабул қиладилар. Инвестиция фаолияти субъектлари бўлиб бир инвестор, бир нечта тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи иштирокчи инвесторлар бўлиши мумкин.

Инвестицияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инвестиция фаолияти объектларини туркумини тузиш мумкин.

Инвестиция фаолияти объектлари туркуми инвестицияларни сарфланиш соҳаларига биноан қуйидаги 1.1- чизмада кўрсатилган.

1.1-чизма

Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаш

Молиявий инвестициялар объектлари	**Реал инвестициялар объектлари**
Давлат ва бошқа мулк эгалари томонидан чиқариладиган акциялар, облигациялар ва қимматли қоғозлар	Иқтисодиётнинг барча тармоқларида янгидан яратиладиган ва модернизациялаштириладиган асосий фондлар ва айланма воситалари
Давлат ва бошқа акционер-банкларига қўйиладиган мақсадли жамғармалар	Фан-техника маҳсулотлари, кашфиёт, ихтиролар, изланишлар, таъминот, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
Банк депозитлари ва бошқа мулкчилик объектлари	Ғоялар, интеллектуал бойлик лар, муаллифлик ҳуқуқлари (ноу-хау), тажриба ўрганиш ва алмашиш

Турли шаклдаги мулкчиликка эга бўлиш ҳуқуқлари	Ер, табиий ресурслар ва бошқа мулкчилик объектларига эга бўлиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари

Инвестиция фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ёки давлат ҳисобланади. Инвестицияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни бажарувчиси сифатида, инвесторни топшириғи асосида инвестиция фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Инвестициянинг шакллари. Инвестицияларнинг объекти ва субъектлари.

Узбекистон Конунчилигида инвестицияларни куйидаги шакллари курсатиб утилган ёки Инвесторлар инвестицияларни куйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамгармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан, мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

кимматли когозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия килинган карз мажбуриятларини олиш;

концессияларни, шу жумладан, табиий ресурсларни кидириш, ишлаб чикиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

мулк хукукини, шу жумладан, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш сохалари объектларига,

турар жойларга мулк хукукини, шунингдек ерга хамда бошка табиий ресурсларга эгалик килиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) хукукини конун хужжатларига мувофик олиш.

Инвестицияни ўз белгиларигаққараб қуйидаги шакллари мавжуд:

ИНВЕСТИЦИЯ

(объектига кўра)

Хақиқий инвестиция Молиявий инвестиция

Интеллектуал инвестиция

-**Хақиқий**(капитални ташкил этувчи) инвестиция(буларни айрим холларда моддий ёки ишлаб чикариш дейилади) булиб,буларга:

а)асосий фондларга қўйилган маблаг;

б)товар моддий қийматликларга қўйилган инвестициялар

Хақиқий инвестициялар деганда хақиқий активларга қўйилган маблаг тушунилиб- моддий ва номоддий кўринишда бўлади(айрим холларда номоддий активларга қўйилган маблағ илмий техник ривожланишга асосланган бўлса ухолда бу ***инновацион инвестиция*** хам дейилади). Хақиқий инвестициялар капитал қўйилма шаклида амалга ошади.

Хақиқий лойихаларга қўйилган инвестициялар-вақтлар буйича узок муддатли жараёндир.Шу сабабли бахолаш жараёнда куйидагиларга эътибор бериш керак:

-лойиханинг рисклилигига-харажатларни қоплаш муддати қанча узоқ булса унинг инвестицион рисклилиги шунча юқори бўлади:

-пулнинг вактинчалик қиймати вақт утиши билан инфлция натижасида унинг қадри-қийматини йўкотиши:

-лойиханинг жозибадорлиги бошқа вариантларга нисбатан қўйилган капитални даромадлилик даражасини компания акцияси курс қийматини рисклилик даражаси камрок булган шароитда имконият даражада ошириш, инвестор учун бу максадни аниклаш имкониятини мавжудлиги.

Молиявий инвестиция - қимматли қоғозларга қўйилган маблаг буйича кўпрок улуш қўшганлар учун ахамиятли бўлиб, турли хил молиявий қуроллар(активлар)га қўйилган маблагларга айтилади. Молиявий инвестициялар қуйидагилар киради:

-сбербанкларнинг жамгармалари;

-облигация;

-акция;

-пул маблаглари;

-депозит жамгармалар.

Молиявий инвестициялашда институтларни юқори ривожланиши асосан хақиқий инвестицияларни хажмини ортишига олиб боради ва амалий ёрдам беради. Шундай қилиб бу икала форма бир бирини тулдирувчи хисобланади.

Интеллектуал инвестициялар-келгусидаги янги ишлаб чиқариш учун техник технологик жараёнлар билан боглиқ номоддий(илмий, ноу-хау,программалар, савдо маркалар ва бошқалар) активларга айтилади.Унинг турлари:

-илмий янгиликларни ишлаб чиқиш инвестицияси;

-мутахассисларни тайёрлаш учун қўйилган инвестиция;

-ижтимоий сохага қўйилган инвестиция,

- бошқа янгилик билан боглик инвестиция.

ИНВЕСТИЦИЯ

(инвестициялашда иштирок этишга кўра)

Тугри инвестиция (бевосита инвестиция(

Эгри инвестиция (билвосита инвестиция)

Бевосита инвестициялар- объектни инвестициялаш ва маблагни қўйишни танлаш бевосита мазкур инвесторлар томонидан таналаб олиниши орқали амалга оширилса, бундай инвестициялар бевосита дейилади.

Билвосита инвестициялар- инвестициялашни бошқа шахслар(инвестицион ёки молиявий воситачилар) томонидан амалга оширилса, у холда бу билвосита инвестиция дейилади. Хамма инвесторлар хам инвестицияни ташкил этиш, самарали инвестицияни танлаш ва келгусида уни бошқаришда етарли ихтисосга эга булавермайди. Бу холатда улар инвестицион ва бошқа молиявий воситачилар чиқарган қимматли қоғозларини сотиб олади, ўзлари томонидан кўриб чикилган йиғилиш хулосасига асосланиб, келгусида кутилган даромадни мижозлари ўртасида таксимлаш максадида инвестицияни кўпрок самарали бўлган объектини танлаш, уни бошқаришда иштирок этишни ўзини мавкеини хисобга олган холда инвестицион маблагларни жойлаштиришдан иборатдир.

ИНВЕСТИЦИЯ

(инвестициялаш давридаги қўйилмани муддатига кура)

Қисқа муддатли инвестиция Узоқ муддатли инвестиция

Қисқа муддатли инвестиция- инвестициялаш муддати бир йилгача қўйилаётган маблагларга айтилади.

Узоқ муддатли инвестиция- инвестициялаш муддати бир йилдан юқори муддатга қўйилаётган маблагларга айтилади.

ИНВЕСТИЦИЯ

(мулкчилик шаклига кўра)

-Хусусий инвестиция;

- Давлат инвестицияси;

- Қўшма инвестиция;

- Чет Эл инвестицияси.

Қўшма инвестиция, чет эл инвестицияси, хусусий инвестиция ва давлат инвестицияси:

Давлат инвестицияси - махсус жалб қилинган, бюджетдан ташқари ва бюджет маблаглари хисобига ва давлат кафолати томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга айтилиб, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарни давлат бюджети ва жалб қилинган маблағлар хисобига амалга оширилади.

Чет эл инвестицияси-чет эл жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга айтилиб, халқаро ташкилотлар ва чет эл давлатлари томонидан амалга оширади.

Хусусий инвестиция- нодавлат мулкчилик шаклига эга бўлган жисмоний ва юрдик шахслар томонидан амалга оширилади

Қўшма инвестиция-махаллий ва чет эл инвесторлари билан биргаликдаги корхоналар хисобига амалга ошириладиган инвестицияларга айтилади.

ИНВЕСТИЦИЯ

(худудий белгиларига кўра)

Мамлакат ичига қўйилма *Чет элга қўйилма*

Чет элга қўйиладиган инвестиция, ички инвестиция ва худудий инвестиция.

Чет элга қўйиладиган инвестиция – капитал маблагни мазкур давлат чегарасидан ташкари объектларга жойлаштиришга айтилади

Ички инвестиция- капитал маблагларни мамлакат ичидаги объектларга жойлаштиришга айтилади.

Худудий инвестиция-капитал маблагни мамлакатнинг аник худудига жойлаштиришга айтилади.

ИНВЕСТИЦИЯ

(Риск даражасига кўра)

Рисксиз инвестиция, Камрискли инвестиция, Уртача рискли инвестиция,

Юкори рискли инвестиция, Спекулятив инвестиция

Рисксиз инвестиция – фиксирланган даромад келтирувчи (молиявий) активларга маблағлар куйишга айтилади

Камрискли инвестиция- фиксрирланган даромад келтириши

Юқори рискли-келтираётган даромади бозор конюктурасидан келиб чиқиб ўрнатиладиган,

Инвестициялаш шаклига кўра реал инвестициялаш рисклари ва портфел инвестициялаш рискларини ажратиш мумкин.

Реал инвестициялаш рисклари жумласига қуйидагилар киради:

- селектив риск, муваққат риск, таркибий риск, лойиҳа ривожланмаслиги риски, солиқ риски, қарзлар тўланмаслиги риски, қурилиш тугатилмаслиги рисклари киради.

Портфель инвестицияси риски жумласига қуйидагилар киради [43]:

- селектив риск, муваққат риск, сармоя риски, қайтариб олиш риски, кредит риски, ликвидлилик риски, фоиз рисклари киради.

Инвестициянинг хар бир шакли корхонанинг инвестицион фаолияти учун ахамиятли хисобланади.

Хаммадан хам инвестицияни мохиятини очиш давомида асосан реял активларга қўйилаётган инвестицияга эътиборни каратдик. Чунки бу корхонанинг асосий ва айланма воситаларини шакллантириш билан боглик. Корхонанинг капитали ва унинг сифатини бахолашда асосан унинг даромадлилигига этибор каратиш зарур. Агар корхона молиявий баркарор, тулов кобилияти яхши, даромадлилик даражаси юкори булса у холда мазкур корхонага хохлаган шахс (юридик ва жисмоний шахслар) унинг мулкига (кучмас мулкига, кимматли когозларига ёки интеллектуал

мулкига)инвестиция килиши мумкин. Шу сабабли биз инвестициянинг реял шаклига этибор каратишни лозим деб топдик.

Амалдаги қоида бўйича, инвестицион харакатнинг биринчи босқичида инвестициялаш объектини танлаш хисобланади. *Инвестициянинг объекти дейилганда* инвестицияга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг хар қандай объектлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Қонуннинг 6-моддасида Инвестиция фаолияти объектлари қуйидагилар киритилган: Моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари инвестиция фаолиятининг объектларидир.

Инвестиция тушунчасига иқтисодий мохиятини очиш шароитида унинг амалга ошириш объекти тўлиқ хисобга олиниши зарур. Инвестицияни мохиятини тўлиққенгрок ўзлаштириш учун амалиётда уни бир неча кўринишдаги (объект шакллари)туркумланишини тушуниш зарур. Амалга оширилаётган инвестицияни бир неча хусусиятлари-белгилари бўйича қўйидагича туркумлаш мумкин:

1. Капитал қўйил формаси бўйича ёки уни нимага кўйиш мумкинлиги кўринишига караб; фарқланади:

- моддий активларга (бино, иншоотлар, жихозлар, машина и механизмлар инвентарь, хом ашё ва материаллар ва бошқалар);

- номоддий активларга (ноу-хау, патентлар, лицензиялар, ихтиролар ва бошқалар);

- молиявий маблағлар (пул маблағлари, қимматли қоғозлар, пайларга ва бошқа молиявий активларга).

2. Капитал қўйилма сфераси бўйича:

а) хақиқийй;

б) молиявий.

Хақиқийинвестициялар ўз навбатида қўйидагиларга бўлинади:

- хақиқийтадбиркорликка қўйиладиган инвестиция (хўжалик юритишнинг алохида субъектлари рамкасида моддий ва номоддий активларга қўйиладиган инвестиция);

- кучмас мулкка қўйиладиган инвестиция (хусусийлаштирилаётган объектлар бозори, уй-жой ва ерлар бозори ва бошқалар);

- инновацияга қўйиладиган инвестиция;

-кишилик капиталига қўйиладиган инвестиция (мутахассисликни ошириш ва ўқитиш);

- санъат асарлари ишлаб чиқаришга қўйиладиган инвестиция (Европада энг юқори даромадли инвестиция);

- антиквариатга инвестиция.

1.18.Молиявий инвестицияларни амалга ошириш хусусиятлари.

Молиявий инвестиция молия бозорларида амалга оширилади, қайсики бунга қўйидагилар киради:

- валюта бозори(ички бозорлар ва унгга ўхшаш хакаро бозорлар);

- қимматли қоғозлар бозори;

- олтин, қимматбахо метал ва тошлар бозори;

- ссуда капитал бозори;

- хосилавий молиявий инструментлар бозори.

Пенсия ва суғурта фондига ўхшаш молия бозорини бундай сегментида инвестиция қимматли қоғозлар ёки ссуда капитали бозори орқали амалга оширилади.

Хар кандай мамлакатнинг иқтисодиётини асоси хақиқий инвестицияни ташкил этади, жумладан; у ерда жамғарма жараёни ва унинг купайиши ички ялпи махсулот(ЯИМ)га кўпайтириш орқали юзага келади. Хозирги шароитда инвестицияни асосий долзарб бўлган инновацияни сотиб олишга қаратилган.

Инновация — ижтимоий - иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган технологик жараённи ишлаб чиқиш, интеллектуал мехнат натижасидаги умумий фаолият(ишлаб чиқариш, иқтисодий, хуқуқий ва ижтимоий муносабатлар фанда, санъат ва таълим сохаси ва бошқа фаолиятлар)нинг у ёки бу сферасидан фойдаланишдир.

«Инновация» сўзини мохияти объектни излаш, улчаш ва уни тахлилининг аник мақсадига боғлик бўлади. Хозирги замонавий назария инновацияни 5 та асосий формаларини фарқлайди:

-янги махсулот жорий этиш (*товарли инновация*);

-ишлаб чиқаришни янги усулини жорий этиш (*технологик иннова-*

ция);

-□товар ва хизматларни янги бозорини ташкил этиш (бозорли *инновация*);

-□ярим тайёр махсулот ва хом-аше жунатиш бўйича янги манбаларини ўзлаштириш (*маркетингли инновация*);

-бошқариш структурасини қайта ташкил этиш (бошқариш *инновацияси*).

Молиявий инвестиция нимага тегишли бўлса у холда буни хақиқийинвестицияни тезлаштирувчи восита сифатида кўриб чиқилса бу холат тўғри хисобланади ёки бу аввалги инвестицион капитални эгалланиши копланиши ва жамғарилишига олиб боради.

3. Инвестициянинг мақсади ва буларни риск билан боғликлигига караб, инвестиция бўлади:

- венчурли (рискли);
- тўғридан тўғри ;
- портфелли;
- аннуитет.

Рискли инвестиция ёки венчурли капитал-бу сўзни рискли капитал қўйлмани номлаш учун қўлланилган. Венчурли капитал юқори риск Билан боғлик бўлган ишлаб чиқаришни янги сфераси Билан боғлик янги акция чиқариш хисобига инвестицияни формасидир.

Венчурли капиталда қўйилган капитал хисоб китобларда тез ўзини коплаш билан боғлик лойихаларга капитал инвестиция қилинади. Капитал қўйилма, тартиб бўйича акциялардаги охирги конверсия қилиш хуқуқи билан боғлик корхона-мижозини акциясини бир қисмини сотиб олиш ёки унга ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Рискли капитал қўйилма янги технологияларга асосланган кичиқ инновацион корхоналарни молиялаштириш зарурлигига асосланади.

Рискли капитал ўзига капитал турининг турли хил формаларини бириктиради: ссудали, акционерли, тадбиркорлик. У венчурли дейиладиган бундай формаси янги ишга киришаётган фан тараккиёт даражаси билан боғлик таъсисчиликда воситачи бўлиб иш юритади.

Тўғридан тўғри инвестиция мазкур субъектни бошқаришда иштирок этиш хуқуқи орқали хўжалик субъектининг даромадга эга бўлиш ва олиш мақсадида устав капиталига маблағқўйишни билдиради. Алохида объектларга инвестицияни концентрациялаш(зич жамланиш) алохида ютукли натижалар эришишга йўналтирилган қўйилмани мақсадини кўзлайди ва тадбиркорлик фаолияти устидан тўлиқахамиятли бўлган назоратларни имкониятини беради, бирок бу юқори рискли хисобланади.

Портфел инвестицияси портфелни шакллантириш билан боғлиқ ва бу қимматли қоғозларни ва бошқа активларни сотиб олишни ифодалайди. Портфел- вкладчини аник инвестицион мақсадига эришиши учун инструмент воситасини бажарувчи йиғилган ягонага келтирилган-жамланган жами барча турли хилдаги инвестицон қимматликлардир. Портфелга бир хил формадаги қимматли қоғозлар ва турли хилдаги инвестицион қимматликлар кириши мумкин (акция, облигация, жамғарма ва депозит сертификатлари, гаров гувохномаси, суғурта полиси ва бошқалар). Портфел инвестицияси диверсификациялаш механизми орқали рискни агар тадбиркорлик устидан назорат ўз вақтида жорий этилган бўлса ва а соф фойдани аник ўртачага ориентирлангандагина камайтиришга олиб боради.

Аннуитет (нем. annuitat- йиллик тўлов) – инвестиция, асосан пенсияга чиқанлар учун бир хил вақтлар оралиги ичида маълум даромадни вкладчига олиб келиш учун йўналтириладиган инвестициядир. Асосан бунда маблағни суғуртага ва пенсиф фондига қўйиш хисобланади. Суғурта компанияси ва пенсия фондлари муомаблаға қарз мажбуриятларини чиқаради, қайсики улар яъни эгалари келгусида кўзда тутилмаган харажатларни коплаш учун фойдаланадилар. Хаётни суғурталаш суғурталовчини моддий боғликлиги таъминланган холда субъектларни кутилмагандаги улим холатларини молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Пенсия фонди ўз мижозларини пенсия ёшига чиққандан сўнг пул маблағлари билан моддий таъминлаб туради.

1.19.Инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли.

Жахон молиявий-иқтисодий инКирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини Кўллаб-Қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация Қилиш, кооперация алоКаларини кенгайтириш, мустахкам хамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган махсулотларга ички талабни рајбатлантириш масалалари алохида ўрин тутди.

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг мухим мақсади ва асосий устувор вазифаси - бу ислохотларни давом эттириш ва чуКўрлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация Қилиш, 2009 - 2012 йилларга мўлжалланган ИнКирозга Карши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий

ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини хамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Бу борада Қуйидагиларни эътиборга олиш даркор:

Биринчидан: корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоКаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб Қилиш зарур.

2010 йилда махаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган махсулотлар хажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт Қилинадиган махсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил Қилиши лозим.

Иккинчидан: сўнгги йилларда иш хаКи, пенсия, стипендия ва нафаКалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ахолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид Кобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоКда.

Учинчидан: ахолига хизмат кўрсатиш сохасини янада кенгайтириш ғоят мухим ахамиятга эга.

Тўртинчидан: нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичиқ бизнесни жадал ривожлантириш масаласини хал этиш бизнинг шароитимизда хамон мухим ахамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан: экспорт қилинадиган махсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Кейинги вақтда жахон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош махсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу махсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон молиявий барқарорлаштириш ҳамда давлат бошқарувининг янги тизимини яратиш билан боғлиқ ғоят мураккаб масалаларни ҳал қилди. Шу даврнинг ўзида давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва реструктуризациялаш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилаётган инвестициялар нисбатида ноишлаб чиқариш соҳаси улуши кўпайиши кўзатилмоқда. Буни -диаграмма маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

2 диаграмма

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар таркиби (фоиз ҳисобида)[25]

[25] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.



-диаграммадан шуни кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган давр ичида Давлат томонидан иқтисодиётга сарфланган инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 66,0 фоиздан 70,1 фоизга усиб борган, яъни шу йиллар ичида купайиш 4,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бир қаторда ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 34,07 фоиздан 29,9 фоизга камайган.

Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кўзатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир конкрет босқичида мамлакатнинг реал имкониятларини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ бўлади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳалардаги халқаро тажриба ўрганилаётганда кўриб чиқилаётган намуналар бизнинг мамлакатимизда юзага келган вазиятга мос эканлиги шубҳадан ҳоли бўлиши ғоят муҳимдир. Шуни назарда тутиб, Осиёдаги Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Таиланд каби “янги индустриал мамлакатлар”нинг саноатга оид сиёсатини кўриб чиқиш керак. Бу мамлакатлар муваффақиятининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат: чуқур *аграр ислоҳотлар ўз вақтида ўтказилгани; экспортга мўлжалланган фаол сиёсат юритилиши; иқтисодиёт анча эркинлаштирилгани ва натижада иқтисодий ўсишни давлатга қарашли эмас, балки хусусий корхоналар таъминлагани; давлат*нинг иқтисодиётга аралашуви маъмурий йўл билан мажбурлашга эмас, балки кучли иқтисодий рағбатлантириш воситаларига асосланганлигидир.

Инвестиция фаолиятини бюджет томонидан молиялашнинг мавжуд тизими боқимандалик кайфиятини юзага келтиради ҳамда давлат корхоналари ва ташкилотлари учун имтиёзли шарт-шароит яратади. Бундай ҳолатга барҳам бериш учун, бизнингча, мамлакатдаги инвестиция фаолиятини молиялашнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Аввало, бюджет томонидан молиялаш ўрнига паст, имтиёзли фоиз ставкалари билан давлат томонидан молиялашга ўтилиши керак. Шунингдек, давлат бюджетидан маблағларни текинга беришдан воз кечилиши ҳамда тижорат банклари кредитларидан кенгроқ фойдаланилиши лозим. Банк кредити улуши оширилиши молиялаш натижалари учун

жавобгарликни ошириш имконини беради, чунки кредит кенгайиши муносабати билан банк рисклари даражаси ошади.

Бюджет маблағлари чекланган, улар асосан жорий эҳтиёжларга йўналтирилаётган, республикамиздаги инвесторлар ўз сармояларини ишлаб чиқаришга йўналтиришдан манфаатдор бўлмаётган шароитда инвестиция сиёсати фаоллаштирилиши, давлатнинг қулай инвестиция муҳити барпо этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиришдаги ролини ошириш талаб қилинади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг шундай тизими яратилиши лозимки, бунда инвестиция циклининг барча босқичларида – устувор йўналишларни ривожлантиришга реал молиявий маблағлар олишдан то жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача иқтисодий воситалардан фойдаланилсин.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бизнингча, яккаҳоқимликка қарши муҳит яратиш, рақобатни рағбатлантириш, кичиқ ва ўрта бизнес корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш, самарали солиқ сиёсати юритиш йўналишида бўлиши керак.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат таркибий ўзгартишларнинг қулай барқарорлигини ҳамда улар бозор механизмлари тизимида ўзаро мувофиқ бўлишини таъминлайдиган қулай шарт-шароит яратиши лозим. Бунда иқтисодиётнинг давлатга тегишли ва хусусий шўъбалари инвестиция фаолияти ишлаши ҳамда ўзини ўзи тартибга солиб туришини таъминлайдиган бозор механизми иқтисодий воситалари адекват акс эттирилиши зарур.

Ижтимоий сохада, республика ахамиятидаги согликни саклаш объектлари кўрилди ва жихозланди, кадрларни тайёрлаш давлат миллий дастурининг бажарилиши нуқтаи-назаридан лицей, коллеж ва олий укув даргохлари барпо этилди, телевидение ва радио эшиттириш тармоқларидаги объектлар қайта жихозланди, янги метро тармоқлари ишга туширилди.

Мавзу бўйича саволлар.

2. Инвестицияни назарий ва иқтисодий мазмуни ва унинг ахамияти.
3. «Инвестиция» терминни аниқлашда ноаниқ характерли белгилари
4. Инвестицияларнинг объекти ва субъектлари.
5. Инвестиция иқтисодий категория сифатида қандай характерланади
6. Инвестициянинг шакллари.
7. Инвестиция объектига кўра шакллари
8. Инвестиция инвестициялашда иштирок этишга кўра шакллари
9.Инвестиция инвестициялаш давридаги қўйилмани муддатига кўра шакллари
9. Инвестиция мулкчилик шаклига кўра шакллари
10. Инвестиция худудий белгиларига кўра шакллари
11. Инвестиция риск даражасига кўра шакллари
12.Инвестицияни давлат нуқтаи назаридан мазмуни.
13. Асосий воситаларга капитал қўйилмаларни тавсифланиши
14. Оддий инвестор(даромад олиш) нуқтаи назаридан инвестицияларнинг тушунчаси.
15.Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларни амалга оширишнинг роли.
16. Инвестицион сиёсат ва унинг асосий вазифалари.
17. Инвестицион сиёсат:
- давлатнинг инвестицион сиёсати-мазмуни ва ахамияти;
- корхонанинг нвестицион сиёсатининг ахамияти.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.Тошкент – «Ўзбекистон» - 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” .; Тошкент – «Ўзбекистон» - 2011.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир” ,Тошкент - «Ўзбекистон» 2011й.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 1998 й. 24 декабрь.

5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

6. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2003 й. 332 бет.

7. Жўраев А.С. , Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳаларни таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2003 й. 256 бет.

8. Рашидов О.Ю., Қурбонов Х.А., Карлибаева Р.Х.. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005й. 128 бет.

9. Подшеваленко Г.П., Лахматкина Н.И., Макарова М.В. и др. Инвестиции: учебное пособие/ Финансовая академия при Правительстве РФ. – М.:, “КНОРУС” – 2004 г. 208 стр.

10. Маматов Б., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарафхўжаева К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма. ТМИ. – Т: 2007 й. 152 бет.

11. Хайдаров Н. «Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари», иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2003 й., 14-15 б.

12. Шарп У. Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с англ.- М.: ИНФРА-М, 2006. 1028 стр.

13. Бочаров В.В. Инвестиции:Учебник-2 –е издании-СПб:Питер 2009 -348с.

14. Е. Г. Непомняший. Экономическая оценка инвестиций. Учебное Пособие . Таганрог-2005гг.

2-боб: Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

РЕЖА

1. Инвестиция фаолияти тушунчаси. Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.
2. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар.
3. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асослари.“Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмуни ва моҳияти.
4. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда давлат инвестиция дастурининг ўрни ва аҳамияти.
5. Инвестиция дастурининг таркиби ва уни шакллантириш босқичлари.

6. Инвестиция дастурининг амалга оширилиши мониторинги.

Таянч иборалар:инвестицион фаолият, макроиқтисодий тенденция, инвестицион дастур, инвестицион мухит, бахолаш, инвестицион салохият, танлаб олиш мезонлар.

2.1.Инвестиция фаолияти тушунчаси. Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонликни, тадбиркорликни моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга таянган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билиларига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодиётда

инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидаги инқирозга учраши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Мулкчиликни турли шаклларини ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни барқарорлаштиришда ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади.

Мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши, ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл капиталининг кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, ҳуқуқий шахсларни ва давлатни, фойда олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борадаги асосий мақсад инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомаблаға, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Давлат мулкини хусусийлаштириш туфайли мамлакат миқёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади. Албатта, бу борада ҳар бир мамлакатнинг инвестиция сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Инвестиция манбаларини ташкил этишда мамлакат иқтисодиётини барқарорлиги, миллий валюта бирлигини конвертацияланиши, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, аҳоли эҳтиёжини ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилиши ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

Бозор муносабатларини ривожлантириш давлат томонидан олиб бориладиган ички молия сиёсатига чамбарчас боғлиқдир. Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда у ёки бу йўналишда сарфлаш ва жамғариш мамлакатда қабул қилинган ва амалиётда фаолият кўрсатаётган тақсимот тизимига боғлиқдир.

Қонунчиликни ривожланиши, адолатли қонунлар қабул қилиниши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши бозор муносабатларининг ривожлантиришга, тадбиркорлик, ишбилармонликни кенг кўламда тарқалишига қаратилса инвестиция манбалари таркибида давлат маблағлари камайиши ҳисобига бошқа мулкдорлар маблағлари ўсиб боради.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг Қонунчилик негизини такомиллаштириш;

солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табаКалаштирувчи солиқ тизимини Кўллаш;

асосий фондларни жадал амортизация Қилиш;

нормалар, Коидалар ва стандартларни белгилаш;

монополияга Карши чораларни Кўллаш;

кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;

ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик Қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

инвестиция лойихаларини экспертиза Қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойихаларининг амалга оширилиши мониторингини юритишдан иборат.

Инвестицион фаолият натижасида юзага келувчи жараёнлар иқтисодиётни умумиқтисодий нуқтаи назаридан; жумладан, куп

холларда ишлаб чиқариш ва инфляцияни динамикаси, ЯИМ ни ўсиши, молия-кредит тизимини холати ва талабни барқарорлик даражасидан келиб чиқади. Давлатни бозорли хўжалик тизимига утишда, ўз навбатида инвестицион жараённи янги усулини шакллантиришни талаб этади. Инвестицион фаолиятдаги салбий холатлар иқтисодиётни реал секторини технологик ривожлантириш ва инновацион даражасини ва асосий фондларни ишлаб чиқаришни сифатли тавсифига бевосита таъсир этади. Бундай холдан чиқиш учун хўжалик субъектларни инновацион шаклда шакллантириш ва иқтисодий жараённи инвестицион шаклини ташкил этиш, молиявий маблағларни янги манбаларини ташкил этиш хисобига инвестицияни барқарор ўсишини таъминлаш.

Макроиқтисодий тахлилларда инвестицияни иқтисодий категорияси давлатни инвестицион мухитни умуман ошириш ва уни иқтисодий ўсишини таъминлаш, иқтисодий маблағларни утказиш билан боғлиқ жараённи имкониятларини кенгайтиришдек куп мақсадли ва қийин жараённи кенгайтирилган тасифи ва ёзиш учун фойдаланилади.

Шундай қилиб, микроиқтисодиёт даражасини иқтисодий фаолият жараённи баён этишда, ёки алохида уй-коорпорация ва фирма-корхона фаолиятлари даражаларида баён этилиши инвестиция кўринишда тушунилиб; мисол учун: асосий капитални ошириш ёки қайта ишлаб чиқариш учун манавий ва жисмоний эскирган жихозларни алмаштириш мақсадида жихоз сотиб олишга йўналтирилган у ёки бундай маблағни қўйишдир.

2.2.Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар.

Шу нуқтаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши керак:

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, ҳудудий ҳоқимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилкк фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Инвестициялар оқимига (нафақат хорижий, балки кўп томонлама ички инвестициялар тааллуқли) таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини заиф олиб борилаётгани, натижада кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда қолдиқ бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ қаратилиб, ечим изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга иисбатан

соғлом талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида ҳолис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши йўлга қўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентларини ташкил қилиниши лозим.

Ўзбекистон инвестицион муҳитни такомиллаштириш хорижий капитални жалб қилиш қулай макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш бўйича иш олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш, инфляциянинг инвестицион лойиҳаларни қийматини ўсишига таъсирини камайтириш, хорижий инвестициялар таркибида бевосита хорижий инвестициялар миқдорини кескин кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, биринчи навбатда хом-ашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш лозим.

Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кўзатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир конкрет босқичида мамлакатнинг реал имкониятларини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ бўлади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳалардаги халқаро тажриба ўрганилаётганда кўриб чиқилаётган намуналар бизнинг мамлакатимизда юзага келган вазиятга мос эканлиги шубҳадан ҳоли бўлиши ғоят муҳимдир. Шуни назарда тутиб, Осиёдаги Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Таиланд каби “янги индустриал мамлакатлар”нинг саноатга оид сиёсатини кўриб чиқиш керак. Бу мамлакатлар муваффақиятининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат: чуқур *аграр ислоҳотлар ўз вақтида ўтказилгани; экспортга мўлжалланган фаол сиёсат юритилиши; иқтисодиёт анча эркинлаштирилгани ва натижада иқтисодий ўсишни давлатга қарашли эмас, балки хусусий корхоналар таъминлагани; давлат*нинг иқтисодиётга аралашуви маъмурий йўл билан мажбурлашга эмас, балки кучли иқтисодий рағбатлантириш воситаларига асосланганлигидир.

Инвестиция фаолиятини бюджет томонидан молиялашнинг мавжуд тизими боқимандалик кайфиятини юзага келтиради ҳамда давлат корхоналари ва ташкилотлари учун имтиёзли шарт-шароит яратади. Бундай ҳолатга барҳам бериш учун, бизнингча, мамлакатдаги инвестиция фаолиятини молиялашнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Аввало, бюджет томонидан молиялаш ўрнига паст, имтиёзли фоиз ставкалари билан давлат томонидан молиялашга ўтилиши керак. Шунингдек, давлат бюджетидан маблағларни текинга беришдан воз кечилиши ҳамда тижорат банклари кредитларидан кенгроқ фойдаланилиши лозим. Банк кредити улуши оширилиши молиялаш натижалари учун

жавобгарликни ошириш имконини беради, чунки кредит кенгайиши муносабати билан банк рисклари даражаси ошади.

Бюджет маблағлари чекланган, улар асосан жорий эҳтиёжларга йўналтирилаётган, республикамиздаги инвесторлар ўз сармояларини ишлаб чиқаришга йўналтиришдан манфаатдор бўлмаётган шароитда инвестиция сиёсати фаоллаштирилиши, давлатнинг қулай инвестиция муҳити барпо этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиришдаги ролини ошириш талаб қилинади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг шундай тизими яратилиши лозимки, бунда инвестиция циклининг барча босқичларида – устувор йўналишларни ривожлантиришга реал молиявий маблағлар олишдан то жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача иқтисодий воситалардан фойдаланилсин.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бизнингча, яккаҳоқимликка қарши муҳит яратиш, рақобатни рағбатлантириш, кичиқ ва ўрта бизнес корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш, самарали солиқ сиёсати юритиш йўналишида бўлиши керак.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат таркибий ўзгартишларнинг қулай барқарорлигини ҳамда улар бозор механизмлари тизимида ўзаро мувофиқ бўлишини таъминлайдиган қулай шарт-шароит яратиши лозим. Бунда иқтисодиётнинг давлатга тегишли ва хусусий шўъбалари инвестиция фаолияти ишлаши ҳамда ўзини ўзи тартибга солиб туришини таъминлайдиган бозор механизми иқтисодий воситалари адекват акс эттирилиши зарур.

Ижтимоий сохада, республика ахамиятидаги согликни саклаш объектлари кўрилди ва жихозланди, кадрларни тайёрлаш давлат миллий дастурининг бажарилиши нуқтаи-назаридан лицей, коллеж ва олий укув даргохлари барпо этилди, телевидение ва радио эшиттириш тармоқларидаги объектлар қайта жихозланди, янги метро тармоқлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойихаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда хам амалга оширилади.

2.3.Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асослари.

Молия тизимини бошқариш функциясини асосан давлатлар тартиб бўйича бажаради. Бирок, охирги йилларда ривожланган давлатларда корхоналарни бу функциясини бошқасига утувчи тенденцияси яъни нодавлат корхоналарини бирлаштиручиларга утди. Айрим пайтларда хусусий секторнинг бундай корхоналари махсус ихтисослаштирилган халқаро корхоналарига айланиб колмокда, мисол; АКШ да молиявий хисоб китоблар стандарти бўйича Совет((FASB – Financial Accounting Standard Board), фонд биржалари, худди Халқаро своплар савдоси ассоциациясига ўхшаган савдо ассоциациялари, (ISDA – International Swap Dealers Association). Шуни айтиш керакки, Қонунлар билан бирга келишилган(гласный) ва

келишилмаган(негласный) тартиблар амалда қўлланилиб, бу мазкур давлат Қонунни тартибга солиш мақсадида бажариш зарур ва мажбурдир. Бунга мисол учун фонд биржасидаги брокер ва маклерларни савдосини тартига солинади.

Инвестиция фаолиятида нарх белгилаш, Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқа кафолатлар белгиланган. Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури, Инвестиция лойихалари экспертизаси, Инвестицияларни химоя қилиш, Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари, Инвестицияларнинг кўшимча кафолатлари ва химоя қилиш чоралари, Очиқ ахборотдан эркин фойдалана олиш, Инвестиция фаолияти тўгрисидаги Қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликлар белгилаб берилган.Шунингдек, Мамлакатда инвестиция фаолияти Қонунлар тизими билан, шунингдек мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муносабатларини тартибга солиш ўзагини 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, 1998 йил 30 апрелдаги “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, 1998 йил 30 апрелдаги “Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлар ташкил этади.

“Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилганидек: “Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий неъматлар ва

уларга эгалик қилиш ҳуқуқидир” (Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси).

Инвестициялар молия бозорининг категориясидир, яъни иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнидагина яшаши ва амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 1998.19 сон-б.152-159)

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 1998.19 сон. 152-159 б).

Ўзбекистон республикасининг 1993 йил 7 майдаги N 841-XII сонли «Валютани тартибга солиш тўгрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кумитасининг 2001 йил 29 март №01/06-5 сонли Қарори билан тасдикланган «Чет Эл инвесторларининг улар томонидан сотиб олаётган акция ва объектни тўлаш шакли хақидаги»ги Низом

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2002 йил 7 мартда №1108 сон билан руйхатдан утган «Инвестицион воситачилар тўғрисда» ги Низом

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1998 йил 18декабрда №569 сон билан руйхатдан утган «Хусусийлаштирилаётган корхоналар акциясини чет Эл

инвесторларига технологик жихоз жунатиш хисобига сотиш» Тартиби ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрдаги №ПП-484 сон Қарорига асосан «Ўзбекистон Республикасини йиллик инвестицион дастури хакда»ги,

Мазкур Қонун, тартиб, Низом ва Қарорлар мазкур фаолиятини тартибга солиб туриш учун дастур амал бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қонунчилик Ўзбекитон худудида инвестицион мухитни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.Жумладан:

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисидаги Қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан хам тартибга солинади.

“Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда нвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига изох берилган. Инвестиция фаолияти тўјрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборат.

Қорақалпоjистон Республикасида инвестиция фаолияти сохасидаги муносабатлар Қорақалпоjистон Республикаси қонун хужжатлари билан хам тартибга солинади.

Шунингдек ушбу Қонунда қуйидаги инвестицион фаолият билан боғлиқ асосий тушунчаларга изох берилган. Жумладан

инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар хамда уларга доир хуқуқлар;

инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан бојлиқ харакатлари мажмуи;

инвестор - ўз маблајларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблајларни, мулкий бойликларни ва уларга доир хуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир хуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

инвестиция фаолияти иштирокчиси - инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;

реинвестициялар - инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомаблаға киритиш деб изохлаб берилган.

Қонунда инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлган;

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салохиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек

номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар кириши белгилаб берилган.

Инвестицияланиши ушбу Қонун ёки бошқа қонунлар билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари, хар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлақ хуқуқи хисобланади ва қонун билан қўриқланиши кўрсатилган.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва хажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади.

Қонун хужжатларига мувофиқ инвестор инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек реинвестиция қилиш хуқуқига эга.

Қонун хужжатларида белгиланган мулк хуқуқини қўлга киритишни келтириб чиқармайдиган объектларга инвестиция киритиш инвесторнинг кейинчалик бу объектларга эгалик қилиш, уларни оператив бошқариш ёки улардан фойдаланишдан олинадиган фойда (даромадлар)да иштирок этиш хуқуқини истисно этмайди.

Инвесторнинг қарорига биноан инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш хуқуқи қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Хуқуқларни бериш пайтида тарафларнинг ўзаро муносабатлари улар тўзадиган шартномалар асосида тартибга солинади.

Инвестицион фаолият туғрисдаги Қонунда фаолият иштирокчиларини хам хуқуқлари улар билан тенг холда химояланган Жумладан:

инвестиция фаолиятининг иштирокчиси қуйидагиларга хақли:

танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;

инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тўзиш;

агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор олдидаги ўз мажбуриятини бажаришга бошқа шахсларни жалб этиш;

агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестиция фаолияти объектининг хақиқий қийматини пасайтириш натижасида эришилган тежамни мустақил равишда тасарруф этиш.

Инвесторларнинг бу хуқуқлари билан кўшимча равишда уларнинг мажбуриятлари мамлакат олдидаги мажбуриятларни бажариш кўрсатиб ўтилган. Жумладан;

Инвестор:

- инвестиция лойихаларида санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шахарсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиши;
- монополияга қарши қонун хужжатларининг талабларига риоя этиши;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши; (ЎзР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

- шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;
- махаллий давлат хоқимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг ўз ваколати доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Фаолият иштирокчисининг мажбуриятлари хам кўрсатиб берилган

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

- қонун хужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга риоя этиши;
- шартномаларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;
- шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли инвесторга етказилган зарарни қоплаши;
- махаллий давлат хоқимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг ўз ваколати доирасида қўйилган талабларини бажариши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси лицензияланиши лозим бўлган фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаган тартибда лицензия олиши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси зиммасида қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга мазкур фаолятнинг субъектларининг ўзаро муносабатлари, Инвестиция фаолиятида нарх белгилаш хамда

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш йўллари кўрсатиб берилган:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойихаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойихаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш белгилаб берилган.

Шунинг билан инвестицион фаолиятнинг асосини шакллантиришда давлатнинг асосий роли ортиб боради.Бу давлатнинг турли хил кўринишдаги таъсири ва фаолияти орқали намоён бўлади. Бунда асосий ролни инвестицион фаолият учун ахмиятли хисобланган маблағлар хисобланади. Бунда дапвлатлар мамлакатнинг инвестицион дастурини шакллантиришда 2 манба хисобига молиялаштиради. Марказлашган ва марказлашмаган маблағларни аввало шакллантиради сўнг уни мақсадли

жойлаштиради. Шунинг учун давлат мазкур инвестициияларни марказлашган ва марказлашмаган ном беради ва унинг кўриниши аник қилиб кўрсатиб беради. Жумладан:

давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағи хисобидан тўғридан-тўғри молиялаш йўли билан амалга ошириладиган инвестиция;

Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган холда амалга ошириладиган инвестиция марказлаштирилган инвестиция хисобланади.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш давлат инвестициялари мақсадлари учун объектларни, инвестициялаш шарт-шароитларини белгилашдан ва улар билан бојлиқ бошқа масалаларни хал этишдан иборат.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш махаллий давлат хоқимияти органлари ва давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Маказлашимаган инвестициялар факатгина бюджет малағларидан ташкари шакллантирилган мажбурий тўловлар хисобига амалга оширилади.

Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш, vарказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури, Инвестиция лойихалари экспертизаси,

Инвестиция фондлари, Инвестиция фаолияти субъектлари хуқуқларининг кафолатлари, Инвестицияларни химоя қилиш,

Маблаjлардан фойдаланиш кафолатлари, Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва химоя қилиш чоралари, Очиқ ахборотдан эркин фойдалана олиш, Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш, Инвестиция фаолияти тўjрисидаги қонун хужжатларини бўзганлик учун жавобгарлик, ва бошқа Низоларни хал этиш кўрсатиб берилган

2.4. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда давлат инвестиция дастурининг ўрни ва аҳамияти.

Инвестиция дастури (кейинги ўринларда дастур деб аталади) – бу Республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом-ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан Республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир - бири билан ўзаро боғланган чора – табдирлар комплексидир.

Ўзбекистонда инвестиция дастурининг устуворликларини белгилашда ва мамлакатимизга чет эл капиталини жалб этишда давлатнинг устуворлиги сақланиб келинмоқда. Биринчи босқичда (1992 – 1993 йиллар) ислоҳатлар сиёсатида кенг инвестициялар дастури ва давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет тақчиллигига олиб келди. Иккинчи босқичда (1994 – 1996 йиллар) ислоҳатлар сиёсати бюджет бошқарувини кенгайтиришга қаратилган қаттиқ молия сиёсати билан ажралиб турди. Ислоҳатларнинг учинчи

босқичида (1997 – 1999 йиллар) савдо ва валюта чеклашларининг кучайиши, очиқ валюта курсининг жорий қилиниши, молия секторини ислоҳ қилиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, импорт қатъий чеклашларнинг жорий қилиниши билан тавсифланди. Ислоҳатларнинг хозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислоҳатларини ўтказиш (солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш) қишлоқ хўжалиги ва молия секторини ислоҳ қилиш йирик корхоналарни хусусийлаштириш суъатларини жадаллаштириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва яшашга қобил давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш ҳамда зарар кўриб ишлайдиганларни тугатиш ва бошқаларни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шу билан бирга инвестиция дастури лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда 3 йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, мақбўл шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек лойиҳаларни танлаб олиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларини ва фаолият соҳаларни қўллаб қувватлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, солиқни сақлаш) биринчи навбатда, молиялаштириш;

- минерал хом-ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошлигиги даражага етказишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб қувватлаш;

- транспорт инфратўзилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- таркибий ўзгаришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тўзиш амалиётини жорий этиш;

- инвестиция лойиҳаларни инвестиция дастурининг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

- илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни, биринчи навбатда, ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўналтирилганлик, бутловчи буюмлар ва компанентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиши ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эхтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойихалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ, врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради.

Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган тартибда асосан амалга оширилади. Унга

мувофиқ инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қуйилмалар лимитлар доирасида қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора - тадбирлар хамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал хуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчи устувор йўналиш – оммавий турар жой қурилиши;

Иккинчи устувор йўналиш – замонавий коммуникация воситалари, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, транспорт ва информация тармоқларини яратиш ва модернизация қилиш;

Учинчи устувор йўналиш - юқори технологиялар. Юқори технологик ва жахон бозорларида рақобатбардош, импорт молларининг ўрнини боса оладиган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

Тўртинчи устувор йўналиш – захираларни тежовчи экологик тоза технологиялар. Минерал бойликларни ер остидан қазиб олиш ва табиий хом – ашёни тўлиқ ва комплекс қайта ишлаш учун энг янги фан – техника ютуқларидан фойдаланиш;

Бешинчи устувор йўналиш – фермерлик ва дехқон хўжаликлари тармоғи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, сотиш ва шифобахш қўшилмалари бўлган экологик ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича андозаларга амал қилган ҳолда назорат қилиш технологиясини ўзлаштириб олган қайта ишловчи ва савдо корхоналарнинг кўмаги асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш.

3.1- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастуридаги капитал қўйилмаларнинг асосий параметри (млн.сўм).

Молиялаштириш	2007 йил	Жамига нисбатан фози хисобида
Капитал қўйилмалар, жами	4997475	100
Шу жумладан:		
1. Марказлаштирилган инвестициялар:	1326241	26,5
Бюджет маблағлари	460000	

Бюджетдан ташқари фонд маблағлари	448491	
Шундан:		
- Республика йўл фонди	107476	
- Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва таъмирлаш фонди	136178	
- Болалар спортини ривожлантириш фонди	22240	
- Мактаб таълимини ривожлантириш фонди	182597	
Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	417750	
2. Марказлашмаган инвестициялар:	3671234	73,5
Корхона маблағлари	2130000	
Тижорат банклари кредитлар ва бошқа қарз маблағлари	214500	
Тўғридан – тўғри инвестициялар ва кредитлар	888734	
Аҳоли маблағлари	438000	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрдаги 484 – сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари тасдиқланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007 йил учун инвестиция дастурларига капитал қўйилмаларнинг ҳажми 4997475 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда унинг 73,5 фоизи молиялаштириш манбаларининг марказлашмаган инвестициялари ташкил этади. Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007 йил учун инвестиция дастурларига капитал қўйилмаларнинг ҳажми 4997475 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда унинг 73,5 фоизи молиялаштириш манбаларининг марказлашмаган инвестициялари ташкил этади. Бунда корхона ва аҳоли маблағлари юқори кўрсаткичларга эга. (1 - илова)

2.5.Инвестиция дастурининг таркиби ва уни шакллантириш босқичлари.

Ҳар йилги Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурининг қабул қилиниши алоҳида инвесторларнинг имкониятларини ва режаларини мувофиқлаштириш имконини беради. Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурлари инвесторлар учун ишлаб чиқариш тармоқлари ва йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида янги маълумотлар берувчи манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Инвестиция дастурининг таҳлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар хажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади.

Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда, умуман Дастурда, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаштириш манбалари ва худудлар, амалга ошириш йўллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг янги ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва худудий ўзгаришига ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиции лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, хукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Дастурнинг аниқ рўйхати қуйидагилардан иборат бўлади:

- иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат мудофа қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиёти устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан;

- хорижий инвестициялар ва хукумат кафолати остида кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

- тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

- устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимланмаган ҳолда киритилади.

Қуйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилда уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади.

- белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши;

- молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича батавсил ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бщлади.

Ҳар бир лойиха (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қуйидагилар бўлади:

- белгиланаган шаклдаги лойиҳа паспорти;

- лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;

- аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги батавсил ахборот – муҳитга таъсирини баҳолашни;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониятларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг кўламини;

- маҳсулотга талаб ҳажми ва хусусиятини;

- ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан ;

- асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;

- инвестиция ҳаражатларини миқдорини ўзига олади.

Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбўллигидан, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

- биринчи босқичда – лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

- икинчи босқичда – лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлардан келиб чиққан ҳолда, танлаб олинади.

Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз инвестицион лойиҳаларни, шунингдек, илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларни киритиш таъқиқланади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устиворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

- лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;
- молиявий ва иқтисодий самарадорлик;
- маҳаллий хом – ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;
- тайёрланган мутахассларнинг мавжудлиги;
- лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;
- ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнози мувофиқ қўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- тармоқ (минтақа) нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари;
- экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;
- тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодиёт кўрсаткичларига таъсирининг ўзгариши;
- таркибий омиллар;
- илгари қуйилган инвестициялар самарадорлиги;

- асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;

- лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Иккинчи босқичда танлаб олиш натижаларига кўра дастурга киритилган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларни бир қисми янги лойиҳаларда алмаштирилиши мумкин.

Дастурнинг йиғма рўйхатига вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республика Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар хоқимликлари, мулкчилик шаклларидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотларнинг устивор инвестиция таклифлари киритилади.

Буюртмачилар тасдиқланган инвестиция дастури асосида ваколатли банкларда молиялаштиришни расмийлаштириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурини амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларини аниқ рўйхатини аниқлаштирадилар.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларининг аниқ рўйхатлари

Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда инвесторлар (буюртмачилар) томонидан тасдиқланган.

Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари, инвесторлар (буюртмачи) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Кредит ресурсларни жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли, кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

Қурилишнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш Кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин.

Истисно ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда танлов савдолари натижаларига кўра “бошқа харажатлар” лимити ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш лимити аниқлаштирилишига йўл қўйилади.

Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тўзилади ва Дастур тасдиқланган кейин 2 ойдан кечиқтирилмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади.

Дастурдаги қурилишнинг титул рўйхати инвестор (буюртмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Қурилишнинг тасдиқланган рўйхатида капитал қўйилмалар лимитлари бунда, қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид

қилиш, лойиҳа – қидирув ишлари харажатлари ва бошқа харажатлар (пудратчи буюртмачилар харажатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллари бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

Танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган қурилиш қиймати биринчи молиявий йилда ҳаражатлар ортиши прогнозини ҳисобга олиши керак. Биринчи молиявий йилда қурилишнинг титул рўйхатида лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ишлари кўрсаткичлари аниқлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Инвестиция Дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

- Дастурни амалга оширишнинг 1 йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тўзилади;

- Дастурни амалга оширишнинг 2 йилига унга келгуси йиллар лойиҳа – қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қуришларнинг прогноз рўйхати ва дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа хужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилида танлов савдоларига қўйиладиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

3.2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш тартиби.

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлар	Маъсуллар
1 - босқич	Иқтисодиёт вазирлиги уч йиллик даврга Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритиш учун таклифларни тайёрлашга оид методик кўрсатмаларни	Апрель	Иқтисодиёт вазирлиги

	тармоқ вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республика, вилоят ва Тошкент шаҳар хоқимликларига (кейинги ўринларда буюртмачилар деб аталади) хар йили етказилади.		
2 - босқич	Буюртмачилар лойиҳалар бўйича дастлабки ахборотни тайёрлайди, уларни уч йиллик даврда амалга ошириш учун танлаб оладилар ва таклифларни иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.	Май - Июнь	Буюртмачилар
3- босқич	Иқтисодиёт Вазирлиги таклифларни кўриб чиқилади ва ўртача муддатли даврда аниқ тармоқни ривожлантириш устуворликларига мувофиқ тармоқларни танлаб оладилар.	Июнь- Июль	Иқтисодиёт вазирилигининг тармоқ бўлимлари.
4 - босқич	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, (Давархитектқурилиш) кўмитаси ва ваколатли банклар билан биргаликда инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни ўзил-кесил танлаб олади.	Август - Сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Давархитектқурилиш” қўмитаси, ваколатли банклар
5 - босқич	Инвестиция дастурининг лойихаси иқтисодиёт вазирлиги хўзуридаги бирлашган ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарорига кўра ишлаб чиқиш ва Вазирлиги Маҳкамасининг комплекслари билан келишиш учун ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига тақдим этилади.	Сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги хўзуридаги бирлашган хайъат, Вазирлар Махкамасининг комплеклари
6 – босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳаси батафсил кўриб чиқилади	Сентябрь - Октябрь	Иқтисодиёт вазирлиги
7 – босқич	Инвестиция дастурининг лойихаси тасдиқлаш учун юборилади.	Октябрь	Президент девони, Вазирлар махкамасининг тегишли департаментлари ва комплекслар
8 - босқич	Инвестиция дастурининг амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янгидан бошланадиган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилади.	Октябрь - Ноябрь	“Давархитектқурилиш ” қўмитаси, буюртмачилар
9 – босқич	Тасдиқланган инвестиция дастурига ва ўтказилган танлов савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда шартномалар тўзилади, қурилишлар-нинг аниқ ва титул рўйхатлари, келгу-си йиллар лойиҳалаш ишларининг аниқ рўйхатлари тасдиқланади.	Декабрь	Буюртмачилар, пудратчилар

. - Дастурнинг амалга оширишнинг учинчи йилида унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи

қурилишларининг прогноз рўйхати, лойиҳа хужжатлари иккинчи йилдан тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади. Ҳар бир давлат биринчи навбатда, моддий ишлаб чиқариш соҳасига мамлакат ва чет эл инвесторларини жалб қилиш учун ҳаракат қилмоғи лозим

Ушбу мақсадда муайян инвестиция дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, тегишли инвестицион муҳит яратилади.

2.6. Инвестиция дастурининг амалга оширилиши мониторинги.

Мониторинг, энг аввало, лойиҳани молиялаштиришга маблағ бериш битимига тегишли барча ҳужжатларни ва уларнинг шартлари бажарилишини, уларнинг банк-кредит сиёсатига, қабул қилинган меъёрлар ва тартибларга мувофиқлигини даврий текшириб боришни ўз ичига олади. Навбатдаги қадам қарздорнинг молиявий лаёқатини баҳолаш бўлиб, унинг балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда мижознинг молиявий – хўжалик фаолиятини тавсифловчи бошқа хужжатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Мониторингнинг яна бир муҳим томони кредитни қоплашнинг иккиламчи манбаи унинг қайтарилишининг таъминотини текшириш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда ҳар йили юзлаб лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар давлат бюджети маблағлари, ҳалқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари фондлар, банклар, чет

эллик ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштилар экан, албатта, бу маблағларининг қайтарилиши ва маълум миқдорда уларнинг фойда билан таъминланиши талаб этилади. Ушбу маблағларнинг муайян фойдаси билан қайтишлигини аниқлаш, текшириб бориш ва таҳлил қилиб туриш учун кредиторлар томонидан, шунингдек мол етказиб берувчилар, хусусан, лизинг, суғўрта компаниялари ва кафиллик берувчи ташкилотлар томонидан лойиҳаларнинг мониторинги олиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам молиялаштирилаётган барча лойиҳалар устидан мониторинг олиб боришнинг умумий тизими жорий қилинган.

Ҳар бир молиялаштирувчи ёки кредитлашни амалга оширувчи ташкилотлар ўзларининг фаолият тури ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзларига хос бўлган мониторинг ўтказиш тартибини ишлаб чиқадилар ва шу асосида фаолият юритадилар.

Мониторингнинг мазмуни “кўзгу” деган маънони англатади.

Мониторингни юритишда қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Амалга оширилмоқчи бўлган лойиҳада нима ишлаб чиқариш кўзда тутилганлиги.

2. Ишлаб чиқариш жараёнини билишлик, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиргача кўзатиб бориш.

3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.

4. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Мониторинг олиб бориш босқичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий – хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;

- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий – хўжалик ҳолатини таҳлил этиш;

- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1 - сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 – сонли “Инвестиция лойихаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдамида юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора – тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Дастурнинг давлат мониторинги:

- инвестиция лойиҳаларни ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

- лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга (техник-иқтисодий асослар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

- амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кўзатиб бориш;

- инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Мониторинг:

вазирликлар, идоралар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан – Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот – таҳлил департаментлари билан биргаликда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳоқимимликлари ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар томонидан ташаббус Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари билан биргаликда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан.

Хорижий инвенстициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан – хорижий инвестициялар иштирокидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мониторинг:

❖ инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этиладиган тасдиқланган режа – жадвалларининг бажарилиши тўғрисидаги вхбоpатларни;

❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма статистика ахборатини;

❖ Мавжуд ва потенциал хорижий инвесторлар фаолиятининг норматив – ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича уларнинг таклифларини ўрганиш асосида вақти – вақти билан тайёрланадиган инвестиция муҳити шарҳини;

❖ Манфатдор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган тезкор ахборотларни;

❖ Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан:

Тасдиқланган режа – жадваллар бажарилишини, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан зарур ишлар комплексини олиб боришнинг технологик изчиллигига риоя этилишини назорат қилиш;

Техник – иқтисодий асослашларининг асосий қоидаларини кўриб чиқиш, лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги юзасидан умумий қарорлар қабул қилиш;

Алоҳида йирик лойиҳалар, шу жумладан техник – иқтисодий асослашлар кўрсаткичларига нисбатан лойиҳаларнинг қимматлашиши ёки арзонланишиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда базавий лойиҳалаштиришни тасдиқлаш;

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига ажратиладиган маблағларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, Хукумат кафолати остида жалб этиладиган қарз маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши таъминланишини назорат қилиш;

Манфаатдор вазирликлар ва буюртмачи идоралар томонидан ишлаб чиқилган эхтиёт қисмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб бориши бўйича маркетинг дастурларини экспертизадан ўтказиш;

Айрим стратегик муҳим ва йирик лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари, қурилиши амалдаги қонун ҳужжатлари бўзилган ҳолда амалга оширилатган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш, шунингдек инвестиция дастури бажарилиши барбод бўлишига йўл қўювчи вазирлар ва идоралар, корхоналар ва буюртмачи ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида рўёбга чиқаришга кўмаклашуви бошқа асосий масаларни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва ваколатли банклардан олинган маълумотлар асосида инвестиция дастурининг амалга оширилиши тўғрисида йиғма ахборот тайёрлайди, хусусан,

инвестициялашдан олдинги тадқиқотларнинг ўз вақтида ўтказилиши, техник – иқтисодий асослашлар ва лойҳа – смета хужжатларининг ишлаб чиқилиши тўғрисидагида инвестиция лойиҳа – смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида инвестиция лойиҳалари ташаббускорларида олинган ахборот;

Техник – иқтисодий асослашлар ва лойиҳа – смета хужжатлари ваколатли экспертиза органлари томонидан экспертиза қилинганлиги тўғрисидаги ахборот тайёрлайди.

Дастурнинг мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга дастурни шакллантиришда фойданилади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Инвестиция фаолият, унинг мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.
2. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар.

3. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асослари, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмуни ва моҳияти.

4. Инвестиция дастурининг мазмуни, асосий мақсади ва тамойиллари, шаклантириш тартиби ва муддатлари, муҳим инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати

5. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда давлат инвестиция дастурининг ўрни ва аҳамияти.

6. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш.

7. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар. Инвестиция муҳитини баҳолаш, унда инвестицион салохият ўрни.

8. Инвестиция муҳитини шакллантиришда меъёрий-хуқуқий тизим.

9. Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб бориш вазифалари.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тугрисида”ги қонуни. 1998 йил 24 декабр (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси). 1999-1 сон, 10-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тугрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1998.19 сон-б.152-159)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари

тугрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1998.19 сон. 152-159 б).

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” .Тошкент;- «Ўзбекистон»- 2011.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Тошкент –« Ўзбекистон»- 2011

6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир”,Тошкент –« Ўзбекистон»- 2011.

7. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. – Т.: 2005 й. 11 апрель.

8. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2003 й. 332 бет.

9. Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султонов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод – молия”, 2006 й. 380 бет.

10. Фабоци Ф. Управление инвестициями. – М.: Учеб. Пособие для вузов. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2003.

11. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия: – М.: Учеб. Пособие для вузов. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2003. 158 стр.

12. Рашидов О.Ю., Қурбонов Х.А., Карлибаева Р.Х.. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005й. 128 бет.

3 боб. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари

РЕЖА

1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркиби.

2. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш.

3. Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда корхоналарни ўз маблағлари ва уларни амалга ошириш тартиби.

4. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва уларни йўналтириш соҳалари ва уларни амалга ошириш тартиби.

5. Жалб этилган маблағлар эвазига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

6. Қимматли қоғозларни жойлаштириш эвазига молиялаштириш манбаларини шакллантириш.

7. Инвестициялаш манбаларини шакллантиришда капитал ва ссуда бозорларининг роли.

8. Инвестиция фаолиятини қарз маблағлари эвазига молиялаштириш

9. Инвестиция фаолиятини узоқ муддатли кредитлаш.

10. Инвестиция фаолиятида ипотека кредити.

11. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари.

12. Кредит баҳоси, фоиз сиёсати. Асосий қарз ва унга тўланадиган фоизни ундириш тартиби.

13. Кредитдан фойдаланиши устидан банк назорати.

14. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари.

15. Акциядорлик капитали ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

16. Облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

17. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.

18. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш хусусиятлари.

19. Инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг механизми

Таянч иборалар: Инвестиция, фаолият, манба, шахсий манбалар, ялпи соф фойда, корхонани молия ресурслари , чет эл инвестицияси, банк кредитлари , заём маблағлари, эмиссия. ўз маблағлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, жалб қилинган маблағ, қимматли қоғозларга қўйиш, капитал, ссуда бозори, кредитга лаёқатлилик, инвестицион жозибадорлик, кредит бахоси, фоиз сиёсати, лойихавий молиялаштириш, молиявий воситалар, назорат, синдикат, венчур, лизинг.

3.1.Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркиби.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар,

иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);

- муалллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомаблаға, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Давлат мулкини хусусийлаштириш туфайли мамлакат миқёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади.

3.2.Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш.

Иқтисодий таркибнинг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғликдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотлар стратегиясининг муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қурилишининг белгиланган йўналишлари экспорт имкониятининг кенгайтирилишига, бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, шу жумладан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш хисобига амалга оширилади.

Умумий ҳисобга олганда, реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари қуйидаги шаклларга бўлинади:

1. инвесторнинг ўз молиявий ресурслари;
2. инвесторнинг қарзга олган маблағлари;
3. инвесторни жалб қилган молиявий ресурслари;
4. давлат бюджети маблағлари, (шу жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари);
5. чет эл инвестициялари ва кредитлари;
6. Ноанаъвий молиялаштириш. (синдикатли кредитлаш, селенг, венчурли молиялаштириш ва бошқалар).

Капитал молиялаштириш манбаларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) марказлаштирилган қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети ва давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
- ташқи қарзлар лимитларидан келиб чиқиб ҳукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари.

б) марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхоналар маблағлари, шу жумладан, қўшма корхоналар, хорижий корхоналар ва хусусий корхоналарнинг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентларининг маблағлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маблағлари, банкларнинг, шу жумладан, хорижий банкларнинг кредитлари;

- аҳоли маблағлари.

Реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири хисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуйидаги манбалар хисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амартизация ажратмалари, махсус заҳира фондлари);
2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар);
3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари);
4. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).
5. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси, қўшма корхоналар кўринишида);
6. Лизинг ва селенг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарига ёки интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тушинилади).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шаклларини таҳлил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

3.3.Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда корхоналарни ўз маблағлари ва уларни амалга ошириш тартиби.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари хисобланади**.** Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаяди. Бундан ташқари ижобий томонлари ҳам мавжуд. Хусусан ўз-ўзини молиялаштириш корхонани ривожланганлиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корхоналарда бундай имконят бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу, асосан, соф фойда ва амартизация ажратмаси хисобланади.

а) *"Фойда инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида".*

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг асосий мақсади, бу максимал фойда олишдир. У корхона фаолиятининг асосий молиявий натижаси хисобланади.

Корхонанинг баланс фойдаси (Фб) қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

Фб= Фс+Фм+(Дб-Хб) (5.1)

Бу ерда, Фс-маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган фойда, Фм-корхона мулкини сотишдан тушган фойда Дб.-бошқа операциялардан тушган даромад, Хб.-бошқа операциялар бўйича харажатлар.

Ялпи фойда-фойда солиғи олиш учун солиқ тўланадиган база хисобланади. Корхонани ўз ихтиёрида қоладиган фойда, яъни соф фойда (Фс) қизиқтиради ва қуйидагича тенг бўлади:

$$\text{Фс}=\text{Фб}-\text{Сф} \qquad (5.2)$$

Бу ерда, Фб-баланс фойда

Сф-фойда солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар. Замонавий шароитида корхона ўз ихтиёрида қоладиган фойдани ўзи мустақил тақсимлайди ва бу ерда шундай савол келиб чиқади, бу фойдани қандай қилиб энг самарали тақсимлаш мумкин? Уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга: уй-жой, дам олиш уйи, боғча ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларни қуришга; агар акционерлик жамияти бўлса дивидент тўлашга; хайрия мақсадларига ва бошқаларга йўналтирилиши мумкин. Фойдадан самарали фойдаланиш учун корхонанинг айни вақтдаги ва истиқболдаги техник ҳолатини ва корхона жамоасини ижтимоий ҳолатини яхши билиш лозим.

Агар корхона ишчилари ижтимой соҳада, шу жумладан иш ҳақи даражаси бўйича, бошқа корхоналарга нисбатан яхшироқ

таъминланган бўлса, бу ҳолда фойда биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар корхонанинг техник ривожланиш даражаси паст бўлиб, бу корхонанинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, корхонани банкротликка олиб келса, бундай ҳолда, фойдани корхонани ривожлантириш учун йўналтириш лозим. Шундай қилиб, корхона фойдаси унинг иқтисодий ва ижтимоий даражасига асосланган ҳолда тақсимланиши лозим.

Корхонада ушбу муҳим қоидага амал қилишлари лозим-«фойда корхонанинг истиқболда ривожлантиришини амалга оширишга туртки бериши лозим». Шундай қоида борки, ишлаб чиқаришни ривожланиши, охир оқибатда корхона даромади ҳажмини ўсишига олиб келади, бу эса келажакда корхона жамоасини ижтимой муаммоларини ҳал бўлишига ва корхона инвестиция имкониятларини кенгайишига олиб келади.

б) *«Амортизация ажратмалари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида»*

Амортизация - асосий воситаларни ва номоддий активларни норматив хизмати муддати давомида қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ўтказиб бориш жараёнидир.

Асосий воситалар таркибига хизмат муддати бир йилдан кам бўлмаган, қиймати 50 минимал маошдан юқори бўлган ва ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига аста секинлик билан ўтказиб борадиган ишлаб чиқариш воситалар киради. Улар:

бино, иншоот, асбоб- ускуна, машина, транспорт воситалари, ўлчовчи ускуналар ва ҳ.к.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ҳам жисмонан, ҳам маънавий эскиради. Объектлар қиймати ҳисобланган амортизация ажратмалари ҳисобидан қопланади.

Амортизация ажратмалари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар қайта ишлаб чиқаришни (яъни такрор ишлаб чиқариш) ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мўлжалланган бўлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида амортизация корхонанинг инвестиция эҳтиёжини 70-80%ини қондиради. Мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиши билан амортизация ажратмаларини инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти ҳам ўсди. Бу биринчи навбатда, асосий фондларнинг тез-тез қайта баҳоланиши ва кўп корхоналарнинг зарарга ишлаётганлиги билан боғлиқ.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида бошқаларига нисбатан устунлик томони шундаки, корхонанинг ҳар қандай молиявий холатида, бу манба ўз ўрнига эга бўлади ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Рақобат жараёни, асосий фондларни янгилаб туришни талаб этади, бу эса келгусидаги инвестициялар учун жадаллаштирилган амортизация ажратмаларини ҳисоблашни тақозо этади. Лекин, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жадаллаштирилган амортизация усулини қўллаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, интенсив тарздаги қайта ишлаб чиқариш амалга оширилади.

Бунинг натижасида амартизация ажратмалари, ўзи алоҳида бир шаклни ташкил қилади. Бошқа қилиб айтганда, кенгаяди ва инвестициялаш учун олдингисига нисбатан барқарор молиявий базага айланади. Шундай қилиб, амортизация ажратмалари корхонанинг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи муҳим воситага айланади.

в)*Корхонанинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички молиявий ресурслари бўлиб қуйидагилар хисобланади:*

-хўжалик усулида бажарилган қурилиш-монтаж ишларидан келган фойда (қилинган иқтисод);

-асосий воситаларни ликвидация қилинган вақтда олинган яроқли материаллар;

-айланма маблағларнинг айланишини тезлашиши хисобига, муомиладан бўшатилган айланма маблағларнинг бир қисми;

-корхонанинг ўзида ташкил қилинган махсус резерв фондлари ва бошқалар.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда шуни ҳисобга олиш лозимки, ишлаб чиқарилган маҳсулот реализациясидан, солиқлар айириб ташланади. Аммо, бу ҳисобланган солиқлар, амортизация ажратмалари сингари маълум муддат корхона оборотида қўшимча ишлатилиши ва вақтинча молиявий ресурс бўлиши мумкин.

г) *Агар корхона инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблағларни қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин.* Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг

тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасини пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозори, пул маблағларига эҳтиёжи бўлган тармоқларга (корхоналарга) пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

3.4.Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва уларни йўналтириш соҳалари ва уларни амалга ошириш тартиби.

Давлатнинг инвестиция фаолияти, давлатни ўзининг функцияларини бажариш жараёнида вужудга келади, яъни, иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ислоҳотчилик, экологик, ижтимоий ва бошқалар. Инвестиция фаолияти орқали давлат иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилишига реал таъсир кўрсатади, халқ хўжалиги самарадорлигини ўсишини, алоҳида тармоқ ва ҳудудларни ривожланишидаги тўсқинликларни йўқ қилишни, ягона иқтисодий ҳудудни сақлаб қолишни таъминлайди.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлатнинг марказлаштирилган капитал қуйилмалари фақат қуйидагиларга ажратилади;

- республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

- эгасининг номи кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича уй-жой қурилишига;

- аҳоли яшайдиган жойларнинг, биринчи навбатда, якка тартибда қурилган уй-жой мавзеларининг муҳандислик инфратўзилмасини ривожлантиришга;

- янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни тиклашга, сув хўжалиги қурилиши ва кичиқ гидроэнергетикани ривожлантиришга;

- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий инфратўзилмасининг бошқа тармоқлари объектларини қурилишига;

- давлат бошқаруви органлари, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат илмий муассасаларининг моддий техника базасини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга;

- умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоатларини қуришга.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилдиган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари қуйидагилар ҳисобига белгиланади:

- давлат бюджети ва давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантириш чоғида ва йиғма бюджет таркибида тасдиқланади. Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий

инвестициялар ва кредитлар эса, алоҳида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосида тасдиқланади.

Бюджет орқали молиялаштиришнинг бир қатор тамойиллари мавжуд: -энг кам ҳаражат қилиб, энг юқори иқтисодий ва ижтимоий самара олиш;

-бюджет ресурсларидан мақсадли характерда фойдаланиш;

-бюджет маблағларини қурилиш ва пудрат ташкилотларига режани бажариш чегараси ва илгари берилган ассигнацияларни ҳисобга олган ҳолда бериш.

Демак, бюджет маблағлари мос лойиҳа юқори натижани таъминласагина берилиши лозим.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган ҳар қандай инвестицион лойиҳани иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш, барча иштирокчиларни манфаатларини ифодаловчи турли хил мезонлар ва кўрсаткичлар тизими асосида бажарилади. Давлат учун бу мезонлар сифатида макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланади: ЯИМ, СИМ ва МД нинг ўсиши; корхона учун фойданинг ўсиши: аҳоли учун квартира ва бошқа ижтимоий характердаги хизматларнинг нархини пасайишидир.

Умуман барча молиялаштириш манбаларини қуйидаги иккита гуруҳга ажратиш қабул қилинган: марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган. Марказлаштирилган маблағларга одатда Республика бюджети, маҳаллий бюджет маблағлари таълуқлидир. Марказлашмаган маблағларга корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, аҳоли маблағлари инвидиуал қурувчилар маблағлари,

банк кредитлари ва чет эл инвестициялари киради (агар давлат кафолат остида бўлмаса).

Республикамиз инвестиция сиёсатининг амалий хусусияти тадбиркорлик тизилмаларини молиялаштириш улушида бюджет маблағларини камайтириш ҳамда корхонанинг ўзини молия бозори институтлари ва инструментлари ҳисобига бўладиган инвестиция ресурсларини жалб қилишга ундаш ва уларни бу бўйича фаоллаштиришдир.

2000 йилларнинг бошларида бюджет маблағлари ҳисобига алоҳида инвестицияларни молиялаштиришга принципиал янгича қадам қўйилди, бунда

а) инвестиция лойиҳаси нуфўзи ва иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиб молиялаштириш учун инвестиция лойиҳалари саралаш танловини ўтказиш;

б) маблағларни қайтми ёки қайтмаслик асосларини баҳолаш;

в) инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда давлат улушини баҳолаш;

г) инвестицияларни давлат бюджети ҳисобига молиялаштирадиган корхоналар учун махсус тўзилмани яратиш.

Ҳозирда бюджет маблағларни иложи борича инвестиция дастурига кирган ижтимоий соҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилиш бирламчи саналмоқда.

Инвестицион жараёнларнинг ривожланишига давлат таъсирининг камайиши ва ишлаб чиқарувчиларига солиқ юкини қисқартиришга йўналтирилган солиқ- бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича давлат томонидан қўлланилаётган чора –тадбирлар ва корхоналар

молиявий барқарорлигининг ортиши натижасида марказлаштирилган маблағлар ҳажмининг қисқаришига олиб келди.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган капитал қўйилмалар лимитлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ҳамда консодиялашган бюджет таркибида тасдиқланади.

Давлат бюджети умумдавлат пул маблағлари фондининг иқтисодий ташкил топишининг асоси бўлиб, у жамиятнинг умумий пул маблағлари фондлари тизимида асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, у ишлаб чиқаришнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг мазмуни ва таркибини аниқлайди ҳамда ишлаб чиқариш ривожланишидаги зарурий тангликларини ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашга замин яратади.

3.5. Жалб этилган маблағлар эвазига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Ўзбекистон иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилиш учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий хоқимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегариб қўйиш;

- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;

- солиқларни камайтириш ва солиқ тўзилмасини соддалаштириш;

- хорижий инвестицияларни суғўрталашнинг самарали механизмини яратиш;

- ииқтисдиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индувидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

- биржа бозорида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

2007 йилнинг 14 мартидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник – технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақабатбардош, эскпортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор

замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора – тадбирларлар тўғрисида” ги Фармони қабул қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг қабул қилинишиши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модерназация қилишни кучайтириш йўлидаги навбатдаги амалий қадам бўлди. Фармонда қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

- хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш хуқуқи берилган;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод қилинган;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичиқ корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган холда солиқ имтиёзлари жорий этилган;

- технологик жихозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади:

1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

2) маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайяан даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинмоқда.

3.6.Қимматли қоғозларни жойлаштириш эвазига молиялаштириш манбаларини шакллантириш.

Агар корхона инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблағларни қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасини пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозори, пул маблағларига эҳтиёжи бўлган тармоқларга (корхоналарга) пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Акция - бу корхона мулкига акционерларнинг қўшган хиссасини тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивидент шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Акционерлик капиталини шакллантиришда икки хил акция эмиссия қилинади: оддий ва имтиёзли акциялар.

Оддий акция — акционерлик жамиятини бошқаришни ҳуқуқини беради (акционерларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивиденд олиш хуқуқи, жамиятни ликвидация қилаётганда акциялар қийматига тенг миқдорда корхона мулкини олиш). Барча оддий акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Имтиёзли акциялар овоз бериш хуқуқига эга бўлмайди, лекин унинг афзаллик томони шундаки, у акционерга олдиндан маълум бўлган, қатъий белгиланган фоиз бўйича даромад билан таъминланган бўлади. Даромад ҳажми акционарлик жамияти фаолият натижасига боғлиқ бўлмайди. Акционерлик жамиятлари очиқ ёки ёпиқ турдаги жамиятларга бўлинади. Очиқ турдаги акционерлик

жамиятлари ўз акцияларини барча хоҳловчиларига ҳам, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари фақат ўз ишчиларига сотиши мумкин. Мулкчиликнинг акционерлик шаклида корхонанинг хўжалик фаолияти натижаси учун акционерларнинг жавобгарлик маъсулияти ошади. Ишчиларнинг бўш пул маблағларини акцияларга жойлаштириши, уларнинг маблағларини инфляциядан ҳимояласа, бошқа томондан ишлаб чиқариш натижаси учун маъсулиятини оширади. Чунки ўзи бундан манфаатдор бўлади. Банк кредити учун албатта фоиз тўланиши шарт, корхонанинг молиявий натижасидан қатъий назар (фойда кўрдими ёки зарар). Акциялар (оддий акция) учун корхона фаолияти натижасига қараб акционерларга дивидент тўланади. Корхона зарар кўрса, дивидент тўламайди. Акционерлар йиғилиши қарорига биноан, ҳисобот йилида дивидентлар тўланмасдан корхона фаолиятини кенгайтиришга ёки бирор инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун йўналтирилиши мумкин. Бундан ташқари акционерлик жамияти устидан давлат ва акционерларнинг назорат сифати ошади. Қимматли қоғозлар орқали зарур маблағлар банк кредитига нисбатан кўпроқ тўпланади. Акционерлик капитали нафақат пул шаклида, балки, техника, технологиялар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштиришнинг қимматли қоғозлар эмиссия қилиш шаклининг ижобий томони шундаки, инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун асосий зарур молиявий ресурслар ёки бошқа ресурслар лойиҳани амалга оширишдан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида келиб тушади.

Корхоналар ўз инвестиция фаолиятини жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди, хусусан, “юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди ”.[26]

Акциядан ташқари корхона облигация чиқариш йўли билан маблағларни жалб этади.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риск камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса корхонага зарур маблағларни бир мунча қисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан риски камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидентга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан қулайроқдир. Чунки фойда миқдорига қараб, дивидентни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

Аҳоли оддий акцияга нисбатан имтиёзли акция олишга қизиқади. Шундай экан, корхона имтиёзли акцияларини оддий акцияларга нисбатан тезроқ сота олади. Лекин имтиёзли акциялар номинал қиймати, жамият устав капиталини 20% идан ошмаслиги керак.

[26] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (1997 йил 24 апрелда қабул қилинган) . 16 модда, тўлдирилган 4-қисм, 2007 йил 23 июль. № ЎРҚ – 104.

Айрим ҳолларда, акциянерлик капитали фақатгина бошланғич капитал қўйилмаларни қоплабгина қолмай, яна корхонанинг соф айланма маблағларга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини қоплайди. Бу ҳолат одатда, корхонанинг молиявий ресурсларни фақат юқори фоиз остида олиш мумкин бўлган шароитдагина юз беради. Бу вазиятда депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари ҳам жуда юқори бўлади, шунинг учун, корхона етарли ресурсларни ташкил қилиш учун инвестицион лойиҳа юқори даромадлиги ва ўзига жалб қилувчи бўлиши керак. Бошқа ҳолатларга нисбатан арзонроқ қарз ёки муддатли кредитлар олиш мумкин бўлган ҳолатда, лойиҳаларни ссудалар ёрдамида молиялаштиришга интилиш ўсади.

Ҳар қандай ҳолатда узоқ муддатли қарзлар ва акционер капитали ўртасида баланс тутиб туриш лозим. Қанчалик акционер капитали ҳиссаси юқори бўлиб, шунчалик қарз мажбуриятилари хиссаси кам бўлса, солиқ тўлагунга қадар фойда шунчалик юқори бўлади. Молиялаштиришда қарз мажбуриятлари ҳиссаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик, мажбуриятлар бўйича фоиз тўловлари юқори бўлади.Ўзбекистон Республикасининг 23 июль 2007 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ: “Корхоналарнинг облигациялари” деган сўзлар “Корпоратив облигациялар” деган сўзлар билан алмаштирилди (Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Қонуннинг 5 – моддаси).

Корпоратив облигацияларни фақат очиқ акциядорлик жамиятлари аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан

тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида чиқаришлари мумкин.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.[27]

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли хил шаклларининг оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

- акционерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси – жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир. Молиявий бозорларсиз корхоналар ўз маблағларига таянишга мажбур бўлар эдилар, бу эса уни

3.7.Инвестициялаш манбаларини шакллантиришда капитал ва ссуда бозорларининг роли.

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли хил шаклларининг оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

[27] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Т.: 2007 й 23 июль № ЎРҚ – 104.

- акционерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси – жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир. Молиявий бозорларсиз корхоналар ўз маблағларига таянишга мажбур булар эдилар, бу эса уни ривожланишини кескин чегаралиб қўяди.

в) *Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, суғўрта компанияларидан олинган қарзлар ёки бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади.*

Ушбу, молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрда ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона, ташкилотлар учун эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, акционер капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори риск билан боғлиқ бўлиб, кредит олишда корхона уни қайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар

билан таъминланмаган бўлиши мумкин, бундай шартларни янги корхона бажармаслиги сабабли, акционерлик капиталидан фойдаланадилар. Ликвидлик билан боғлиқ бундай вазиятларда янги корхона қийин вазиятларга тушиб қолади. Лойиҳа яхши баҳоланганда, ҳам, яхши техник асосланганда ҳам банклар юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин. Акционер капитали эса бундай муаммолар келтириб чиқармайди, аммо уни йиғиш анча мураккаб вазифадир, банк кредитлари эса бундан мустаснодир.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шарти, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит олмоқчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинадиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш мақсадида тижорат, банк ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли хил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий

институтларининг узоқ муддатли кредитлари хисобига амалга оширилади.

3.8.Инвестиция фаолиятини қарз маблағлари эвазига молиялаштириш

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида қарз маблағлар ролининг ошиши, асосан, чет эл кредитларининг кўпайиши ҳисобига юз берди. Чет эл кредитлари салмоғининг юқорилиги чет эл кредитлари бўйича давлат кафолатларнинг мавжудлиги ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги билан изоҳланади. Ҳукумат кафолатлари билан олинаётган чет эл кредитлари ҳиссасининг кўтарилиши банклар томонидан катта эҳтиёткорлик билан валюта кредитларининг қайтарилмаслик рискларини кун тартибига қўяди ва ҳисобга олишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида инвестиция лойиҳаларини батафсил таҳлилини ва экспертизасини ўтказишда, инвестиция қарорларини қабул қилишда, халқаро молия институтлари ва чет эллик инвесторларнинг қарз маблағларидан фойдаланишда банкларнинг масъулиятини ғоят кўтаришни талаб қилади.

Ушбу, молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрда ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш

фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шарти, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит олмоқчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинадиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш мақсадида тижорат, банк ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли хил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий институтларининг узоқ муддатли кредитлари.

Банк томонидан олинадиган фоизлар бериладиган кредитнинг ҳажми, муддати унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг риск даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференцияллашади. Ҳозирги вақтда инвесторлар тез қайтиш берувчи тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб қилмоқдалар.

Кредитлар, кредитлаш муддатига кўра қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан юқори) турларга бўлинади. Корхонанинг асосий фондлари учун олинган узоқ муддатли кредитларни одатда инвестиция деб аташади. Узоқ муддатли кредитларнинг объектив зарурлиги корхонани ишлаб чиқаришини кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан шу шароитда кредит муносабатларида узоқ муддатлилик характери вужудга келади. Бу қарздорга ўз маблағларини ўз муомаласидан олишга (оборотидан олишга) нисбатан, бир мунча қисқароқ вақтда пул маблағларини олиш имкониятини беради. Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг кредит усулининг афзаллик томони маблағларни қайтаришлик билан боғликдир. Бу капитал қўйилмаларни ҳақиқий қопланиши ва кредитни қайтарилишини назаратини кучайтиради. Бу эса ўз-ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ҳозирда реал иқтисодиётда инвестициялар даромадлилик даражаси банк фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлган, савдо кредит ва воситачилик операцияларини кредитлаш билан чегараланиб қолмоқда.

3.9. Инвестиция фаолиятини узоқ муддатли кредитлаш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлашни ташкил қилиш тартиби тижорат банкларининг ички кредит сиёсати, Ўзбекистон Республикаси “Марказий банк тўғрисида”, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунларга, Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар

тўғрисида” ги Низоми ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ муддатли кредитлаш жараёнларини тартибга солади.

Ҳозирги кунда кўпгина тижорат банклари узоқ муддатли кредитлаш жараёнини ўзларининг ички кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мустақил амалга оширадилар.

Узоқ муддатли кредитлар - ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган объектларни, қурилиш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлашга оид ҳаражатлар билан боғлиқ капитал қўйилмаларни молиялаш, техника, технологиялар ва ускуналарни ҳарид қилиш, асосий чорва, кўп йиллик ўсимликларни шакллантириш, шунингдек, бошқа инвестиция мақсадлари учун мўлжалланган кредитлардир.

Узоқ муддатли кредит - 1 йилдан ортиқ, бироқ қоплаш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга бериладиган ссудалардир.

Узоқ муддатли кредитлар билан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, юридик шахсни ҳосил қилмаган деҳқон хўжаликлари таъминланадилар.

Кредитлаш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши чоғида ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган объектларнинг, шунингдек қуйидаги объектларнинг қурилиши, реконструкциялаш ва техник қайта жиҳозлаш объектлари қабул қилиниши мумкин:

- амалдаги тартибга мувофиқ келишилган экспертиза қилинган ва тасдиқланган, лойиҳалаш-смета ҳужжатлари асосида белгиланган

тартибда тасдиқлар билан таъминланган;

- қурилиш барча турларининг, унинг мулкчилик усули ва шаклларидан қатъий назар, юритилишига оид Давқўмархитектқурилиш қўмитаси назорати ёки унинг маҳаллий инспекцияларининг ёзма рухсатномаси бўлган ҳолларда;
- технологик ускуналар ва хом ашёнинг етказиб берилишига оид шартномалар билан таъминланган;
- давлат экология экспертизасининг хулосаси;
- шартнома баҳолар ведмости;
- қурилиш учун ажратилган ҳудудга шартнома;
- инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда пудрат ишларига оид контрактлари билан таъминланган;
- қарз олувчи томонидан тақдим этилган иқтисодий қоплашга оид ҳисоб-китобларнинг банк экспертизаси билан таъминланган объектлар.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон Қарорида (тегишли иловалари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги Фармонида шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 15 ноябрь 2005 йилдаги 251 – сонли Қарорида назарда тутилган барча меъёрий-ҳуқуқий талаблар ҳисобга олиниши зарур.

Кредитланаётган объект қийматининг камида 30 % и ўз ёки бошқа хил молиялаш манбалари билан таъминланган қурилиш объектларини кредитлаш учун тавсия этилади, лекин амалиётда муҳим инвестиция лойиҳалари учун истисно тариқасида бу меъёрдан паст бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарори бўйича Молия вазирлиги кафолати остида, шунингдек бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитланадиган объектлар бундан мустасно.

Объектларнинг қурилишига оид кредитлар хўжалик юритувчи субъектда тугалланмаган қурилишдаги ишга туширишнинг муддати кечиқтирилган ва илгари берилган ссудалар бўйича муддати кечиқтирилган қарзга оид шунга ўхшаш кредитланадиган объектлар мавжуд бўлмаган ҳоллардагина берилиши мумкин.

Банклар ушбу қоидалар доирасида кредит ресурслари ёки қарз (заём) маблағларидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаган ҳолда қарз олувчилар билан муносабатларини тартибга соладилар, шунингдек, кредитлаш объектининг, кредит ёрдамида амалга оширувчи тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш билан боғлиқ барча масалаларини мустақил равишда ҳал этадилар.

Узоқ муддатли кредитнинг қайтарилишини таъминлашнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳукумат кафолатлари;
- мол-мулк гарови;
- банклар, бошқа кредит муассасалари ва суғўрта ташкилотларининг кафолатлари;
- учинчи шахслар кафиллиги;
- қонунчиликка мувофиқ фаолият юритувчи суғўрта компаниялари томонидан берилган суғўрта полиси (гувоҳномаси) билан тасдиқланган кредитнинг қарз олувчи томонидан сундирилмаслиги (риск) хатарининг суғўрта қилиниши.

Кредитни расмийлаштириш жараёни ўз ичига:

а) кредит олишга оид буюртманоманинг кўриб чиқилиши ва бўлғуси қарз олувчининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мақсадида унинг ўрганилишини;

б) қарз олувчининг молиявий ҳолати таҳлилини ва кредитга баҳолашни;

в) кредитланаётган лойиҳанинг комплекс экспертизасининг ўтказилишини;

г) кредит шартномасини расмийлаштириш ва тўзишни олади.

Бунда:

- (а) ва (б) бандларида кўрсатилган кредит буюртманомасини кўриб чиқиш муддати банк қарз олувчига кредит буюртманомасига ёзма хулоса берадиган 5 банк иш кунидан ошмаслиги керак;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит сўраб тақдим этилган ҳужжатлар тўплами ва аризалари туман банк бўлимлари кредит комиссияси томонидан аризалар келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан ошмаган, вилоят кредит комиссияси томонидан 15 кундан ошмаган муддатда ва Марказий идора кредит кўмитаси томонидан 30 кун давомида кўриб чиқилиб, кредит бериш ёки бермаслиги тўғрисида ёзма равишда хулоса беришлари лозим бўлади. (кичиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларига ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий хужжатлари асосида кўриб чиқиш муддати ўрнатилган инвестийия лойиҳалари бундан мустасно).

Кредитни расмийлаштириш тартиби кредит олишга оид буюртманомани кўриб чиқишдан бошланади. Кредит буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- қарз олувчи тўғрисидаги маълумотлар (ташкилий-ҳуқуқий шакл,

муассислар фаолиятининг асосий тури ва ҳ. к.);

- сўралаётган сумма ссуданинг белгиланиши ва лойиҳанинг мақсади;
- кредит бериш муддати;
- актив суммаси билан сўраб олинадиган кредит суммаларининг ўзаро мувофиқлиги;
- кредитлаш объектининг қоплаш муддати;
- кредит ва унга оид фоизларни ҳисоблаш ва сундириш муддатлари;
- агар кредит қимматликлар гарови остида берилаётган бўлса, кредитни таъминлаш сифатида гаровга қўйилаётган қимматликлар тўғрисидаги маълумотлар;
- корхонанинг қарз маблағлари тўғрисидаги маълумотлар;
- корхонанинг бошқа банкларда очилган банк ҳисоб рақамлари хақидаги маълумотлар,
- корхонанинг бошқа корхоналарнинг капиталида қатнашиш ҳақида маълумотлар.

Агар молиявий ҳолат, кредитланаётган лойиҳанинг кредитга қобиллигини баҳолаш ва комплекс экспертиза қилинишини ўтказишни баҳолашни таҳлил қилиниши учун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган объектларнинг қурилиши, қайта таъмирланиши ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланиш кредитлаш объекти бўлиб ҳисобланса, қарз олувчи банкка қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1) белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг техник иқтисодий асосланмаси ва лойиҳалаш смета ҳужжатлари;

2) қурилиш қийматининг йиғма молиявий смета ҳисоб-

китоблари;

3) қурилишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган, йиллар бўйича бўлиб юборилган ҳолдаги манзиллар рўйхати;

4) бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб шакллари кўрсатилган ҳолдаги жами қурилиш даврига бўлган пудрат шартномалари;

5) техник ускунани етказиб беришга оид контрак лойиҳаси;

6) Давқумархитектқурилиш қўмитаси назорат экспертизаси хулосаси ва лойиҳалаш хужжатлари бўйича давлат экологик экспертизаси хулосаси;

7) қарз олувчининг сўнгги 3 йил учун, унинг кредитга қобиллигини аниқлаб олиш учун (юридик шахслар учун) молиявий ҳисоботлари (молиявий ҳисоботнинг 1, 2, 2"а", 3, 4, 5 сон шакллари), кредитнинг таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, объект жойлашган ер участкасига бўлган хуқуқини тасдиқловчи, янгидан бошланаётган қурилиш бўйича қурилиш ишларига маҳаллий ҳоқимият органлари рухсат беришига оид ҳужжатлар;

8) зарурат туғилганда банк инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини ва қарз олувчини тўловга қобиллигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин.

Бунда қарз олувчининг кредитга қобиллиги тўғрисидаги хулоса банкнинг тегишли бўлинмаси томонидан корхона молиявий ҳисоботини кўриб чиқиш йўли орқали энг камида сўнгги 3 йил учун бўлган даврдаги асосий молиявий кўрсаткичларнинг таҳлил этиш асосида берилади.

Кредитланаётган лойиҳанинг комплекс экспертизаси қарз олувчи томонидан тақдим этилган қуйидаги маълумотлар таҳлилига асосланади:

- техник экспертиза ўтказишдаги, яъни лойиҳада фойдаланиладиган ускуналар, асбоблар, ва шу кабилар технологиялари ва техник тавсифларини ўрганилиши;
- маркетинг тадқиқотлари ва ахборот таъминотининг ўтказилиши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг ўрганилиши, рақобатчилар ва лойиҳа маҳсулотининг ҳаракатланиш омилларини таҳлил қилиниши;
- молиявий иқтисодий экспертиза ўтказилиши, лойиҳанинг тадбиқ этилиши, пул маблағлари оқимини лойиҳалаштирилиши ва молияллаш чизмаларини танлаш бўйича тавсияларни берилишини иқтисодий жиҳатдан мувофиқлилиги таҳлили;
- хатарларни баҳолашнинг ўтказилиши ва лойиҳага таъсир этувчи (рисклар) хатарларни пасайтириш омилларини ишланмалари;
- қарз олувчи ва гаров таъминоти асосий фондлари баҳоланишини, яъни бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа объектлар қийматини баҳоланиши ва таҳлил қилинишининг ўтказилиши;
- капитал ҳаражатлар қиймати ошишини реал кўрсаткичлар базасида шартнома нархларини тўғри баҳолаш;
- тегишли келишувлар билан тасдикланган Ўзбекистондан ташқарида ускуна ва материалларни сотиб олиниши масалаларини ишлаб чиқиш ҳолати, ускуналарни етказиб берувчилар билан шартномаларнинг мавжудлиги, маблағларнинг эркин

алмаштириладиган валютада ундириб олиш борасида унинг тўланиши масалаларининг мавжудлиги;

- ускунанинг етказиб берилиши ва уларнинг монтаж қилиниши билан ишларни ва ишлаб чиқариш жадвалларидаги боғлиқлик;
- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплашига таъсир этувчи бошқа омилларни ўрганилиши.

Қурилиш объектларининг ҳукумат кафолати остида кредитланиши қурилиш пудрати шартномалари бўйича молиялашлар фақат қарз олувчилар томонидан пудрат ташкилотлари ўртасида тузилган объектларнинг қурилиши чоғида мажбурий суғўрталаш ҳақидаги суғўрта полиси ва шартноманинг нотариал тасдиқланган нусҳасидан банкка берилиши чоғидагина очилади.

Жами ҳужжатлар пакетини таҳлил қилиб бўлгач, кредитлаш бўлими банкнинг кредит қўмитасига кредитлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки бўлмаса кредит беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқилиши ва чиқарилиши учун хулосани такдим этади.

Кредит қарорларидан сўнг банк қарз олувчи билан кредит шартномасини имзолайди.

Кўриб чиқилаётган объектлар (корхоналар)нинг раҳбарияти билан кредит шартномаларини тўзишга йўл қуйилмайди.

Кредит шартномаси банк билан қарз олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси бўлиб ҳисобланади, олинган кредитлар, комиссиялар уларга оид фоизлар ва пенялар бўйича агар шартноманинг ўзида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, улар имзолаган вақтдан бошлаб амал қилади.

Банк қарз олувчи билан келишиб, қоплаш муддатлари ва пул оқимлари прогнози ҳисобга олинадиган имтиёзли даврни белгилаш ҳуқуқига эгадир ва у кредит шартномасида таъкидланиши керак.

3.10. Инвестиция фаолиятида ипотека кредити.

Замонавий шароитда ипотека кредитлари биринчи навбатда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга, аммо, афсуски у энди «оёққа туриш» йўлидадир. Ривожланган давлатларда юқори даражада бўлган ипотека кредитлари бозор иқтисодиётининг, хусусан инвестиция фаолиятининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ипотекада икки хил тушунча мавжуд: гаров ва ипотека.

Гаров-мажбуриятларни таъминлаш усули эса шартнома ёки қонундан келиб чиқади. Кредитор гаров берувчи қарздор мажбуриятини бажармаган ҳолда, гаровга қўйилган мулкни сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ипотека гаров турлилиги, ссуда олиш мақсадида, айнан кўчмас мулкни (асосан, ер қурилишини) гаровга қўйишдир.

Ипотека учун қуйидагилар характерлидир:

Мулк гарови битта мулкни гаровга қўйиб иккинчи,учинчи марта ипотека ссудаларини олиш имконияти мавжудлиги; давлат ва маҳаллий идоралар юритиладиган ер китобларида гаровни рўйҳатга олиш мажбурийлиги. Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлилиги ҳолатида гаровни рўйҳатдаги навбати бўйича уни реализациясидан тушган тушум ҳисобидан кредитор талаби қондирилади.

Гаров предмети фақат бирор бир нарса бўлмасдан, балки якка мулкий хуқуқ ва талаблар ҳам бўлиши мумкин. Фуқароларнинг мулклари бундан мустасно. Чунки амалиётда уй-жойни гаров объекти сифатида олиш мумкин бўлмайди. Чунки у кўп муоммани келтириб чиқаради. Шунинг учун амалиётда бу усул унчалик кўп қўлланмайди.

Ипотека кредитлари қуйидаги хусусиятларга эга:

-ипотека кредити-қатъий белгиланган гаров асосидаги ссуда;

-кўпгина ипотека ссудалари қатъий мақсадли вазифага эга;

-улар қурилиш, уй жой ва ишлаб чиқариш биноларини қайта таъмирлаш, шунингдек ер майдонларини ўзлаштиришни молиялаштириш учун фойдаланилади.

Ғарбда уй-жой ипотека кредитлари кенг тус олган, АҚШ да улар жами кўчмас мулк остидаги ссудалар жами ҳажмининг 60%идан ортиғини ташкил қилади, яъни:

- ипотека кредитлари узоқ муддатга берилади, одатда 10-30 йилга. Ипотека кредитини олишда «заклодной» махсус кредит битими ҳисобланади. «Заклоднойлар» иккиламчи бозорда муомилада бўлиб, унинг вазифаси кредитлаш учун доимий ресурслар оқимини таъминлаш ва кредит ресурсларига эҳтиёж сезувчи ҳудудларга, тармоқларга маблағларни йўналтиришни таъминлашдир.

Ипотека иқтисодий инқирозни енгишга икки хил йўл билан таъсир қилади:

- ипотека бизнесининг ривожланиши иқтисодиётнинг реал секторини ривожланишига таъсир қилади, қурилиш комплексидаги, қишлоқ хўжалигидаги ва бошқа тармоқдаги ишлаб чиқаришни тушиб

кетишини тўхтади. Бу уй жой бозори ва фермер хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ.

- ипотека кредитларининг ривожланиши иқтисодий инқироз сабаб бўлган, жамиятдаги тангликни енгишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ипотека кредитлари нисбатан кам рисклари билан банк операцияси ҳисобланади. Ипотека кредитлари рискнинг катта қисми қарздор ва инвестор зиммасига юкланади.

Ҳозирги кунда, жаҳон амалиётида ипотека бўйича банк операциялари жуда хатарли (рискли) тус олмоқда, масалан, 2007 йил август ойи бошлаларида АҚШ да тижорат банклари ипотека кредитларининг қайтмаслик рискининг юқорилиги, жаҳон фонд биржаларида тижорат банклари қимматли қоғозлари нархининг кескин пасайиб кетишига олиб келди. Бунинг олдини олиш мақсадида, АҚШ Федерал Резерв системаси, Европа марказий банклари тижорат банкларига ёрдам сифатида 300 млрд. АҚШ доллар миқдорида маблағ ажратдилар.

ж) Ривожланаётган мамлакатларда муҳим молиялаштириш манбаи бўлиб чет эл кредити ва инвестициялари ҳисобланади. Чет эл кредити ҳисобига кредит ривожланган давлатлардан замонавий техника ва технологияларни миллий ишлаб чиқаришга киритиш имконини беради. Бу борада Ўзбекистонда талайгина ишлар амалга оширилган. Ҳозирда кичиқ бизнесни ривожлантиришга қаратилган хорижий кредит линиялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, KfW (Германия) ва бошқа молия-кредит ташкилотлари.

Бу кредит линиялари орқали, техника, технология ва асбоб ускуналарни импорт қилиш, саноат сектори, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичиқ бизнесни ривожлантириш учун кредитлар берилади.

3.11. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёни жуда кўп ва турли хил хавф-хатарлар (рисклар) билан боғлиқ бўлиб, қайсики кредитларни белгиланган муддатда қопланмаслик муаммосини келтириб чиқаради. Шу сабабли банклар ўз мижозларига кредит беришда, мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қиладилар.

Банк мижози кредитга лаёқатлиги деганда мижознинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича тўлиқ ва ўз вақтида ҳисоблашиш қобилияти тушинилади.

Мижознинг кредитга лаёқатлилик даражаси банклар учун жуда зарур, чунки ҳар бир берилган кредит риск билан боғлиқ. Агар банк рискни ҳисобга олмаса, кредит ўз вақтида қайтмаслиги ёки умуман тўланмаслиги мумкин. Шу сабабли, банклар ўз мижозлари молиявий ҳолатини, тўловга қобиллигини ва албатта, кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилади.

Жаҳон амалиётида, хусусан АҚШда банклар томонидан, мижоз кредитга лаёқатлилигини баҳолашда "five c", "беш си" қоидаси ишлатилади. Улар қуйидагилар:

- character (мижоз ҳарактери);
- capacity (молиявий шароити);
- capital (капитал ёки мол-мулк);

- colletarial (таъминланганлик);
- conditions (умумий иқтисодий вазият).

Мижоз ҳарактери деганда, унинг юридик шахс сифатида репутацияси, маъсулиятлилиги, олинган қарзни тўлашга хоҳиши ва тайёрлик даражаси тушинилади.

Мижоз молиявий шароити ёки қобилияти деганда, мижознинг кредитни қайси манбалардан қоплашлиги тушинилади. Одатда корхонада қуйидаги 3 манбалар мавжуд:

- жорий касса тушумлари;
- активларни сотишдан тушган тушум;
- ва бошқа молиялаштириш манбалари (махсус заҳиралар, амортизация фонди ва б.)

Капитал деганда, мижознинг акционерлик капитали, унинг структураси, актив ва пассивлар орасидаги муносабатлар тушинилади. Унинг устав фонди ва ўз капиталининг кредит операциясига жалб қилиш даражасини кўриб чиқиш тушинилади.

Таъминланганлик деганда, мижознинг активлари қиймати ва конкрет иккиламчи қарзни қоплаш манбаи (кафиллик, суғўрта, гаров) қайсики, кредит шартномасида кўрсатилади.

Умумий иқтисодий вазият деганда, мамлакатдаги жорий ва келажакдаги иқтисодий ҳолат, сиёсай аҳвол, солиқлар, хом-ашё ва бошқа кредит қайтарилишига таъсир этувчи билвосита факторларни ўрганиш тушинилади. Ушбу усул ҳозирда бизнинг банкларда қўлланилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишдан асосий мақсад, бу қарз олувчи, хўжалик юритувчи субъектнинг имкониятлари, қарзни ўз

вақтида қоплашни, риск даражасини, кредит миқдори ва бошқа омилларни белгиланган шароитда ва ҳолатда таҳлил қилишдан иборатдир. Банклар учун бу масалаларни амалга ошириш жуда қийин бўлсада, худди ана шу мақсад амалга оширилсагина берилган кредитдан фойда олинади.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилиш вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Кредитга лаёқатлиликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш;

2. Кўрсаткичларни таҳлил қилиш (йил боши ва йил охирини таққослаш);

3. Кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

4. Кредитга лаёқатлиликни мустахкамлаш йўлларини аниқлаш;

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан тижорат банклари томонидан кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилувчи янги методлар ишлаб чиқилмоқда, қайсиким корхона ҳақидаги (кредитга лаёқатлиги ҳақидаги) таҳлилни чуқурроқ олиб боришни кўрсатади. Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида (ЮНИДО тасдиқлаган стандарт бўйича) молиявий кўрсаткичлар системаси бўйича таҳлил ва рейтинг методи бўйича таҳлил усуллари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида Марказий Банк томонидан чиқарилган йўриқнома бўйича корхоналарга турли хил муддатга кредитлар берилиб, уларнинг кредитга лаёқатлилигининг молиявий кўрсаткичларнинг таҳлилига асосланиб берилади.

Таҳлил учун асосий манба бўлиб корхона бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланилади.

Кредитга лаёқатлиликни ифодаловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичлар қуйидагилар:

1. Қоплаш коэффициенти;

2. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти;

3. Ликвидлик коэффициенти;

Қўшимча коэффициентлар:

1. Айланма маблағларининг айланувчанлик коэффициенти;

2. Ўз айланма маблағлари мавжудлиги;

3. Фойда ва рентабеллик коэффициентлари.

Берилган балансга асосан ушбу кўрсаткичларни таҳлилини кўриб ўтамиз:

1. Кредитга қобилиятлиликнинг асосий кўрсаткичлари: қоплаш, ликвидлик ва мустақиллик коэффицентларидир. Бу коэффициентлар таҳлили учун маълумотлар корхона балансидан олинади.

Жаҳон амалиётида корхона ликвид маблағлари иккига бўлинади:

- абсолют ликвид маблағлар;
- жорий ликвид маблағлар.

Абсолют ликвид маблағлар таркибига баланс актив қисмининг иккинчи бўлими жамиси киритилади. Улар 3 қисмдан иборат:

1. Осон ишлатиладиган заҳиралар;

2. Пул маблағлари;

3. Осон амалга оширадиган талаблар, "дебиторлик қарзлари".

Ликвид маблағларнинг корхонада етарлича бўлиши, унинг мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олишидан далолат беради.

Жорий ликвид маблағлар бу жуда ҳам тез пулга айланадиган корхона воситаларини ўз ичига олади, шу сабабли жорий ликвид

маблағлар таркибига баланс актив қисми иккинчи бўлимининг қуйидагилари киради:

1. пул маблағлари;

2. дебиторлик қарзлари.

Жорий ликвид маблағлар корхонага бирламчи тўловларни амалга оширишда керак бўлади. Улар юқори ликвидликка эгалигидан, корхонада ушбу маблағлар ҳам меъёр даражасида бўлиши керак. Зеро, кредит инспектори мижозни кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ушбу кўрсаткичларга алоҳида аҳамият беради.

Ўзбекистонда ликвид маблағлар қуйидаги тартибда бўлинади:

А) осон ишлатиладиган талаблар;

Б) пул маблағлари;

В) осон амалга ошириладиган талаблар.

Ликвид маблағларни бундай 2га бўлишдан мақсад, қоплаш ва ликвидлик коэффициентларини ҳисоблаш осон бўлади.

Қоплаш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади,

Қисқа муддатли ликвид маблағлар

Қоплаш коэффициенти = ---------- (8.1)

Қисқа муддатли мажбуриятлар

Қоплаш коэффициенти шуни ифодалайдики, яъни у кредитлаш чегарасини кўрсатади ва мижознинг ҳамма айланма воситаларининг қарзни олишга етарлилигини кўрсатади. Бу кўрсаткич 2 ва ундан

юқори бўлса, мижоз кредитга лаёқатлидир. Агар 0,5 дан кам бўлса, кредитлаш фойдасиз бўлиб, мижоз кредитга лаёқатсиз ҳисобланади.

8.1-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли банк кредити олиш учун кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан қоплаш коэффициентини ҳисобланг:

- Асосий воситалар қолдиқ қиймати 365177 минг сўм
- Товар моддий захиралари ва харажатлари 10648513 минг сўм
- Дебиторлик қарзлари 437802 минг сўм
- Пул маблағлари 1816 минг сўм
- Узоқ муддатли мажбуриятлар 344405 минг сўм
- Жорий мажбуриятлар 10713111 минг сўм

Ечилиши: Корхонанинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан қоплаш коэффициенти қуйидаги формула билан ечилади.

Қоплаш коэффициенти= $\frac{\textit{Киска муддатли ликвид маблаглари}}{\textit{жорий мажбуриятлар}} = \frac{11088131}{10713111} = 1{,}035.$

Жавоб: 1,035

Ликвидлик коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$\text{Лик. коэф.} = \frac{\text{Пул маблағлари + осон амалга ошириладиган талаблар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}} \quad (8.2)$$

Ликвидлик коэффициенти мижознинг айланма капитали структурасини баҳолаш асосида яқин келажакда банкдан олган кредитларини оператив (тезкорлик) ва ўз вақтида тўлай олиш

қобилияти ҳисобланади. Ликвидлик коэффициенти 1,5 ва ундан юқори бўлса, корхона юқори кредитга лаёқатлилик даражасига эришган бўлади.

8.2 - масала. Қуйидаги маълумотлар асосида акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли банк кредити олиш учун кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан ликвидлик коэффициентини ҳисобланг:

- Асосий воситалар қолдиқ қиймати 365177 минг сўм
- Товар моддий захиралари ва харажатлари 10648513 минг сўм
- Дебиторлик қарзлари 437802 минг сўм
- Пул маблағлари 1816 минг сўм
- Узоқ муддатли мажбуриятлар 344405 минг сўм
- Жорий мажбуриятлар 10713111 минг сўм

Ечилиши: Корхонанинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан ликвидлилик коэффициенти қуйидаги формула билан ечилади.

Ликвидлилик коэффиценти= $\frac{Пул\ маблаглар + осон\ реализациябуладиганталаблар}{киска\ муддатли\ мажбуриятлар(жорий\ мажбуриятлар)} = \frac{439618}{10713111} = 0{,}04$

Жавоб: 0,04

Қоплаш ва ликвидлик коэффициентларини топишда, қисқа муддатли мажбуриятларни тўғри ҳисоблаш талаб этилади. Қисқа муддатли мажбуриятлар, бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги мажбуриятлар бўлимидан олинади.

Банклардаги кредит инспекторлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда, балансдаги асосан (жорий активлари ва мажбурият бўлимидаги) моддаларнинг таркибий

ўзгаришларини кўриб чиқадилар. Бу албатта, хавф-хатарни баҳолашни енгиллаштиради.

Корхона кредитга лаёқатлилиги таҳлили учун керак бўладиган кейинги кўрсаткич – бу мустақиллик (мухторлик) коэффициентидир. Ушбу коэффициент 0.6 дан, яъни 60 %дан юқори бўлса, кредит хатари энг кам ҳисобланади. Бу коэффициент 30 %дан, яъни 0,3 дан кам бўлмаслиги лозим. Бу кўрвсаткични ҳисоблаш учун корхонанинг баланс бўйича ўз маблағлари манбалари яъни, баланс пассивининг биринчи бўлинмаси суммаси жами пассив суммасига бўлинади. Ноликвид балансларга эга бўлган корхоналарга эса банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилмайди. Корхона баланси ликвидлиги қуйидагича ҳисобланади: корхона баланси (1- шакл) пассив қисми биринчи бўлими суммасига, иккинчи бўлим узоқ муддатли мажбуриятлари қўшилиб (агар тўлов муддати уч ойдан ошиқ бўлса) баланс актив қисми биринчи бўлими суммаси айрилади. Агар чиққан натижа ижобий бўлса, корхона баланси ликвидли ҳисобланади.

8.3-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли банк кредити олиш учун кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан мухторлик коэффициентини ҳисобланг:

- Асосий воситалар қолдиқ қиймати 365177 минг сўм
- Товар моддий захиралари ва харажатлари 10648513 минг сўм
- Дебиторлик қарзлари 437802 минг сўм
- Пул маблағлари 1816 минг сўм
- Узоқ муддатли мажбуриятлар 344405 минг сўм

- Жорий мажбуриятлар 10713111 минг сўм
- Ўз маблағлари манбалари 439810 минг сўм

Ечилиши: Корхонанинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларидан мухторлик коэффициенти қуйидаги формула билан ечилади.

Мухторлик коэффициенти= $\frac{уз\ маблаглари(хусусий капитал)}{баланс пассив жами} X\ 100\% = \frac{439810}{11497326}\ X100\% = 3{,}8\%$

Жавоб: 3,8%

Банк кредит беришда корхонанинг маҳсулот сифатини, муддати ўзайтирилган дебеторлик қарзларини, капитал ремонт учун қилинган ҳаражатларни, турли зарарларни қоплашини кўриб чиқиш керак. Бунга сабаб шуки, ушбу айтилганлар бўйича қўшимча сарфланишларга йўл қўйилган бўлса, корхонада бу қўшимча сарфланишлар айланма маблағлари ҳисобидан бўлади, шу сабабли ушбу қўшимча сарфланишлар айланма маблағларига салбий таъсир этиб, ҳақиқатда хўжалик жараёнида қанча айланма маблағлари иштирок этаётганлигини ифодалайди. Баланс бўйича айланма маблағларини мавжуд суммаси билан ҳақиқатдан ҳам корхона хўжалик оборотида иштирок этадиган айланма маблағларини суммаси бир-биридан фарқ қилади. Ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ айланма маблағларини иммобилизациясини ташкил этади. Иммобилизацияси оборот манбаларини четга тортилишидир. Яъни ўз мақсадидан ташқари сарфланишидир. Кредит инспектори ушбу коэффициентни ҳисоблашда, албатта айланма маблағларининг мавжуд суммаси иммобилизациясини ҳисобга олиши керак.

Жаҳон амалиётида, айланма маблағларининг мавжуд суммасини (ўз айланма маблағларини) аниқлашда қуйидаги усул қўлланилади. Яъни баланс активининг 2 чи бўлим (айланма активлари) суммасидан, баланс пассивининг 2 чи бўлими (мажбуриятлар) айирилади. (узоқ муддатли қарз ва кредитлардан ташқари).

Корхона (мижоз) кредит олишга лаёқатлилигининг таҳлилида қўлланиладиган қўшимча кўрсаткичлар бўлиб, айланма маблағларининг айланувчанлик коэффициентини ва айланма маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги кўрсаткичлари қўлланилади.

Айланма маблағлари айланувчанлиги коэффициенти айланма маблағлари ҳаракатининг тезлигини таърифлайди ва таҳлил қилинаётган давр учун маҳсулот сотишдан олинган тушум ва айланма маблағларининг ўртача қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Таҳлил учун маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-шакли баланс ва 2-шакли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан олинади.

$$\text{Айланувчанлик коэф.} = \frac{С}{У К} \qquad (8.3)$$

бу ерда,

С-(маҳсулот сотишдан тушган тушум)

У К-(оборот маблағлари ўртача қолдиқлари)

$$А К = \frac{УК \times Д}{С} \qquad (8.4)$$

А К - (оборот маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги).

Д – даврлар.

8.4-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли банк кредити олиш учун кредитга лаёқатлилик аниқлаш учун қўшимча кўрсаткичларидан айланма маблағлар айланувчанлик коэффициентини ҳисобланг:

- Асосий воситалар қолдиқ қиймати 365177 минг сўм
- Товар моддий захиралари ва харажатлари 10648513 минг сўм
- Дебиторлик қарзлари 437802 минг сўм
- Пул маблағлари 1816 минг сўм
- Узоқ муддатли мажбуриятлар 344405 минг сўм
- Жорий мажбуриятлар 10713111 минг сўм
- Ўз маблағлари манбалари 439810 минг сўм
- Маҳсулотларни сотишдан келган соф тушум 9299029 минг сўм

Ечилиши: Айланма маблағлар айланувчанлик коэффициентини қуйидагича ҳисобланади:

Айланувчанлик коэффициенти= $\frac{С}{У.К} = \frac{9299029}{11088131} = 0,84.$

Жавоб: 0,84

Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектлар билан кредит муносабатларини мустақил равишда ўрнатадилар. Хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларидан кредит олиш учун кредит буюртмасини берадилар. Шу кредит буюртмасига асосан тижорат банклари қарз олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қиладилар. Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- кредит олиш учун берилган кредит буюртмасини кўриб чиқиш

ва бўлажак қарз олувчи билан сухбатлашиш;

- қарз олувчининг кредит қобилиятини ва қарз бериш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;
- кредит нархини белгилаш;
- кредит шартномасини тайёрлаш ва уни тўзиш.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга бўлиш ва корхоналар рейтингини аниқлаш.

Тижорат банклари ички кредит сиёсати асосида чиқарилган йўриқнома бўйича корхоналарни кредитга лаёқатлилиги асосий кўрсаткичи бўлиб: қоплаш коэффициенти, ликвидлик коэффициенти ва ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициентлари ҳисобланади. (8.2. - жадвал).

Агар корхона 1-синфга киритилса, унда умумий асосларда кредитланади. Уларга нисбатан кредит беришнинг имтиёзли тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин, яъни ишонч кредити берилиши, қўшимча маълумотлар ва ҳисоб-китобларсиз кредит берилиши ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши мумкин.

8.2-жадвал

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлик кўрсаткичлари бўйича синфларга бўлиниши.

/р	Номи	1-синф	2-синф	3-синф
	Коплаш коэф. (Қ.к)	К.к	2<қ.к>1	1>қ.к>0,5

.		≥2		
.	Ликвидлик коэф.(К.л)	К.л≥ 1.5	1.5<к.л>1	1>к.л>0,5
.	Мухторият коэф.(Км)	К.м≥60%	60%<к.м>3 0%	30%>к.м> 15%

.

Агар корхона 2-синфга киритилса, хўжалик юритувчи субъект манфий қўшимча кўрсаткичларга эга бўлса, беқарор (барқарор эмас) деб ҳисоблаш лозим, бундай корхоналар билан кредит шартномалари тузилганида унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилиши устидан назоратнинг қўшимча чоралари кўзда тутилиши керак. Хусусан, гаров ҳуқуқи қаттиқлаштирилиши, фоиз ставкалари оширилиши, кафолатлар берилиши ҳамда кредитдан фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари чекланиши керак.

Агар корхона 3-синфга киритилса, бу корхоналарга фақат фавқулодда ҳолларда юқори ташкилот кафолатлари ёки оширилган фоиз ставкасини ундириш билан мол-мулк гаровга қўйилгандагина кредитланади.

Республикамизда баъзи тижорат банклари ўз ички кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб, корхоналарнинг кредитга лаёқатлиги бўйича 4 синфга бўладилар ёки баъзи тижорат банклари (масалан, Ҳалқ банки) корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини рейтинг баллари асосида ҳисоблаб чиқарадилар.

Кредитга лаёқатлиликни мустаҳкамлаш йўллари деганда, бу иложи борича асосий ва қўшимча кўрсаткичларни юқори бўлишини таъминлашдир. Демакки, ҳар бир кўрсаткич бўйича юқориликка эришишдир. Бунинг учун корхона барқарор ишлаб чиқариш жараёнини биринчи галда ташкил этиши лозим. Пул маблағларининг ортиши корхонанинг бирламчи тўловларни ошириш учун керак маблағларга бўлган эхтиёжларни камайтиради ва корхонада ишлаб чиқариш маромийлиги бўзилмаслигига олиб келиши мумкин.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти бўйича эса, юқори натижаларга эришиш учун ўз маблағлари манбаини ортишини таъминлаш керак. Чунки оборотда ишлатиладиган маблағларда ўз айланма маблағлари улуши қанча кўп бўлса, унинг кредитга лаёқатлилиги ортади. Узоқ муддатли активлар ортиши салбий таъсир этсада, уларнинг ортиш темпини ўз айланма маблағлари мавжуд суммасини ортиш темпидан пастрок бўлишини таъминлаш зарур. Яна корхонада ўз айланма маблағларини иммобилизациясига йўл қўймаслик зарур, яъни уларнинг ўз мақсадидан бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўймаслик керак. Чунки улар иммобилизациясига йўл қўйилса, уларнинг баланс бўйича ҳисобланган қийматидан ҳақиқатда оборотда қатнашаётган айланма маблағлари кам чиқади. Бунинг натижасида эса, айланма маблағлари айланиш коэффициенти пасаяди, оқибатда ўз айланма маблағлари етишмовчилиги юзага келади. Кредитга лаёқатлилик таҳлилида айланма маблағлари иммобилизациясини ҳам ҳисобга олиш керак. Кредитга лаёқатлиликни мустаҳкамлаш йўлларидан яна фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади. Корхона соф

фойдаси ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида ортишини таъминлаш лозим, бунинг учун эса унга салбий таъсир этувчи омиллар камайиши ва ижобий таъсир этувчи омиллар кўпайишини таъминлаш керак.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим. Ҳозирги вақтда амалиётда қўлланилаётган корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги асосий кўрсаткичлари давр талабига жавоб бермай қолмоқда.

Ҳар бир банкда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган ягона кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқарилиши лозим.

Ҳозирги кунда мижознинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар кўп сонли ва хилма – хил бўлиб, уларнинг сезиларли кўпи бир – бирини такрорлаш характерига эга. Айрим компьютер дастурлари ўн ва ундан ортиқ кўрсаткичларни ҳисоблайди. Кўрсаткичларни бу қадар кўплиги таҳлилни қийинлаштиради.

Республикамизда ҳозирги кунда асосан учта кўрсаткичдан мижознинг кредитга лаёқатлилиги аниқланади. Бу қоплаш коэффиценти, ликвидлилик коэффиценти ва мухторлик коэффицентидир. Бу кўрсаткичлар маълум даврга ҳисобланади ва уларга хос асосий камчилик шундан иборатки, бу кўрсаткичлар корхонада пул оқимини (кэш - флоу) ҳолатини баҳолаш имконини бермайди. Кўпчилик ҳолларда, амалиётда қоплаш ва ликвидлилик коэффицентлари тескари натижаларни беради. Аксарият ҳолларда, корхона омборхонасида сотилмай қолган сифатсиз маҳсулотларни тўпланиб қолиши ҳисобига қоплаш коэффиценти юқори даражани

ташкил қилади. Ликвидлик коэффиценти эса паст бўлади. Одатда, бундай корхоналарда пул оқими заиф бўлади, лекин бу кўрсаткичлар унинг динамикасини кўзатиш имконини бермайди.

Банк амалиёти шуни кўрсатадики, тармоқлар ўртасидаги жиддий фарқлар коэффицентиларининг барча тармоқ корхоналари учун ягона аҳамияти хусусида гапириш имконини бермайди. Шунинг учун бўлса керак, айрим хорижий давлатларда кредитнинг сифатини таснифлашда тармоқ маълумотларига асосланилади. Корхонанинг молиявий аҳволи, кўп жиҳатдан, тармоқдаги аҳвол билан белгиланади. Ва бунда, тармоқ риски деган тушунча киритилади. Бу тушунчага мувофиқ, молиявий ҳолат фаолиятидаги ўзгаришларнинг даражасига бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам корхонанинг молиявий аҳволи, баҳоланаёитганда, аввало, корхона фаолияти бўйича ҳисобланган коэффицентларни ўртача тармоқ коэффицентлари билан таққослаш зарур.

Корхонанинг пул оқимини ҳолатини баҳолаш имконини берадиган коэффицентлар бирламчи аҳамият касб этиши керак. Бу коэффицентларга мажбурий тартибда қуйидагилар киритилиши керак:

А) дебитор қарздорликнинг айланиш коэффиценти;

Б) товар заҳираларининг айланиш коэффиценти.

Таҳлил учун асосий манба бўлиб, асосан мижознинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан фойданилади.

3.12. Кредит баҳоси, фоиз сиёсати. Асосий қарз ва унга тўланадиган фоизни ундириш тартиби.

Кредит баҳоси банк билан қарз олувчи ўртасидаги шартнома асосида белгиланади ва бу кредитга оид фоизларни ўз ичига олади. Тарафларнинг келишувига кўра кредит баҳоси пул бозори ва инфляция ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонига ўзгартирилиши мумкин.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солиниши депозитларга фоиз тўлашнинг амалдаги тизими туфайли банкларнинг зарар кўриш хавфини кучайтиради.

Айтайлик, банк 24 ой муддатга жалб қилинган муддатли депозитни 24 ойлик учта кредитга трансформация қилди. Депозитга тўланадиган йиллик фоиз ставкаси 18 %га тенг, бу вақтда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг йиллик даражаси 14 % га тенг дейлик.

Банк ушбу 2 та кредитни 20 % билан берди. Демак, банкнинг бу операция бўйича даромадлилик даражаси 2 пунктга тенг. Фараз қилайлик, инфляция даражасини кескин пасайиши натижасида расмий қайта молиялаштириш ставкаси 3 пунктга пасайтирилди. Натижада, банкнинг максимал кредитлаш фоизи 16,5 % ни ташкил этади. Банк икки кредитни бериш жараёнида ставка ўзгарса, унда кредит бўйича банк кўрадиган зарар даражаси 1,5 пунктга тенг. Чунки банклар муддатли депозитларга белгиланган фоиз ставкасида фоиз тўлайдилар.

Шу муносабат билан сўзиб юрувчи ставкаларда фоиз тўланадиган депозитларни жалб қилиш ва улар ҳисобидан сўзиб юрувчи ставкаларда кредитлар беришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда банк спрэд ёки маржани барқарор тарзда сақлаб қола олади. Аммо республикамиз шароитида маржа миқдорини белгилаш ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки банк кредитларнинг юқори фоиз ставкаси лимитлаштирилган шароитда кредитларнинг бозор баҳоси тўлиқ шакллана олмайди. Шу сабабли, маржа миқдори аниқ белгиланиб, у орқали депозитларга тўланадиган фоиз миқдори аниқланиши керак.

Кредит баҳосининг оптимал вариантини топиш учун тижорат банки бўйича маржани ҳисоблаб чиқиш зарур. Масалан, ҳисобот ойида банкнинг жалб қилган ресурсларнинг ўрта суммаси 7381792 минг сўм дейлик, уларга тўланадиган ҳаражатлар суммаси 23962 минг сўм бўлса, бунда жалб қилинган ресурслар ўртача қиймати (%да)

$$\frac{\text{23962 минг сўм x 365}}{\text{7381792 минг сўм x 30}} \text{ x } 100\ \% = 3{,}95\ \%$$

Кредит қўйилмаларининг ҳисобот ойида ўртача суммаси 5316916 минг сўмни, буларди олинган даромад эса 43237 минг сўм бўлган Кредит қўйилмаларининг ўртача қиймати (%да)

$$\frac{\text{43237 минг сўм x 365}}{\text{5316916 минг сўм x 30}} \text{ x } 100\ \% = 9{,}89\ \%$$

Банк бўйича маржа (9,89 - 3,95) % = 5,94 % ни ташкил этади.

Жаҳон банк амалиётида банк маржаси асосан қуйидагича ҳисобланади:[28]

$$\text{Соф фоиз маржаси} = \frac{\text{Қимматли қоғозларга инвестициялар ва кредитлардан олинган фоизли даромад} - \text{Қарзли мажбуриятлар ва депозитлар бўйича фоизли ҳаражатлар}}{\text{Фоизли даромад келтирувчи активлар}} * 100$$

Бу ерда, банкнинг ҳисоб – китоблар ва касса операциялари хизматларидан оладиган ва умуман фоизсиз даромад, харажатлари ҳисобга олинмаган.

Назарий жиҳатдан кредитнинг баҳосини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$K_б = K_{бб} + O_x + K_{рд} + K_ф \quad (8.5)$$

Бу ерда,

$K_б$ – кредитнинг баҳоси;

[28] Роиз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с.анг. со 2 – го изд. – М.: “Дело Лтд”, 1995. – 768 с.

$К_{бб}$ – кредитнинг бозор баҳоси;

$О_{х}$ – операцияни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар;

$К_{рд}$ – кредитлар бўйича риск даражаси;

$К_{ф}$ – банкнинг ўз капиталига фоиз ставкаси.

Узоқ муддатли кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар банклар томонидан кредитлаш муддатининг давомийлиги, қарз олувчилар томонидан берилган кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатлари, кредит ресурслари талаб ва таклифи ва улар баҳоси, шунингдек, шартнома асосидаги кредит хатарининг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади

Кредит шартномаси тўзиб бўлингандан сўнг қарз олувчи номига ссуда ҳисоб варағи очилади. Ссуда ҳисоб варағига оид барча операциялар шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади

Ссуда ҳисоб варақларидан қурилиш - монтаж ишлари йиллик ҳажмининг 15 % дан кам бўлмаган ҳажмлардаги пудрат ташкилотларига қилинадиган дастлабки тўловлар, шунингдек, мазкур қурилиш сметасига киритилган сотиб олинадиган ускунанинг ва бошқа ҳаражатларнинг ҳажми билан биргаликдаги бажарилган ишлар учун тўлов хужжатлари ҳақи тўланади.

Буюртмачининг ўз маблағлари ва кредит маблағлари иштирокида қурилишни молиялаш чоғида қурилаётган корхонанинг раҳбарияти кадрларни тайёрлаш ва бинолар ижараси ва шу кабиларни сақлаб туриши билан боғлиқ бошқа ҳаражатларга кредит ҳисобидан тўланишига йўл қўйилмайди.

Кредитлар ва уларга оид фоизларни сундирилиши қарз олувчининг банк ҳисоб варағига пул маблағларининг келгусида

келиб тушишининг аниқ ҳисоб-китоби олинган ҳолда тузилган жадвал асосида амалга оширилади, зарурат туғилганда тарафлар келишувига биноан кредит ва унга оид фоизларнинг сундирилиши жадвалига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Қарз олувчи, агар бу нарса шартномада кўзда тутилган ёки кредитор розилиги асосида бўлса, ўзининг кредит суммаси ва ҳақиқатда фойдаланилган давр учун унга оид ҳисобланган фоизларни муддатидан илгари сундириш ҳуқуқига эга.

Бунда қарз олувчи ўзининг тўлов топшириқномаси билан кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни тўлайди

Республикамизда муддати ўтган ссудаларга 90 кунгача (узоқ муддатли кредитлар) фоиз ҳисобланади, 90 кундан кейин эса фоиз ҳисоблаш тўхтатилади Бир қатор мамлакатларда фоиз ҳисобланадиган давр 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу эса даромаднинг реал қийматидан узоқлашувига сабаб бўлади. Мижознинг муддати кредитни қайтара олмаслиги аниқ бўлиб қолиши биланоқ, унинг молиявий фаолиятини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунда асосий эътибор пул оқимига қаратилиши лозим Таҳлил натижаларига қараб, фоиз ҳисоблаш масаласини ҳал қилиш лозим. Кредитни муддати ўтгандан кейин бир ой ичида қайтара олмаган мижозни уч ойдан кейин қайтара олишига ишонч кам бўлади.

Муддати ўтган, амалда «Ўлик ссудалар» га айланган кредитларга фоиз ҳисоблаш молиявий жиҳатдан заиф банкни анча бақувват қилиб кўрсатиши мумкин. Россия Федерациясида, Ўзбекистон Республикасидаги айрим банклар кредитни қайтиш эҳтимоли нолга тенг бўлган ҳолларда ҳам фоиз суммасини мижознинг жорий қисоб

варағидан дебетлайвериш ҳоллари учрайди. Бунинг оқибатида фойда суммаси қопланмаган кредит суммасини ошириш эвазига ўсиб бораверади, яъни банк балансининг актив қисмида 16309 счет ва пассив қисмида 42200 ёки 42600 ва 44400 ёки 44600 счетларида ҳисобланган фойда суммаси ошиб бораверади Натижада янгидан жалб қилинган депозитлар қисобланган фоизларни, солиқлар ва дивидендларни тўлашга сарфланади.

Ўз вақтида кредит сундирилмаган ва фоизлар тўланмаган ҳолларда банк амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур низомга мувофиқ, шунингдек даъво тақдим этиш, яъни хўжалик судига даъво аризасини бериш йўли билан чоралар кўришга мажбур.

3.13.Кредитдан фойдаланиши устидан банк назорати.

Кредитлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қуйидаги шакллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади:

а) тўлов хужжатларининг ссуда ҳисобварағидан обьектнинг сметасига ва мақсадли белгиланишига, уларнинг мувофиқлигини кредит ўтказилиши чоғида назорат қилиш;

б) кредит шартномасида кўрсатилган шартларда қурилиш жойига чиқиш билан кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириш;

в) бажарилган ишларнинг назорат ўлчашларини ўтказиш ва кредит шартномасида келтирилган тартиб ва муддатларда ҳарид қилинган ускунани инвентарлаш.

Назорат ўлчашлари банк кредити ҳисобидан молияланадиган объектларда ишлаб чиқариш жойининг ўзида амалга оширилади.

Банклар шартномавий ва тўлов асосида буюртмачиларнинг буюртманомалари бўйича бошқа манбалар ҳисобидан молияланадиган қурилишлар бўйича назорат ўлчовларини амалга оширишлари мумкин.

Ишларни хажмлари ва бажарилган қурилиш-монтаж ишни қийматининг текширилиши уларнинг натурада ўлчаниши ва буюртмачидаги ҳамда пудрат ташкилотининг бажарилган ишлар ҳажмларини ҳисобга олиш маълумотлари билан тегишлича лойиҳалаш смета ҳужжатлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Назорат ўлчашлари бошлангунга қадар қуйидагилар билан боғлиқ ошиб кетишларни аниқлаш мақсадида навбатдаги ҳужжатлаштирилган текшириш амалга оширилиши зарур:

- алоҳида нархлар, бошқа хил ва лимитлаштирилган ҳаражатлар ҳажмлари, қўшимча ҳаражатлар меъёрлари нотўғри қўлланилиши ёки белгиланиши билан;
- арифметик хатолар билан;
- бажариладиган ишлар қийматига қурилиш-монтаж ишлари таркибига киритилмайдиган ҳаражатлар, ускунанинг сотиб олиниши, кўп йил ишлаганлик учун, хизмат сафарлари, ишларнинг ҳаракатланувчи тусдалиги учун қўшимча ҳақлар, материаллар ва конструкциялар чиқариш ва чекланган нархлар ўртасидаги фарқлар бўйича киритилиши билан ва бошқалар;
- лойиҳалаш - смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаган объектларда ишларнинг бажарилиши ва ҳаражатлар билан;
- ускуна нуқсонларининг бартараф этилиши билан.

Кўздан яширин ишлар ҳажмларини (қуйилган пойдеворлар, поллар конструкцияси, автомобил йўллари, уларда труба-қувурлар ётқизилган траншеялар ва бошқалар) текшириш яширин ишларга оид далолатномалар асосида амалга оширилади. Қурилишда бундай далолатномаларнинг мавжуд эмаслиги ҳолларида бажарилган ишларнинг ҳажмлари ишчи чизмалар бўйича ҳисоб-китоб қилинади, зарур ҳолларда банк муассасалари бош пудратчидан кўздан яширин ишларнинг очиб берилишига оид ишларни амалга оширишини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Алоҳида баҳолар таркибига кирувчи , айрим операциялар ҳақининг бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қуйилмайдиган конструктив унсурлар ва ишлар турларининг тугалланмаган қисмлари, шунингдек, қурилиш обьектига олиб келинган ва ишга жалб этилмаган материаллар ва конструкциялар қиймати бажарилган ишлар қийматининг ортиб кетишига киради.

Назорат ўлчашлари натижалари бўйича далолатномалар ва ишлар қийматини қайта ҳисоб-китоб қилиш қайдномалари тўзилади.

Назорат ўлчашлари далолатномалари, ишлар қийматининг қайта ҳисоб-китоб қилиш қайдномалари ва далолатномаларга оид йиғма қайдномалар банк, буюртмачи ва пудратчининг вакиллари томонидан имзоланади. Ҳақи тўланган (тақдим этилган) ишларнинг йиғма қайдномалари назорат ўлчашларининг амалга оширилиши бошлангунига қадар имзоланади.

Буюртмачи ёки пудратчи вакилларининг назорат ўлчашида қатнашиш учун келмаслиги ҳолларида ўлчаш қатнашувчи томонлардан бири ва банк вакили ёки фақатгина банк вакили

томонидангина (иккала томоннинг ҳам келмаслиги ёки уларнинг далолатномани имзолашдан бош тортиши ҳолларида) амалга оширилади ва далолатнома имзоланади.

Назорат ўлчашларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган банк муассасаси раҳбари назорат ўлчашлар далолатномалари, пудратчи ва буюртмачи эътирозларини (агар улар мавжуд бўлса) кўриб чиқади ва далолатномаларни улар имзоланганидан кейин 10 банк иш кунидан кечиқтирмасдан тасдиқлайдилар.

Пудратчи (буюртмачи)нинг мавжуд эътирозлари далолатнома имзоланганидан сўнг 5 иш куни мобайнида тақдим этилади.

Назорат ўлчаш далолатномаларига оид пудратчи (буюртмачи) томонидан банкнинг юқори муассасаларига эътирозларнинг жўнатилиши санкциялар қўллашни тўхтатиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Молияловчи банк назорат ўлчашининг тасдиқланган далолатномаси асосида белгиланган тартибда кредит шартномасида келтирилган миқдорларда санкцияларни қўллайди.

Назорат улчашлари ва маблағларнинг олиниши учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш натижасида аниқланган бажарилган ишлар ҳажмлари ва қийматининг ошириб юборилиши ҳолларида ортиқча олинган суммалар белгиланган навбат тартибида қарз олувчидан ундириб олинади.

Қарз олувчининг талаб қилиб олингунига қадар бўлган депозит ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлмаган ҳолларда бажарилган ишлар учун навбатдаги ҳисоб варақларининг тўланиши

чоғида банк томонидан ҳажмлар ва қийматларнинг ортиқча аниқланган суммалари ушлаб қилинди.

Ссуда ҳисобварағидан маблағларнинг олиниши учун асос бўлиб ҳисобланувчи назорат ўлчашлари ва ҳисоб-китоб хужжатларини текшириш натижасида бажарилган ишлар ҳажмлари ва қийматининг ошиб кетиши аниқланган ҳолларда, қарз олувчи банкка кредит шартномасида келтирилган ҳажмларда жарима тўлайди.

Назорат ўлчашлари билан аниқланган ортиб кетишларга (юқорида кўрсатилганлардан ташқари) қуйидагилар киради:

- банкка тақдим этилган ҳисоб-китоб хужжатларига ҳақикатда бажарилмаган ёки ҳақи илгари тўланган ишлар ва ҳаражатларнинг киритилиши;
- Нархлар, меъёрлар ва баҳоларнинг нотўғри қўлланиши натижасида бажарилган ишлар ҳажмининг орттирилиши;
- ускуна бирликлари сони ва вазнининг ортиши ҳисобига монтаж ишлари қийматининг асосланмаган орттирилиши;
- комплекс меъёрлар, нархлар, баҳо ёки фоизли ҳисоблаб ёзишлар таркибига кирувчи (вақтинчалик бинолар ва иншоотлар, қишки қимматлашишлар ва бошқалар) ва иш ҳақи тўланганлар таркибида ҳисобга олинган бевосита ҳаражатлар, қўшимча ҳаражатлар алохида унсурларининг тўлов учун такроран тақдим этилиши;
- пудрат ташкилоти томонидан буюртмачига материаллар ва қисмларга бўлинган конструкциялар қийматининг нотўлиқ ёки ўз вақтидан ташқари қайтарилиши;
- ҳақикатда ўрнатилмаган ускуна қийматининг бутунлай ҳисоб-

китоб қилиниши чоғида объект қийматига киритилиши;

- бошқа хил ишлар ҳажмлари ва қийматларининг шартнома баҳоси бўйича орттирилиши.

Банк бўзилишлар ҳарактеридан келиб чиққан ҳолда:

- статистика ҳисоботлари органларига ишлар ҳажмлари ва қийматини орттиришлар, шунингдек ҳисоботларни ўзишлар тўғрисидаги материалларни йўллайди;
- белгиланган тартибда ишлар ҳажмлари ва қийматидаги ортиб кетишлар ва қурилишдаги бошқа бўзилишлар муносабати билан тўланиши керак бўлган иш ҳақи суммаларини қайта ҳисоб-китоб қилинишини амалга оширади.

Агар пудратчига бошқа банк томонидан хизмат кўрсатилаётган бўлса, у ҳолда бажарилган ишлар ҳажмидаги- аниқланган ортиб кетишлар тўғрисида банкка маълумотномани йўллайди. Хизмат кўрсатувчи банк тўланиши керак бўлган иш ҳақи суммалари ҳисоб-китоб базасининг камайтирилиши томонига оид тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади.

3.14.Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муалллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонликни, тадбиркорликни моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга таянган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билиларига эга бўлиши

алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодиётда инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидаги инқирозга учраши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Мулкчиликни турли шаклларини ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни барқарорлаштиришда ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади.

Мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши, ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл капиталининг

кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, ҳуқуқий шахсларни ва давлатни, фойда олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борадаги асосий мақсад инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомаблаға, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Давлат мулкини хусусийлаштириш туфайли мамлакат миқёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади. Албатта, бу борада ҳар бир мамлакатнинг инвестиция сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Инвестиция манбаларини ташкил этишда мамлакат иқтисодиётини барқарорлиги, миллий валюта бирлигини конвертацияланиши, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, аҳоли эҳтиёжини ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилиши ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

Бозор муносабатларини ривожлантириш давлат томонидан олиб бориладиган ички молия сиёсатига чамбарчас боғлиқдир. Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда у ёки бу

йўналишда сарфлаш ва жамғариш мамлакатда қабул қилинган ва амалиётда фаолият кўрсатаётган тақсимот тизимига боғлиқдир. Қонунчиликни ривожланиши, адолатли қонунлар қабул қилиниши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши бозор муносабатларининг ривожлантиришга, тадбиркорлик, ишбилармонликни кенг кўламда тарқалишига қаратилса инвестиция манбалари таркибида давлат маблағлари камайиши ҳисобига бошқа мулкдорлар маблағлари ўсиб боради. Ишлаб чиқариш муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва давлатнинг самарали молия сиёсатини юритиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Хорижий капитални кириб келиш даражаси устун даражада мамлакатни олиб бораётган молия сиёсатига (фискал сиёсати) боғлиқдир.

Бозор муносабатлари шаклланган шароитда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибини 2.1-чизмада кўриш мумкин.

Бозор муносабатларини ривожлантириш давлат томонидан олиб бориладиган ички молия сиёсатига чамбарчас боғлиқдир.

2.1-чизма

Давлат бюджетидан ажратмалар.	Кредит маблағлари ҳисобига.	Хорижий инвестициялар ва ХМИ кредит линиялари маблағлар.	Қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига.	Инвесторни ўз маблағлари ҳисобидан.

3.15. Акциядорлик капитали ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасини пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозори, пул маблағларига эҳтиёжи бўлган тармоқларга (корхоналарга) пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Акция - бу корхона мулкига акционерларнинг қўшган хиссасини тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивидент шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Акционерлик капиталини шакллантиришда икки хил акция эмиссия қилинади: оддий ва имтиёзли акциялар.

Оддий акция — акционерлик жамиятини бошқаришни ҳуқуқини беради (акционерларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивиденд олиш хуқуқи, жамиятни ликвидация қилаётганда акциялар қийматига

тенг миқдорда корхона мулкини олиш). Барча оддий акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Имтиёзли акциялар овоз бериш хуқуқига эга бўлмайди, лекин унинг афзаллик томони шундаки, у акционерга олдиндан маълум бўлган, қатъий белгиланган фоиз бўйича даромад билан таъминланган бўлади. Даромад ҳажми акционарлик жамияти фаолият натижасига боғлиқ бўлмайди. Акционерлик жамиятлари очиқ ёки ёпиқ турдаги жамиятларга бўлинади. Очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ўз акцияларини барча хоҳловчиларига ҳам, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари фақат ўз ишчиларига сотиши мумкин. Мулкчиликнинг акционерлик шаклида корхонанинг хўжалик фаолияти натижаси учун акционерларнинг жавобгарлик маъсулияти ошади. Ишчиларнинг бўш пул маблағларини акцияларга жойлаштириши, уларнинг маблағларини инфляциядан ҳимояласа, бошқа томондан ишлаб чиқариш натижаси учун маъсулиятини оширади. Чунки ўзи бундан манфаатдор бўлади. Банк кредити учун албатта фоиз тўланиши шарт, корхонанинг молиявий натижасидан қатъй назар (фойда кўрдими ёки зарар). Акциялар (оддий акция) учун корхона фаолияти натижасига қараб акционерларга дивидент тўланади. Корхона зарар кўрса, дивидент тўламайди. Акционерлар йиғилиши қарорига биноан, ҳисобот йилида дивидентлар тўланмасдан корхона фаолиятини кенгайтиришга ёки бирор инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун йўналтирилиши мумкин. Бундан ташқари акционерлик жамияти устидан давлат ва акционерларнинг назорат сифати ошади. Қимматли қоғозлар орқали зарур маблағлар банк кредитига нисбатан кўпроқ тўпланади.

Акционерлик капитали нафақат пул шаклида, балки, техника, технологиялар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштиришнинг қимматли қоғозлар эмиссия қилиш шаклининг ижобий томони шундаки, инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун асосий зарур молиявий ресурслар ёки бошқа ресурслар лойиҳани амалга оширишдан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида келиб тушади.

Корхоналар ўз инвестиция фаолиятини жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди, хусусан, “юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди ”.[29]

3.16.Облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Акциядан ташқари корхона облигация чиқариш йўли билан маблағларни жалб этади.

[29] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (1997 йил 24 апрелда қабул қилинган) . 16 модда, тўлдирилган 4-қисм, 2007 йил 23 июль. № ЎРҚ – 104.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риск камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса корхонага зарур маблағларни бир мунча қисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан риски камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидентга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан қулайроқдир. Чунки фойда миқдорига қараб, дивидентни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

Аҳоли оддий акцияга нисбатан имтиёзли акция олишга қизиқади. Шундай экан, корхона имтиёзли акцияларини оддий акцияларга нисбатан тезроқ сота олади. Лекин имтиёзли акциялар номинал қиймати, жамият устав капиталини 20% идан ошмаслиги керак.

Айрим ҳолларда, акциянерлик капитали фақатгина бошланғич капитал қўйилмаларни қоплабгина қолмай, яна корхонанинг соф айланма маблағларга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини қоплайди. Бу ҳолат одатда, корхонанинг молиявий ресурсларни фақат юқори фоиз остида олиш мумкин бўлган шароитдагина юз беради. Бу вазиятда депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари ҳам жуда юқори бўлади, шунинг учун, корхона етарли ресурсларни ташкил қилиш учун инвестицион лойиҳа юқори даромадлиги ва ўзига жалб қилувчи бўлиши керак. Бошқа ҳолатларга нисбатан арзонроқ қарз ёки муддатли кредитлар олиш мумкин бўлган ҳолатда, лойиҳаларни ссудалар ёрдамида молиялаштиришга интилиш ўсади.

Ҳар қандай ҳолатда узоқ муддатли қарзлар ва акционер капитали ўртасида баланс тутиб туриш лозим. Қанчалик акционер капитали ҳиссаси юқори бўлиб, шунчалик қарз мажбуриятилари хиссаси кам бўлса, солиқ тўлагунга қадар фойда шунчалик юқори бўлади. Молиялаштиришда қарз мажбуриятлари ҳиссаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик, мажбуриятлар бўйича фоиз тўловлари юқори бўлади.Ўзбекистон Республикасининг 23 июль 2007 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ: "Корхоналарнинг облигациялари" деган сўзлар "Корпоратив облигациялар" деган сўзлар билан алмаштирилди (Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Қонуннинг 5 – моддаси).

Корпоратив облигацияларни фақат очиқ акциядорлик жамиятлари аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида чиқаришлари мумкин.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.[30]

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли хил шаклларининг оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

[30] Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни, Т.: 2007 й 23 июль № ЎРҚ – 104.

- акционерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси – жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир. Молиявий бозорларсиз корхоналар ўз маблағларига таянишга мажбур булар эдилар, бу эса уни ривожланишини кескин чегаралиб қўяди.

в) *Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, суғўрта компанияларидан олинган қарзлар ёки бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади.*

Банк томонидан олинадиган фоизлар бериладиган кредитнинг ҳажми, муддати унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг риск даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференцияллашади. Ҳозирги вақтда инвесторлар тез қайтиш берувчи тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб қилмоқдалар.

Кредитлар, кредитлаш муддатига кўра қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан юқори) турларга бўлинади. Корхонанинг асосий фондлари учун олинган узоқ муддатли кредитларни одатда инвестиция деб аташади. Узоқ муддатли кредитларнинг объектив зарурлиги корхонани ишлаб чиқаришини кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан шу шароитда кредит муносабатларида узоқ муддатлилик характери вужудга келади. Бу қарздорга ўз маблағларини ўз муомаласидан олишга (оборотидан олишга) нисбатан, бир мунча қисқароқ вақтда пул маблағларини олиш имкониятини беради. Капитал қўйилмаларни

молиялаштиришнинг кредит усулининг афзаллик томони маблағларни қайтаришлик билан боғлиқдир. Бу капитал қўйилмаларни ҳақиқий қопланиши ва кредитни қайтарилишини назаратини кучайтиради. Бу эса ўз-ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ҳозирда реал иқтисодиётда инвестициялар даромадлилик даражаси банк фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлган, савдо кредит ва воситачилик операцияларини кредитлаш билан чегараланиб қолмоқда.

3.17.Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳозирги кунда умуман ўзгача шаклга келди. Банк – молия тизими такомиллашмоқда. Иқтисодиётга кўпгина янги тушунчалар кириб келмоқда. Шулар жумласидан инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тушунчасидир.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш – бу пул маблағлари мобилизацияси шаклларининг бир кўриниши бўлиб, унда йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда бир қанча молия – кредит институтлари иштирок этади ва инвестицион сарф харажатлар эса қайтадан ташкил этилаётган объектларнинг бўлажак даромадлари ҳисобига қопланади.

Мазур ва бошқаларнинг “Управление проектами” китобида эса “лойихавий молиялаштириш, бу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни кредит кўринишида

тақдим этишдир”[31] деб таъриф берилган. Бу ерда, кредит қарз олувчига нисбатан хеч қандай регрессиз, чекланган ёки тўлиқ регрессли бўлиши мумкин деб ёзилган.

Регресс деганда, қарзга олинган суммани тақдим этилишига бўлган талаб тушунилади.

Йирик лойиҳаларни молиялаштиришини ташкил этиш учун лойиҳа ташаббусчи лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва банклар билан биргаликда мўлжалланган лойиҳанинг техник – иқтисодий асоси (ТИА) ва бизнес – режасини батафсил ўрганадилар.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

❖ Инвестицион лойиҳада лойиҳани амалга оширишга тайёр ишончли шерикларни иштирок этиши;

❖ Лойиҳа техник – иқтисодий асосланиши ва лойиҳа смета хужжатларни юқори талаб даражасида ишлаб чиқилиши;

❖ Лойиҳани етарли даражада капитализацияси;

❖ Лойиханинг қурилиш – монтаж ва эксплуатация мезонларини батафсил ўрганиб чиқиш (транспорт, махсулотни ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқалар);

❖ Лойиҳа рискини баҳолаш ва уни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

❖ Гаров ёки бошқа таъминотнинг мақсадга мувофиқ мавжудлиги.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани амалга оширишга керак бўладиган пул маблағларининг асосий ҳисоб – китоб ишлари, лойиҳа ташаббускорларининг имкониятлари, қарз маблағларига бўлган

[31] Мазур И.И., Шапиро В.Д. др. Управление проектами: Справочное пособие. – М.: Высшая школа .2001. - 875 с.

эхтиёж, бўлажак (кутиладиган) фойда, потенциал инвестицион ва савдо – сотиқ рикслари лойиҳалаштиришнинг олди, инвестиция ва эксплуатацияга берилиши босқичларида бахоланиши мумкин.

Лойиҳавий молиялаштириш усуллари Ғарбий Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 80 – йилларининг бошида турли хил молиявий операцияларни бажариш мақсадида фойдалана бошланди. Бу операциялар лойиҳа ташаббусчиларига қарз тўловларига бўлган харажатларни камайтиришга, молия – кредит институтларининг ёрдамидан фойланишга имконият яратган эди.

Демак, лойиҳавий молиялаштириш – бу корхона ва ташкилотнинг иқтисодий ва техник ҳаётийлигини таъминлашдир, бу эса ўз навбатида корхона қарзини тўлашга етарли бўлган пул тушумларини бошқариш тушунилади.

Амалиётдаги кредит операциялари жараёнида банк биринчи ўринга қарз олувчиининг кредит тарихини ўрганишга, унинг иқтисодий, молиявий аҳволига ва таъминот турлари ва гаровга берилаётган мулкни баҳолашга диққат эътиборини қаратса, лойиҳавий молиялаштиришда эса асосий эътибор лойиҳа таҳлилига ажратилади.

Лойихавий таҳлилнинг асосий объекти, бу лойиҳавий хужжатлар (лойиҳани техник – иқтисодий асослаш)дир. Лойиҳавий тахлилнинг асосий мақсади бу инвестицион лойиҳасини молиявий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш, инвестицион лойиҳасининг смета – харажатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда, риксларни баҳолашдир.

Лойиҳа тахлилининг асосий йўналишларига техник ташкилий, ҳуқуқий, экологик, тижорат иқтисодий, молиявий йўналишларини киритишимиз мумкин.

Йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина иштирокчилар жалб қилинган бўлади:

❖ Лойиҳа ташкилотчилари;

❖ Ташкилотчилар таъсис этган лойиҳавий компания;

❖ Кредиторлар (тижорат банклари, банк консорциуми);

❖ Пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчилар);

❖ Асбоб – ускуналарни етказиб берувчилар;

❖ Суғўрта компаниялари;

❖ Лойиҳавий компания чиқараётган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олувчи институтционал инвесторлар;

❖ Молиявий маслаҳатчилар;

❖ Оператор – компаниялар, объектни эксплуатация (ишлаб чиқариш) га киритгандан сўнг, унинг инвестицион фаолиятини бошқаради.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончлигини таъминловчи қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

❖ Техник – иқтисодий асосланганлик ва молиявий режанинг қониқарлиги;

❖ Лойиҳа томонидан ишлатиладиган маҳсулот ва хом – ашё манбалари ва қийматларининг кафолатганлиги;

❖ Лойиҳанинг маъқул нархларда ёқилғи билан таъминлаганлиги;

❖ Лойиҳа маҳсулотлари ва хизматларини сотиш учун бозорнинг мавжудлиги ва бозоргача транспорт харажатлари маъқул нархларда

мавжудлиги;

❖ Қурилиш материалларини кутилган нархларда сотиб олиш мумкинлиги;

❖ Пудратчи, фойдаланувчи ва бошқарувчи персоналлар тажрибали ва ишончлиги;

❖ Лойиҳа ишончсиз технологияларини ўз ичига олмаслиги;

❖ Ҳамкорлар ва манфаатдорлар томонлар билан шартномавий келишувлар тузилган, лицензия ва рухсатномалар олинганлиги;

❖ Валюта риксларининг тақсимланганлиги;

❖ Лойиҳа қўшимча таъминоти сифатида қимматли активларга эгалиги;

❖ Етказилаётган ресурс ва активларнинг тегишли сифатлари таъминланганлиги;

❖ Тегишли суғўрта тўловлари қараб чиқилганлиги;

❖ Форс – мажор ҳолатлари, тўхтаб қолишлар хавфи (етказиб беришда, қурилишда ва бошқалар) харажатларнинг ўсиши ҳисобга олинган ва уларнинг тақсимланганлиги;

❖ Лойиҳанинг инвесторларни қониқтирувчи кўрсаткичларга эгалиги;

❖ Фоиз ставкалари ва инфляциянинг ҳақиқий олати ҳисобга олинганлиги.

Ҳақиқий инвестицион лойиҳа ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган барча мезонларга мос келавермайди. Юқоридаги мезонлар лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли кечиши учун бешта асосий тамойилларни белгилаб олишни тақозо этади.

❖ Инвестицион лойиҳаларни хаётийлиги;

❖ Лойиҳани амалга оширишда тажрибали, кучли ва виждонли хамкорларнинг иштироки ;

❖ Лойиха барча рискларининг ҳисоби ва тақсимоти;

❖ Барча хуқуқий жихатларни тартибга солиб бориш;

❖ Лойихани амалга оширишда сифатли бизнес – режанинг мавжудлиги ва аниқ мувофиқлашган харакат режаларини ишлаб чиқиш.

Тижорат банклари инвестицион кредитларининг асосий қисми инвестицион лойиҳаларни кредитлаш (ёки лойиҳавий кредитлаш) асосида амалга оширилади.

Лойиҳаларни кредитлашнинг бу шакли келажакда ташкил этилаётган ёки қайта қурилаётган корхоналар олиши мумкин бўлган даромад ҳисобига инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ғояси ётади. Ушбу даромадлар ҳисобига банклар томонидан ташкил этилган инвестицияларни молиялаш ва қайтаришлилик таъмиланади. Жаҳон тажрибасида банклар фаолиятининг ушбу йўналиши ёқилғи энергетика мажмуаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи ҳамда капиталга муҳтож бўлган сонаот тармоқлари, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш учун зарур бўлган давлатлар ва худудлар учун жуда долзарб ҳисобланади.

Лойиҳавий кредитлаш механизми ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатишда жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки томонидан мувофиқиятли фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги, усули синдицирлаштирилган кредитлаш (синдикатга уюшган бир неча кредиторларнинг кредитлари мажмуи) пайдо бўлди.

Иқтисодий адабиётларда бу сўзнинг аниқ атамаси йўқлиги сабабли, кўпчилик ҳолларда молиялаштиришнинг бу турини синдикатлаштирилган кредит деб ҳам аталади.

Синдикатлашмоқ, синдикат тўзиб бирлашмоқ маъносини билдириб, инвестицияларни молиялаштириш тизимида йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштиришни ташкил этиш усулларидан бирини англатади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдикатлаштирилган кредитнинг асосий хусусияти шундай иборатки, бунда бир неча кредиторларнинг мавжудлиги, молиялаштириш учун берилган кредит суммаси ва у билан боғлиқ рискларнинг иштироки кредиторлар (банклар) ўртасида тақсимланишидадир.

Инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатлаштирилиши мумкин бўлган кредитларга лойиҳавий молиялаштириш ҳам киради. Лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбаи бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган фойда ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, фақатгина мақсадли молиялаштирилгандагина самарали амалга оширилиши мумкин. Мақсадли молиялаштириш кредит ресурсларидан фойдаланишдаги ўша жавобгарликни бартараф этади.

Мақсадли молиялашнинг афзаллиги шундаки, бунда кредитор нафақат қарз ресурсларини таклиф қилади, балки уларни қулай шартларда товарлар билан таъминлайди.

Молиявий глобализация даврида инвестиция лойиҳаларини халқаро кредитлаш жараёнида лойиҳавий молиялаштириш тобора

самарали молиялаштириш шакли бўлиб келмоқда. Лойиҳавий молиялаштириш деганда одатда банк томонидан инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдаги махсус кредитлаш тури тушунилиб, бунда регрессиз ёки қарздорга бўлган кредитнинг чегараланган регрессида йирик инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаш (кредитлаш) тушунилиб, бунда қарз олувчининг тўлов мажбуриятларининг таъминоти бўлиб, мазкур лойиҳа фаолиятидан олган даромадлари ҳамда бу лойиҳага таалуқли активлар ҳисобланади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда лойиҳавий молиялаштиришнинг турли схемалари асосида инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Булардан бири «Евро тунел» инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдир. Бу инвестиция лойиҳасига асосан Буюк Британияни Европа континенти билан боғлаб, соф хусусий секторларнинг (хукумат ва халқаро ташкилотлар аралашувисиз) инвестицияларига барпо этилган ва лойиҳа қиймати 7 млрд фунт стерлингни ташкил этган. Ушбу лойиҳани амалга оширишда 198 та банк ўз маблағлари билан иштирок этган.

Инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли молиялаштиришда кўпчилик лойиҳани молиялаштиришнинг синдикат кредитлари шаклига зарурат сезмоқда. Бунда кредит битими шартларини ташаббускор банк ўрнатади ва у бошқа банкларни бу лойиҳани молиялаштиришда иштирок этишни таклиф этади.

Синдикатлашган кредит бўйича фоиз суммаси қоидага кўра сўзиб юрувчи ставкада ҳисобланади ва база қилиб эса ЛИБОР (London Inter Bank Offered Rate – Лондондаги банклараро кредитлар бўйича фоиз

ставка) ставкасини олишади ва унга банк маржаси қўшилади (ёки, амалиётда PIBOR, NIBOR ставкаларидан ҳам фойданилади).

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш (реализация қилиш) нуқтаи назаридан молиялаштириш муддатини ва объектни қуриш (яратиш) вақтини келишиб олиш муҳимдир. Объектни ишлаб чиқариш қувватларига етказиш ва ишлаш муддатининг амалга оширилиши инвестиция лойиҳасини молиялаштириш вақтини (муддати) шакллантиради.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, Европа банклари томонидан қўлланиладиган кредитлаштиришнинг максимал муддати 10-15 йилни ташкил қилади. АҚШда эса, бу муддат камроқ 7-12 йил. Агар лойиҳани молиялаштириш муддати етарлича бўлмаса, у ҳолда молиялаш таркибини кредитлашнинг реал имкониятларига ўзгартирилади.

Шунингдек, алоҳида банклар ҳам кафил бўлиб чиқишлари мумкин. Бундай ҳолат халқаро кредит ташкилотлари ёки экспорт-импорт кредитларини суғўрталовчи миллий агентликлар томонидан лойиҳа молиялаштирилганда кўпроқ юз беради. Бунда синдикат-иштирокчи банклар кредитор фойдасига аккредитив очишлари ёки кафолат беришлари мумкин. Бундай молияштиришдан фойда нима? Унда қарз олувчи молиялашни камроқ риск (хатар)лар билан олади, яъни кредитлар риски тижорат банкига ўтади.

90-йиллар I-ярми жаҳон хўжалиги учун юқори иқтисодий ўсиш даражаси билан характерланиб, лойиҳани молиялаштириш шаклларига катта талаб уйғотди. 1997-1998 йиллардаги молиявий инқирозларгача лойиҳани молиялаштиришнинг жаҳон бозорида

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари етакчилик қилиб келди. 1996 йилда Гонконгда 36та, қиймати 19,3 млрд.долларлик, Индонезияда 72та, қиймати 14,1 млрд.долларлик, Тайландда 31 та, қиймати 9,4 млрд. долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Умумий 1996 йилда Осиё мамлакатларида 400та, қиймати эса 86,2 млрд.долларлик инвестицион лойиҳалар молиялаштирилди.

Хулоса қилганда, бугунги кунда лойиҳавий молиялаштириш лоийҳаларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиришда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Жахондаги кўпгина банклар ўз фаолиятида ўз зиммасига қандай риск даражасини олишига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қуйидаги уч турга ажратилган:

1. Регресс хуқуқисиз кредитлаш (non – resource financing);

2. Тўлиқ регресс ҳуқуқи билан кредитлаш (full – resource financing);

3. Чекланган регресс ҳуқуқи билан кредитлаш (limited – resource financing).

Қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз бўлган лойиҳавий молиялаштиришда кредитор ўз зиммасига лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, савдо – сотиқ рискларини олади. Бунда кредитор фақатгина лойиҳа, кредит ва фоиз тўловлари учун бўлган пул оқимларини назарда тутади. Лойиҳавий молиялаштиришнинг бу кўриниши қарз олувчи учун энг нархи баланд ҳисобланади, чунки кредитор бундай риск даражасини ўзига олар экан, унга тенг келувчи компенсацияга ҳам ҳақли бўлади.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регрессли лойиҳавий молиялаштириш жаҳон амалиётида кўпроқ тарқалган. Бу тўрнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, қарз олувчи лойиҳани молиялаштириш учун пул воситаларини нисбатан тезроқ олиш имкониятига эга бўлади. Молиялаштиришнинг бошқа турларидан пул маблағларини жалб қилишнинг нархи арзон бўлиши билан фарқланиб туради.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регрессли лойиҳавий молиялаштириш қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

❖ Республика ёки регионал аҳамиятга эга, инфраструктурани шакллантириш бўйича даромадсиз бўлган, пастрентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун пул маблағлари керак бўлганда;

❖ Экспорт кредит шаклида пул маблағларини тақдим этишда, чунки экспорт кредитларни бериш бўйича махсус ташкилотлар қўшимча учинчи тараф гаровсиз лойиҳа рискларини ўз зиммасига олиш ҳуқуқига эгадирлар ва кредитни фақатгина шундай шаклда беришга тайёрлар;

❖ Лойиҳа бўйича кафолатларнинг етарли бўлмаганида;

❖ Инвестицион харажатларининг кўпайишига катта таъсирчанлиги бўлган кичиқ лойиҳаларга пул маблағлари тақдим этилганда.

Қарз олувчига нисбатан чекланган регрессли лойиҳавий молиялаштириш лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча лойиҳаларни назарда тутади. Лойиҳа рисклари лойиҳа иштирокчилари орасида шундай тақсимланган бўладики, уларга боғлиқ бўлган рискларни ўзлари қабул қилишга тайёр бўладилар.

Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштиришнинг бир қанча турлари мавжуд. (10.1 - жадвал)

– жадвал

Лойиҳавий молиялаштириш турлари.

Классификацияси	Турлари
Кўлами бўйича	Банк лойиҳавий молиялаштириш; Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш;
Ресурс манбалари бўйича	❖ Саноат корхонасини ўзининг пул маблағлари орқали; ❖ Банк кредитлари орқали; ❖ Инвестициялар орқали; ❖ Қарз облигациялари орқали; ❖ Фирма кредитлари орқали; ❖ Лизинг орқали.
Архитектураси бўйича	Параллел молиялаштиришли; Босқичма – босқич молиялаштириш.
Регресс бўйича	Регресс ҳуқуқисиз кредитлаш; Тўлиқ регресс ҳуқуқи билан кредитлаш; Чекланган регресс ҳуқуқи билан кредитлаш.

Лойиҳавий лойиҳалаштиришни кўлами бўйича ҳам турларга бўлиш мумкин:

- банк лойиҳавий молиялаштириш;

- корпоратив лойиҳавий молиятириш.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг биринчи кўринишида лойиҳани асосан банклар амалга оширадилар. Шу билан бирга асосий қарз берувчилар бўлиб банклар қолишади.

Иккинчи кўринишда эса, лойиҳани мавжуд корпорациялар амалга оширади. Бунда етакчи ўринни банклар эмас, балки корпорациялар эгаллаган бўлишади.

Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш – инвестицион лойиҳасининг молия манбаси компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади, биринчи ўринда амортизация фондлари ва тақсимланмаган даромад (фойда) ҳисобланади.

Банк лойиҳавий молиялаштириш – инвестицион лойиҳасининг молия манбаси асосан ёки қисман банк кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Банк кредитлари аниқ шартлар асосида берилади.

Лойиҳавий молиялаштиришни жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш тартибига (Архитектураси бўйича) қараб икки турга бўлиш мумкин:

- Параллел молиялаштириш;
- Босқичма босқич молиялаштириш.

Биринчи тур молиялантириш одатда ҳамкорликдаги молиялаштириш деб ҳам аталади, яъни бир нечта кредит муассасалари инвестиция лойиҳасининг амалиётга тадбиқи учун қарз маблағларини ажратади. Бу бир томондан банкларга берадиган кредит суммаларининг меъёрий чегарасига риоя қилишига имконият берса, иккинчи томондан ўз кредит рискларини камайтиради. Амалиётда ҳамкорликдаги молиялаштиришнинг икки шакли қўлланилади:

1) Мустақил параллел молиялаштириш, яъни ҳар бир банк қарздор билан кредит шартномасини тўзади ва инвестиция лойиҳасининг ўзига тегишли қисмини молиялаштиради.

2) Ҳамкорликдаги молиялаштириш, яъни кредиторлар ягона синдикат (концорциум)га бирлашади; ягона кредит шартномаси тўзилади; синдикат (концорциум)ни шакллантиришни, кредит шартномасини имзолашни менеджер - банк амалга оширади; келгусида кредит шартномасининг амалга оширилиши устидан назорат ва зарур ҳисоб китоб операцияларини синдикат (концорциум) таркибига кирувчи махсус агент -банк амалга оширади ва бунинг эвазига комиссион ҳақ олади.

Бугунги кунда лойиҳавий молиялаштиришнинг иккинчи тури кенг тарқалгандир. Лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичма-босқич молиялаштириш тури йирик нуфўзли банкнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай нуфўзли биринчи тоифали тижорат банклари инвестициия лойиҳаларини экспертизаси бўйича тажрибали мутахасисларнинг мавжудлиги, кредитлаш имкониятининг юқорилиги сабабли лойиҳаларни кредитлаш учун катта миқдорда аризалар олишади. Лекин бу йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам барча лойиҳаларни молиялаштириш имкониятига эга бўлмайди ёки бу ҳолат уларнинг балансига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бундай банклар лойиҳаларни кредитлаш жараёнининг ташаббускори вазифасини бажаради. Корхонага қарз берилгандан сўнг ташаббускор - банк концессия шартномаси бўйича қарздорга нисбатан ўз талабларини бошқа кредиторга ўзатади. Инвестиция лойиҳасини баҳолагани, кредит шартномасини ишлаб чиққани ва қарз бергани учун ташаббускор - банк коммиссион ҳақ олади.

Бу қайд қилинган лойиҳавий молиялаштириш турларида асосий роль ташаббускор - банк сифатида иштирок этувчи йирик тижорат банки ва ҳалқаро молиявий институтлар зиммасига тўғри келади.

Сўнгги даврларда «лойиҳа облигациялари» деб номланувчи қимматли қоғозларни муомаблаға чиқарувчи ва жойлаштирувчи молиявий компания ва банклар ҳам лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчиларига айланган. Дастлабки вақтларда бундай облигацияларни муомаблаға чиқариш инвестиция лойиҳаларини бошланғич давридан молиялаштириш учун эмас, балки банкдан олинган лойиҳавий кредитни қайта молиялаштириш мақсадида амалга оширилар эди. 1990 йилларнинг ўрталаридан бу облигациялар инвестиция лойиҳаларини бошланғич давридан молиялаштириш учун муоммаблаға чиқарилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштириш ўз хусусиятига эга, яъни кўп ҳолларда улар концессия шартномасига асосланади. Бу шартноманининг мазмуни шундан иборатки концессионер (лойиҳачи компания) келишилган давр мобайнида (20, 30 ва ундан ортиқ йилларга) инвестиция фаолиятининг объектини қуриш, молиялаштириш, бошқариш ва хизматини ташкил этиш билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сўнг эса объект давлатга (давлат корхонаси) топширилади. Концессия даврида концессионер объектдан фойдаланиб даромад олади, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш бўйича харажатларини қоплайди. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг бундай усули сўнги вақтларда саноати ривожланган давлатларда ҳам кўп

инфраструктурали лойиҳаларни молиялаштириш схемасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демак лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этиши мумкин, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш деб аташимиз ҳам мумкин. Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва концорциумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Республикамизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, Республика акционер-тижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда.

Лойиҳавий молиялаштириш тўғрисида якун ясаб қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

- лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу - синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз риски ва маблағлари билан иштирок этади;

- лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин;

- лойиҳавий молиялаштириш объекти бўлиб аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар ҳисобланади.

- лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий жараён бу лойиҳа ҳужжатларининг техник, иқтисодий, молиявий, экологик таҳлили ҳисобланиб, бу жараённинг қанчалик чуқур ва савияли ўтказилиши лойиҳанинг келгуси тақдирини белгилаб беради.

3.18.Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

Синдикатли кредитлашда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

синдициялаштирилган кредит - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш.

йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси.

банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув.

етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг

асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банк.

иштирокчи банк – синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банк.

Синдициялаштирилган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади.

Тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тўзиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади.

Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тўзиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади.

Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда самарасиз инвестиция лойиҳаларини тақдим қилган хўжалик субъектларига синдициялаштирилган кредитлар берилмайди. Синдициялаштирилган кредит олгандан кейин молиявий аҳволи ёмонлашган қарздордан берилган кредитлар ўрнатилган тартибда муддатидан аввал ундириб олиш чора-

тадбирлари кўрилиши лозим. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

Қарз олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равишда мижознинг кредитга қобилиятлилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади.

Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида етакчи банк кредит қўмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хоҳишини билдирган банкларни аниқлайди ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланган қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади.

Синдициялаштирилган кредитни беришга хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилиши мумкин. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий

банклар ва молиявий институтлар билан тузилган битимларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар билан музоқаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тўзиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Етакчи банк иштирокчи банкларга таклиф йўллашдан олдин қарз олувчи ҳақидаги маълумотларни Банклараро кредит бюроси маълумотлари билан солиштириши лозим. Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиш ва имзолаш фақатгина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисида ўзаро битим тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестицион лойиҳани биргаликда кредитлаш борасида битим имзолангандан кейин банк синдикати тузилган ҳисобланади ва ушбу битимни имзолаган барча иштирокчи банклар ўзларига синдициялаштирилган кредитлаш борасида мажбурият олган ҳисобланадилар.

Банк синдикати тузилгандан кейин ушбу битимдан чиқиш, яъни синдициялашган кредит бериш борасидаги кредит шартномасини имзолашда бош тортилган тақдирда иштирокчи банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа иштирокчи банклар олдида бой берилган фойдани қоплаб бериш борасида жавобгар бўлади.

Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз олувчи етакчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит буюртмаси;

лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа;

қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-,3, 4, 5 шакллардаги охирги 3 йиллик молиявий ҳисоботи;

синдикатли кредитлашнинг таъминот шаклларидан бирини;

етакчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Олинган кредитни қайтараолмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;

банк ёки суғўрта ташкилоти кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғўрта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини суғўрта қилингани тўғрисидаги суғўрта полиси;

Йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса,

кредитни қайтариш мажбуриятини таъминоти сифатида ҳукумат кафолати тақдим этилиши мумкин.

Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун қўшимча равишда юқорида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматли қоғозлар (иштирокчи банклар эмитент бўлган қимматли қоғозлардан ташқари) ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Бунда гаров шартномаси бир томондан қарз олувчи ва иккинчи томондан иштирокчи банклар томонидан имзоланадиган шаклда тўзилади.

Кафолат Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг етакчи ва иштирокчи банклар олдидаги ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Ёзма мажбурият етакчи банкда сақланади.

Кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, етакчи ва иштирокчи банклар-бенифициарлар фойдасига кафил, етакчи, иштирокчи банклар ва қарз олувчи томонидан имзоланадиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

Етакчи банк иштирокчи банклар билан келишган ҳолда уларга энг қулай бўлган таъминот шаклини танлаш ҳуқуқига эга.

Бунда етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда тавсия этилаётган таъминот турини таҳлил қилиши шарт. Жумладан, гаров тақдим этилган тақдирда, етакчи банк гаров сифатида таклиф этилаётган мулкни қарз олувчи ҳамда иштирокчи банклар вакиллари иштирокида биргаликда баҳолаши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳолашни амалга ошириши мумкин. Кафолат, суғўрта ёки учинчи шахснинг кафиллиги тақдим этилган тақдирда, етакчи банк кафолат берувчининг, суғўрта компаниясининг ёки қарз олувчига кафил бўлаётган шахснинг молиявий аҳволини батафсил таҳлил қилиши ва ўз хулосасини иштирокчи банкларга маълум этиши лозим..

Банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуши аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит шартномасида кредитнинг умумий суммаси, мақсади, фоиз ставкаси, муддати, ҳар бир иштирокчи банк томонидан ажратиладиган кредит миқдори, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда иштирокчи банклар томонидан кўриладиган жазо чоралари ва жаржарималар, кредит шартномада белгиланган муддатларда ажратилмган ҳолларда иштирокчи банкларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори ва бошқалар белгиланган бўлиши шарт.

Кредит йиғма жилди етакчи банкда юритилади ва унда сақланади. Кредит йиғма жилдининг нусхаси ҳар бир иштирокчи банкда сақланади.

Иштирокчи банклар томонидан қарз олувчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, иштирокчи банкнинг ички тартибида белгиланган тарзда тегишли масъул ходими томонидан бухгалтерияга кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобрақамини очиш тўғрисида фармойиш беради

Синдициялаштирилган кредит ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳар бир иштирокчи банк томонидан Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 2 мартида 906-рақам билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (янги таҳрири)» асосида барча зарур лойиҳа-смета ва бошқа ҳужжатлар нусхалари етакчи банкка тақдим этилгандан кейин бошланади. Иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи-банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобвараги очади .

Иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда

ҳисобварағидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади.

Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобвараги орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

Етакчи банк томонидан қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторингни амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг жараёнида етакчи банк ва ҳар бир иштирокчи банк томонидан қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномаларга (буюртмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар,

муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши, барча банк ҳисобварақларидаги ҳаракатларни таҳлил қилади ва ушбу кўрсаткичларни қарздорнинг кредит йиғмажилдида умумлаштириб боради.

Банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойига чиқиб ўрганилади.

Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича етакчи ва иштирокчи банклар мониторинг жараёнида кредитланган объектда бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Мониторинг натижалари етакчи банк томонидан иштирокчи-банкларга ҳамда иштирокчи банклар томонидан бошқа синдикат аъзоларига синдициялаштирилган кредит ҳақидаги келишувда белгиланган муддатларда юборилади.

Мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқланиши бўйича жавобгарлик ҳар бир иштирокчи банк зиммасида бўлади.

Мониторингни амалга ошириш банк синдикати келушивида ёки кредит шартномасида етакчи банк зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлаш борасидаги жавобгарлик етакчи банк зиммасида бўлади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, иштирокчи банклар ёки етакчи банк кредит

шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш етакчи ва иштирокчи банклар томонидан уларнинг мазкур кредит умумий суммасидаги улушига мос ҳолда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағида мавжуд маблағлар ҳисобидан, кредит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда ундирилади.

Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун қарз олувчининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит учун ҳисобланган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Етакчи банк, унинг томонидан кредитлаш жараёнини нотўғри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қуйидаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади: кредит ҳужжатларини нотўғри расмийлаштириш, юзаки мониторинг ўтказиш, иштирокчи-банкларга кредит қайтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қилмаслик, қарз

олувчининг депозит ҳисобрақамида маблағлари бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаганлик ва ҳк.

Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли кредитни ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун масъулият синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув асосида барча иштирокчи-банклар зиммасида бўлади.

Етакчи банк мазкур битимни ташкил этиш пайтидаги бевосита ва қўшимча вақт ва маблағ сарфларини қоплаши учун қарз олувчидан воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга. Воситачилик ҳақи миқдори синдициялаштирилган кредитлаш ҳақидаги келишувда ва кредит шартномасида назарда тутилади.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, етакчи банк бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда Фуқаролик кодексининг 280- моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равишда гаров предметига қаратишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган маблағ суммаси барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларнинг мазкур синдициялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдиғидаги улушига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади.

Синдициялаштирилган кредитни қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш худди шу тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар томонидан синдициялаштирилган кредит бўйича қарз олувчининг тўловга қобилиятлилик даражасида муаммолар пайдо бўлганлиги аниқланган тақдирда эҳтимолли йўқотишларни қоплаш учун Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-рақам билан рўйхатга олинган «Активлар сифатини тавсифлаш, улар бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун тижорат банклари томонидан яратиладиган заҳираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Низом»га мувофиқ синдициялаштирилган кредитдаги улуши ҳажмида захиралар яратишга мажбурдирлар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда республикамизда лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шу билан бирга, бу ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштиришда, унинг устувор шаклларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.19.Инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг механизми

Ўзбекистонда лизинг бугунги кунда ривожланиб бораётган соҳалардан биридир. Лизинг муомилалларини юзага келишининг узоқ тарихий босқичларини ҳарактерлаш мумкин. Илк бор "лизинг" атамаси 1877 йилда қўлланилган, ўша даврда "Bell" телефон компанияси ўзининг телефон аппаратларини мижозларга сотмасдан, балки ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш билан унинг дастлабки қадамларини бошлаган эдилар. Бунга кўра, ўрнатиладиган

асбоб-ускуналар мижознинг уйи ёки офисига фақат ижара тўловлари бўйича ўрнатиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 14 апрель 1999 йил қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги Қонунида лизинг тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тўри бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учунчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол – мулкни (лизинг объектини) олади”.[32]

Шу билан бирга, проф. Д.Ғ.Ғозибеков лизинг тушунчасига аниқ ва тўлиқ қилиб қуйидагича таъриф беради: “Лизинг алоҳида турдаги мулкий ва хуқуқий муносабатлар мажмуасини вужудга келтирадиган алоҳида кредит ва ижара муносабатлари воситасида капиталнинг пул ва буюм шаклида тақсимланиши соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат”.

Ҳозирги вақтда ҳам "лизинг" ва "ижара" тушунчаларини таърифлашда ҳар хил фикрлар мавжуд. Бунинг моҳияти шундаки, мамлакатимиз амалиётида бу икки термин турлича тушунчалардир. Тўғри, "ижара", "молиявий ижара (лизинг)", "молиявий лизинг" ва бошқа тушунчалар алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан амалиётга киритилган. Бошқача қилиб айтганда, ижара жараёнларининг маълум бир қисми хорижий "лизинг" сўзи билан номланади. Лекин албатта уларнинг фарқланиш белгилари мавжуд.

[32] Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, 1999 йил 14 апрель, 2 – модда.

Умумий жиҳатлари билан бирга, лизинг ва ижара муносабатларининг Прилуцкий Л.Н. томонидан кенг асослаб берилган маълум фарқланишлари ҳам мавжуд:[33]

1.Ижарадан фарқли ўлароқ лизинг муносабатлари лизинг берувчи ва лизинг олувчи билан бир қаторда лизинг мулкининг сотувчисини ҳам ўз ичига олади;

2.Лизингда мулкни ва уни ишлаб чиқарувчисини танлаш ҳуқуқи сотиб олувчига берилади. Бунда лизинг берувчи лизинг предмети уни лизингга бериш мақсадида сотиб олинаётганлиги ҳақида сотувчини хабардор қилади. Ижарада сотувчи мустақил ўринга эга эмас ва деярли иштирок этмайди;

3.Лизингда лизинг олувчига сотиб олувчига хос бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади ва юклатилади: мулк бевосита сотувчи томонидан лизинг олувчига берилади, лизинг берувчи эса фақатгина мулк қийматини тўлаб беради. Ижара муносабатларига эса бу хос эмас;

4. Ижара ва лизинг шартномаларида таваккалчилик турлича белгиланади. Ижара шартномаси бўйича ижарага берувчи мулкни ишлатишга тўсиқ бўлаётган барча етишмовчиликлар учун ижарачи олдида жавоб беради. Лизинг шартномасига мувофиқ эса лизинг берувчи лизингга берилган мулкдаги етишмовчилик ва камчиликларга истеъмолчи олдида жавобгар эмас, чунки лизинг олувчи таъминотчини ўзи мустақил танлаган. Лизинг олувчига етказилган зарарга жавобгарлик, таъминотчини ёки мулкни

[33] Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятелности в Россиской Федерации. – М.: изд. «Ось», 1996, 128 стр.

танлашда лизинг берувчи иштирок этган бўлсагина, унинг зиммасига юклатилади;

5.Лизинг берувчи шартнома муддати давомида лизинг битими объекти эгаси бўлиб ҳисобланади, лизинг олувчи эса мулкка эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади (фавқулодда йўқотиш таваккалчилиги, техник хизмат кўрсатиш). Лизинг битимидаги таваккалчиликнинг бу каби тақсимланиши асослидир, чунки лизинг берувчи мулкни лизинг олувчи манфаатларидан ва талабидан келиб чиққан ҳолда сотиб олади. Ижарада барча хатар ижарага берувчида бўлади;

6. Муддати тугагунга қадар лизинг берувчи ёки лизинг олувчи хоҳишига кўра, лизинг шартномаси бекор қилинганда, мулкдан фойдаланувчи шартнома шартларини бўзган ҳолларда, шартномада белгиланган умумий сумма тўлангунга қадар лизинг тўловини амалга оширилиши зарур. Ижарада мажбуриятларни бекор қилиниши билан ижара тўловини тўлаш мажбурияти бўлмайди.

"Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас." («Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси)

Банк кредитини беришда ҳам, лизинг кредитини беришда ҳам у ёки бу лойиҳани инвестициялаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида пухта ишланган қарор қабул қилинади. Банк кредитини олишда ҳам, лизинг кредитини олишда ҳам қарз олувчи ўз зиммасига қарзнинг асосий суммасини ва фоизларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Лизингнинг банк кредитидан фарқи:

- мулкчилик ҳуқуқининг эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ажратилиши банк кредитининг лизинг кредитидан энг асосий фарқидир;
- узоқ муддатли банк кредити берилганида кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш солиқ тўланганидан кейин фойда ҳисобидан амалга оширилса, лизинг берилганида бу тўловлар бошқа тўлов билан бирга маҳсулот таннархига киритилади, бу эса фойда солиғи бўйича тегишли солиққа тортиш базасини камайтиради;
- агар банк кредити молиялаштиришнинг қўшимча манбаи тарзида намаён бўлса, лизинг кредити қоида тариқасида битимни 100% молиялаштиришни таъминлайди;
- кредит таъминоти бўлиб, банк кредитида мол-мулкни гаровга қўйиш, банк кафолати, ипотека, кафиллик, суғўрта ва бошқалар бўлса, лизинг кредитида асосан лизинг объектининг ўзи бўлади.

"Лизинг тўғрисида"ги Қонун лизингни шакли, типи ва тури бўйича синфлашни ҳарактерлайди.

Лизингнинг асосий шакллари ички ва халқаро лизингдир. Ички лизингни амалга оширишда лизинг олувчи, лизинг берувчи ва

сотувчи вакил ҳисобланса, халқаро лизингда эса лизинг берувчи ва лизинг олувчи вакил бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида, лизингнинг асосий типлари ижара муддати бўйича: узоқ муддатли – лизинг (уч йил ёки кўпроқ муддатда амалга оширилувчи); ўрта муддатли – хайринг (бир йилдан уч йилгача); қисқа муддатли - рейтинг (бир йилдан кам бўлган муддатли).

Лизингнинг асосий турларига молиявий ва оператив лизингни киритишимиз мумкин. Молиявий лизинг - лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов ва лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир. 9.1.- чизмага қаранг.



9.1 – чизма. Молиявий лизинг схемаси.

Қайтарилувчи лизинг - молиявий лизинг тури бўлиб, бунда лизинг предмети сотувчиси бир вақтнинг ўзида лизинг олувчи сифатида намоён бўлади.

Оператив лизинг- лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига, шартномада белгиланган маълум бир муддатда тегишли шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишни лизингга олувчига беради. Оператив лизингда лизинг предмети уни тўлиқ амортизация муддати ўтиб бўлгунга қадар бир неча маротаба лизингга берилиши мумкин. 9.2 – чизмага қаранг.

2002 йил 13 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан “Лизинг тўғрисида”ги Қонунда лизингнинг фақат молиявий тури қолдирилган.

Инвестиция фаолияти учун молиявий лизингни қулай эканлигини аниқлаш учун инвестицияларни молиялашнинг анъанавий шаклларига нисбатан лизинг жараёнларининг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Лизинг муносабатларининг асосий афзалликлари қуйидаги жадвалда келтирилган (9.1 – жадвалига қаранг):



9.2 – чизма. Оператив лизинг схемаси.

Лизинг тўловлари ўз таркибига шартномада таъкидланган мулкнинг тўла ёки қисман ҳолдаги қийматини ҳамда, кўрсатилган лизинг хизмати ва қўшимча сервис хизматлари тўловини олади.

Натижада, лизинг берувчида тижорат нуқтаи-назаридан лизинг битими қуйидагича кўринишда бўлади:

9.1-жадвал

Лизинг муносабатлари субъектлари учун лизингнинг қулайлиги

Ускуналарни ишлаб чиқарувчи учун
-Сотиш бозорининг кенгайиши -Техникага кафолатли хизмат кўрсатиш тизимини кенгайиши
Лизинг берувчи учун -Фойда олиш -Амортизация ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги -Мулк шаклида сармоялаш - молиявий хатарларни йўқлиги
Лизинг олувчи учун -Кам миқдордаги бошланғич капитал ҳисобига ҳам ишни ташкил этиш имкони -Юз фоизли кредитлаш -Тўловларни зудлик билан амалга оширишни талаб этилмаслиги -Тўловларнинг қулай схемасини ишлаб чиқиш имконияти
-лизинг олувчини мулк солиғидан озод бўлиши -Лизинг тўловларини ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари таркибига киритилиши -Вақтинчалик фойдаланишга олинган мулкни жисмоний ва маънавий эскириш хатарини камлиги -Янги маҳсулот ишлаб чиқаришда хатарни камайиши -Солиқ тўлашдаги имтиёзлар ва жадал амортизацияни қўллаш имконияти

Молиявий лизингнинг камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: лизинг олувчида лизинг тўловларини олишдаги таваккалчилиги ва мулкни маънавий эскириш хатари лизинг олувчи ўз маблағлари ҳисобига олгандагига қараганда юқори бўлиши, айрим ҳолларда эса банк кредити эвазига сотиб олган мулкка нисбатан лизингга олинган мулк баҳосининг юқори бўлиши, ошириб

юборилган лизинг тўловлари маҳсулот баҳосининг ошиб кетиши ва унинг рақобатбардошлигини камайишига олиб келиши мумкин.

Лизинг берувчининг келишув асосидаги умумий ҳаражатлари қуйидаги тенглик билан изоҳланади:

$$Л_т=Бқ+К_т+Қ_т \qquad (9.1)$$

$К_т$ - кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$Қ_т$- қўшимча хизматлар учун тўлов, сўмда;

$Б_к$ - лизинг шартномаси предмети ҳисобланган мулкнинг баланс қиймати,

сўмда;

Лизинг битими асосида лизинг олувчининг лизинг тўловлари ҳаражатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$Л_т=А+К_т+Т_{комис}+Қ_т+ҚҚС+Б_Б \qquad (9.2)$$

Бунда,

А - лизинг берувчида жорий йилда ҳисобга олинадиган амортизация ажратмалари миқдор ўлчови, сўмда;

$Т_{комис}$ - лизинг шартномаси асосида лизинг берувчининг комиссион мукофот пули, сўмда;

ҚҚС - лизинг берувчи хизматлари бўйича лизинг олувчи томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, сўмда;

$Б_Б$ - божхона божи, сўмда;

$К_т$ - кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$Қ_т$ - қўшимча хизматлари учун тўлов, сўмда.

Ўз навбатида, амортизация ажратмалари қуйидаги формула билан ҳисобланилади:

$$A = \frac{C * H_A}{100} \qquad (9.3)$$

Бу ерда, А- амортизация ажратмаси суммаси;

С- мол – мулкнинг баланс қиймати;

$Н_А$- амортизация ажратмаси меъёри.

Кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$К_Т = \frac{К * С_К}{100} \qquad (9.4)$$

Бу ерда, К- кредит ресурслар суммаси;

$С_к$ – кредит ресурсларидан фойдаланганлиги учун ставкаси.

Лизинг шартномаси асосида лизинг берувчининг комиссион мукофат пули қуйидагича аниқланади:

$$Т_{комис} = \frac{К * С_{комис}}{100} \qquad (9.5)$$

Бу ерда, $С_{комис}$ – комиссион мукофат пули ставкаси.

Қўшимча хизматлар тўлов миқдори асосан қуйидаги аниқланади:

$$Қ_т = Х_{саф} + Х_{рек} + Х_{бошқа} \qquad (9.6)$$

Бу ерда, $Х_{саф}$ – банк ходимларининг сафар харажатлари;

$Х_{рек}$ – рекламалар харажатлар суммаси;

$Х_{бошқа}$ - бошқа харажатлар суммаси.

Лизинг берувчининг мулкдан фойдаланиш ҳаражатлари лизинг тўловлари асосида тўлиқ компенсацияланмайди, яъни қопланмайди. Компенсация суммаси шартнома муддати ва мулк амортизацияси муддатига боғлиқ ҳолда шартномада олдиндан белгиланган бўлади. Агар амортизация муддати шартнома муддатидан ошиб кетса, бунда мулкнинг амортизация муддати тугашига қадар лизинг берувчида қолдиқ қийматида ўз мулки бўлиб қолаверади. Комиссион мукофот тўлови лизинг берувчи ҳаражатларини қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин, бу аниқ битим билан боғлиқ эмас ва фойда манбаини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 август 2002 йилдаги «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодиёт тармоқларини, хусусан кичик ва хусусий тадбиркорликни замонавий технология ускуналари билан жиҳозлашда, шунингдек, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида чиқарилган зарурий меъёрий ҳужжат бўлиб, мамалакатимизда лизинг муносабатларини ривожлантиришда янгича босқични бошлаб берди.

Ушбу фармонга кўра 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб лизинг тўловлари - қўшилган қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ва ускуналари - вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда бож тўловлари ва сотишга солиқлардан озод қилинди.

Белгилаб қўйилдики, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадилар; лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк ҳарид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади

Амалиётда, тадбиркорлик фаолиятини юритувчилар кўпгина ҳолларда, бир-бирига муқобил даражада бўлган танловга дуч келади. Масалан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун олинадиган ускуналарни молиялаштириш самаралими ёки бу ускуналарни ижарага олиб, улардан фойдаланиш унумлироқми? Ушбу масала нафақат тадбиркорлар олдида, шунингдек ускунларни ишлаб чиқарувчи олдида ҳам туради. Мулк эгаси учун энг муҳими ижара тўловлари ҳажмини белгилаб олиш ва ускуналар ижарасининг молиявий самарадорлигини аниқлашдир. Ижарага олувчи эса, муқобил вариантлар мавжуд бўлган ҳолда, ўзи учун асосий масалани, яъни ускуналарни ижарага олишни ёки уларни ҳарид қилишни ҳал қилиши зарур. Иккала масала ҳам соф молиявий тамойиллар асосида ҳал қилиниши мумкин. Бу борада қайси бир усулдан фойдаланмайлик бунинг ечими пул оқимларини бугунги ўлчам концепциясига асосланади. Ускуналар учун ижара ҳақи тўлови қуйидагича аниқланади:

Айтайлик, P қийматга эга бўлган ускуна n йилга ижарага берилаяпти. Унинг қолдиқ қиймати (ижара муддати охирида) S ни ташкил этади. Ижара тўловлари оқими вақт омилини ҳисобга олган

ҳолда эскириш қийматига тенг бўлиши лозим. Ижара тўлови, йилда бир маротаба йилнинг охирида тўланадиган бўлса, ускуналарга сафарбар этилган маблағларни белгиланган меъёрда таъминловчи бир маротабали ижара тўлови қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$R=\frac{P-SV^{n}}{Ani} \qquad (9.7)$$

бу ерда,

R-йиллик ижара тўлови

P-ускунанинг бошланғич қиймати

S-ускунанинг қолдиқ қиймати

Ani-йиллик доимий даромадни таққослаш учун келтириладиган коэффициент (бўлажак даромадни белгиланган вақтдаги бугунги қийматини аниқлаш коэффициенти);

V-кўпайтирувчи дисконт.

Бунда ижара тўлови ускуна қиймати, қабул қилинган даромадлилик меъёри (I) ва ижара муддатига боғлиқ бўлаяпти. Формулада ижара тўловлари бир маротаба йил охирида тўланиши кўзда тутилган. У фақат ускунани ижарага топширишда кўзланга даромад меъёри асосида келиб чиқадиган ҳажмни аниқлаб беради.

Агар, ижара шартномасида ускунани унинг эгаси томонидан таъмирланиши кўзда тутилган бўлса, унда ушбу ҳаражатлар ижара тўловида инобатга олинади.

Ҳисоб-китобда инобатга олинаётган даромадлилик меъёри албатта ускунани амортизация меъёридан юқорироқ бўлиши табиий ҳолдир. Қабул қилинган даромадлилик меъёри (I) билан амортизация

меъёри (а) фарқи ижара операциясини тахминий реал даромадлилигини кўрсатади.

Мисол. 9.1.Айтайлик, ижарага топшириш вақтида 1 млн. сўмлик қийматга эга бўлган ускуна 4 йилга ижарага берилган. Ижара муддати тугаш вақтига келиб ускунанинг қолдиқ қиймати 400 минг сўмни ташкил этади.

Ускунага сарфланган маблағга нисбатан қўйиладиган талаб, йилига 15% даромад келтириши зарур дейлик. Белгиланган даромадлиликни таъминлаш шарти билан тўланадиган ижара ҳақи қанчани ташкил этади, агар ижара тўлови

бир маротаба йил охирида тўланса?

Ушбу мисолнинг ечимини йиллик ижара тўлови формуласи асосида ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{P - S \cdot V_n}{a_{4;15}} = \frac{1000 - 400 \cdot 1{,}15^{-4}}{a_{4;15}} = \frac{771{,}3}{2.85498} = 270.2 \textit{мингсум}$$

А) Бунда $a_{4;15}$ тенг 2.85498

Барча юқоридаги шартлар сақланиб қолган ҳолда айтайлик ижара муддати 4 йил эмас 8 йил дейлик ва ускунанинг қолдиқ қиймати икки баравар камайган деб фараз қилайлик. Бунда

$A_{8,15}$= 4.487732 ва

$$R = \frac{1000-200 * 1{,}15^{-8}}{} = 208{,}3$$ минг сўм.

4,487732

Кўпчилик ҳолларда амалиётда молиявий лизинг бўйича ижара тўловлари ҳисоблаш учун аннутет формуласидан фойдаланилади:

$$P = A_X \frac{И : T}{1 - 1 : (1 + И : T)^{TxП}} \qquad (9.8)$$

Бу ерда, Р- ижара тўловлари суммаси;

А- амортизация ажратмалари суммаси ёки (ижарага берилаётган мулк қиймати);

П – шартнома муддати;

И – лизинг бўйича фоиз;

Т – ижара тўловлари даврлари.

Бу ерда дискитлаш усули қўлланилмаган.

Мисол. 9.2. Баланс қиймати 20 млн. сўм бўлган асосий восита лизингга (ижарага) берилди. Лизинг шартнома муддати 5 йил ва йиллик 10 фоиздан лизинг (ижара) тўлови амалга оширилади. Йиллик тўланадиган лизинг (ижара) тўловларини ҳисобланг.

Ечилиши:

Юқоридаги (9.8) формула асосан, йиллик лизинг (ижара) тўловларини ҳисоблаймиз, яъни:

Р = 20000* 0,1/1-1: $(1+0,1)^5$ = 5263 м сўм.

Ҳозирги вақтда аниқ компьютер дастурлари орқали лизинг тўловларини банклар мижоз ҳоҳлаган вариантда ҳисоблаб беришлари мумкин.

Ускунанинг самарадорлигини баҳолаш-усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда даромадлилик даражаси мураккаб фоизларнинг йиллик ставкасини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу ерда биринчи навбатда ускуна учун ижара тўловлари коэффиценти аниқланади. Бу коэффицент асосида йиллик фоиз ставкаси кўрсаткичи (i) ҳисобланади.

Йилнинг охирида бир маротаба тўланадиган ижара тўловлари учун таққосла коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$A_{n;i} = \frac{P - SV^n}{R} \qquad (9.9)$$

R-хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳаражатларисиз ижара тўловининг суммаси

Айрим иқтисодчилар[34] лизинг олувчи ва лизинг берувчи томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, лизингнинг икки турини ажратадилар. Биринчиси, тўғри, яъни бевосита ва иккинчиси - билвосита (эгри) лизинг. Агар мулк ишлаб чиқарувчи ёки унинг эгаси лизинг берувчи бўлиб хизмат қилса бу бевосита лизинг демакдир, агарда мулк ижарага учинчи шахс орқали берилса, у ҳолда бундай лизинг билвосита ёки эгри лизингни ташкил этади.

Кредит билан таъминлаш услубига кўра муддатли ва қайтариладиган лизингни ажратиш мумкин. Муддатли лизинг бир маротабали ижара бўлиб, шартнома муддати тугагач, у эгасига

[23]Цай Т.Н., Грабовый П.Г., Маращда Бассали Сайл. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. М. «Алаис».

қайтарилади. Қайтариладиган ижара шароитида эса ижара бир неча маротабага берилади.

Ижарага бериладиган объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб кўчар мулк лизинги ва кўчмас мулк лизингини ажратишади.

Одатда кўчмас мулк лизинги қурилишда ишлатилади. Бундай ҳолларда, лизинг компаниялари, қурилишни кредит билан таъминлайдилар, сўнгра эса уни кўчмас мулк лизинги тариқасида расмийлаштирадилар.

Кўчмас мулк объектини лизинг компанияси қуради, жиҳозлайди ва ўз навбатида ушбу объект ишлатилиши эвазига олинадиган фойдани кўпгина қисмига эга бўлади. Аммо, объектни ўзи эмас, аксинча, ижарага олинган фирма ёки ташкилот ишлатади.

Қуриб битказилган объектни фойдаланиш учун қабул қилиб олган мижоз, ундан ўзи фойдаланиши мумкин ёки бўлмаса қисман уни ижарага топшириши ҳам мумкин.

Лизинг операциялари муайян рисклар билан боғлиқ. Бу риск (хавф)ларни баҳолашда одатда қуйидаги омилларни эътиборга олиш керак:

- лизинг олувчи компаниянинг тижорат обрўси ва молиявий ҳолати;
- ушбу компания фаолият юритаётган мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва фискал, монетор сиёсат (миллийлаштириш риски, гаров ҳуқуқларини татбиқ этилишдаги қийинчиликлар риски ва бошқалар);
- келушувнома ҳажмининг сотиш нархи ва кейинги йилларда иккиламчи бозорда ушбу нархнинг ўзгариши;

- лизинг олувчи фирманинг лизинг объектидан фойдаланиш шартлари.

Лизингга оид бўлган риск қатор омилларга боғлиқ. Лекин улар таркибида иккита омил асосийдир.

- лизинг келишувномасининг сифати;
- ускуналарни етказиб бериш муддатларининг бўзилиши.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу унинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги заифлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини еки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш тури бундан мустасно.

Нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бўзилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғўрталаш тарафларнинг келишувчига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғўртаси учун жавобгар бўлади.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тўлайдиган лизинг тўловлари лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қийматини ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан

қилинган ҳаражатларни, шунингдек, унинг даромад (маржа)ни ўз ичига олади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари, уларнинг таркиби ва шаклантириш асослари нималардан иборат?

2. Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда корхоналарни ўз маблағлари ва уни шакллантириш тартиблари қанда?

3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва уларни йўналтириш соҳалари ва уларни амалга ошириш тартибларини тушунтириб беринг?

4. Жалб этилган маблағлар эвазига инвестиция фаолиятини молиялаштириш тартибини ёритиб беринг?

5. Қимматли қоғозларни жойлаштириш эвазига молиялаштириш манбаларини шакллантиришни хусусиятлари нималардан иборат.

6. Инвестициялаш манбаларини шакллантиришда капитал ва ссуда бозорларининг роли ва унинг ахамиятини очиб беринг?

7. Инвестиция фаолиятини қарз маблағлари , ўзоқ муддатли кредитлаш ва ипотека кредитлари хисобига молиялаштиришни хусусиятлари нималардан иборат?

8. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлиликни кандай кўрсаткичлари мавжуд. Корхона инвестицион жозибадорлигини молиявий воситалар орқали баҳолаш нималардан иборат?

9. Кредит баҳоси, фоиз сиёсати, асосий қарз ва унга тўланадиган фоизларни тартибга солиш механизми ва банк назоратини ўрнатиш тартиби?

10. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришни очиш ва амалга ошириш усуллари хамда унга қўйилган талаблар нималардан иборат?

11. Молиявий воситалар тушунчаси, моҳияти, турлари ва таснифланиши, бирламчи молиявий воситалар хамда хосилавий молиявий воситаларни изохлаб беринг?

12. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш, синдикатли кредитлаш, хусусиятларини очиб беринг?

13. Инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг механизми.

14. Инвестицияларни венчурли молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 1998 й. 24 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тугрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1998.19 сон-б.152-159)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тугрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрел (Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1998.19 сон. 152-159 б).

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Тошкент –« Ўзбекистон» - 2011.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” .Тошкент - «Ўзбекистон» - 2011.

6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 04.01.200 г. №1 “О государственном мониторинге хода реализации проектов, включеннқх в инвестиционную программу Республики Узбекистан” (В настоящее Постановление внесены измения в соответствии с Постановлением КМ РУз от 19.04.2002. № 153, 28.02.2003 г. № 112, 22.02.2005 г. № 73, 15.11.2005 г. № 251).

7. Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султонов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод – молия”, 2006 й. 380 бет. 7. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2003 й. 332 бет.

8. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. Учебный курс. Киев, 2001.

9. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия: – М.: Учеб. Пособие для вузов. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2003. 158 стр.

10. Кныш М.И., Перекатов Б.А., Тютиков Ю.П. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. Учеб. Пособие. – СПб.: изд.дом «Бизнес - Пресса», 1998 – 315 стр.

11. Розенберг Д.М. Инвестиции. Терминологический словарь. «ИНФРА-М», 1997,

12. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Монография.- ТМИ. : Тошкент- 2007 й.

Мавзу-4: Инвестицион лойихалар ва уларнинг таҳлили

Режа:

1. Инвестицион лойиҳа мақсади. Инвестицион фикрларнинг шаклланиши.
2. Инвестицион лойиханинг хаётий циклга эгалиги.
3. Инвестицион лойиҳанинг фазалари.
4. Техник иқтисодий асоснинг тузиш тартиблари.
5. Инвестицион лойиха ва унинг ғояларини вужудга келиши, ғояларни излаш манбалари
6. Инвестицион лойихалаштиришда бизнес режанинг зарурлиги, мақсади ва унга қўйилган талаблар.
7. Инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонлари, лойиханинг хаётийлиги ва горизонт режалаштириш.
8. Лойихани муқобил вариантларини таққослаш усуллари.:
9. Инвестицион лойихани амалга оширишда маркетинги роли.
10. Лойихани маркетинг стратегияси ва уни мақсади.
11. Маркетинг концепцияси.
12. Инвестицион лойиха бизнес режасини асосий қисмларининг тузилиши ва уларнинг асосий мазмуни.
13. Инвестицион лойихаларни тахлили тушунчаси.
14. Инвестициялаш критерияси: Ижобий соф келтирилган қиймат
15. Махсулот таннархини пасайтириш бўйича лойиха тахлили
16. Капитал қиймати

Таянч иборалар: Лойиха, инвестицион лойиха, инвестицион ғоя, лойихани хаётийлик цикли, амалга ошириш босқичлар, қарор қабул қилиш, мезонлар, хаётийлик, горизонт режалаштириш, муқобил,бизнес режа, Техник иқтисодий асос, молиявий режа,

маркетинг, стратегия, концепция, лойиха тажлили, ўз таркиби омиллари, капитал қиймати.

4.1. Инвестицион лойиҳа мақсади. Инвестицион фикрларнинг шаклланиши.

Иқтисодий адабиётларда, инвестицион лойиха-маълум мақадга эришишни таъминлаш учун қандайдир харакатлар комплексини амалга ошириш учун тузилган тадбир, фаолият, иш хисобланади.

Инвестицион лойиха- лойиха лотинча сўздан олинган бўлиб, «олдинга қўймок» деган маънони билдиради.

Европа адабиётларида лойиха- талаб этилаётган натижа ва олинган маълумотлар асосида маълум вазифаларни бажариш учун қабул қилинаган қарорни амалга ошириш усулларидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, инвестицион лойихани қуйидаги томонларини ажратиш керак:

-*лойиха тизимли бўлиб*, бу математик усул асосида маълум бир тадбирни амалга оширишни тартиб бўйича, уни қайта ишлаб чиқиш ва тадбирларни бир бирига боғлиқлигини комплекс мавжудлигидир.

-*лойиха маълум давр(интервал)ли бўлиб*, лойихани ишлаб чиқувчи томонидан унинг хаётийлик даврини узоқлилиги ва прогноз даврида лойихани кўриб чиқиш даврлари асослаб берилади:

-*лойиха бюджети*. Лойиха бюджетида уни амалга ошириш даврларини режаларини кўрсатилиши билан бирга унинг дарамад ва харажатлари қўшилади.

Мазкур мақсадларни йириклаштирилса, бу қуйидаги кўринишда вужудга келади:

-Мақсад, инвесторларнинг ортиб бораётган талабини қондириш Билан боғлиқлиги:

-Мақсад, фирмани мулкий холатини оптималлаштириш билан боғлаш.

Мақсадлар қиймат кўринишда қуйидагича бўлади:

- соф фойдани юқорлигини таъминлаш:

-сотиш хажмини ўстириш:

-товар айланишини ошириш:

-жорий харажатларни камайтириш(издержок):

-инвестиция харажатларни камайтириш ва бошқалар.

Бундан ташқари лойихани мақсадларини билиш билан бирга кўзга кўринмайдиган унинг пул кўринишда бўлмайдиган мақсадлари хам ётади. Буларга қуйидагилар киради:

-Аниқлилик ва цивилизацияга интилиш:

-бозор сегментларини аниқлашга эришиши:

-тобъеликка бархам бериш:

-ижтимоий дастурларни амалга ошириш

-экологик холатларни яхшилаш ва бошқалар

Бу омиллар инвестицион лойихани самарасини бахолашга таъсир этиб, буни лойихани бошланғич даврларида хисобга олмоқ зарур.

Лойихани олдида бир вақтни ўзида бир неча мақсад ётади.Лойихани мақсадини шакллантиришда унинг хаётийлик даврини қатъий муддат даврлар ичида бўлишини таъминлаш зарур.

Лойихани мақсадлилигини кўриб чиқиб қарор қабул қилаётганда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

-Капитални ишлаб чиқариш, қимматли қоғозлар, товарларни қайта сотиб олиш, кучмас мулк ёки валютага йуналишга қаратмоқ зарур. Шу сабабли инвестициялашда унинг қуйидаги асосий томонларини хисобга олмоқ зарур:

1.Жалб қилинган узоқ муддатли маблаг хисобига молиялаштириш зарур бўлган, коплаш муддати узоқ бўлган йўналишга капитални молиялаштириш:

2.Рисклилик даражаси паст бўлган йўналишга шахсий маблаглар хисобига молиялаштириш:

3. Инвесторнинг инвестицияни юқори даромад келтирувчи йўналишларни танлаши :

4. Мазкур капитал қўйилмадан олинаётган соф фойда хажми банк омонатига қўйилган маблагни жойлаштиришдан келган даромаддан ошириш зарур:

5.Инвестициянинг рентабеллиги инфляция индексидан юқори бўлмоги зарур:

6.Вақт омили орқали аниқ инвестицион лойихани рентабеллиги хамма вақт бошқа лойихаларни даромадлилигидан юқори бўлмоги зарур.

Инвестицион лойихани ишлаб чиқишда услубий қўлланмаларида унинг ахамиятли тамойилларига амал қилмоқ зарур:

-муқобиллик тамойилларидан фойдаланиш:

- пул маблаглари тушуми кўринишдаги турли хил маблаглар ва махсулот тушумини(поток) моделлаштириш:

-лойихани микро ва макродаражада ижтимоий, экологик, институционал, тижорат ва технологик холатларга ўхшаш томонларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш:

-келгусидаги даромад ва харажатларни пулни жорий қийматини ўлчаш усулига мос, капитал ва талаб этилган нормаларига эришиш учун унинг самарадорлик йўлларини аниқлаш, шу асосда лойихани самарадорлигини бахолашда жахон амалиётидан фойдаланиш:

-лойихани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган риск ва ноаниқликларни хисоблаш;

-қисқа чегаралганган вақт ичида қўйилган мақсадга эришиш ва уни амалга ошириш.

Лойиха –табиий, молиявий ва модий маблағлардан фойдаланишни самарали таъминлаш орқали инвестицион лойихани у ёки бу йўналиши бўйича қайта жихозлаштириш, бино кўриш, жихоз сотиб олиш, машиналарни конструкция қилиш, янги корхона ташкил этиш билан боғлиқ барча техник хужжатлар мажмуасидир. Бунда янги ишлаб чиқариш қувватин и ўзлаштириш муддатлари, жами қийматга асосланган техник иқтисодий асосийланиш кўрсаткичлари кўриб чиқилади.

Инвестицион лойихалаштиришда қўпроқ «лойиха»ни харакат, фаолият маъноларда ишлатишмокда.

Лойихани ишлаб чиқиш ёки лойихалаштириш бу ишлаб чиқариш билан фанни боғловчи капитал қўйилмани амалга ошириш бўғини хисобланади.

Технологик асосланишни сифат томондан бошлаб ва лойихалаштириш тўғрисдаги қарорлар қабул қилиш даражаси

инвестиция самарасига уни амалга ошириш муддати, объектни лойихадаги смета қиймати бўйича инвестициялашга қўпроқ боғлиқдир.

Корхона, инвестиция объекти хисобланиб, бу турли йўналиш асосида ривожланади, айримлари янги махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қайта ишлаб чиқаришни режа килса, айримлари жорий ишлаб чиқариш харажатларни камайтириб янги технологик жихозларни сотиб олишади, айримлари эса - истеъмолчилар билан ўзаъро алока тизимини боғлаб махсулот сотишни янги структурасини ташкил этади.

Келгуси белгилари бўйича асоссларини аниқловчи омиллар бўйича корхонанинг инвестицион лойихани туркумланиши :

-жалб қилинган инвестиция хажми-кичиқ, ўрта ва юқори.

-қўйилма маблағни активлигига караб-юқори инвестицияни қисқа муддатда копланиши ёки узоқ муддатни босқичма босқич ва хакозолар кўрилади.

-қўйилмани амалга ошириш муддати бўйича-қисқа,ўрта ва узоқ муддатли:

-ўзаъро боғлиқлилик формаси бўйича - абоғлиқлик, алоқадорлик(боғлиқ) эмаслик,муқобил ва бошқалар:

-молиялаштириш усуллар бўйича-шахсий маблағ, кредит,давлат бюджет ива бошқалар.

Инвестицион лойиха ижтимоий ёки экологик холати бўйича иқтисодиётга таъсир даражасига қараб унинг мохиятидан келиб чиқиб қуйидагиларга бўлинади:

-буюк(глобал) лойихалар, кутилаётган холатларга ахамиятли таъсир этадиган лойихаларни амалга ошириш(ижтимоий ва иқтисодий ва экологик):

-халқ хўжалиги учун- мамлакатда мазкур холатини ўзгартириш билан боғлиқ лойихалар:

-кенгмасштаблик-алохида худуд холатига таъсир этувчи лойихалар.

-локалные- киритиш худуд ёки тармоқ учун ахамиятсиз бўлади.

Инвестицион лойихалар рисклилик даражаси бўйича хам фарқланиб, инвестор томонидан бозорни аниқ бахолашдаги камчиликларни эхтимоллиги аниқланади.

4.2. Инвестицион лойиханинг хаётий циклга эгалиги.

Лойиха қанчалик жозибадор бўлса, бу лойиха ахамиятли бўлиб, бозорда ўз ўрнига эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион жараённиг барча даврларидаги лойиха бўйича даромад ва харажатларни хисобга олишда унинг ишга тушириши муддатидан тортиб, хатто уни тугатгунга қадар боғлиқлиги даражаси хисобга олинади. Шу сабабли инвестицион лойиханинг самарадорлигини бахолашда бозор кўрсаткичлари ёрдамида ишни бошланиш ва охирини аниқлаштирмок зарур лойихани аввало лойихалаш бўйича изланувчи ва олимлар(учены) учун ғоянинг туғилиши, бизнесменлар учун эса- буни амалга оширишда маблағни аввалги қўйилмаси қизиқтиради.

Лойихани амалга оширишни бошланиши билан билан уни тугатиш давридаги жараёнларни- *инвестицион даври* дейилади. Зарур қарорлар қабул қилиш ва уни босқичларга бўлиниши лойиха бўйича ишларни молиялаштириш муаммоларини тахлиллари учун зарур. Амалиётда булар бир нечта бўлимларга фарқланади.

Лойихани амалга оширишда лойихани қурилиши ва ишлаб чиқаришга топширилиши, уни маблағ билан таъминланиши, молиялаштиришни ташкил этиш, шартномалар тўзиш, ишчи лойихани техник иқтисодий асослигини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни аниқлашни бажариш учун зарур. Шу сабабли хар бир ажратилган босқич келгуси даражадаги стадияга бўлинади:

4.3.Инвестицион лойиҳанинг фазалари.

Лойихани хаётийлик даврини умумлашган холда қуйидаги буюк жараёнларга бўлинади:

-инвестиция олди фазаси:

-инвестиция фазаси

-эксплуатация фазаси.

Лойихани инвестиция олди фазасида ивестицион лойихани барча даврларида (самарали) ютукли амалга ошириш учун хал қилувчи ахамиятга эга. Лойихани инвестицион хаётини инвестицион олди фазаси тахлили даражасини 3 бўлинади:

-Лойихани инвестицион имкониятлари тахлили:

-Лойиха олди изланишлар:

-инвестицион лойихани амалга ошришни бахоси.

Хохлаган инвестицион лойихани бош жозибадорлиги нуқтаи назаридан кўрилса, у холда бунга унинг молиявий мақсадлилиги, ишлаб чиқариш ва маблағлар билан таъминланиш имкониятларини мақсадли йўналтирилганлиги; техник амалиёти; самарадорлик; ижтимоий мақсадлилик ва бошқалар киради.

Буларнинг хар бир фазаларида бошқариш ва текшириш билан боғлиқ хатти харакатлар ётади.

Айрим адабиётларда, лойихани инвестиция олди фазаси 4 босқичдан иборатлиги кўрсатилган:

-инвестицион концепсиянинг изланиш даври(бизнес –гоя):

-лойихага аввалдан кўриладиган тайёргарлик:

-лойихани шакллантириш ва унинг техник –иқтисодий асос ва молиявий макадлилиги бахолашнинг охирги тайёргарлик(формулировка):

-лойихани охирги кўриб чиқилиши ва бу бўйича крор қабул қилиш.

Лойихага аввалдан кўриладиган тайёргарлик-жараёнда инвестицион лойиханинг асосан базнес-режасини тўзиш билан характерланиб, янги тижорат фаолиятини амалга ошириш учун қарорлар қабул қилишни мақсад қилиб қўяди. Шундай бизнес режани вазифалари қуйидаги 2 изланишга жавоб беради:

-инвестицион лойиханинг концепцияси қанчалик қизиқтирувчанлик хисобланиб, лойихани молиявий жозибадорлигини ва техник -иқтисодий бахолаш учун маълумотлар тайёрлаш ва бу устидан ишлаш:

-мазкур концепциянинг қандайдир томонлари борми, бу келгусидаги лойихани ва изланишнинг ютуклари хал килувчи ахамиятга эгалиги.

Бизнес-режа = вужудга келаётган муаммоларни тахлиллари, келгуси тижорат корхонасини асосий томонларини ёзма кўрсатувчи, муаммоларни хал қилиш усулларини хужжати хисобланади.

Бизнес режа турли хил кўриншда тўзилади. Халқаро амалиётда ЮНИДО усули қарорлар имкониятлари тахлилига асосланади:

-товар ишлаб чиқариш струтураси ва хажми:

-маблағлар хажми ва турлари,бу қайсики корхона фаолияти учун ахамиятли:

-янги ишлаб чиқариш объекти жойлаштириш имкониятлари ва хохишлари:

-ишлаб чиқаришни техник асосда ташкил этиш:

-барча савдо,ишлаб чиқариш ва бошқаришни таъминлаш Билан боғлиқ харажатлар структураси(тўғри-наклад харажати ва хакозо):

-бошқариш ходимлари ва ишлаб чиқаришда мехнат фаолиятини ташкил этиш:

-лойихани амалга оширишни таъминлашни ташкилий-хукуқийлиги таъминланганлиги:

-лойихани молиявий таъминланганлиги(ёки инвестицияси суммасини зарурлиги бахолаш,инвестиция маблағларини олиш имкониятлари ва бошқалар)

4.4.Техник иқтисодий асоснинг тузиш тартиблари.

Лойихани шакллантириш ва унинг техник –иқтисодий асос ва молиявий макадлилиги бахолашнинг охирги тайёргарлик-(формулировка)лари:- лойихани молиявий-иқтисодий томонларини асослашга тайёргарлик кўриш хисобланиб, бу қайсики бу инвестициянинг: техник, молиявий ва тижорат томонларига боғлиқ бўлган барча аспектларини, унинг муқобиллигини таъминлашда муаммолар ва томонларини белгилайди. Шунинг учун бу жараёнда бу гурухга турли хил профил мутахассисларини жалб этиш зарур, булар:

-мазкур тармоқдаги тажрибали иқтисодчи:

-келгусида махсулот сотилиши бўйича бозор тахлилларини амалга оширувчи мутахассислар:

-келгуси махсулот ишлаб чиқариш технологиясини тушунадиган инженер-технолог:

- сотиш ва сервисни ташкил этиш бўйича муаммо ва имкониятларини билувчи –инженер-конструктор:

-аввалги ишлаб чиқаришга мос ишлаб чиқаришни ташкил этиш опитига эга бўлган –инженер-кўрувчи:

-мазкур ишлаб чиқариш харажатларини хисоб китоби бўйича мутахассислар. Капитал қўйилмани асослаётган даврида уни бахолаш куп жараёнли бўлиб, бу техник иқтисодий асос(ТИА) орқали ишлаб чиқилади, молиялаштириш схемасини танлаш,мониторинг ва бошқалар.Хар бир даврида лойиха қиймати янгитдан аниқланади.

Инвестицион харажатлар хақидаги маълумот унинг турлари ва шакллари бўйича ёйилган холда бўлади(рсшифрования). Бундай маълумотни асосий манбаси лойихани ТИА ёки «инвестицияни асослаш» дейилади. Алохида асосий фондларни сотиб олиш учун қилинаётган харажатларни бахолаш шунга мос мулкни бахолаш орқали амалга оширилади. Инвестицион харажатларни тақсимлашда қурилиш даврларида қурилиш объектлари харажати график асосда бир бири билан боғланади.

Инвестициялашни аввалги жараёнида уни мақсадлилиги хақидаги бошқарув қарорини факатгина лойихани аввалги ТИА бажарилгандагина қабул қилинади. Буни мақсади-ьозорни урганиш ва уни тахлил этиш, лойихани амалга ошириш имкониятларини текшириш, муқобил вариантларни аниқлашдан иборат. Лойиха аввало техник-бажарувчанлик ва иқтисодий –мақсадлилик нуқтаи назаридан бахоланади. Инвесторлар учун лойихани ғояси хаётий ёки етарли жозибадорлиги билан аниқланади.

Инвестицион лойиха(ИЛ) ни аввалги бахолаш - уни амалга ошириш имкониятларини техник кўрсаткичлари орқали аниқланади. Бу учун қуйидаги маълумотлар олинади:

- талаб этилган характерга эга зарур жихоз билан таъминланган ИЛ ни техник ёки уни мавжудлик имконитялари;

-Инфраструктурага худудни якинлиги, лойихани амалга ошириш жойларини мавжудлиги-ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларни комплексини мавжудлиги;

-лойихани амалга оширишда районга қўйилган алохида талаблар-мухит-климат,сув ва бошқа ресурсларни мавжудлиги,ишчилар ва бошқалар.

-ишчиларни классифкацияси- билим савияси-бошқарув персонал,техник ходим мутахассислар ва бошқалар.

ИЛ устидан ишни башлаётганда уни мақсаддилиги аввалги тахлиллар асосида ўрнатилади:

-ички ва ташки бозордаги махсулотга бўлган талаб;

-лойихани (ташкил этиш)амалга оширишда кутилаётган харажатлар ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари(издержек-производства) жумладан ўзгарувчи ва доимий харажатлар.

-хом аше, товар моддий захира(ТМЗ) ва жихозлар бўйича ривожланган бозорнимавжудлиги.

-инвестицияни молиялаштириш манбалари.

-лойихани амалга оширишни аввалги натижалари.

Бу инвестиция олди жараённи асосий томони бозорни (илмий-изланиш)тахлили хисобланиб, бу қайсики махсулот сотгандан сўнги ёки инвестицияни натижаси качон кутган даражани таъм инлайди.

Инвестицион таклифлар жараёнида лойиха хақида маълумотларга қуйидагилар киради: курилишни даврийлиги, капитал қўйилмани хажми, лоийхани амалга оширишни йиллар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва сотишдан келган тушум-выручка,

Куп маълумотлар асосан ТИА тузиш жараёнида бажарилиб, бунда инвестицияни илмий асослашдан бошланиб охири бевосита чизма схемаларигача берилган бўлади:

-лойиха ва ундаги иштирокчилари хақидаги маълумот-лойихалаштирилган ишлаб чиқариш характери ва уни жойлаштириш, махсулотлар таркиби, ишлатилаётган ресурслаш, технолгоияси хақида,лойиха иштирокчилари функцияси ва таркиби, ва уларни ишлаб чиқариш ва молиявий жихатдан имкониятлари,ўзаро муносабатлар ва бошқалар.

-лойихани иқтисодий жихатдан қамраб-ўраб олиш (об экономическом окружение проекта)-инфляция прогнози, валютани алмаштириш курсларини ўзгариши, ресурс ва маъсулотларга бўлаётган бахолар тахлили, солиқ тизими, ва бошқалар.

- аралаш тармокда лойихани амалга оширишдаги самара хақидаги маълумот –халқ хўжалиги учун лойихани амалга ошириш самарасини сон ёки сифат жихатини ёзма кўрсатиш, ахолини мулкларини бозор қийматини ўзгаришига таъсири, талабларни ортиши, ишсизлар даражаси ва бошқалар орқали алохида товар ва хизматларнинг чакана бахолари даражаси олинади;

-инвестицион ва молиявий фаолиятдан келадиган пул оқими.

Лойихани охирги кўриб чиқилиши ва бу бўйича қарор қабул қилиш.- лойихани амалга оширишни мақсадлилиги, ёки қарор қабул қилиш учун асос хисобланган бахолаш ишларини амалга ошириш.

Турли хил иштирокчилар ўзини аниқ мақсад ва рисклилигини, харажатлар ва даромадлилигини мос холда ИЛни бахолаши мумкин.Лойиха қанчалик сифатли ишлаб чиқарилса, у холда буни бахолаш шунчалик енгил бўлади.Лойихани бахолаш учун қўлланалаётган усуллар шунга мос холда: техник, тижорат,

бошқариш, ташкил этиш, молиявий ва иқтисодий томонлари бахоланади.

4.5. Инвестицион лойиха ва унинг ғояларини вужудга келиши, ғояларни излаш манбалари

Инвестицион концепсиянинг изланиш даври (бизнес –ғоя), бунда инвестиция билан боғлиқ аниқ фаолият учун пул қўйиш керакми – зарурми йукми деган хулоса ўрганилади. 2. Инвестицион лойиха ғоялари каердан олинади?

Куп инвестицион лойихалар узоқ муддатли қўйилмани талаб қилиб, булар 3 га бўлинади: 1) Янги товар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш; 2) махсулот таннархини камайтириш; 3) амалдаги ишлаб чиқариш фондларини алмаштириш. Бир неча мисоллар.

• фирма янги товар ишлаб чиқариш бўйича янги линия ўрнатиб куя оладими, бунинг учун Янги бино қурилишига, жихоз сотиб олиш ва товар моддий захираларига узоқ муддтли инвестиция талаб қилади?

• фирма иш хаки харажатларини камайтиришга олиб борувчи автоматлашган жихоз ўрната оладими?

• фирма ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва қувватини ошириш учун амалдаги заводни реконструкция қила оладими?

Тартиб бўйича инвестицион лойихани шаклланиши учун ғоялар манбаси *бу амалдаги мазкур фирманинг ўзининг мижозларидир.* Истеъмолчиларни ўказилган сўровномалар, бу худди расмий ва норасмий бўлиб, бунга янги истеъмол хақидаги маълумотлар мисол бўлиши мумкин, қайсики истеъмолчиларни келгусидаги талабини

амалдаги корхонани янги товар ишлаб чиқаришга ўтказиш ёки ихтисослаштириш ва кучайтириш орқали қондириш мумкин. Мисол учун фирма қайсики компютер ишлаб чиқаради, ўз мижозларини опросига караб бу тадбркорликни янги йўналиши бўйича компютерни тамирлаш бўйича янги хизмат кўрсатишни билиш мумкин. Куп фирмалар ишлаб чиқаришни технологик имкониятларини ва янги товарлар ишлаб чиқариш учун янги талабни қондириш мақсадида илмий тадкикот бўлимлари ишига асосланади.

Дори дармон саноатида мисол учун, илмий тадқиқот булими(ИТБ) и янги дорилар бўйича ғояларни манбаси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчиси манбаси -бу рақобат хисобланади. Мисол, Прогораммали компютерларда молиявий режадаги вазифаларни бажариш учун прогораммали махсулот ишлаб чиқарувчи программа билан таъминлайдиган XYZ ишлаб чиқариш корхонасининг рахбари ўз махсулоти устидан такомиллаштириш устида ишлаётган ракобатдош бўлган фирма ЛВСни сезиб қолади.

Бу холда агар *XYZ* фирма ўз махсулотини янада токомиллаштириш хақида уйлаши мумкин. *XYZ* рахбари шунингдек *ЛВС* фирмани сотиб олиш хақида хам ўйлаши керак.

Бир компанияни бошқасига қўшишга харакат қилиш хам инвестицияни режалаштиришга киради. Коорпорацияни ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларидан айрим холларда харажатларни камайтитриш ёки махсулот ишлаб чиқаришни ошириш-кучайтириш бўйича лойихалар хақидаги ғоялар чиқиши мумкин.

Мисол, инженерлар, ишлаб чиқариш бўлими бошлиқлари ва ишлаб чиқариш жараёнига чукур киришган актив бўлган ходимлар капитал қўйилмани талаб килувчи оғир мехнатли ишларни бажаришда автоматлаштирилган жихозларни сотиб олиш ёки йиғув линияларини қайта жихозлаш хисобига лойиха харажатларини камайтириш бўйича лойихани ғоясини таклифи чиқиши мумкин. Рағбатлантириш тизими қўлланувчи қайсики менеджерлар ва бошқа хизматчиларга эга фирмаларда, ИЛ ишлаб таклифини ишлаб чиққан, доимий таклифлар оқимига эга бўлган, технологик илғор кучайтириш ва даромадлиликни ошириш имкониятларини киритувчи ходимларни қайта-қизиқиш уйготади.

Ва нихоят бу инвестицион маблағни жалб қилишдан бошланади. Инвестицион концепсияга йўналтиришни шакллантириш нуқтаи назардан бу ерда корхона ишлаяптими йукми, бу инвестицион концепцияси даврини аниқрок қилиб; унинг янги жихоз бўйича ходимларнинг тажрибакорлик - ўкув савияси, бошқарув ходимларни шу сохадаги савияси, бозорни эгаллашдаги уларни имкониятлари ва тармоқ сохасида савияси ва бошқалар ўрганилади.

Қўпроқ инвестицион концепцияни изланиш эркинлигида қўпроқ тармоқми ёки худудми, шу йўналишга эътибор бўлади.

Халқаро амалиётда қуйидаги шарт шароитлар классификацияси урганилади:

- ишлаб чиқариш истеъмоли ва қайта ишлаш учун фойдали табий ва казиб олинадиган моддий бойлик (маблағ)ларни мавжудлик даражаси:

- грасаноат комплексини ривожлантиш билан боғлиқ бўлган, лойихалар доираси ва уни ривожлантириш потенциалини аниқлаш, амалдаги кишлок хужаликни миллийлиги ва уни имкониятлари:

-бозорларда вужудга келаётган янги товар бўйича унга таъсир этувчи демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар асосидаги талаблар ва унинг хажми ва келгусидаги унинг харакатлари:

-импорт хажми ва структураси, қайсики лойиха туғилиши учун харакатга келтирувчи:

-Шунга мос маблағ хисобига ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни асосларига хос бошқа мамлакатларнинг ишлаб чиқариш структураси ривожлантириш тенденцияси ва тажрибаси:

- миллий ва жахон иқтисодиёти доирасида истеъмол тармоқларини вужудга келиш мумкин ёки аввал вужудга келган мавжуд истеъмоли:

- ишлаб чиқариладиган махсулотни жахон бозорига мос, ўсиб бораётган талаби ва истеъмолни тармоқ ишлаб чиқариш хисобига ошириш режасининг маълумоти:

- ягона хом аше базасини ишлаб чиқаришни диверсификация имкониятларини янгиларини топиш ва мавжудлари:

-махсулот ишлаб чиқаришни юқори имконда ташкил этиш, иктсодиёт ютукларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш масштабларини рационал кенгайтириш:

-Умумиқтисодий шарт шароитлар.

4.6.Инвестицион лойихалаштиришда бизнес режанинг зарурлиги, мақсади ва унга қўйилган талаблар.

Инвестиция лойихасининг бизнес-режаси – бу махсулотларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича ташкил этилаётган лойихага мулжалланган техник-иқтисодий кўрсаткичлар асосида эришиш мақсадлари ва йўлларини амалга ошириш режаси (дастури)дир. Унда, одатда, лойиха имкониятларининг асосланиши ва бахоланиши келтирилади, даромадлар ва харажатлар, реал пуллар тушумлари, молиялаштириш манбалари белгиланади, рентабеллилик ва чиқимларнинг копланиши, зарар кўрмасдан ишлашлик ва бошқа кўрсаткичлари тахлил этилади. Бу шу билан бирга ишбилармонлик лойихаларининг инвестиция сарфлашгача бўлган босқичларидан бири, уларнинг асосий ажралмас қисмидир. Бундай режа кредит берилиши учун асос бўлиб хизмат қилади ва лойиханинг амалга оширилиши ва самарадорлиги жихатларини тахлил қилиш воситаси бўлади.

Инвестициялар бўйича лойихалаштиришда бизнес-режанинг мустакил бўлим (босқич, хужжат) қилиб ажратилиши иқтисодиётдаги утиш даври, чет эллардаги лойихаларни ишлаб чиқиш борасидаги тажрибани мамлакатдаги шарт-шароитларга куниктириш, бизнеснинг ушбу сохасидаги услубиётни ва хужжатларнинг типиклаштирилиши билан боғликдир.

Инвестиция лойихаларининг техник-иқтисодий асосланишида *бизнес-режаси қўйидагилар учун зарур*:

- *инвесторга* – капитални сарфлашнинг мақсадга мувофиклигини (самарадорлигини) белгилаш учун;

- *тадбиркорга* – лойихани амалга ошириш жараёнидаги харакатлар дастурини ва рахбарликни ишлаб чиқиш учун;

- *давлат органларига* – кредит борасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилиш учун.

ўз мохиятига кўра, бу потенциал шерикларнинг лойихада белгиланаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини, кутиладиган фойдани олишнинг реаллигини, кредит қўйилмаларининг қайтарилишини бахолаши учун зарур бўладиган амалий таклифларнинг муайян стандартидир.

Инвестиция лойихасининг бизнес-режаси қўйидагиларни асослаш мақсадида ишлаб чиқилади:

-корхонанинг жорий ва истикболдаги (стратегик) ривожланиши, фаолиятнинг янги турларини ишлаб чиқиш (танлаш)ни;

-инвестиция ва кредит ресурсларини олиш, қарзга олинган маблағларни қайтариш имкониятини;

-кушма ва хорижий корхоналарни ташкил этиш бўйича таклифларни;

-давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўрсатишнинг мақсадга мувофиклигини.

Хамма холларда хам бизнес-режаси инвестиция лойихасининг асосий жихатларини баён қилиши, тадбиркор ракобатчилик шароитида дуч келиши мумкин бўладиган барча муаммоларнинг тахлилини ва уларни хал этиш усулларини ўз ичига олиши ва лойихани амалга оширишнинг тижоратчилик мақсадлари ва истикболлари, мулжалланган тадбирларни амалга ошириш дастурининг молиявий ва ташкилий таъминоти хақидаги

маълумотларнинг аник тўзилмали тизимидан иборат бўлиши ва, бундан ташкари, реклама функциясини хам бажариши керак.

Корхона рахбари чиқарган хужжат (буйрук, фармойиш) бизнес-режасини ишлаб чиқиш учун асос бўлади ва унда қўйидагилар белгиланади ва тасдикланади:

- бизнес-режасини ишлаб чиқиш рахбари;
- ижрочилар таркиби ва вазифаларнинг улар ўртасидаги тақсимланиши;
- бизнес-режасининг ишлаб чиқувчиси (лойиханинг ташаббусчиси бўлган корхона ёки жалб этилган ташкилотлар);
- ишларни бажариш учун харажатлар сметаси ва уларни молиялаштириш манбалари (зарур бўлганида).

Бизнес-режасининг ишлаб чиқилиши – мабодо бу саноат лойихаси бўлса, мураккаб ва куп мехнат талаб этадиган машгулот (фаолият) хисобланади.

Шундай қилиб, бизнес-режасини ишлаб чиқишдан олдин ишончли бошлангич ахборотларни туплаш ва ишлаш бўйича катта хажмдаги ишлар бажарилиши, бўлгуси лойиханинг мақсадлари ва вазифаларини аник белгилаш керак бўлади.

Бизнес-режаси таркибига, одатда, титул вараги, мундарижа, унинг асосий бўлимларининг хисоб-китоблар, жадваллар, графиклар ва шу кабилар илова қилинган матни (мазмуни), шунингдек, иловалар – бошлангич маълумотлар, контрактлар, лицензиялар ва шу кабилар нусхалари, етказиб берувчиларнинг прейскўрантлари, экспорт хулосалари ва бахолар, сертификатлар ва асосий матннинг қисми

бўлмаса-да, лекин бизнес-режасида тилга олинган бошқа хужжатлар хам кушиб қўйилади.

умумий талаблар:

- хар бир бўлим тадкикотлар ёки хисоб-китоблар билан тасдикланган ва тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган текширилган бошлангич маълумотлар асосида шакллантирилади;

- хисоб-китоб жадваллари хўжалик юритиш субъекти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари асосида тўзилади;

- бошлангич ва бошқа маълумотларни тасдикловчи хужжатлар (контрактдан олдинги, контракт, таъсис ва хисобот хужжатлари нусхалари, аудиторлик текшириш материаллари) алохида тартибда расмийлаштирилади;

- янги ва юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш (корхона)ларни асослашга доир ахборотлар амал қилиб турган нормативларга мувофик расмийлаштирилади, муайян бўлим таркибида келтирилади ёки илова шаклида расмийлаштирилади.

Бизнес-режасини ишлаб чиқишда қўйидаги тамойиллар ва ёндашувларга риоя қилиш тавсия этилади:

- бизнес-режасининг ишлаб чиқариш ва молия-иқтисодий жихатларини тадкик қилишда лойиха бошлангич параметрлари ўзгаришининг унинг самарадорлиги ва амалга оширилишига кўрсатадиган таъсирини бахолашга имкон берадиган имитацион моделлаштириш ва дисконтирлаш услубларидан фойдаланиш тавсия қилинади;

- айрим ишлаб чиқаришларни ташкил этишда ёки қайта таъмирлашда инвестиция лойихасининг умуман корхонанинг ишлаб

чиқариш фаолиятига таъсирини ва корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг инвестиция лойихасига таъсирини кўрсатиш керак бўлади;

- янги корхонани кўриш хақидаги масалаларни хал этишда уни мавжуд майдончаларда (қайта таъмирлашда) ёки янги майдончаларда жойлаштиришнинг муқобил хисоб-китоблари ва асосларини бажариш зарур;

- давлат маблағлари ёки унинг преференция (имтиёз)лари иштирокида амалга ошириладиган лойихалар учун имтиёзлар берилган ва имтиёзлар берилмаган холлардаги бюджет ва бюджетдан ташкари фондларга тўловлар, шунингдек, давлатнинг зарарлари ва уларнинг компенсациялари (йукотишлар)нинг хисоб-китоблари бажарилиши лозим;

- бизнес-режаси инвестиция лойихаси амалга ошириладиган бутун давр учун тўзилиши керак, бундай давр қарзга олинган маблағларнинг қайтарилиши муддати плюс бир йилни камраб олади (хисоб-китобнинг бошқача асосланган кўрсаткичларини белгилашга хам йўл қўйилади);

- давлат бошқаруви органларига такдим этиладиган хисоб-китоб (жадвал)лардаги ахборотни акс эттириш кадами бир йилга тенг бўлиши лозим;

- амалга оширилиши учун эркин алмаштириладиган валютадаги маблағлар талаб этилмайдиган бизнес-режасида хамма хисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилади (инфляцияни хисобга олган холда прогнозли нархларда), бошқа холларда – бундан ташкари

яна шартли бирликларда (шартли бирлик қилиб, одатда, АКШ доллари ёки бошқа конвертация қилинадиган валюта) олинади.

Инвестиция лойихасининг бизнес-режасини тўлиқхажмда ишлаб чиқишда уларнинг натижалари «Инвестиция лойихаси паспорти» шаклида, бошқа холларда – «Инвестиция таклифи» шаклида расмийлаштирилади.

Инвестиция паспорти – бу мустакил эксперт томонидан тайёрланган, корхона (фирма, компания ва шу каби)ларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия-иқтисодий фаолияти хақидаги бир катор (3-5) йиллар учун динамикадаги ахборотни ўз ичига оладиган хужжатдир. Уни ишлаб чиқишнинг мажбурий шарти тижорат ва ишлаб чиқариш сирларини саклашдан иборат

4.7.Инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонлари, лойиханинг хаётийлиги ва горизонт режалаштириш.

Амалиётдаги кредит операциялари жараёнида банк биринчи ўринга қарз олувчиининг кредит тарихини ўрганишга, унинг иқтисодий, молиявий аҳволига ва таъминот турлари ва гаровга берилаётган мулкни баҳолашга диққат эътиборини қаратса, лойиҳавий молиялаштиришда эса асосий эътибор лойиҳа таҳлилига ажратилади.

Лойихавий таҳлилнинг асосий объекти, бу лойиҳавий хужжатлар (лойиҳани техник – иқтисодий асослаш)дир. Лойиҳавий тахлилнинг асосий мақсади бу инвестицион лойиҳасини молиявий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш, инвестицион лойиҳасининг смета – харажатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда, риксларни баҳолашдир.

Лойиҳа тахлилининг асосий йўналишларига техник ташкилий, хуқуқий, экологик, тижорат иқтисодий, молиявий йўналишларини киритишимиз мумкин.

Йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина иштирокчилар жалб қилинган бўлади:

- ❖ Лойиҳа ташкилотчилари;
- ❖ Ташкилотчилар таъсис этган лойиҳавий компания;
- ❖ Кредиторлар (тижорат банклари, банк консорциуми);
- ❖ Пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчилар);
- ❖ Асбоб – ускуналарни етказиб берувчилар;
- ❖ Суғурта компаниялари;
- ❖ Лойиҳавий компания чиқараётган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олувчи институтционал инвесторлар;
- ❖ Молиявий маслаҳатчилар;
- ❖ Оператор – компаниялар, объектни эксплуатация (ишлаб чиқариш) га киритгандан сўнг, унинг инвестицион фаолиятини бошқаради.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончлигини таъминловчи қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- ❖ Техник – иқтисодий асосланганлик ва молиявий режанинг қониқарлиги;
- ❖ Лойиҳа томонидан ишлатиладиган маҳсулот ва хом – ашё манбалари ва қийматларининг кафолатганлиги;
- ❖ Лойиҳанинг маъқул нархларда ёқилғи билан таъминлаганлиги;
- ❖ Лойиҳа маҳсулотлари ва хизматларини сотиш учун бозорнинг

мавжудлиги ва бозоргача транспорт харажатлари маъқул нархларда мавжудлиги;

- ❖ Қурилиш материалларини кутилган нархларда сотиб олиш мумкинлиги;
- ❖ Пудратчи, фойдаланувчи ва бошқарувчи персоналлар тажрибали ва ишончлиги;
- ❖ Лойиҳа ишончсиз технологияларини ўз ичига олмаслиги;
- ❖ Ҳамкорлар ва манфаатдорлар томонлар билан шартномавий келишувлар тузилган, лицензия ва рухсатномалар олинганлиги;
- ❖ Валюта риксларининг тақсимланганлиги;
- ❖ Лойиҳа қўшимча таъминоти сифатида қимматли активларга эгалиги;
- ❖ Етказилаётган ресурс ва активларнинг тегишли сифатлари таъминланганлиги;
- ❖ Тегишли суғурта тўловлари қараб чиқилганлиги;
- ❖ Форс – мажор ҳолатлари, тўхтаб қолишлар хавфи (етказиб беришда, қурилишда ва бошқалар) харажатларнинг ўсиши ҳисобга олинган ва уларнинг тақсимланганлиги;
- ❖ Лойиҳанинг инвесторларни қониқтирувчи кўрсаткичларга эгалиги;
- ❖ Фоиз ставкалари ва инфляциянинг ҳақиқий олати ҳисобга олинганлиги.

Ҳақиқий инвестицион лойиҳа ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган барча мезонларга мос келавермайди. Юқоридаги мезонлар

лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли кечиши учун бешта асосий тамойилларни белгилаб олишни тақозо этади.

- ❖ Инвестицион лойиҳаларни хаётийлиги;
- ❖ Лойиҳани амалга оширишда тажрибали, кучли ва виждонли хамкорларнинг иштироки ;
- ❖ Лойиха барча рискларининг ҳисоби ва тақсимоти;
- ❖ Барча хуқуқий жихатларни тартибга солиб бориш;
- ❖ Лойихани амалга оширишда сифатли бизнес – режанинг мавжудлиги ва аниқ мувофиқлашган харакат режаларини ишлаб чиқиш.

Тижорат банклари инвестицион кредитларининг асосий қисми инвестицион лойиҳаларни кредитлаш (ёки лойиҳавий кредитлаш) асосида амалга оширилади.

Лойиҳаларни кредитлашнинг бу шакли келажакда ташкил этилаётган ёки қайта қурилаётган корхоналар олиши мумкин бўлган даромад ҳисобига инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ғояси ётади. Ушбу даромадлар ҳисобига банклар томонидан ташкил этилган инвестицияларни молиялаш ва қайтаришлилик таъмиланади. Жаҳон тажрибасида банклар фаолиятининг ушбу йўналиши ёқилғи энергетика мажмуаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи ҳамда капиталга муҳтож бўлган сонаот тармоқлари, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш учун зарур бўлган давлатлар ва худудлар учун жуда долзарб ҳисобланади.

4.8. Лойихани муқобил вариантларини таққослаш усуллари.

-ишлаб чиқариш программаси ёки ишлаб чиқариш қуввати хажми:

-янги технолгия ёки илмий технологик жараён ёрдамидаги бажариладиган иш(хизмат) хажми.

-вақт омили.

-атроф мухит таъсирини хисобга олган холда махсулотдан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш омили.

-молиявий кўрсаткичлар.

Ҳар бир лойиха (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қуйидагилар бўлади:

- белгиланаган шаклдаги лойиҳа паспорти;

- лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;

- аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги батавсил ахборот – муҳитга таъсирини баҳолашни;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониятларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг кўламини;

- маҳсулотга талаб ҳажми ва хусусиятини;

- ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан ;

- асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;

- инвестиция ҳаражатларини миқдорини ўзига олади.

Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбуллигидан, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

- биринчи босқичда – лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

- икинчи босқичда – лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлардан келиб чиққан ҳолда, танлаб олинади.

Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз инвестицион лойиҳаларни, шунингдек, илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларни киритиш таъқиқланади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устиворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

- лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;

- молиявий ва иқтисодий самарадорлик;

- маҳаллий хом – ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;

- тайёрланган мутахассларнинг мавжудлиги;

- лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;

- ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнози мувофиқ қўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- тармоқ (минтақа) нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари;
- экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;
- тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодиёт кўрсаткичларига таъсирининг ўзгариши;
- таркибий омиллар;
- илгари қуйилган инвестициялар самарадорлиги;
- асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;
- лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Иккинчи босқичда танлаб олиш натижаларига кўра дастурга киритилган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

4.9. Инвестицион лойихани амалга оширишда маркетинги роли.

Инвестиция лойихаси бизнес-режасининг бу булимида, аввало, бозорда таклиф этиладиган махсулот (иш, хизмат)ларнинг аник

таърифи ва баёни, унинг стандартларга мувофиклиги ва мамлакатда хамда чет элларда ишлаб чикариладиган худди шундай махсулот (иш, хизмат)лардан фарки келтирилади. Унинг ноёблигини, масалан, янги технология ва техника, сифат, нархларнинг пастлиги ва истеъмолчига (харидорга) маъкул бўладиган бошка афзалликларини таъкидлаб курсатиш мухимдир.

Маркетинг – бу корхона (фирма ва шу кабилар)нинг хужалик фаолиятини ташкил этиш ва бошкаришнинг комплекс тизими булиб, у бозорнинг ахволи ва ривожланиш истикболларини урганишга асосланиб, истеъмолчилик ва ишлаб чикариш максадларидаги махсулотларга (товар, хизматларга) талабни аник максадли равишда шакллантиришни таъминлайди.

Унинг асосий максади – нафакат энг юкори фойдани олиш, шу билан бирга бозорнинг (фирмалар, одамлар, корхоналарнинг) товарларга (ишлар, хизматларга) бўлган талабини айирбошлаш, товарнинг истеъмолчига томон илгари сурилишини жадаллаштириш ва ишлаб чикариш-тижоратчилик фаолияти самарадорлигини ошириш воситасида кондиришдир. Лекин ракобатчилик кураши тактикаси бошка, купинча оралик максадларни, масалан, янги бозорга кириб бориш, ракибларни сикиб чикариш, тижоратчилик таваккалчилигининг энг кам микдори ва бошкаларни хам куйиши мумкин.

Маркетинг ишлаб чикарувчини бозорда доимий тарзда талабга эга бўладиган сифатли ва микдордаги махсулотларни (хизматларни) ишлаб чикаришга йуналтиради.

Бу ерда, жумладан, махсулот хақидагикуйидаги ахборотлар такдим этилади:

- кулланиладиган сохаси;

- асосий тавсифномалари (истеъмолчилик, сотиш буйича ва функционал);

- сифатнинг халкаро ва миллий стандартларига мувофиклиги, сифатнинг назорати, кафолатли ва кафолат муддатидан кейинги хизмат курсатишга талаблар, унинг ташкил этилиши;

- махсулотнинг экспорт килиниши учун зарур шарт-шароитлар: нархлар, маркетинг, сотиш ва таъминотчи ташкилотларнинг ташкил килиниши ва бошкалар;

- инвестиция лойихасини амалга ошириш муваффакиятини асословчи далиллар, унда янги махсулотлар истеъмолчиларининг фикрлари канчалик хисобга олинганлиги (техника, технология ва хоказо), дизайннинг узига хос хусусиятлари;

- товарлар (буюмлар, хизматлар ва бошкалар) канчалик узок муддат давомида бозорда булиши мумкин ва бунинг сабаблари.

Хар кандай саноат инвестиция лойихасининг асосий максади – мавжуд ресурслардан фойдаланиш ва товар (иш, хизмат)га бўлган мавжуд ёки потенциал талабни кондириш натижасида фойда олишдир. Инвестиция лойихаси муайян корпоратив стратегияларга, масалан, фирманинг бозор позициясининг кучайишига ёки келгусида зарур ресурслар билан таъминлашга асос солишга хам хизмат килиши мумкин. Бизнес-режасининг тайёрланиши итератив жараён эканлиги сабабли ушбу булимни тузишда бозорни тахлил этиш услублари, маркетинг, унинг тадкик килиниши, режалар ва харажатлар, асосий

ва кушимча махсулотларнинг миқдори ва сифати тугрисидаги тасаввурларга эга булиш зарур.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган ҳаражатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади.

Талаб ва бозорнинг тахлили улар хақидаги зарур ахборотларни кушимча харажатларсиз олиш, шунингдек, маркетинг ва ишлаб чикаришнинг эхтимол тутилган стратегияларини белгилаш учун астойдил тузилмаларга ажратилиши ва режалаштирилиши лозим.

Маркетинг стратегиясининг тахлили истеъмолчида талаб уйготиши мумкин бўлган максадли гурухлар ва махсулотларни бирхиллаштиришни ва аник сиёсатнинг белгиланишини, яъни стратегиялардан кайси бири – паст нархлар стратегияси ёки табакалаштирилган нархлар стратегияси – ракибларни суриб

чикаришга олиб келишини белгилашни уз ичига олади. Бизнес-режасининг бу булимида куйидагилар тахлил килинади:

- инвестиция объекти ишлаб чикаришни назарда тутган махсулотга талабга тегишли умумий иктисодий курсаткичлар (ахоли ва унинг усиш суръатлари, жон бошига тугри келадиган даромад ва истеъмол ва бошкалар);

- ишлаб чикарилиши лойихада назарда тутилган махсулотнинг истеъмоли, ишлаб чикарилиши, импорти ва экспорти билан боглик сохадаги давлат сиёсати, амалиёти ва конунчилик, сертификациялашнинг ташкил этилиши, мажбуриятлар, субсидиялар, кредит назорати ва хорижий алокаларнинг тартибга солиниши;

- ишлаб чикарилиши мулжалланаётган махсулотнинг мамлакатда ишлаб чикарилишининг мавжуд даражаси, шу жумладан, корхона ичидаги истеъмол учун ишлаб чикариш;

- ушбу махсулотнинг экспорти ва импорти даражаси, унинг урнини босадиган махсулотларнинг ишлаб чикарилиши, энг юкори харажатлар ва тулдирувчи махсулотлар хақидаги маълумотлар;

- миллий (давлат) режаларида қўйилган ва лойихалаштирилаётган махсулотга тегишли ишлаб чикариш максадлари;

- якка тартибдаги ва гурухли истеъмолчиларнинг феъл-атвори, одатлари ва муносабат билдиришлари, савдо амалиёти хақидаги маълумотлар.

4.10.Лойихани маркетинг стратегияси ва уни мақсади.

Маркетинг стратегияси – бу мулжалланаётган тадбирлардан (энг юкори фойдани олиш, бозордаги талабни кондириш ва шу кабилар) келгусида энг юкори самарадорликка эришиш учун хисобланган ишлаб чикариш-сотиш фаолиятининг истикболли максади, маркетинг концепциясини танлашдир. У бозордаги буш уринлар ва аник истеъмолчини излашни, корхонанинг бозорнинг ушбу участкасидаги фаолиятини бошлаш ва тугаллаш муддатларини белгилаш, ракобатбардошлик ва фойдалиликнинг (рентабеллиликнинг) махсулот (товар, хизмат)нинг турлари, унинг ассортименти, хажмлари, сифати, таннарх ва нархлар, рекламани хисобга оладиган омилларини аниклашни уз ичига олади.

Маркетинг стратегиясини куйидаги чизма буйича куриш тавсия этилади:

- маркетинг даврининг давомийлигини танлаш (киска, уртача ва узок муддатли режалаштириш);

- маркетингнинг пировард (стратегик) ва оралик (тактик) максадларини белгилаш;

- оралик ва пировард максадларга эришишга йуналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чикиш;

- стратегик режаларнинг бажарилиши жараёни устидан назорат тизимини ишлаб чикиш.

Одатда, маркетинг стратегиясини ишлаб чикиш ва амалга оширишга асос бўладиган куйидагича туртта йуналиш куриб чикилади – булар: товар ва нарх сиёсати, сотиш ва коммуникация

сиёсати ёки талабни шакллантириш ва сотишни рагбатлантириш услублари.

Маркетинг фаолияти – бу корхонанинг (ишлаб чикарувчи фирма, тарбиркор ва шу кабиларнинг) талаб, нархлар, товарларнинг истеъмолчига томон илгари сурилишига фаол таъсир курсатадиган рекламадан фойдаланиш, ишлаб чикаришни рагбатлантириш, махсулотларни саклаш ва ташишнинг замонавий усулларидан, хизмат курсатишнинг техник ва бошка турларидан кулланишни хар томонлама урганиш ва прогноз килиш билан боглик фаолиятидир.

Маркетинг фаолиятининг асосий элементлари куйидагилардир:

- ушбу махсулотга талабни аниклаш ва сотиш максадида бозорни, шунингдек, бу товарнинг ишлаб чикарилиши йуналтириладиган харидорлар таркибини комплекс урганиш;

- микдори ва сифати буйича истеъмолчиларнинг турли гурухларига каратилган ушбу махсулотни тайёрлашни ташкил этиш;

- махсулотнинг ишлаб чикарилиши ва сотилишини рагбатлантирадиган нархларни ишлаб чикиш, талабни шакллантириш буйича тегишли реклама ва бошка чора-тадбирларни ташкил килиш;

- товарни истеъмолчига томон илгари суриш йулидаги воситачини танлаш, ушбу жараённинг моддий-техник таъминланиши.

Корхона махсулот (товар, буюм)нинг муайян турига ва унинг истеъмолчилари контингентига нисбатан уз диккат-эътиборини муайян элементларга каратади. Масалан, истеъмолчилик товарлари учун оммавий ахборот воситалари оркали реклама, ишлаб чикариш максадидаги махсулотлар учун эса – техник хизмат курсатишнинг таъминланиши катта ахамият касб этади.

Шундай килиб, инвестиция лойихасининг бизнес-режасида маркетинг стратегиясини асослашда куйидагилар уз аксини топиши керак:

- мавжуд бозорни (унинг улушини) купайтиришга (кенгайтиришга), янги бозорларга боришга каратилган сотиш стратегияси;

- янги махсулотга (хизматга) нархларни амалдаги конунларни ва давлат микёсидаги нархларни тартибга солиш сиёсатини, бозор сегменти талабларини хисобга олиб хисоб-китоб килиш ва асослаш;

- нарх белгилаш стратегиясининг тугри танланганлигини асослаш (махсулотнинг хусусиятларини – янгилиги, сифати ва шу кабиларни) хисобга олиб ракибларнинг нархи билан таккослаш);

- махсулотларни бозорнинг аник сегментида сотиш тактикаси - узининг савдо тармоги, савдо ваколатхоналари, воситачилар, дистрибьюторлар ва шу кабилар;

- сотишдан кейинги хизмат курсатишда хизмат курсатишни ташкил этишга кетадиган харажатларни ва даромадлар (зарарлар)ни курсатган холдаги шундай хизмат курсатиш сиёсати (корхона томонидан шу жойнинг узида, таъмирлаш устахоналари, сервис марказлари оркали ва хоказо);

- махсулотларни сотиш хажмларининг истикболдаги узгаришларини бахолаш;

- маркетинг ва реклама учун харажатларни асослаш;

- махсулотларни бозорларга илгари суриш буйича чора-тадбирлар, шу жумладан, уларни амалга оширишнинг асосий боскичлари режаси.

Ушбу булимда махсулотларнинг ишлаб чикарилиши мулжалланаётган асосий турларига прогноз килинадиган нархлар тузилмасини калькуляция моддалари буйича график шаклда ёки салмоги буйича курсатиш тавсия этилади.

4.11.Маркетинг концепцияси.

Агар махсулотларнинг бир неча турлари, ассортимент гурухлари ишлаб чикарилиши режалаштирилаётган ва турли бозорларда иш олиб борилиши керак бўладиган булса, унда хар бир позиция буйича алохида маркетинг режаси тузилади.

Бизнес-режасининг ушбу булимида, шунингдек, нархни белгилаш масалаларини ишлаб чикиш хам тавсия килинади: махсулотлар нархи кандай? Бундай нарх харажатларни, талаб ва ракобатбардошликни акс эттирадими? Ракиблар нархни пасайтиргани холда кандай харакатлар килинади? Нархни белгилашдаги стратегия кандай (талабга ёки ракибларнинг нархига, ишлаб чикариш харажатларига боглик бўладими ва хоказо)? Бундан ташкари, махсулотларни таркатиш чизмаси (транспорт, истеъмолчининг омборидан, воситачилар оркали, улгуржи, чакана савдода, омборлардаги захира, омборларнинг сигими етарлими ва хоказо); сотишларни рагбатлантириш услублари (етказиб бериш хизматлари, айтиб утилган холларда пулларни кайтариш кафолатлари, мукофотлар, чегирмалар, хакини булиб тўлашга сотиш ва бошкалар); сотишдан олдинги ва сотишдан кейинги хизмат курсатишни ташкил этиш ва бошкалар ишлаб чикилиши керак.

Маркетинг концепцияси – тадбиркорлик фаолиятининг истеъмолчининг эхтиёжларини эътироф этиш ва кондириш асосида фойда олишга каратилган ишлаб чикариш фалсафаси – *истеъмолчига* йуналтирилганлик зарурлигини таъкидлайди: бунда олдинига унинг эхтиёжлари белгиланади, сўнгра бундай эхтиёжларни кондирадиган сифат курсаткичлари ва тавсифномаларига эга товарлар (махсулотлар) ишлаб чикилади. Бундай концепция истеъмолчига йуналтирилганликнинг *махсулотга* йуналтирилганликка нисбатан устувор эканлигини таъкидлайди: кейинги холатда истеъмолчининг корхона ишлаб чикарадиган махсулотларни сотиб олиши учун унга таъсир киладиган реклама ва бошка омиллар ёрдамида асосий диккат-эътибор товарга (хизматга) каратилади.

Хар кандай саноат инвестиция лойихасининг асосий мақсади – мавжуд ресурслардан фойдаланиш ва товар (иш, хизмат)га бўлган мавжуд ёки потенциал талабни қондириш натижасида фойда олишдир. Инвестиция лойихаси муайян корпоратив стратегияларга, масалан, фирманинг бозор позициясининг кучайишига ёки келгусида зарур ресурслар билан таъминлашга асос солишга хам хизмат қилиши мумкин. Бизнес-режасининг тайёрланиши итератив жараён эканлиги сабабли ушбу бўлимни тўзишда бозорни тахлил этиш услублари, маркетинг, унинг тадкик қилиниши, режалар ва харажатлар, асосий ва қўшимча махсулотларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш зарур.

Талаб ва бозорнинг тахлили улар хақидаги зарур ахборотларни қўшимча харажатларсиз олиш, шунингдек, маркетинг ва ишлаб

чиқаришнинг эхтимол тутилган стратегияларини белгилаш учун астойдил тўзилмаларга ажратилиши ва режалаштирилиши лозим.

Маркетинг стратегиясининг тахлили истеъмолчида талаб уйготиши мумкин бўлган мақсадли гурухлар ва махсулотларни бирхиллаштиришни ва аник сиёсатнинг белгиланишини, яъни стратегиялардан қайси бири – паст нархлар стратегияси ёки табакалаштирилган нархлар стратегияси – ракибларни суриб чиқаришга олиб келишини белгилашни ўз ичига олади. Бизнес-режасининг бу бўлимида қўйидагилар тахлил қилинади:

- инвестиция объекти ишлаб чиқаришни назарда тутган махсулотга талабга тегишли умумий иқтисодий кўрсаткичлар (ахоли ва унинг ўсиш суръатлари, жон бошига тўғри келадиган даромад ва истеъмол ва бошқалар);

- ишлаб чиқарилиши лойихада назарда тутилган махсулотнинг истеъмоли, ишлаб чиқарилиши, импорти ва экспорти билан боғлик сохадаги давлат сиёсати, амалиёти ва қонунчилик, сертификациялашнинг ташкил этилиши, мажбуриятлар, субсидиялар, кредит назорати ва хорижий алокаларнинг тартибга солиниши;

- ишлаб чиқарилиши мулжалланаётган махсулотнинг мамлакатда ишлаб чиқарилишининг мавжуд даражаси, шу жумладан, корхона ичидаги истеъмол учун ишлаб чиқариш;

- ушбу махсулотнинг экспорти ва импорти даражаси, унинг ўрнини босадиган махсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, энг юқори харажатлар ва тулдирувчи махсулотлар хақидаги маълумотлар;

- миллий (давлат) режаларида қўйилган ва лойихалаштирилаётган махсулотга тегишли ишлаб чиқариш мақсадлари;

- якка тартибдаги ва гурухли истеъмолчиларнинг феъл-атвори, одатлари ва муносабат билдиришлари, савдо амалиёти хақидаги маълумотлар.

Маркетинг концепциясига унинг стратегияси (бозорга кириб олиш, унинг ривожланиши, махсулотнинг ривожланиши, диверсификация), бозорлар ва бозор мухити хақидаги ахборотларни йиғиш, ишлаш ва бир тизимли асосда бахолаш (талаб ва ракобатчилик, мижозларнинг феъл-атвори, истеъмолчиларнинг эхтиёжлари, ракобатлашувчи махсулотларни урганиш, маркетинг воситалари ва бозор билан боғлик бошқа омилларни тахлил этиш), сотиш сохасидаги мақсадлар (айланиш, бозор улуши, фирманинг обру-эътибори, фойда ва шу кабилар) киради.

Махсулотларни сотиш бозорларини урганишда одатда улар қўйидаги турт турга бўлинади:

- истеъмолчилар товар хақида хеч нарса билмайдиган бозорлар;

- истеъмолчилар товарни биладиган, лекин сотиб олмайдиган бозорлар;

- ракибларнинг махсулотлари сотиб олинадиган бозорлар;

- ушбу махсулотни сотиб оладиган бозорлар.

Бундай товарларни бахолаш жараёнида уларнинг сигими, махсулотларни сотишнинг потенциал ва реал хажмлари, уларнинг потенциал харидори (истеъмолчиси), бозордаги буш уринлар, махсулотларнинг қанча миқдорда ва кандай нарх бўйича сотилиши белгиланади. Буларнинг хаммаси иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларга, харидорларнинг даромадлари даражасига, инфляция суръатларига ва шу кабиларга бевосита боғлик бўлади.

Шундай қилиб, бизнес-режасида сотиш бозорининг бахоланиши шундай изчилликда: унинг тавсифномаси → сегментлаштирилиши → сотишлар даражалари → харидорлар → махсулотларнинг илгари сурилиши → воситачилар каби изчилликда бажарилиши мумкин. Бозорнинг аник сегментини ва сотишлар даражасини белгилагандан сўнг ушбу сегмент ичидаги харидорлар таркибининг баёни берилади.

Бозорлар тахлил қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- корхонанинг товарлари (хизматлари) сотилиши режалаштирилаётган бозорларнинг умумий тавсифномаси, улар ўлчамларининг бахоси;

- корхонанинг турли бозорлардаги улуши;

- бозорнинг ривожланиш динамикаси ва унинг келгусида ўзгариши тенденцияларининг прогнози;

- бозорнинг ўзгаришига таъсир қиладиган асосий омиллар;

- истеъмолчиларнинг махсулотларга (хизматларга) асосий талаблари;

- ракиблар имкониятларининг бахоланиши ва улар ишлаб чиқарадиган махсулотлар хақидаги асосий маълумотлар: техник даражаси, нархи, сифат даражаси;

- ракобатлашувчи корхоналарнинг технологик ва молиявий ахволи ва уларнинг ушбу махсулотлар (хизматлар) бозорига таъсир кўрсатиш даражаси;

- корхонанинг ракиблар олдидаги устунликлари.

Хатто юқори сифатга эга бўлган махсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқаришга доир хар кандай фаолият эртами ёки кечми ракобатга дуч келади, шунинг учун хар бир ракибнинг

потенциал улушини бахолаш ва ушбу товарнинг сифати, нархи, таркалиши ва бошқа кўрсаткичлари нуқтаи назаридан афзалликларини кўрсатиш мухимдир. Агар ракиблар устидан афзалликка эришилмаган бўлса, унда, яхшиси, талабга эга бўлган бошқа товарни ишлаб чиқаришга утган маъкулдир.

Мақсадли бозорларнинг хар бири бўйича корхонанинг қўйидаги сохалардаги позицияларини ракибларнинг позициялари билан таққослаш керак бўлади:

- *товар* – сифати, техник-иқтисодий кўрсаткичлари, савдо маркасининг обруси, кадокланиши, сотилганидан кейинги хизмат кўрсатиш даражаси, кафолат муддати, сервис, ноёблиги, куп вариантларда фойдаланиш мумкинлиги, ишончлилиги, патентлар билан химояланганлиги;

- *нархи* – сотиш нархи, нархдан чегирма, тўлов муддатлари, кредитни бериш ва харидни молиялаштириш шартлари ва бошқалар;

- *сотиш шакли* – тўғридан-тўғри, савдо вакиллари ёки ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари, улгуржичи воситачилар, комиссионерлар ва маклерлар, дилерлар орқали етказиб бериш, шунингдек, омбор хоналарининг жойлашуви, ташиш тизими ва хоказо;

- *товарларнинг бозорлардаги илгари сурилиши* – якка тартибдаги сотиш, истеъмолчиларнинг рагбатлантирилиши, намойишли савдо, намуналарнинг кўрсатилиши ва шу кабилар;

- *сотиш каналлари буйлаб илгари сурилиши* – реклама, «паблик рилейшнз», шахсий савдо, унинг рагбатлантирилиши, танлов

асосидаги савдо, воситачиларга мукофотлар, савдо маркаси юзасидан сиёсат ва хоказо.

Маркетинг – бу корхона (фирма ва шу кабилар)нинг хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг комплекс тизими бўлиб, у бозорнинг ахволи ва ривожланиш истикболларини ўрганишга асосланиб, истеъмолчилик ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги махсулотларга (товар, хизматларга) талабни аник мақсадли равишда шакллантиришни таъминлайди.

Маркетинг ишлаб чиқарувчини бозорда доимий тарзда талабга эга бўладиган сифатли ва миқдордаги махсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқаришга йўналтиради. У XX аср бошида пайдо бўлди (дастлаб АКШда), факат утган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ¢арбдаги етакчи компаниялар фаолиятида фаол татбик қилина бошлади. Бу уларнинг бозордаги мураккаб вазиятга ўз муносабатини билдириши, товарнинг тобора ошиб бораётган массасини сотиш муаммосини ўз кучи билан хал этишга, товарга талабга ўзи учун фойдали йўналишда фаол таъсир кўрсатишга уриниши эди.

Унинг асосий мақсади – нафакат энг юқори фойдани олиш, шу билан бирга бозорнинг (фирмалар, одамлар, корхоналарнинг) товарларга (ишлар, хизматларга) бўлган талабини айирбошлаш, товарнинг истеъмолчига томон илгари сурилишини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш-тижоратчилик фаолияти самарадорлигини ошириш воситасида қондиришдир.

Макроиқтисодий тахлилларда инвестицияни иқтисодий категорияси давлатни инвестицион мухит(ИМ)ни умуман ошириш ва уни иқтисодий ўсишини таъминлаш, иқтисодий маблағларни утказиш билан боғлик жараённи имкониятларини кенгайтиришдек куп мақсадли ва кийин жараённи кенгайтирилган тасифи ва ёзиш учун фойдаланилади.

Шундай қилиб, микроиқтисодиёт даражасини иқтисодий фаолият жараённи ёзишда, ёки алохида уй-коорпорация ва фирма- корхона фаолиятлари даражаларида баён этилиши инвестиция кўринишда тушунилиб; мисол учун: асосий капитални ошириш ёки қайта ишлаб чиқариш учун манавий ва жисмоний эскирган жихозларни алмаштириш мақсадида жихоз сотиб олишга йўналтирилган у ёки бундай маблағни қўйишдир. Алохида уй хўжаликлар учун инвестицияни шундай қўйилма типидаги мисол учун; келгусида иш олиш учун ўз болаларига имкониятларни кенг очиш мақсадида ўкитиш харажатларига ўхшаш вариантларини бошқа имкониятлар билан таъминланади.

Иқтисодий ўсиш нафакат асосий капиталга инвестиция қилиш натижасида юутуқк эришиляпти, бу қўйилган маблағни самараси орқали ёки қўйилган суммани хар бирини ортимини-қайтимини ошириш хисобига эришилмокда. Шуни назарда тутиш зарурки, маблағдоимо етишмаслик хукум суради, жамият олдида ЯИМ ни қанча қисми истеъмолга ва жамғармага - инвестицияга йўналтириш тақсимлаш вазифаси туради. Шунинг учун давлатнинг бу позицияси

нафакат қанча инвестиция қилиш, балки чегаралланган бу маблағларни қай мақсадга ёки нима мақсадга инвестиция қилиш ахамиятли хисобланади. Асосий капиталга инвестицияни самараси уни самарали тақсимлашни бир неча белгиларига караб эришилади.

5.3.Капитал қўйилмани тармоқлар бўйича тавсифланиши ва уни такомиллаштириш.

Инвесицияни биринчидан, инвестиция тармоқлар бўйича қандай тақсимланяпти, бунинг ахамияти.

Бирок республикада бир неча тадбирлар амалга оширилмокда қайсики махсус ишлаб чиқилган инкирозга карши дастурни асосини ташкил қилади. Мазкур дастурни асосий мақсади халқ хўжалигини барча тармоқларини аввало саноатни базавий тармоқларини, қишлоқ хўжалигини келгусида ўсишини таъминлаш ётади, а бу ўз навбатида бу тармоқлардаги инвестицияни ўсиши билан боғлик (1.2 жадвалга каралсин).

Агар давлат ўзини келгуси хақида кайгурса-ташвишга тушса у холда у илмий техник прогресс(НТП)ни тезлаштиришни таъминловчи тормоқларда, мамлакатнинг келажагига боғлик бўлган тармоқларни, ва саноатга маблағқўйишда уни рагбатлантириш зарур:

- ёкилги –энергетик комплекси корхоналари (ТЭК), қайсики уларни махсулотисиз бошқа корхоналар машина ва механизмларсиз ишлай олмайди;

- жихоз-станок ва бошқа техникалар ишлаб чиқарувчи машинақурилиш тармоги;

1. 2.Жадвал

Январ –декабр ойидаги иқтисодиётни тармоқлари бўйича асосий капталга инвестицияни ўзлаштириш[36]

(млрд. сум.)

	2007г.	Жамига нисбатан % да	2008г.	Жамига нисбатан % да
Всего	5479,7	100,0	8483,7	100,0
Ишлаб чиқариш йўналишига	3840,3	70,1	6397,5	75,4
Ёкилги-энергетик	1116,5	20,4	1170,2	13,8
металлургия	355,9	6,5	430,2	5,1
Химиявий ва нефтхимиявий	67,3	1,2	164,4	1,9
Машинақурилиши	94,0	1,7	190,2	2,2
Енгил	145,8	2,7	240,1	2,8
Озик-овкат саноати	109,9	2,0	198,1	2,3
Қурилиш материаллари	71,5	1,3	100,3	1,2
Кишлок хўжалиги	180,8	3,3	258,4	3,1
транспорт ва алока	1249,8	22,8	2227,6	26,3
Бошқалар	448,8	8,2	1418,0	16,7
Ноишлаб чиқариш йўналишига	1639,3	29,9	2086,2	24,6

[36] Экономика Ўзбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2000-2008гг. Ташкент. «Ўзбекистан» 2009 – с.19

Уй-жой қурилиши	63 3,0	11,5	84 1,8	9,9
Таълим	68 6,4	12,5	74 8,9	8,8
Санъат ва табий()усство	20 ,0	0,4	43 ,3	0,5
Согликни саклаш	73 ,4	1,3	13 4,4	1,6
Коммунал-маиший хўжаликлар	10 7,1	2,0	12 3,6	1,5
Бошқалар	11 9,4	2,2	19 4,2	2,3

- умумжамият хаётини барча сфераларида қайсики барча янги қўлланиладиган махсулотлар топувчи химия санаоати;

- юқори технологияга сосланган тармоқ (жихозқурилиш, электроника, микроэлектроника, нанатехнология, компьютер технологияси ва программалар ва бошқалар).

Иқтисодиётни асосий-1чи даражали тармоқлари бизнинг мамлакатимиз рахбарини эътиборида турмокда. Президент Республики Ўзбекистан Ислам Каримов 2009 йил якуни 2010 йил учун мамлакатни асосий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида хам асосий эътибор бермоқди.

5.4.Капитал қўйилмани худудлар бўйича тавсифланиши ва уни такомиллаштириш.

Инвестицияни асосий капиталга йўналтиришни кейинги асосий йўналиши бу экспортникенгайтирувчи ва импортўрнини босувчи ишлаб чиқаришга қўйиш хисобланади, бу валюта тушумини оширади ва импорт учун валюта харажатларини камайтиради.

Иқтисодиёт худудларини бошқариш муаммоси умуман махаллий ўз ўзини бошқариш концепцияси рамкасида кўриб чиқилиши лозим. Охири хукуматни муниципиал органлари ва худудларини ўзаро бир бирига таъсири этиш усули ва оптимал формаларни излаш билан хал этилмайди.

Иккинчи дан, инвестицияни худудлар кесимида оптимал тақсимлаш зарур.

1.3.Жадвал

Ўзбекистонреспубликасида 2008 йилда асосий капиталга худудлар бўйича инвестицияни ўзлаштириш[37]

	Жами		Шу жумладан: ишлаб чиқариш сфераси	
	Млрд. сум	Жамига нисбатан %да	Млрд. сум	Жамига нисбатан %да
Республика Ўзбекистан	8483,7	100,0	6397,5	100,0
Республика Каракалпакистан	800,4	9,4	683,5	10,7
Андижанская	354,7	4,2	242,4	3,8
Бухарская	753,9	8,9	630,8	9,9
Джизакская	186,2	2,2	76,7	1,2
Кашқадарьинская	1630,7	19,2	1420,8	22,2
Невоинская	463,0	5,5	395,5	6,2
Наманганская	298,3	3,5	161,3	2,5
Самаркандская	388,9	4,6	180,3	2,8
Сурхандарьинская	361,9	4,3	232,9	3,6
Сырдарьинская	126,7	1,5	68,6	1,1

[37] Экономика Ўзбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2000-2008гг. Ташкент. «Ўзбекистан» 2009 – с.21

Ташкентская	749,7	8,8	574,7	9,0
Ферганская	471,8	5,6	335,6	5,2
Хорезмская	174,3	2,1	61,3	1,0
Г.Ташкент	1692,4	19,9	1333,1	20,8

Ўз ўзини бошқариш ташкилотини асосий томони барча худудларни ривожлантириш вазифаси ва мақсадидан келиб чиқиб турли хил даражада ўз худуд органларини функциясини аниклашдан иборат. Хўжаликларни оператив бошқариш ва бюджет-молия сиёсати, уларга тегишли бўлган маълум худудларни бозор муносабатлар орқали қонунчиликка мос бошқаришни асосий функциялари ётади.

Комплекс худудларни халқ хўжалигини бошқаришда иқтисодий нуқтаи назаридан турли хил даражадаги мулкчилик турлари бўйича ўзаро бир бирига таъсир этувчи корхоналарни чегаралаш ман этилади. Самарадорлик критерияси ва ишини асосий йўналишлари худудни комплекс ривожлантириш асосида мазкур худудда яшаётган ахолини ижтимоий иқтисодий истеъмолини қондириш даражасини оширишга қаратилиши лозим. Шунингдек, муниципиал хўжаликлар структураси етарли турли туман бўлмоғи лозим ва район ва шахарни хама томонлама ривожлантириш учун зарур бўлган турли хил ижтмоий ва хўжаликларни бирлаштириш лозим (саноат, қурилиш, аграр, савдо-сервис, уй-жой-коммунал, культурно-маиший). Бу хўжаликларни асоси муниципиал мулкчилик хисобланади. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки муниципиал органларни тўлиқмулкчилигида мос холда мазкур объектлар, қайсики улар нотижорат характерга эга бўлмаган бўлиб булар тўғридан тўғри

бошқарилади ва бу махаллий бюджетдан тўлик молиялаштирилади. Хозирги шароитда –бу муассасаларга таълим, соғликни сақлаш, культура ва бошқалар киради. Муниципиал хўжаликларни қолган звенолари комбинациялашган ёки тижорат асосида ривожланиши мумкин.

Иқтисодиётни ягона бошқаришни таъминлаш учун худуд ва республика микёсидаги мулк эгалари кенгрок масштабдаг ўз вакиллаини делегатларни ўз ваколатлари доирасида мулкчиликни бошқариш бўйича жумладан ташкил этилган худуддаги комплексни, корхонани бошқаради. Худди ягона тизим сифатида иқтисодий худудни бошқаришни бошқа вариантлари хам мавжуд бирок уларни барчаси мулкни эгалари томонидан бошқарувчи органлар фаолиятини координат қилиш даражаси зарурлиги кўриб чиқилиши керак.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги огирликни асосий маркази бугун худудларнинг зиммасига тўғри келади. Бу ерда ахолини хаётий таъминланганлик муаммолари хал этилади, бошқаришни худудий органлари худудни холатини асосий томонлари ва ахолии олдидаги бош жавобгарлиги ётади.

Бундан ташкари худудлар микёсида унинг барча фазалари ва омиллари бўйича такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқтаъминланади. Булардан чегара худудларда илмий ва инженер кадрларни жалб қилган холда мехнат ресурсларини қайта такрор ишлаб чиқаришга жалб этиш лозим.

5.5. Капитал қўйилмани мулк шакли бўйича тавсифланиши ва уни такомиллаштириш,

Инвестицияни мулкчилик формаси бўйича тақсимлаш хам катта ахамиятга эгадир: давлат мулкига ва нодавлат мулкига.

Бозор иқтисодиётига утиш шароитида нодавлат мулкидаги инвестицияни улуши ортиб боради шунинг учун иқтисодиётнинг бу сектори ўсиши кўзатилади.

Туртинчидан, инвестицияни иқтисодиётнинг сфералари бўйича тақсимлаш хам асосий ахамиятга моликдир.

Ялпи ички махсулотни ўсишини факат ишлаб чиқариш инвестицияси билан боғланса хам мақсадга мувофик буларди чунки улар бевосита махсулот ишлаб чиқариш ва иш қувватини оширишини аниклайди

1.1.Диаграмма

Инвестицияни асосий капиталдаги таркиби[38] (%да)



[38] Источник: государственный комитет РЎз по статистике

Инвестицион типдаги инвестицияни ортиши ахолини моддий яшаш тарзини-даражасини оширувчи омил хисобланади.Шундай қилиб ишлаб чиқариш аппаратини ўсиши мехнат унумдорлигини оширади. Шундай қилиб бугунга яшаш тарзимиз кечанги инвестиция даражаси натижаси орқали аникланади, а бугунги инвестиция эса кейинги яшаш тарзини ошириш ва мехнат унумдорлигини оширишга таъсир этади.

1 диаграммадан кўриниб турибдики ишлаб чиқаришдаги инвестицияни улуши йилдан йилга ортиб бораётганлиги кўрамиз а ноишлаб чиқариш сохасидаги инвестицияни улуши эса камаётганлигини кўрамиз. Бирок бундан кўриниб турибдики бу сферага қўйилма камаяпти ёки ноишлаб чиқариш сферасидаги инвестицияни абсалют миқдори аввалгидек хар йили усаяпти.

5.6.Капитал қўйилмани технологик тўзилиши ва уни такомиллаштириш.

Олтинчидан, асосий капиталга қўйилган инвестицияни кайтими қурилиш элементлари бўйича қўйилмани тақсимлашни билдирувчи уларни технологик таркибини такомиллаштириш йўлини оширади.

1.5.Жадвал.

Асосий капиталга қўйилган инвестицияни технологик таркиби[39]

(%да)

	2008	2009	2010

[39] Экономика Ўзбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2000-2008гг. Ташкент. «Ўзбекистан»

Жами	100,0	100,0	100,0
КМИ	50,4	45,6	47,0
Машина, жижоз ва иш кўроллари	37,9	43,6	38,8
Бошқа харажатлар	11,7	10,8	14,2

Қурилиш монтаж ишининг натижаси бино иншоотлар хисобланади ёки асосий воситаларни пассив қисми ва унинг улушини камайтириш керрак. Шунингдек бошқа харажатлар дейилганда лойиха смета хужатлари(ЛСХ)ини ишлаб чиқиш, кўрилаётган завод биноларига ажратилган ерни танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш, қурилиш зонасини кўриклаш ва бошқаларни тушуниш лозим. Асосий воситаларни актив қисми (жихоз, машина ва механизлар)ни улуши эса оширилиши керак, шундагина улар ишлаб чиқариш Билан бевосита боғлик бўлади ва ялпи ички махсулот (ЯИМ)ортади. Бунга арзон қурилиш материаллари, енгиллаштирилган конструктор ва бошқа шунга ўхшашли типовой лойихалардан фойдалангандагина эришилади.

Шунингдек асосий воситаларни актив қисми улушини ошириш йўли орқали қайсики асосий капиталдаги инвестицияни самарасини оширишга қаратилган олтинчи йўналиш мавжуд –бу такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришдан иборат.Мазкур таркиб инвестицияни формаси бўйича асосий воситаларни янгилнишга қаратилган тақсимотга қаратилган қайсики қўйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

- янги корхона қурилиши;

- амалдаги корхонани кенгайтириш;

- амалдаги корхонани реконструкция қилиш;

- амалдаги корхонани технологик қайта кўроллантириш;

Янги қурилиш ва кенгайтириш ахамиятсиз бўлган орикча қурилиш монтаж ишлари(КМИ)ини амалга оширишга олиб боради шунинг учун уларни улушини қисқартириб унинг ўрнига асосан техник қайта кўроллантиришга ва реконструкцияга йўналтириш қўпроқ ахамият касб этади.

Махаллий корхоналарни давлат таклифи бўйича янгилаш ва модернизация қилиш жараёни асосий солиқ имтиёзлари орқали қўллаб борилади.

5.7.Капитал қўйилмани қайта ишлаб чиқариш бўйича тўзилиши ва уни такомиллаштириш.

Капитал қўйилмани қайта ишлаб чиқариш структураси дейилганда асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта ишлаб чиқаришни формалари бўйича умумий смета қийматини тақсимланиши ва бир бирига нисбати орқали шаклланади ёки капитал қўйилмани қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш усули ва ривожланиш йўлларини тақсимлаб, бунда: экстенсив ривожлантириш ёки мазкур корхонани кенгайтириш ёки янги қуриш; интенсив ривожлантириш ёки мазкур корхонани техник қайта кўроллантириш ва реконструкция қилишдан иборатдир.

Капитал қўйилмани тармоқ инвестицияси структураси дейилганда умуман иқтисодиётда ва саноат тармоқлар бўйича нисбати ва буни тақсимланиши орқали шаклланади.

Ўзбекистон республикамизда инвестицияни тармоқ структураси бўйича жойлаштиришга назар ташласак, шуни кўрсатмокдаки, асосан саноат тармоқларига, транспорт сохасига жойлаштирилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташкари юқори келтирилган тармоқларга инвестицияларни жойлаштиришни йилдан йилга ўсиши кўзатилмокда.

-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби[40]

(фоизда)

	2004	2005	2006
Жами	100,0	100,0	100,0
Саноат	28,1	28,5	29,9
Қишлок хўжалиги	5,0	3,4	3,2
қурилиш	0,2	0,5	0,8
Транспорт ва алоқа	21,7	23,1	20,2
Савдо ва умум овкатланиш	1,5	1,3	1,3
Бошқа сохалар	6,9	7,3	9,9

Хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиздаги инвестицион сиёсат халқ хўжалигини устивор сохаси бўлган йўналишларга

[40] Ўзбекистон Республикасининг йиллар бўйича Ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш асосий кўрсаткичлари

жойлаштирилганлигини кўришимиз мумкин.Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур инвестицияни бошқа тармоқларга хам жойлаштириш стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш зарур. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар бир текисда замонавий ва интеллектуал бойликлар билан бирга хамнафасликда ривожлантииш лозим.

5.8.Асосий воситаларга қилинадиган инвестицияларнинг манбалари бўйича тузилиши ва уни такомиллаштириш.

Бешинчидан, инвестицияни самарасини оширишини таъминлашда молиялаштириш манбаларини тўғри танлаш хам асосий ахамиятга эгадир.

1.4.Жадвал

Молиялаштиришни манбаларига караб асосий капиталга инвестицияни таркиби,(% да)[41]

	2004	2005	2006	2008
Жами	100	100	100	100
Давлат бюджети	14,4	12,2	9,1	9,0

[41] Экономика Ўзбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2000-2008гг. Ташкент. «Ўзбекистан» 2009 – с.19

Ахолии ва корхоналар маблағлари	54,69	57,5	62,2	53,9
Хукумат кафолати остидаги кредитлар ва чет эл инвестицияси	14,0	6,8	4,8	-
Тўғридан тўғри инвестиция	11,1	14,9	12,3	25,8
Марказлашган банк кредитлари	-	-	-	-
Тижорат банкларини кредитлари	3,8	3,5	2,9	5,0
Бюджетдан ташкари фондлари	1,8	4,8	11,7	6,3
Бошқа манбалар	0.3	0,3	-	-

Шуни эътиборга олиш лозимки ва шундай катта бўлмаган қувват: охирги йилларда иқтисодиётни базавий тармоғи хисобланган лойихаларни амалга оширишга қаратилган корхонани шахсий маблағи хажми ортиб бормоқда. Ахоли маблағлари билан қўшилган холдаги миқдори молиялаштиришни барча манбаларини ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда (1.4 жадвалга каралсин).

Шунингдек, чет эл инвестициясини улушини ўсиш тенденцияси ижобий хисобланади ва асосан қўпроқ тўғридан тўғри инвестиция хисобланади. Чет Эл инвестицияси республиканинг иқтисодиёти учун нафакат чет эл валютасини окиб келиш нуқтаи назаридан балки замонавий технология ва жихозларни жалб қилиш билан ахамиятлидир.

Мулкчиликни нодавлат формасидаги улушини кегайтириш шароитида давлат бюджети хисобидан молиялаштириш

камайтирилади. Бирок ноишлаб ишлаб чиқариш сферасига ғамхурлик қилиш давлатнинг асосий функцияси бўлиб қолмокда. Бундан ташқари давлат ўз бюджетидан инвестицияни мамлакатда ўзига мос соха бўлмаган ишлаб чиқариш ва тармоқларни молиялаштириш керак.

5.9.Қурилишнинг ташкилий шакллари (янги қурилиш, таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш).

Капитал қўйилмалар иқтисодий жихатдан капитал инвестицияларни англатади, улар деярли бир мазмунни билдиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида киритиладиган инвестицияларни – қўйилмаларни – харажатлар мажмуасини англатади. Шу ўринда, капитал қўйилма ёки капитал инвестицияларнинг реал инвестициялардан фарқлаб олиш зарур. Реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган сохаларга, хусусан ижтимоий самара олиб келувчи сохаларга хам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади. Реал капитал қўйилмалар эса, фақат ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

Капитал қўйилмаларнинг таркибий тўзилиши қуйидагилардан иборат:

1. Капитал қўйилмаларнинг тармоқ тўзилиши, яъни жамият миқёсида капитал қўйилмаларнинг тармоқлар бўйича сарфланган қийматини англатади;

2. Капитал қўйилмаларнинг технологик тўзилиши, яъни асосий фондларнинг актив элементлари ва пассив элементларига сарфланган харажатлар нисбатини англатади. Актив элементлар деганда, ўз қийматини бевосита маҳсулот ёки хизматлар таннархига ўтказувчи, бевосита амортизацияланувчи элементлар ва объектлар тушунилади, буларга технологик ускуналар, машина ва қурилмалар қиймати мисол бўлади. Пассив элементлар эса ўз қийматини таннарх таркибига билвосита киритиб борувчи объектлар ва воситалар қийматини англатади. Уларга бино-иморатлар, мебель, офис жиҳозлари, компьютер техникаси ва моддий ва номоддий объектлар мисол бўла олади;

3. Капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш тўзилиши, яъни мавжуд объектларни қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги объектларни барпо этиш ва харакатдаги корхоналарни кенгайтириш бўйича қилинган харажатларнинг нисбатига айтилади.

Капитал қўйилмалар қиймати давлат, корпоратив ва хусусий инвестицияларни режалаштириш жараёнида қўлланилади, улар асосида инвестицион фаолият прогнозлаштирилади. Йиллик ўзлаштирилиш зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми давлат инвестиция дастурида кўрсатиб ўтилади. Капитал қўйилмалар ҳажми дастур таркибидаги дастлабки хужжат прогнозда акс эттирилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт

вазирлиги томонидан белгиланади, қўйилмалар қийматини аниқлашда, Молия вазирлиги ва Марказий банк ҳам иштирок этади

5.10.Капитал қурилишда лойиҳалаштириш.

Капитал қурилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг асосий фондларини яратувчи ва шакллантирувчи тармоқ ҳисобланади. Капитал қурилиш мазкур фондларни тайёрлашда сарф қилинадиган меҳнат, молиявий ва материал харажатларни ўз ичига олади.

Капитал қурилиш - бу халқ хўжалигининг алоҳида бир тармоғи бўлиб, унинг тайёр маҳсулоти бўлиб асосий фондлар ҳисобланади. Жамиятнинг моддий техник-базасини яратишинг асосий йўналишлари - янги корхоналарни қуриш, яратиш билан биргаликда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта куроллантириш чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, давлат инвестиция сиёсати нафақат, янги объектларни вужудга келтириш, балки мавжуд корхоналарни техник ва технологик жихатдан янгилашга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятида капитал қурилиш буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган шартнома асосида олиб борилади.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив – ҳуқуқий ҳаражатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Қурилишда пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддат ичида тузилади.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этади:

- Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- Қурилишнинг титул рўйхати;
- Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- Пудратчи ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;
- Қурилиш – монтаж ишларини бажаришга “Давархитектқурилиш” қўмитасининг рўйхати.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати – объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий хужжат.

Қурилишнинг титул рўйхати - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий хужжатдир.

Қурилишда иш ҳужжатлари – алоҳида бинолар ва иншоатларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплектидир.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи органга (муассасага) буюртмачи томонидан қўйидагилар тақдим этилади:

❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

❖ Қурилишнинг титул рўйхати;

❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

❖ Қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

❖ Ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Хизмат кўрсатувчи банк капитал қурилишга маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи эса тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Капитал қўйилма – бу, янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини техник жиҳатдан қайта куроллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий, иқтисодий, моддий ва меҳнат харажатлари йиғиндисига айтилади. Капитал қўйилмалар иқтисодий жихатдан капитал инвестицияларни англатади, улар деярли бир мазмунни билдиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида киритиладиган инвестицияларни – қўйилмаларни – харажатлар мажмуасини англатади. Шу ўринда, капитал қўйилма ёки капитал инвестицияларнинг реал инвестициялардан фарқлаб олиш зарур. Реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган сохаларга, хусусан ижтимоий самара олиб келувчи сохаларга хам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади. Реал капитал қўйилмалар эса, фақат ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

Қурилишда пудрат ва хўжалик услубида бажариладиган ишлар:

Қурилишда пудрат муносабатлари - бу пудрат шартномалари асосида буюртмачи ва пудратчилар томонидан амалга ошириладиган муносабатлар. Қурилиш асосан икки хил усулда олиб борилади:

1. Пудрат усули;

2. Хўжалик усулида.

Пудрат усули – бу пудрат шартномалари асосида махсус қурилиш ташкилотларини жалб қилиш орқали бажариладиган усулдир. Пудрат усулида буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар иштирок этиб, буюртмачиларга вазирликлар, концернлар, ассосациялар, мулкчиликни турли шаклидаги корхона ва фирмалар, хусусий тадбиркорлар бўлиши мумкин. Пудратчи ташкилотлар эса мулкчиликнинг турли шаклларидаги махсус қурилиш ташкилотларидир. Пудрат муносабатлари бугунги кунда кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, у қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилмоқда:

-пудрат шартномалари қурилишнинг бутун муддатига тузилади. Бундан мақсад қурилиш учун жавобгар шахсни олдиндан белгилаб олишдир.

-қурилиш маҳсулотлари шартнома бахоларида олиб борилади. Бу пудратчи ташкилотларни рағбатлантиради.

-капитал қўйилмаларни кўпроқ корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, таъмирлаш ишларига йўналтириш ва улардан фойдаланиш самарасини оширишдан иборат.

Қурилишда хўжалик усули – деганда қурилишнинг монтаж ишларини корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тушунилади. Бундай холда корхона ва ташкилотлар капитал қурилиш бўлими (ОКС) ёки капитал қурилиш бошқармасини (УКС) ташкил этади. Қурилиш монтаж ишлари амалга ошириш жараёнида корхона раҳбарлари ва капитал қурилиш бошлиғи ўртасида шартнома тузилади. Йирик ҳажмидаги капитал

қўйилмаларни амалга оширишда банкларда корхона рахбари номида капитал қуйилмаларнинг махсус ҳисоб рақами очилади. Хўжалик усулида капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳам икки усулда олиб борилади:

1. Харажат элементлари бўйича;
2. Бажарилган ишлар бўйича олиб борилади.

5.11.Капитал қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш.

Қурилишда пудрат шартномалари конкўрс асосида тўзилади ва имзоланади. Конкурс шартлари буюртмачи томонидан аниқлаб олинади. Шартнома имзоланишигача қурилишни молиялаштириш ва хужжатлаштириш ишлари хам аниқлаб олиниши талаб этилади.

Қурилиш ишларида олиб бориладиган тендерлар Ўз.Р. Вазирлар Маҳкакмасининг 03.09.1998й.даги №375 сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади. Тендерларнинг тартиби қарорнинг 5-иловасида «Ўз.Рес. худудида капитал қурилиш ишларида конкўрс савдолар – тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низомда келтирилган. Қурилиш ишларида тендер ўтказишдан мақсад белгиланган муддат ва қиймат доирасида қурилиш, монтаж, ремонт ишларини сифатли амалга оширувчи қурилиш ташкилотини конкўрс асосида танлаб олишдан иборат. Тендер савдоларини ўтказиш марказлаштирилган давлат маблағларидан, маҳаллий хукумат маблағларидан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажариш учун мажбурий шарт қилиб белгиланган. Тендерда қуйидаги томонлар қатнашади:

- буюртмачи – қурилиш ишларига буюртма берувчи ва тендерни чақирувчи, буюртмаловчи юридик шахс;

- тендерни уюштирувчи – буюртмачи томонидан тендерни ташкил этиш, уюштиришга буюртма олган шахс;

- “даъвогар” – тендерда ғолиб чиқиш мақсадида қатнашувчи қурилиш ташкилоти;

- тендер комиссияси – тендердаги таклифларни баҳоловчи ва ғолибни аниқловчи доимий ёки вақтинчалик таркибга эга орган.

Буюртмачи тендерни ташкил этиш мақсадида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва инженер-консультатив фирмаларни ёллаши мумкин. Тендер уюштирувчи томон қуйидаги функцияларни бажаради:

- тендер савдоси жараёнини ташкил этиш ва расмийлаштириш;

- тендер хужжатларини ишлаб чиқиш;

- тендерга таклифномалар тарқатиш, тендерни эълон қилиш;

- тендер комиссияси таркибини белгилаш;

- тендерга келиб тушувчи таклифларни қабул қилиш.

Тендерни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар буюртмачи томонидан тўланади. Тендерни ўтказишда буюртмачига қулайлик яратиш ва даъвогарларнинг ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида тендер хужжатлари тўплами пулга сотилади. Тендер хужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

-тендер эълонининг матни;

-тендерга таклифномалар;

-қурилиш шартномасининг шартлари;

-савдода қатнашиш учун ариза формаси;

-савдода қатнашиш инструкцияси;

-пудратчи тўғрисидаги маълумотларга талаблар;

-таклифларни техник, молиявий баҳолаш ва ғолибни аниқлаш мезонлари;

-қурилиш шартномаси лойихаси;

-тендернинг техник хужжатлари.

Тендер комиссияси таркиби буюртмачи томонидан белгиланади. Комиссияга буюртмачи вакиллари, лойихалаштириш, илмий иланиш, инженер-консультацион, молиявий ташкилотлар, махаллий назорат органлари мутахассислари аъзо бўлиши мумкин. Комиссияга тендерда ғолибни аниқлаш вазифаси юклатилган. Қурилиш ишларига тендер объект қурилиши молиявий маблағлар билан таъминланган ва зарур хужжатлар билан тасдиқланган холдагина ўтказилади, улар кредит шартномаси, хисоб-китоб счётидан кўчирма, банк маълумотномаси, махаллий хоқимият органлари қарорлари бўлиши мумкин. Тендер очиқ ва ёпиқ шаклда ўтказилади, очиқ шаклда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча субъектлар қатнашиши мумкин, ёпиқ шакл иштирокчилари ва унинг ўтказилиши фақатгина ВМ томонидан белгиланади. Очиқ тендерлар ўтказилишидан 1-3 ой олдин эълон қилинади, эълонлар чоп этиладиган даврий нашрлар руйхати Дав. Арх.қурилиш кўмитаси билан келишиб олинади. Ёпиқ тендерларда эса буюртмачи аввалдан белгиланган даъвогарларга

савдода қатнашишга таклифномалар жўнатади ва тендер фақатгина уларнинг орасида ўтказилади.

Тендерлар буюртмачи жойлашган бинода ўтказилади, айнан шу ерда тендерга келиб тушган таклифлар – оферталар баҳоланади, тахлил қилинади. Оферталар ёпиқ конвертларда тендер комиссияси номига юборилади, улар 1 вақтда 1 жойда очилади ва ўқилади. Тендер форумида даъвогарлар ёки оферентлар вакиллари қатнашиши мумкин. Оферталар қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: таклиф қилинаётган қурилишлар хизматлари қиймати; қурилишни бажариш муддати; қурилиш ишлари тартиби; тажрибали субпудратчиларни жалб қилиш имкониятлари; бошқа техник, тижорат аспектлари ва афзалликлари. Тендерда ғолиб яширин овоз бериш йўли билан аниқланади. Тендер натижалари комиссия томонидан тасдиқлангач, тендер савдолари тугалланган деб ҳисобланади.

Тендерга биронта хам оферта келмаса, ёки келган оферталар тендер талабларига мос келмаса, тендерлар ўтказилмайди, кейинга қолдирилиши мумкин. Шунингдек,таклиф этилаётган нархларнинг энг кичиги объектнинг хақиқий баҳосидан сезиларли даражада катта бўлса ҳам, тендерлар қайтадан утказилиши мумкин. Тендер муваффақиятли тугагач, ғолиб аниқланган, буюртмачи ғолибга хабарнома – тендер офертасининг акцептини йўллайди ва у билан қурилиш шартномасини имзолайди.

Оферентларга бериладиган тендер хужжатлари экспертизадан ўтказилиши зарур, экспертиза хужжатларнинг тўлиқлигини, тендер регламентига мослигини, конкўрс савдолари шартларининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза

ўтказувчи орган – Дав.арх. қурилиш кўмитаси. Республикамизда тендер хужжатлари экспертизаси ушбу кўмитанинг 16.09.2002 й.даги №7 қароридаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Қурилиш ҳажми катта ва мураккабликларга эга бўлса, кўмита четдан экспертларни экспертизага жалб қилиши мумкин. Тендер хужжатлари экспертизаси хужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг одатда 2 кун ичида ўтказилади, экспертизанинг умумий муддати 10 кундан ошмаслиги керак, қайта экспертизанинг умумий муддати эса 5 кундан ошмаслиги керак. Экспертизада қуйидагилар текширилади:

- тендер хужжатлари тўлиқлиги;

- хужжатларда ягона терминология қўлланилиши;

- оферентларга қуйиладиган талабларга риоя қилиш;

- офертани техник ва молиявий бахолаш мезонларининг объективлиги;

-тендер хужжатларининг техник қисмини тўзишда фойдаланиладиган хужжатлар таҳлили;

-тендер комиссиясини тўзиш тўғрисидаги қарор;

-молиялаштириш манбаларини тасдиқловчи хужжатлар.

Экспертиза билан боғлиқ барча харажатлар буюртмачи томонидан қопланади, кейинчалик улар тендер предметининг умумий қийматига кўшиб юборилади. Тендер якуни бўйича хулоса тайёрланади.

Экспертиза тақдим этилган тендер хужжатларига асосан олиб борилди. Экспертизага қуйидагилар тақдим этилди:

1. Савдода қатнашишига таклифнома;
2. Контракт умумий шартлари;
3. Савдо қатнашчилари – оферентларга инструкция;
4. Оферентнинг тендерда қатнашишига буюртмаси формаси;
5. Контракт лойихаси;
6. Тендернинг техник қисми;
7. Эълон матни.

Экспертиза натижалари ижобий бўлса, объектнинг тендер хужжатлари тасдиқлашга тавсия қилинади. Агар камчиликлар бўлса, объектнинг тендер хужжатларини қайта ишлашга юборилади.

5.12.Қурилишда шартнома муносабатлари, Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати таркиби ва тўзилиши.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятида капитал қурилиш буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган шартнома асосида олиб борилади.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тўзилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив – хуқуқий ҳаражатлар талабларига мувофиқ тўзилади.

Қурилишда пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддат ичида тўзилади.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этади:

❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

❖ Қурилишнинг титул рўйхати;

❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

❖ Пудратчи ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғўрталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

❖ Қурилиш – монтаж ишларини бажаришга “Давархитектқурилиш” қўмитасининг рўйхати.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати – объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тўзиладиган молиявий хужжат.

Қурилишнинг титул рўйхати - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тўзиладиган молиявий хужжатдир.

Қурилишда иш ҳужжатлари – алоҳида бинолар ва иншоатларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплектидир.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи органга (муассасага) буюртмачи томонидан қўйидагилар тақдим этилади:

❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

❖ Қурилишнинг титул рўйхати;

❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

❖ Қурилиш таваккалчиликларини суғўрталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

❖ Ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Хизмат кўрсатувчи банк капитал қурилишга маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи эса тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Капитал қурилишда шартномавий нархлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 12 сентябрь 2003 йилдаги №395

сонли *«Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»*ги қарорига асосан амалга оширилади.

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистонда капитал қурилишдаги шартномавий нархлар ягона услубияти барча мулк шакллари учун қабул қилиниб келади. **Шартномавий нархлар** - бозордаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган, материал қийматнинг конъюнктураси, ишлатиладиган машина ва механизмлар қиймати ҳамда пудрат ташкилотларини фойдасини англатади. Буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг келишувига асосан қурилишда қўйидаги икки нарх тури қўлланилиши мумкин:

- қатъий ва якуний шартномавий нарх. Бунда қурилишнинг бутун муддатига қабул қилинган шартномавий баҳо ўзгармайди. Бундай баҳолар асосан муддати бир йилдан ошмайдиган қурилиш объектлари учун тавсия этилади. Ушбу нархлар таркибида прогноз ўзгартиришлар киритишни инобатга олувчи пудратчи ташкилотларнинг риски ҳам ҳисобга олинади;

- очиқ шартномавий нархлар. Бундай нархлар қурилиш шартномаси шартлари асосида қурилиш материаллари, иш хақи тўловлари шартлари ва бошқа харажатларнинг вужудга келиши ҳисобига аниқлаштириладиган нархларга айтилади.

Қурилиш маҳсулотларида шартномавий баҳоларнинг қўллаш бутун қурилиш объектига алоҳида объектларнинг шартномавий баҳоси асосида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айрим холларда махсус капитал қурилиш объектларида шартномавий нархлар иш ҳажмига мос холда лоқал смета асосида хам шаклланиши мумкин.

Шартномавий нархлар қурилиш буюртмачиси ва пудратчисининг ўзаро келишувчи асосида белгиланади.

Амалиётда, баъзи ҳолларда қурилишда нархларни аниқлашда тармоқдаги ишчилар ўртача ойлик иш хақи фондидан келиб чиқиб аниқланади.

5.13.Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш.

Инвестиция мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, инвестициялар капитал қийматинининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди.

Капитал қўйилмалар қиймати давлат, корпоратив ва хусусий инвестицияларни режалаштириш жараёнида қўлланилади, улар асосида инвестицион фаолият прогнозлаштирилади. Йиллик ўзлаштирилиш зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми Давлат инвестиция дастурида кўрсатиб ўтилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Дастур таркибидаги дастлабки хужжат Прогнозда акс эттирилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади, қўйилмалар қийматини аниқлашда, Молия вазирлиги ва Марказий банк ҳам иштирок этади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашда вақт омилини ҳисобга олмайдиган қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- капитал қўйилмаларнинг мутлоқ иқтисодий самарадорлиги;
- сарфланган маблағнинг қопланиш муддати;
- келтирилган сарф.

Капитал қўйилмаларнинг мутлоқ иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Э = П / К \qquad (6.1)$$

Бу ерда: П – ҳар йилги даромад;

К – маблағлар сарфи.

Бу кўрсаткич самарадорлик белгиланганлик меъёридан катта бўлиш керак, $Э \geq Е_{н.}$

Аввал $Е_н$ – хукумат ташкилотлари томонидан марказлаштирилган ҳолда жорий этилган. Ҳозирги кунда $Е_н$ сифатида банк фоиз ўлчовидан (i) фойдаланмоқда ёки ўз лойиҳасини учун белгиланган катталикни олишлари мумкин.

Мисол. 6.1. Завод цехини қайта таъмирлаш учун 50 млн. сўм капитал қўйилма сарф этилган, қайта таъмирлашдан сўнг завод цехи 10 млн. сўм миқдорида фойда олмоқчи. Банк фоиз ставкаси йилига 10 фоизга тенг. Завод цехини қайта таъмирлаш учун маблағ сарфлаш маъқулми?

Бу мисолни ечишда аввало капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ҳисоблаймиз:

$$Э = \frac{10 млн}{50 млн} * 100\% = 0,2 * 100\% = 20\%$$

Демак, лойиҳани тасдиқлаш мумкин.

Сарфланган маблағнинг қопланиш муддати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$T = \frac{К}{П} \leq T_н \qquad (6.2)$$

Бир неча таққосланиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳалари учун қуйидаги формуладан фойданилади:

а) бир йилга келтирилган, $КС = К * Е_н + С$; (6.3)

б)қопланиш муддатига келтирилган,

$$КС = Т * С + К; \quad (6.4)$$

Бу ерда: К – капитал қўйилмалар ҳажми;

С – ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи;

$Е_н$ – норма ёки капитал қиймати.

Капитал қўйилмалар ҳажми, асосан, икки манба ҳисобидан шакллантирилади: марказлашган ва марказлаштирилмаган қўйилмалар. Марказлашган қўйилмалар устивор инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилади, хусусан, инженер - техник инфраструктурасини яхшилаш, уй-жой қурилишини ташкил этиш, моддий ва техник базани яхшилаш учун ишлатилади.

Давлат аҳамиятига эга бўлган объектларни барпо этиш, ишга тушириш, қайта қуроллантириш, замонавийлаштириш, янги фаолият объектига айлантириш мақсадида маблағлар қуйидагилар капитал қўйилмалар ҳисобига таъминланади:

1. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети маблағлари;
- давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
- ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;
- ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар.

2. Марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар:

- мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;
- тижорат банкларининг, шу жумладан, хорижий тижорат

банкларининг кредитлари;

- жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий жисмоний шахслар маблағлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Инвестициянинг миллий даромаддаги хиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қўйидаги формула асосида хисобланади;

$$ЯИН_к = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100$$

Бу ерда ЯИН- ялпи инвестиция нормаси

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси

ЯММ- ялпи миллий даромад

Мавзу бўйича саволлар:

1. Капитал қурилиш ва капитал қўйилмаларга изох беринг?
2. Капитал қўйилмаларни тавсифланиши ва уни таркибларини ёритиб беринг?
3. Асосий воситаларга қилинадиган инвестицияларнинг манбалари бўйича тузилишига изох беринг?
4. Қурилишнинг ташқилий шакллари (янги қурилиш, таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш)ва унинг лойихалаштириш тартибини тушунтириб беринг?
5. Капитал қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш механизмини ёритинг?
6. Қурилишда шартнома шартларини изохлаб беринг?

7. Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати таркиби ва тузилиши, назорат ишларини ташкил этишни ёритиб беринг?

8. Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш усулларини кўрсатиб беринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Жўраев А.С. , Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳаларни таҳлили: ОЛий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2003 й. 256 бет.

2. Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султонов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод – молия”, 2006 й. 380 бет.

3. Маматов Б, Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарафхўжаева К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма. ТМИ. – Т: 2007 152 бет.

4. Ковалев В.В. др. Инвестиции: учебник. – М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2005. 440 стр.

5. Подшеваленко Г.П., Лахматкина Н.И., Макарова М.В. и др. Инвестиции: учебное пособие/ Финансовая академия при Правительстве РФ. – М.:, “КНОРУС” – 2004 г. 208 стр.

6. Рашидов О.Ю., Қурбонов Х.А., Карлибаева Р.Х.. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005й. 128 бет.

6 боб: Инвестицион бозор даромадлари ва уларга таъсир этувчи омиллар

Режа:

1. Инвестиция бозори инструментлари даромадларининг таснифлаш.
2. Фоиз ставкаси.
3. Пулнинг келгуси даври қийматини хисоблаш усуллари.
4. Мураккаб фоизларнинг ҳисобланиши.
5. Дисконтлаш тушунчаси, улар асосида амалиётда кулланилиши.
6. Оддий фоиз ставкалар бўйича дисконтлаш ва ҳисоб юритиш.
7. Мураккаб фоиз ставкаси бўйича дисконтлаш.
8. Мураккаб ҳисоб юритиш ставкаси билан операциялар.
9. Фиксирланган даромадли инструментлар фоиз ставкаси таъсир этувчи омиллар.
10. Инфляция ва реал фоиз ставкалари фоиз ставкаларини тенглаштириш.
11. Пул окимини дисконтлаш асосида тахлил ва инфляция.
12. Ўзгарувчан даромад келтирувчи молиявий инструментлар ва бу даромадни (даромадларини) аниклаш.

13. Рискли инструментлар даромадлилик даражасига инкирозни ва бошка омилларнинг таъсири.

14. Даромадлилик ставкаси даражасига таъсир этувчи омиллар.

Таянч иборалар:инвестицион бозор, бозор инструментлари, инструментлар даромади, даромад турлари, фоиз, фоизли пул, фоиз ставка, оддий фоиз,мураккаб фоиз, оддий хисоб ставка,мураккаб фоиз ставка, дискретли фоиз, пулни ўсиш қиймати,пулни вақт концепцияси, кўпайтирувчи коэфицент,усувчи қийматни хисоблаш усуллари, 72 тартиб, дисконт, дисконтлаш,таққослаш мезонлари, катьий белгиланган даромад, ўзгарувчи даромад, даромадлилик ставкасига таъсир этувчи омиллар.

6.1.Инвестиция бозори инструментлари даромадларининг таснифлаш

Халқаро миқёсда амалиётда инвестицион бозор айрим холларда фонд бозори билан алмаштирилиб, инвестициянинг асосий формаси бу қимматли қоғозларга кўйилган инвестициялар тушунилади. Бизгача етиб келгани шуки, инвестицион бозор кенгрок кўриб чиқилиб инвестицияланётган объектларнинг хамма формаларида худди бозор кўринишдагиси мавжуд.

Инвестицион бозорни кўриниши асосан 2 бўлинади:

-капитал бозори

-пул бозори

Молиявий бозор:

- халқаро кредитлар бозори;
- валюта бозори;
- қимматли қоғозлар бозори;
- суғўрта ва пенсия фондлари бозори;

- ҳосилавий молиявий инструментлар бозори.
- кучмас ва характдаги мулклар бозори.

Қимматли қоғозлар бозори ёки фонд бозори деганда, фонд инструментлари билан савдо хусусида, ўз эгаларининг юқорида зикр этилган бозорлар молиявий товарларининг муайян бир турига бўлган мулкий эхтиёжларини қондирувчи пул бозори ва капиталлар бозори йиғиндиси тушунилади.

Мазкур инвестицион бозорни инструментлари эса бозорлар бўйича куйидагича туркумланади:

Халқаро кредитлар бозори:- бозорни инструментлари куйидагилардан ибора:

-халкаро кредит ташкилотларини кредит ресурслари

-халкаро молия ва молиявий ташкилотларни жамғарма ва депозит сертификатлари

-халкаро кредит ташкилотларини жамғарма ва депозит сертификатлари

- ва бошкалар.

Валюта бозори- бозорни инструментлари:

-халкаро хисоб китоб учун кулланиладиган чет мамлакатларнинг валюталари, бу бўлиши мумкин:

-накдли ва накдсиз(электорон пуллар) кўринишда

Қимматли қоғозлар бозори;- бозорни инструментлари:

-акциялар,

-давлат ва корхона облигациялари,

-давлатни казначей векселлари

-давлатни хазина мажбуриятлари

-бошкалар.

Суғурта ва пенсия фондлари бозори-бозор инструментлари:

-суғурта полислари

-пенсия фонди сертификатлари

-бошкалар.

Хосилавий молиявий инструментлар бозори-бозор инструментлари

-опцион ва фючерс шартномалари

-варрант шартномалари

-бошкалар.

Кўчмас ва характдаги мулклар бозори **–**бозор инструментлари:

-бино ва иншоотлар

-машина ва техникалар

-бошкалар.

Фонд бозори давлат қимматли қоғозлар бозори ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорларига бўлинади.

Фонд инструментлари (қимматли қоғозлар)нинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

-акциялар (оддий ва имтёзли, номли ва номсиз акциялар);

-акциялар ҳосилалари (сурогатлари), буларга депозитар тилхатлар киради: АДР, ЖДР, варрантлар, опцион ва фьючерслар, конвертация қилинадиган облигациялар;

-облигациялар, давлат ва корхона облигациялари;

-депозит ва жамғарма сертификатлари;

-векселлар ва чеклар.

Бундан ташкари, инвестицион бозорнинг инструментлари:

- даромад келтиришга кўра турларга бўлинади;

а) фиксирланган даромадли активлар

б)фиксирланмаган даромадли активлар

-риск даражасига кўра турларга бўлинади

а)рискли активлар

б)рисксиз активлар

Инвестицион бозорни инструментлари:

- улушли қимматли қоғозлар

-улушсиз қимматли қоғозларга бўлинади.

6.2. Фоиз ставкаси.

Фоиз ставкаси- жалб килган маблағлар бўйича келишилган даромадлилик ставкасидир. Амалда маблағларни жалб қилиш турлари қанча кўп бўлса уларни фоиз ставкаси турлари хам хам шунча кўп бўлади. Мисол, заёмщик уй сотиб олиш максадида бериб турилган қарз пул учун мазкур заём бўйича фоиз ставкаси

тўлайди, бу ўз навбатида қўйилган маблағ(накд, мулк ва бошкалар) бўйича фоиз ставкаси деб юритилади; а банкни фирмадан ушлаётган ставкаси эса тижорат кредити бўйича фоиз ствкаси дейилади. [42]

Фоизли пул ёки қисқарок килиб, фоизлар- молиявий хисоб-китобларда пул кўринишдаги барча қарзларнинг даромадлик суммаси тушинилади; бир хил(даврли) ссудалар, жамғарма хисобга пул қўйиш, жамғарма сертификати ва облигацияни сотиб олиш, вексел хисоб китобини амалга ошириш ва бошқалар киради. Молиявий ва кредит шартномалари тўзилаётганда кредитор ва қарз олувчилар ўртасида ссуда хажмига нисбатан(ссуда фоизи) фиксирланган давр учун тўланадиган фоиз ставкани хажми келишилади. Давр (интервал) – бу кайсики фоиз хисобланадиган хисоблаш даврига айтилади. Фоиз тўловларни суммаси ссуда хажмига, уни умумий қайтариш муддати ва фоиз ставкаси даражасига боглиқ бўлади. Ставка фоизлари ўнлик ва натурал кўринишда ўлчанади.

Фоизларни хисоблашда тартиб бўйича дискрет(дискрет фоизлари) усулида; бунда хам хисоблаш даврлари ой, чорак ва йил сифатида қабул қилинади. Арим холларда хар кунлик хисоблаш қўлланилиб, (мисол, узоқ муддатли инвестицияларни анализ қилиш учун)мижозларга маъқул келиши учун айрим холларда фоизни узлуксиз хисоблаш усули қўлланилади.

Фоизлар кредиторларга уни хисоблаган меъёрида тўланади ва қарз суммасига кўшилиб борилади. Фоизни асосий қарзга кўшилиб

[42] Зви Боди Роберт, К. Мертон «Инвестиции» - М.: Вильямс, 2008. – 780с.

кетиши хисобига пул суммасини ортиб кетиш юзага чиқади, буни ортиш (нарашением) ёки аввалги суммани ортиши дейилади.

Фоиз ставкани сон жихатдан молиявий тахлил этишда нафакат қарз суммасини кўпайиш қуроли кўринишда, балки кенгроқ маънода бевосита маблағларни бир эгасидан бошқасига оқиб ўтиш ва кўпайиш орқали тижорат ва молиявий фаолиятдан келадиган даромадлилик даражасини ўлчаш учун жорий этилади.

Амалиётда, кўпроқ чет элда шартнома ва маълум фаолият шароитларига боғлиқ холда фоизларни хисоблашнинг турли хил усуллари мавжуд. Мос турли хил фоиз ставкалари кўлланилади. Улардаги кайсики фоизларни хисоблашдаги асосий фарқлар шуки, уларни хисоблаш учун туғри келган базасини танлаш бўйича тенг ахамиятли бўлган хиллари жорий этилади. Шунда қилиб, фоизлар қарзни аввалги мос-тўғри келган суммасига ёки аввалги давр учун хисобланган фоизлар суммасига хисобланади. Бу холда фоиз ставкаси ва бошқа усул бўлган хисоб ставкаси(хисоблаш ва аввалдан ушлаб қолиш кредит бериш жараённи бошида бажарилади) хақида аниқлик киритамиз.

Фоиз ставкалар аввалги у ёки бу бошлангич суммасига ёки авалги давлар учун хисобланган фоиз суммасига ссудани мазкур муддатни барча давлари(оддий фоиз ставка)га қўлланилади. Шунга ўхшаш хисоб ставкалари хам қўлланилади. Мос холда, асосий фоиз ставка 4 тури бир биридан тубдан фарқ қилади: оддий ва мураккаб фоиз ставкалари, оддий ва мураккаб хисоб ставкалари.

Шартнома шартларида фоизни фиксирланган ставкалари келишилади. Амалиётда фиксирланган ставкадан ташқари *сўзиб*

юрувчи ёки *ўзгарувчан* ставкалари мавжуд. Айрим холатларда шартномаларда айрим базавий ставкалари(пул бозоридаги ставкани вактлар бўйича ўзгаришидан, мисол учун Лондон банки томонидан урнатилган «ЛИБОР»ставкаси)га фиксирланган кушимча даромад-маржа кушилади. Шундай қилиб, умуман ставка қайсики, фоиз хисобланаётган ставка базани ўзгариши хисобига ўзгариб туради. Шартномалардаги маржани хажми вақтлар бўйича ўзгариши орқали кўрсатилиши мумкин.[43]

Мавзуда келтирилган формулани қуйидаги белгилари қабул қилинган .

i -ссудани барча муддати учун фоизлар.

К -йилни кунлардан иборат давомийлиги(вактинчалик база)

Р - ссудани аввалги суммаси.

S - ссудани қайтаришни охирги муддатидаги сумма.

i - фоиз ставка.

d - одди хисоб ставка.

п - ссудани йиллардан иборат давомилиги.

д - ссудани фойдаланган кунлар сони.

Молиявий активларни асосий формаларига қарзли мажбуриятнома, акция ва хосилавий қимматли қоғозлар киради. Қарзли мажбуриятномаларни муомалага пул билан шуғулланувчи давлат, корхона ва бошка хужаликлар(уй-хужаликлар) чиқаради. Шундай қарзли мажбуриятномалар бозорида шундай давлат ва корпоратив облигациялари ва уй-жой ва тижоратли

43 Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2007. - 413 с

аванс(закладной)лар; шунингдек, истеъмол заёмларга ўхшаш активлар сотилади. Қарзли мажбуриятномалар фиксирланган даромадли инструментлар дейилиб, келгусида фиксирланган суммани тўлашга ваъда беради ёки қатъий белгиланган фоизли қимматли қоғозлар дейилади.

Қарзли мажбуриятномалар уни қайтариш муддатига қараб қуйидаги шаклларга бўлинади:

-қисқа муддатли қарзли мажбуриятномалар бозори-(қайтариш муддати 1 йилгача) пул бозори дейилади

-узоқ муддатли қарзли мажбуриятномалар ва акция бозори-(қайтариш муддати 1 йилдан юқори) капитал бозори дейилади

Пул бозорида давлат ёки ишончи бўлган хусусий сектор эгаси томонидан чиқарилган фоизли қимматли қоғозга ўхшаш афзалликка эга инструментлар (казначей векселлар, катта корхоналарни тижорат векселига ўхшаш векселлар)муомалада юради. Замонавий пул бозори интеграцияни глобаллашуви ва ликвидлилик билан характерланади. Активларни ликвидлилик даражаси унинг пулини конвератация қилиш жараёнини тезлиги ва кам харажатлилиги хамда оддийлигига боглиқ холда аникланади.

Акция- унинг активини бир қисми меъёрида, корхонанинг мулкий эгаларига қўйилган талабдир.

Хар куни телевидения, газеталарда, радио ва интернетларда бозорни барча кўрсаткичларини имкониятлари хақида: фоиз ставкалари, валюта котировкаси ва фондларни индекслари тугрисида маълумотлар бериб борилади. Келгусида бунинг мохиятини очишга харакат киламиз.

Фоиз ставкаси – қарз капиталига маълум бир вақт, одатда бир йил давомида бўлган фоизли тўловларнинг нисбий миқдоридир. Фоизлар бозордаги ўзгаришига қараб қатъий белгиланган ва эркин сўзувчи фоиз ставкалари бўлиши мумкин.

Қатъий белгиланган фоиз ставкаси – қарз маблағларидан фойдаланишнинг бутун муддати даври мобайнида қарз шартларини қайта кўриб чиқиш хуқуқисиз белгиланган фоиз ставкаси.

Эркин сўзадиган фоиз ставка – даражаси пул-кредит бозори конъюнктурасига қараб тебраниб турадиган фоиз ставкаси.

Эркин сўзадиган фоиз ставкаси 2 қисмдан иборат. Биринчи қисми ўзгарувчан қисмдан иборат бўлиб, ў пул-кредит бозори конъюнктурасига қараб ўзгаради. Мазкур қисм сифатида одатда майдонга кредит ресурслари бўйича ЛИБОР, ПИБОР, ФИБОР ва бошқа шу каби банкларароо таклиф ставкалари чиқади. [44]

Қўшимча бўлиб эса тарафлар келишувининг предмети ҳисобланмиш қатъий белгиланган миқдор ҳисобланади ва ушбу миқдор кредит шартномаси муддати даврида одатда ўзгармайди. Ушбу қатъий белгиланган қўшимчанинг миқдори шартнома шартлари ва таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлади.

Фоиз ставкасининг юқорида келтирилган турлари билан биргаликда номинал ва реал фоиз ставкаларни фарқлашади.

Номинал фоиз ставкаси деганда эълон қилинган фоиз ставкаси тушунилади. Реал фоиз ставкаси деганда номинал фоиз ставкасини пулнинг қадрсизланиш даражасига мувофиқлаштирилган даражаси

---

44 Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2007. - 413 с

тушунилади. Фоизнинг номинал ставкаси (i) ва реал ставкаси (r) деб белгиланса:

$$r = i + x,$$

бу ерда, x – инфляциянинг кутилаётган даражаси.

Ривожланган давлатлар пул-кредит тизимида фоиз ставкаларнинг турли-туманлиги мавжуд. Фоиз ставкаларнинг биринчи даражаси – марказий банк томонидан тижорат банкига тақдим этиладиган кредитлар бўйича белгиланадиган расмий фоиз ставкасидир. Мазкур фоиз ставкаси ҳисоб юритиш ёки қайта молиялаштириш фоиз ставкаси деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб юритиш ставкаси, банклар томонидан жалб этилган ресурслар хажмидан аниқланадиган мажбурий заҳиралар ҳамда очиқ бозордаги операциялар борасидаги сиёсати билан биргаликда пул-кредит тизимини мувофиқлаштиришнинг асосий инструментларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб юритиш фоизидан моҳирона фойдаланган ҳолда пулнинг муомаладаги хажми ва қадрсизланиш суръатларини мувофиқлаштиришга интилади. Ушбу хусусда ҳисоб юритиш расмий ставка даражасининг пасайиши бозорда кредит ресурсларини арзонлашиши ва улар бўйича таклифни ошишига олиб келади. Бундай сиёсат инвестицияларни жонлантириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадига эгадир. Бунга тескари бўлган ҳисоб юритиш сиёсатининг ўтказилиши пул-кредит хажмининг қисқаришига, инфляция суръатларининг секинлашишига

олиб келиши билан биргаликда, иқтисодиётга қилинаётган инвестициялар камайишига сабаб бўлади.

Фоиз ставкаларнинг навбатдаги даражаси кредит ресурсларининг банклараро бозоридаги таклиф ставкаларидан иборатдир. Етакчи банклар биринчи даражали банклар евровалюталарида ушбу банкларда депозит ҳисобварақларини очиш орқали кредитлашни таклиф ставкалари бўйича амалга оширади. Мисол сифатида ЛИБОР (LIBOR – London Inter Bank Offered Rate) Лондон банклараро таклиф ставкасини келтириш мумкин. Ушбу ставка расмий асосда белгиланмайди, балки ҳар бир тижорат банки мазкур ставкани ҳар бир иш кунининг биринчи ярми, яъни соат 11.00 ҳолатига пул-кредит бозорининг конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди. ЛИБОР ставкаси деганда ушбу банклар бўйича ўртача арифметик миқдор сифатида ҳисобланган ўртача ставка тушунилади.

“ПРАЙМ-РЕЙТ” ставкаси бу тижорат банклари томонидан биринчи даражали қарз олувчиларга кредитлар тақдим этиладиган фоиз ставкаларнинг даражасидир.

Фоиз ставкаларнинг яна бир тури - бу нисбатан юқори даржадаги хавф-хатарга эга бўлган корхона ва хусусий шахсларга тақдим этиладиган ссудалар бўйича фоиз ставкалардир.

Россия Федерацияси молия бозорида хозирги кунда фоиз ставкаларнинг талайгина турлари мавжуд. Уларнинг ичидан: РФ Марказий банкининг ҳисоб юритиш ставкаси, банклараро пул бозорининг фоиз ставкаси (яъни, Ахборот консорциуми томонидан банклараро кредитларни жалб этиш ва жойлаштириш ставкаларидан

ўртача миқдор сифатида ҳисобланадиган МИБИД – тижорат банклари томонидан кредитлар тақдим этиш бўйича эълон қилинган ставкаси, МИАКР – тақдим этилган кредитлар бўйича хақиқий ставка, Банклараро Молиявий Уй томонидан тижорат банклари томонидан тузилган битимлар натижаларига асосан ҳисоб-китоб қилинадиган ИНСТАР – банклараро базавий фоиз ставкалар), таъминланган ссудалар бўйича биринчи даражали мижозларни кредитлаш юзасидан “базавий” фоиз ставкалар ва бошқа қарз олувчиларни кредитлаш таваккалчилиги учун олинадиган устама хақлари билан фоиз ставкалар ажралиб туради.

UZIBOR (Uzbekistan Interbank Offered Rate) сотувчи банкнинг сўмлардаги банклараро депозитлар бўйича ставкаси бўлиб, 2004 йил май ойида жорий этилган.

2005 йил бошларида **UZIBID** ва **UZIAR** ставкалари жорий этилди. **UZIBID** (Uzbekistan Interbank Bid Rate) – фоиз ставкаси бўлиб, шу ставка бўйича банклар Ўзбекистон банклараро бозоридан маблағларни жалб этишга тайёр бўладилар. **UZIAR** (Uzbekistan Interbank Avarage Rate) – Ўзбекистоннинг банклараро ўртача медиана ставкаси бўлиб, у UZIBID билан UZIBOR ўртасида туради. Гарчи банклар бўш турган пул маблағларини ўзлари кўрсатган BID ва ASK ставкалари бўйича жалб этиш ёки жойлаштиришга мажбур бўлмасалар-да, амалдаги ставкалар ўша куни индексларни ҳисоблаб чиқариш чоғида кўрсатилган ставкалардан катта фарқ қилмаслиги керак.

UZIARдан банклараро бозорнинг барқарорлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин: BID (сотиб олиш) ва ASK (сотиш) ставкалари

ўртасидаги фарқ (спрэд) қанча кам бўлса, банкларарo бозор шунчалик барқарор бўлади ва аксинча.

Кредит бозорининг юқорида кўриб чиқилган ставкаларидан ташқари фоиз ставкалари тизимига пул ва фонд бозорлари ставкалари киради: ғазнаҳона, банк ва корпоратив векселлари бўйича ставкалар, давлат ва корпоратив облигациялар бўйича фоизлар ва бошқа шу кабилар.

Банк амалиётида фоизлар ҳисоблашнинг турли усул ва услублари мавжуд. Бунга кўра банк амалиётида оддий ва мураккаб фоиз ҳисобланади.

6.3.Пулнинг келгуси даври қийматини хисоблаш усуллари

Бугунги кундаги пул қўйилмаларнинг истиқболда кутилаётган молиявий манфаатлар билан ўзини оқлай олиши ҳақида молиявий қарорларни қабул қилаётганлар ўйлашлари керак. Бунинг учун **пулнинг даврий қиймати** (time value of money, TVM) концепцияси ва **пул оқимларини дисконтлаш** (discounted cash flow, DCF) усулини тўғри тушуниш зарур.

Пулнинг даврий қиймати концепсиясини қуйидагича тушунтириш мумкин: доллар, фунт стерлинг ёки иена сингари пулларнинг қиймати худди шу суммадаги истиқболда олинадиган пуллар қийматига нисбатан бугунги кунда қадрли-қимматроқдир. Мазкур таъкидлашнинг тўғрилигига камида уч сабаб мавжуд.

Биринчи сабаб бўлиб ушбу пулларни инвестиция қила олишингиз, фоиз сифатида даромадингиз ортиб бориши ва охир оқибатда қўлингиздаги мазкур пулларнинг кўпайиши мумкинлиги

ҳисобланади. Иккинчи сабаб – пулларнинг сотиб олиш қобилияти вақт ўтиши билан, инфляция сабабли пасайиши мумкин. Учинчи сабаб эса истиқболда пулларнинг олинишига тўлиқ ишониш қийинлигидадир.

Пулнинг жорий (замонавий) қиймати (present value, PV) ҳамда истиқболдаги қиймати (future value, FV) тушунчалари мавжуд. Пулнинг истиқболдаги қиймати – инвестиция қилинган пулларнинг мураккаб фоизлар ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда истиқболдаги маълум бир санадаги пул суммасига тенг бўладиган қийматидир. Масалан, Сиз банк ҳисоб рақамига йиллик 10% тўланиши шарти билан 1000 доллар (PV) қўйдингиз деб таҳмин қиламиз. Агарда ушбу омонат муддати давомида ҳисобланган фоизларнинг бирор бир центи ҳам сиз томондан олинмаган бўлса, унда омонатга қўйилган мазкур 1000 долларнинг йилига 10% устама хақ тўлаш шарти билан истиқболдаги қиймати 5 йилдан сўнг олинадиган сумма бўлиб ҳисобланади. Ушбу мисолдан келиб чиққан ҳолда:

PV – келтирилган қиймат ёки ҳисоб рақамимиздаги бошланғич сумма. Мисолимизда 1000 доллар.

i – одатда йиллик фоизларда ифодаланадиган фоиз ставкаси. Мисолимизда 10%.

n – фоизлар ҳисобланадиган давр мобайнидаги йиллар сони.

FV – n йиллардан сўнгги пулнинг истиқболдаги қиймати.

Энди, ушбу мисолимиздаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда пулнинг истиқболдаги қийматини босқичма-босқич ҳисоблаб чиқамиз. Биринчидан, биринчи йилнинг якунида пулимиз қанча бўлади? Яъни, ҳисоб рақамимиздаги 1000 долларга 100 доллар (1000

долларнинг 10 фоизи) қўшилади. Шундай қилиб, ушбу ҳолатда пулнинг истиқболдаги қиймати 1100 долларни ташкил этади. Яъни:

FV = 1000 доллар x 1,10 = 1100 доллар.

Агарда Сиз 1100 долларни ҳисоб рақамида яна бир йилга қолдирсангиз, унда иккинчи йил якунида пулингиз қанча бўлади? Иккинчи йил давомида Сиз 1100 долларли суммага йиллик 10% хажмида даромад оласиз ва ҳисобланган фоизларнинг суммаси 0,10 x 1100 = 110 доларга тенг бўлади. Демак иккинчи йилнинг охирига келиб Сиз 1210 долларнинг эгаси бўласиз.

Мураккаб фоизларнинг табиати тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш учун биз истиқболдаги қийматни (1210 доллар) уч таркибий қисмга бўламиз. Биринчи қисм – бу дастлабки 1000 доллар. Иккинчи қисм бўлиб эса мазкур 1000 долларга биринчи йил учун 100 доллар ва иккинчи йил учун 100 доллар хажмида ҳисобланган фоизлар ҳисобланади. Омонатнинг асосий суммасига ҳисобланган фоизлар **оддий фоизлар** (simple interest) деб аталади (бизнинг мисолимизда 200 доллар). Энди, яна 10 доллар хажмидаги фоизлар мавжуд, улар иккинчи йили олинган бўлиб, биринчи йил учун фоизлар сифатида олинган 100 долларлик суммага ҳисобланган. Тўланган фоизларга ҳисобланган фоизлар **мураккаб фоизлар** (compound interest) деб аталади. Фоизларнинг умумий ҳисобланган суммаси (210 доллар) оддий фоизлар (200 доллар) ва мураккаб фоизлар (10 доллар)дан иборат.

Умуман олганда ҳисоб варақнинг эгасига фоиз сифатида олинган 210 долларнинг қанча қисми оддий ва қанча қисми мураккаб фоизлар эканлиги унчалик аҳамиятли эмас. Сиз учун аҳамиятли жойи ҳисоб рақамингизнинг истиқболдаги қолдиғидир. Иккинчи йилнинг охирига истиқболдаги қиймат ҳисоб-китобининг энг оддий усули бошланғич суммани 1,1 коэффициентга (бу ерда тенгламани соддалаштириш учун 1,10 да 0 сонини тушириб қолдирамиз) кўпайтиришдадир. Сўнг ушбу суммани яна 1,1 га кўпайтирамиз.

FV = 1000 доллар x 1,1 x 1,1 = 1000 доллар x $1,1^2$ = 1210 доллар.

Уч йилдан сўнг ушбу сумма

FV = 1000 доллар x 1,1 x 1,1 x 1,1 = 1000 доллар x $1,1^3$ = 1331 доллар.

Ушбу фикр юритишга кўра, кетма-кет кўпайтириш орқали пулимизнинг 5 йилдан кейинги қийматини аниқлашимиз мумкин:

1000 доллар x 1,1 x 1,1 x 1,1x 1,1 x 1,1 = 1000 доллар x $1,1^5$ = 1610,51 доллар.

Демак энди биз қўйилган саволга жавоб беришимиз мумкин. 1000 долларнинг йиллик 10% миқдорида устама хақ тўланиши шарти билан 5 йилдан сўнгги истиқболдаги қиймати 1610,51 долларга тенг бўлади. Беш йил давомида ҳисобланган фоизларнинг умумий суммаси 610,51 долларга тенг бўлади. Ушбу суммадан 500 доллари

оддий фоизларни, 110,51 доллари эса мураккаб фоизларни ташкил этади.

Оддий ва мураккаб фоиз ставкалар бўйича ўсимнинг ўзаро нисбати

Мураккаб фоизларни ҳисоблаш усули тижорат банклари томонидан хусусий шахсларнинг депозит ҳисоб варақларини юритишда кенг қўланилади. Ушбу усулдан фойдаланилганда ҳисобланган маблағларнинг миқдори қарздорлик суммасига қўшилади ҳамда ушбу хосил бўлган суммага фоизларнинг ҳисобланиши давом этади. Мураккаб фоизларни ҳисоблаш ва қаздорликнинг умумий суммасини аниқлаш учун формула қуйидагича кўринишда бўлади:

Фоизларнинг мунтазам ставкасида $S = P (1 + i)^{n}$;

Фоизларнинг ўзгарувчан ставкасида $S = P (1 + i)^{n} \times (1 + i2)^{n2} \ldots (1 + ik)^{nk}$;

бу ерда, S – k йилдан сўнгги қарздорлик;

P – тақдим этилган ссуданинг хажми;

ik – фоиз ставкаси;

nk – ссуда муддатининг мазкур ставкалар қўлланилган йиллардаги ўзунлиги.

Қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. Фараз қиламиз банк томонидан P=10000 рубль миқдоридаги ссуда, 5 йилга, ссуда муддатининг даври тугаши билан йиллик 10% устама хақ тўлаш

шарти билан тақдим этилган деб. Берилганлардан келиб чиққан ҳолда қарздорликнинг 5 йилдан сўнгги хажми аниқлансин.

$S5 = 10000 \text{ x } (1 + 0,1)^5 = 16105$ руб.

Ҳисоб-китобнинг мазкур усулида 5 йил давомида ҳисобланган фоизларнинг умумий суммаси қуйидагини ташкил этади:

$S5 - P = (16105 - 10000) = 6105$ руб.

Агарда банк оддий фоизлардан фойдаланганда ва уларни ҳар йили ундирганда эди, унда мазкур битим бўйича даромад:

Pxixk = 10000 x 10% x 5 = 5000 рубльга тенг булар эди.

Олинган натижлалардаги сезиларли фарқ келтирилган ҳисоб-китоблардан яққол кўриниб турибди. Ўз навбатида ушбу фарқ банк даромадларини 1105 рубльга (6105 - 5000) ўсишига олиб келади.

Фоизларнинг бир йил давомида бир неча бор ҳисобланишида мураккаб фоизлар ҳисоблашнинг юқорида кўриб чиқилган формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$S = P (1 + im)^N$.

Бу ерда, m – фоизлар ҳисобланишининг йил давомидаги сони;

^{N} – фоизлар ҳисобланишини умумий даврларининг сони.

Банк, банк операцияларининг фойдалилигига охир оқибатда таъсир эта оладиган барча ҳолатларни синчиқлаб таҳлил этиши лозим. Масалан, инфляциянинг характери ҳамда у билан боғлиқ ҳолда банк учун нима мақсадга мувофиқроқлигини аниқлаш лозим: ҳисобланган, аммо ҳали ундирилмаган фоизлар билвоситалигида қарз суммасини ўстиришми ёки кредит учун тўловни йиллик асосда олишми.

Фоизлар ҳисобланишининг турли усулларини мавжудлиги эҳтимоли бор: улар ссудадан фойдаланишнинг кунлар сонини ўлчаш ва йилни кунлардаги (фоиз ҳисоблашнинг даврий базаси) давомийлик характери билан белгиланади. Бунда ссуданинг кунлар сони, ҳар бир тўлиқ ойнинг давомийлиги 30 кунга тенг деб олинганда, аниқ ёки таҳминан аниқланиши мумкин. Даврий база эса йилнинг хақиқий (365 ёки 366) давом этишига ёки таҳминан 360 кунга тенг деб олинади. Бунга мувофиқ мураккаб фоиз ҳисоблашнинг қуйидаги вариантларидан фойдаланилади:

Ссудадан фойдаланишнинг хақиқатда кунлари ҳисобга олингандаги аниқ фоизлар. Ушбу усул энг аниқ натижаларни беради ҳамда кўпчилик марказий ва тижорат банклари томонидан амалда қўлланилади. У, фоизлар ҳисоб-китобида ссудадан фойдаланишнинг аниқ кунлари ишлатилиши билан характерлидир ва даврий база йилнинг хақиқий давомийлигига тенгдир.

Масалан,

P – тақдим этилган кредитнинг суммаси (100000 рубль).

i – фоиз ставкаси (йиллик 9%).

K – ссуданинг аниқ кунлар сони (260 кун).

S – қарзнинг ўсган суммаси.

Булардан келиб чиққан ҳолда,

S = 100000 х (1+0,09 х260кун / 365кун) = 106411 рубль.

Ссудадан фойдаланишнинг аниқ кунларини ҳисобга олингандаги оддий фоизлар. Ушбу ҳолатда ҳисоб-китоблар учун юқоридагига ўхшаш ссуданинг аниқ кунлар сони олинади, аммо даврий база 360 кунга тенглаштирилади. Агарда кредитнинг муддати 360 кундан ортиқ бўлса, унда фоизларнинг ҳисобланган суммаси йиллик фоиз ставкаси кўзда тутган миқдоридан кўп бўлади (масалан, ссуданинг кунлик даври 364 кун бўлса, унда 364/360 = 1,011). Ушбу усулни юқорида келтирилган мисолда кўриб чиқамиз:

S2 = 100000 х (1+0,09 х260кун / 360кун) = 106499 рубль.

Ссудадан фойдаланишнинг таҳминий кунларни ҳисобга олингандаги оддий фоизлар. Бу ҳолатда ссудадан фойдаланишнинг кунлар сони таҳминий аниқланади, даврий база эса 360 кунга тенг. Ссуданинг аниқ кунлар сони таҳминий кунлар сонидан кўп ҳолатларда кўпроқ чиқади деб ҳисобланади ва шу сабабли ссуданинг аниқ кунларига асосланиб ҳисобланган фоизларнинг миқдори ҳам ссуданинг таҳминий кунларига асосланиб ҳисобланган фоизлардан одатда кўпдир.

Бизнинг мисолимизда ссудадан фойдаланишнинг таҳминий кунлар сони 257 кунга (S3) тенг

S3 = 100000 x (1+0,09 x257кун / 360кун) = 106424 рубль.

Келтирилган ҳисоб-китоблар фоизлар ҳисоблашнинг иккинчи усули, яъни ссудадан фойдаланишнинг аниқ кунларини ҳисобга олингандаги оддий фоизлар бошқа икки вариантга нисбатан каттароқ натижа беришини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидаги тижорат банклари амалиётида жалб этилган ва жойлаштирилган маблағлар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши (қарз мажбуриятлари ва тўлов картлари билан операциялар бундан мустасно) биринчи усул бўйича, яъни ссудадан фойдаланишнинг хақиқатда кунлари ҳисобга олингандаги аниқ фоизлар усули бўйича амалга оширилади.

6.4.Мураккаб фоизларнинг ҳисобланиши

Мураккаб фоизлар ҳисобланишини яхшироқ тушуниш учун қуйидаги “Истиқболдаги қиймат ва мураккаб фоизлар” номли жадвални кўриб чиқамиз:

Истиқболдаги қиймат ва мураккаб фоизлар

Йиллар	Омонатнинг йилни бошидаги суммаси (доллар)	Ҳисобланган фоизлар (доллар)	Омонатнинг йилни охиридаги суммаси (доллар)
1	1000,0	100,0	1100,0
2	1100,0	110,0	1210,0
3	1210,0	121,0	1331,0
4	1331,0	133,10	1464,10
5	1464,10	146,41	1610,51

	Ҳисобланган фоизларнинг суммаси	610,51	

Изоҳ: мазкур жадвал 1000 долларнинг йиллик 10% устама хақ ҳисобланши шароитидаги истиқболдаги қийматини кўрсатмоқда.

Ушбу жадвал 5 йил мобайнидаги мижоз ҳисоб рақамидаги пул ўсимини кўрсатади. Жадвалдан кўриниб турибдики ҳар йили ҳисобланаётган фоизларнинг умумий суммаси йил бошидаги суммани 10% ли фоиз ставкасига кўпайтирилганига тенг. Мазкур жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда диаграмма қурилса, унда биз омонатнинг ўсиши қисман мураккаб фоизлар ва қисман оддий фоизлар ўсиши ҳисобига амалга ошаётганини кўрамиз. Бунда, оддий фоизларнинг суммаси ҳар йили бир ҳил хажмдаги суммага (100 доллар) ўсаётган бўлса, мураккаб фоизларнинг ялпи қиймати йил сайин нисбатан каттароқ суммага ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Мураккаб фоизлар барча аввал ҳисобланган фоизлар суммасидан 10% миқдорида аниқланганлиги сабабли ушбу ҳолат юзага келмоқда.

Умуман олганда, агарда i – фоиз ставка ва n – йиллар сони бўлса, унда 1000 долларнинг истиқболдаги қийматини қуйидаги формуладан билиш мумкин:

$$FV = 1000\ (1+ i)^n \qquad (4.1)$$

4.1 формуласининг PV (1000 доллар) га кўпайтириладиган қавс ичидаги ифода 1 долларнинг истиқболдаги қиймати бўлиб ҳисобланади ва **истиқболдаги қиймат коэффициенти** (future value

factor) деб аталади. Истиқболдаги қиймат коэффициенти бизнинг мисолимизда 1610,51 га тенг бўлади. Истиқболдаги қиймат коэффициентининг ҳисоб-китоб формуласи оддий кўринишга эга, яъни:

Истиқболдаги қиймат коэффициенти $= (1+ i)^n$

Беш йил муддатга қўйилган ҳар қандай пул суммасининг йиллик 10% фоиз ставкаси шароитида истиқболдаги қийматини мазкур пул суммасини истиқболдаги қиймат коэффициенти (1610,51)га кўпайтириш орқали аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, банкка беш йил муддатга йиллик 10% фоиз ставкасида устама хақ тўлаш шарти билан жойлаштирилган 500 долларнинг истиқболдаги қиймати қуйидагича бўлади: 500 доллар х 1610,51 = 804,254 доллар. Фоиз ставкаси ҳамда омонатнинг муддати қанчалик юқори бўлса истиқболдаги қиймат коэффициенти шунчалик юқори бўлади. Ушбу боғлиқликни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Омонатнинг турли муддатлари ҳамда турли фоиз ставкалари шароитида 1 долларнинг истиқболдаги қиймати

n - даврлар сони	i - фоиз ставкаси					
	2%	4%	6%	8%	10%	12%
1	1,0200	1,0400	1,0600	1,0800	1,1000	1,1200
2	1,0404	1,0816	1,1236	1,1664	1,2100	1,2544
3	1,0612	1,1249	1,1910	1,2597	1,3310	1,4049
4	1,0824	1,1699	1,2625	1,3605	1,4641	1,5735
5	1,1041	1,2167	1,3382	1,4693	1,6105	1,7623
10	1,2190	1,4802	1,7908	2,1589	2,5937	3,1058
15	1,3459	1,8009	2,3966	3,1722	4,1772	4,4736
20	1,4859	2,1911	3,2071	4,6610	6,7275	9,6463

Изоҳ: ушбу жадвал 1 долларнинг турли давр ва турли фоиз ставкалари бўйича истиқболдаги қийматини кўрсатади.

Фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса истиқболдаги қиймат шунчалик тез ўсади. 1 долларга тўғри келадиган истиқболдаги қиймат ҳисоб-китоби учун умумий формула:

$FV = 1000\ (1+ i)^n$

бу ерда, i – фоиз ставкаси; n - даврлар сони.

$q^n = q^n н + (i-iн)/(ib-iн) \times (q^n b - q^n н)$

бу ерда, q^n — ўсим кўпайтирувчисининг интерполяция баҳоси;

Интерполяция (лот. interpolatio – ўзгартириш, қайта ишлаш) – математика ва статистикада – миқдорни маълум бўлган айрим ифодаларига кўра унинг оралиқ ифодаларини топиш.

ib ва iн фоиз ставкасининг юқори ва қуйи ифодалари;

$q^n b$ ва $q^n н$ – кўпайтирувчининг юқори ва қуйи тегишли жадвал ифодалари.

Кўпайтирувчининг интерполяция формуласи асосида олинган ифодаси миқдор жихатидан аниқ ифодадан доим каттадир, бунда (ib-iн) фарқи қанчалик кам бўлса, интерполияция баҳоси шунчалик аниқ бўлади. Интерполяция усулидан фақат таҳминий ҳисоб-китобларда ёки унчалик катта бўлмаган бошланғич пул суммалари билан операцияларда фойдаланиш мумкин.

Молиявий ҳисоб-китобларда якуний натижа одатда пул суммасидан иборат бўлганлиги сабабли, ҳисоб-китобларнинг

аниқлиги каср сонларни йўл қўйиладиган йириклаштириш даражаси билан белгиланади. Ҳисоб-китоб одатда пулнинг сўнгги бирлигигача (тийин, копейка, цент) қилинади.

Мисол. i = 6,2%, n=10 йил учун ўсим кўпайтирувчиси аниқлансин. Кўпайтирувчининг юқорида зикр этилган махсус жадвал бўйича энг яқин жадвал ифодалари i = 6% ва i=6,25% учун 1,7908477 ва 1,8335358 га тенгдир. Бунга асосан i=6,2% учун ўсим кўпайтирувчисининг интерполяция ифодаси қуйидагига тенг бўлади:

q^n = 1,7908477 + (0,062-0,06) / (0,0625-0,06) x (1,8335358—1,7908477) = 1,8249982.

Кўпайтирувчининг аниқ ифодаси 1,8249256 га тенг. Аниқ ва интерполияция формулалари бўйича олинган натижалар орасидаги фарқ, ўнлик касрнинг вергулдан кейинги 5-сонида ўз ифодасини топди.

Фоизларнинг ўзгарувчан ставкаси. Агарда контрактнинг шартларида фоиз ставкаси даражасининг вақт давомидаги ўзгариши кўзда тутилган бўлса, унда фоизларни ҳисоблаш учун қуйидаги ўстирилган сумма формуласидан фойдаланилади:

$S = P(1 + i1)^{n1} (1 + i2)^{n2} ... (1 + ik)^{nk}$,

бу ерда, i1, i2,...,ik — фоиз ставкаларнинг вақт кетма-кетлигидаги ифодалари;

n1, n2, ..., nk — тегишли фоиз ставкалар қўлланиладиган даврлар.

Масала. Ссуда бўйича ставка йиллик 8,5% плюс 0,5% маржа даражасида дастлабки икки йил учун ва 0,75% миқдорида кейинги уч

йил учун белгиланган. Ушбу ҳолатда ўсим кўпайтирувчиси 5 йил ичида қуйидагига тенг бўлади:

$$1,09^2 \text{ x } 1,0925^s = 1,5492351.$$

6.5.Дисконтлаш тушунчаси, улар асосида амалиётда кулланилиши.

Реал инвестициялашнинг фойдалилигини баҳолаш учун кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш вақт бўйича пул қийматини баҳолаш концепциясига асосланади. Ушбу концепция пулнинг эртада кўра бугун афзаллигидан келиб чиқади. Кўплаб тадбиркорлар ушбу мантиққа риоя қиладилар, чунки:

1.Пулнинг келажакда олинмай қолиш хавфи бор.

2.Агар бугун нақд пул мавжуд бўлса, уни келажакда даромад олиш учун фойдали инвестициялаш мумкин.

Инвестиция лойиҳасини баҳолашда кўпинча пул маблағлари оқимини (лойиҳадан келиб тушувчи тушумлар ва уни амалга ошириш харажатларини) уни амалга оширишнинг турли вариантларида таққослашга тўғри келади. Бундай таққослашлар маънога эга бўлиши учун пул оқимлари қайсидир битта вақт оралиғи учун таққосланади. Таққослаш учун исталган вақтни олса бўлади, бироқ осон бўлиши учун нолинчи давр, яъни лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши олинади. Бўлажак пул маблағи оқимлари ҳозирги вақт кўрсаткичига келтирилиши (дисконтланиши) лозим. Бу мақсадда қуйидги формулалар қўлланади:

$$\acute{A}\tilde{N} = \acute{I}\tilde{N} \times (1 + r)^t;$$

$$HC = \frac{\acute{A}\tilde{N}}{(1 + r)^t} \qquad (2.2.)$$

бу ерда

БС — бўлажак пул миқдори (бўлажак қиймат);

НС — пул миқдорининг ҳозирги (жорий) қиймати;

r — дисконт меъёри ёки даромадлилик ставкаси, бирлик улуши;

t — ҳисоб-китоб даври (йил, ой) давомийлиги.

Инвестицияларнинг бўлажак қиймати — бугунги кунда киритилган пул маблағлари маълум вақт ўтгач белгиланган фоиз (дисконт) ставкасида айланувчи сумма. Фоиз оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Оддий фоиз фақат инвестицияланган маблағларнинг асосий суммасига ҳисобланади. Мураккаб фоиз эса асосий сумма ва бундан олдинги давлар фоизларига нисбатан ҳисобланади.

Пул маблағларининг жорий (ҳозирги) қиймати бўлажак қиймат ва дисконтлаш коэффициентини ҳисоблаб чиқишни ифодалайди:

$$\acute{I}\tilde{N} = \acute{A}\tilde{N} \times \hat{E}\ddot{A} \qquad (2.3.)$$

бу ержа *КД* — дисконтлаш коэффициенти, бирлик улуши.

Дисконтлаш коэффициенти доимо 1 дан кичик бўлади, чунки акс ҳолда бугунги пул эртанги пулдан арзон булар эди.

Демак, пул оқимларини дисконтлаш деб уларнинг вақт бўйича ҳар хил (турли ҳисоб-китоб қадамларига мансуб) қийматларини белгиланган вақт кўрсаткичига келтиришга айтилади. Булардан кейингиси келтириш вақти билан тавсифланади ва *t* орқали белгиланади. Келтириш вақти бошланғич вақт билан мос тушмаслиги мумкин. Дисконтлаш жорий ёки дефляциялаштирилган нархда ва ягона валютада ифодаланган пул оқимларига нисабатан қўлланади.

Дисконтлаш учун фойдаланилувчи асосий иқтисодий норматив бирлик улуши ёки йилига фоизларда ифодаланувчи дисконт меъёри (*r*) ҳисобланади. Пул оқимини *m* қадамда дисконтлаш унинг қийматини *(ДП$_m$)* қуйидаги формула бўйича аниқланувчи дисконтлаш коэффициентига (a_m) кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$a_m = \frac{1}{(1+r)^{t_m - t_o}}$$

(2.4.)

бу ерда

t_m —*m* қадам якунланган пайт;

r — дисконт меъёри, йилига бирлик улуши;

t_m—t_o — вақт даври, йиллар.

Дисконт меъёри (*r*) лойиҳа самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган асосий иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Мисол:Агар буни бугун йиллик 8%га қўйилса, у холда 10 йилдан сўнг қанча пул мавжуд бўлади? "

(жавоб FV=2159 долл. текширинг ва ишонинг)

Мисол учун маълум режаланган келгусидаги белгиланган санада кўзлаган суммани олиш учун бугун қанча инвестиция куйишни билишимиз керак..

Мисол, биз 8 йилдан сўнг боламизни колледжда укитиш учун бизга 15 000 долл. керак бўлса, у холда биз хозир қанча пул куйишимиз керак?

Саволга жавоб олиш учун, бизга бу келгуси суммани келгусидаги келтирилган қийматини хисоблашимиз зарур.

Келтирилган қийматни топиш жараёни жорий қийматни топиш жараёнига тескари хисобланади.

Ёки бошкача килиб, келгусида маълум суммани олиш учун бугун қанча пул куйишни тушунтириш усули орқали топилади.

Келтирлган қийматни кандай хисоблашни текшириб чиқамиз.

Мисол учун биз 1 йилдан сўнг 1000 долл. эга бўлишни хохлаймиз ва фоиз ствкаси йиллик 10 % га тенг.

Биз кайсики суммага эга бўлиш учун хозир куядиган кандайдир пул бўйича 1000 долл.ни келтирилган қиймати тушунчасига эга бўлишимиз керак.

Фоиз ставкаси 10 % ни ташкил этади, биз биламизки бугун хар бир қўйилган доллар учун келгусида 1.1 доллар олишни биламиз.

Келтирилган қиймат х 1,1 = 1000 долл.

ёки

Келтирилган қиймат = 1000 долл. /1,1= 909,09 долл.

Шундай килиб, агар фоиз ставка йиллик 10 % ни ташкил этади, биз 1 йилдан сўнг 1000 долл. олиш учун хозир 909,09 долл. куйишимиз зарур.

Энди мисол учун бизга 1000 долл. 2 йилдан сўнг керак.

Эхтимол, 10 % ставкада биз бугун маблағкуйиш зарур бўлган сумма 909,90 долл. дан кам бўлади, йиллик 10 % бўлган фоиз хажмда 2 йил давомида хисобланмайди.

Келтирилган қийматни аниклаш учун, биз худди келгуси қийматни топиш усулидан фойдаланмиз.:

$$1000 \text{ долл.} = PVx1,1^2 = PVx1,21$$

Бизни мисолда келтирилган қийматни куйидагига тенг.:

$$PV = 1000 \text{ долл.} /1,1^2 = 826,45 \text{ долл.}$$

Шундай килиб, йиллик 10 % фоиз ставкада 2 йилдан сўнг 1000 долл. га эга бўлишимиз учун хозир 826,45 долл. куйиш кераклигини билдик. Ёки 2 йил ичида 1000 долл. га ўсиши белгиланди.

Келтирилган қийматни хисоб китоби дисконтлаш дейилади, кайсики кулланилаётган *фоиз ставка дисконт ставкаси ёки дисконтлаш ставкаси* дейилади.

Эътиборга олиш зарурки, молияда дисконтлаш тушунчаси чакана савдодагига нисбатан кенгрокдир.

Бу икки дисконтлашни жахон бизнесида фарқланиб, келтирилган қийматни хисоб китоби *дисконтланган пул окими тахлили ёки пул окимини бир аник вактни даврига келтириш* дейилади.

1 долл.ни n даврдан сўнг, агар i- мазкур давр учун дисконт ставкаси хисобига *келтирилган қийматни* хисоблаш учун умумий формула.:

$$V = P\frac{1}{(1+i)^n} \quad (4.3)$$

Бу кўриниш n даврлар учун i –фоиз ставкада 1 долларнинг келтирилган(жорий) қиймат коэфиценти дейилади.

Агар биз йиллик 10 % дисконтлаш ставкаси 5 йилдан сўнг 1 долларни келтирилган қиймати қанча бўлади; бу куйидагича.:

$$PV = 1/1.1^5 = 0,62092\ I, I$$

1000 долл.ни 5 йилдан сўнг 10 % фоиз ставкада келтирилган қийматини топамиз, унда бу коэфицентни 1000долл.г купайтирамиз ва 620,92 долл. оламиз.

Дисконтлаш –бу мураккаб фоиз хисоблашни тескари жараёндир, жорий қийматни хисоблашда келгуси қиймат коэфицентини топиш учун кайсики аввал фойдаланган 4,2 жадвалдан фойдаланамиз.

Бунинг урнига бу коэфицентга купайтириш учун биз унга бўламиз.

Шундай килиб йиллик 10 % да 5 йилдан сўнг *оладиган* 1000 долл.ни келтирилган қийматини топамиз, жорий қиймат

коэфицентини 4,2 жадвалдан топгандан сўнг,бу кайсики 1,6105 ни ташкил этади, сўнг 1000 долл.ни бунга бўламиз (1000/1,6105).:

1000 долл./1,6105= 620,92 долл.

Келтирилган қиймат коэфицентини амалдаги жадвалини удобний бўлиши учун макул бўлган 4,4 коэфицентларни мохиятини берган жадвал тўзилди, бу кайсики бу 4.2 жадвалга тескари жадвал хисобланади.

1 долл.ни келтирилган қийматини аниқлашнинг умумий формуласи:

$$PV=\frac{1}{(1+i)^n}$$

бнда *i* — ўнлик касрда курсатилган фоиз ставка, *n* — даврлар сони.

4.4.Жадвал. 1 долл.ни турли хил давр ва фоизлар учун келтирилган қиймати.

Йиллар сони, n	I фоиз ставка				
	2%	4%	6%	8%	10
1	0,9804	0,9615	0,9431	0,9259	0,9091
2	0,9612	0,9246	0,8830	0,8573	0,8264
3	0,9423	0,8890	0,8396	0,793В	0,7513
4	0,9238	0,8548	0,7921	0,7350	0,6830
5	0,9057	0,8219	0,7473	0,6806	0,6209

Мазкур жадвални хохлаган юқоридан пастга устунини қарамайлик, бунда келтирилган қийматни фоизи ва муддати қанча юқори бўлса унинг миқдори шунча камаяётганлигини кўришимиз мумкин. Фоиз ставкада масалан; йиллик 10 % ставкада 1 доллнинг бир йилдан сўнги келтирилган қиймати 0.9091 долл ни ташкил этади, а мазкур долларни мос фоиз ставкада 20 йилдан сўнги қиймати эса 0.1486 долл ни.

6.6. Оддий фоиз ставкалар бўйича дисконтлаш ва ҳисоб юритиш

Оддий фоизлар қисқа муддатли кредитлашда ишлатилади. Бунда, чоракда бир марта ёки бошқа бир муддатларда, шартномада белгиланган тартибда, фоизларнинг ҳисоб-китоби ва кредиторга тўлови амалга оширилади. Хозирги кунда банклар амалиётида фоизлар ҳисоб-китобининг ушбу усули қўлланилади. Бунда қарз олувчи тўловларининг умумий суммаси, қарз бўйича асосий қарзни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагига тенг бўлади:

$$S = P (1 + ni),$$

бу ерда, S – кредит бўйича дастлабки қарзни ҳисобга олган ҳолдаги тўланган суммалар;

P- дастлабки қарз;

i – фоизлар ставкаси;

n – ссуда даврининг йиллардаги ўзунлиги ёки ссудадан фойдаланишни кунлар ҳисобидаги муддатининг қўлланилаётган кунлар базаси (360 ёки 365) га нисбати.

Банк амалиётида кўп ҳолатларда фоизлар ҳисоблашга тескари бўлган операцияни амалга оширишга тўғри келади. Бундай ҳолат одатда дисконтли векселлар муомаласи пайтида вужудга келади. Бунда дастлабки қарзни ҳисоблаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$P = \frac{S}{1+ni}.$$

Банк қуйидаги шартлар асосида муомаблаға вексель чиқарди деб фараз қиламиз: векселнинг номинал бўйича суммаси 100 млн. руб., йиллик 120% тўлаш шарти билан муомала муддати 3 ой. Мазкур векселнинг жойлаштирилиши ҳолатида тўлов суммаси:

$$P = \frac{100}{1+1,2x90/360} = 76,9$$ млн. рубльни ташкил этади.

Векселлар ҳисобини юритиш тартиботида уларнинг тақдим этилиш муддатлари тугагунига қадар тўлов суммасини аниқлаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$S = P(1-nd)$,

бу ерда, d – ҳисоб юритишнинг оддий ставкаси.

Масалан, банк сўнидирилиш муддатига 20 кун қолган вексельни ҳисобга олмоқда. Бунда векселнинг суммаси 100 млн. руб.деб

берилган, ҳисоб юритиш ставкаси эса йиллик 130%. Ушбу ҳолатда вескельнинг ҳисобга олиниш суммаси қуйидагига тенг бўлади:

$$P = 100 \times \left(1 - 1{,}3 \times \frac{20}{360}\right) = 93 \text{ млн. руб.}$$

Дисконтлашнинг мақсадлари ва фоиз ставкасининг туридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблашнинг 2 усулидан фойдаланилади: математик дисконтлаш ва банк ҳисоб юритиши.

Математик дисконтлаш (фоизларнинг оддий ставкаси)

$P = S \cdot 1/(1+ni)$

бу ерда, $1/(1+ ni)$—дисконтли кўпайтирувчи, n=д/К.

Масала. Контракт тузилган дақиқадан бошлаб 180 кун ўтгач қарздор 31 минг рубльни тўлайди. Кредит йиллик 6% устидан тақдим этилган. Қарз олувчи қандай суммани олиши ва дисконтнинг суммаси аниқлансин. Даврий база 365 кун.

$P = 31000/ (1+ 180/365 \times 0{,}06) = 30109{,}1$ рубль; $D = S - P = 890{,}9$ рубль.

Банк ҳисоб юритиши (оддий ҳисоб юритиш ставкаси)

$P = S \cdot 1/(1-nd)$,

бу ерда, $(1-nd)$— дисконтли кўпайтирувчи.

Тижорат усусули деб аталмиш ҳисоб юритишнинг мазкур усули векселлар ва бошқа қисқа муддатли мажбуриятларни сотиб олишда (ҳисобга олишда) ишлатилади. Операциянинг моҳияти шундаки, банк ёки бошқа бир молиявий ташкилот вексель бўйича тўлов муддати етиб келгунга қадар уни эгасидан хақиқий баҳосидан кам бўлган

баҳода сотиб олади, яъни уни дисконт билан сотиб олади (ҳисобга олади). Вексельнинг тўлов муддати етиб келиши билан пулларни олган ҳолда банк дискотни сотади. Вексельнинг эгаси уни ҳисобга олиш ёрдамида вексельда кўрсатилган сўндириш муддатидан аввал пулларни олиш имкониятига эга.

Ҳисоб юритиш ставкаси бўйича дисконтлаш кўп ҳолатларда даврий база 360 кунга тенг бўлган шароитда амалга ошади ва кредит муддатининг кунлардаги даври аниқ қилиб олинади.

Масала. Тратта (ўтазиладиган вексель) 100 минг рубль суммасига, 17 ноябрда тўланиш шарти билан берилган. Ушбу ҳужжатнинг эгаси уни банкда 23 сентябрда, 8% ли ҳисоб юритиш ставкаси бўйича ҳисобга олган.

Мажбурият сўндирилгунга қадар қолган давр 55 кунга тенг бўлганлиги сабабли, вексельни ҳисобга олиш пайтидаги олинган сумма (воситачилик хақи тўловисиз) қуйидагига тенг бўлади:

P = 100 000(1 —55/360x0,08) = 98777,78 рубль.

Оддий фоизларни ҳисоблаш ва ҳисоб юритиш ставкаси бўйича дисконтлаш операциялари биргаликда олиб борилиши мумкин, масалан, оддий фоизлар ҳисобланишини кўзда тутадиган тўлов мажбуриятини ҳисобга олишда.

Тўлов мажбуриятини оддий фоизлар ҳисобланиши билан ҳисобини юритиш

P 2= P 1 (1 +n1i)(1 — n2d),

бу ерда, P1 — ссуданинг бошланғич суммаси; P2— мажбурият ҳисобга олинганда олинган сумма; n1— тўлов мажбуриятининг умумий муддати (фоизлар ҳисобланишининг муддати); n2— мажбуриятлар ҳисобга олингандан бошлаб қарз n_2 , ≤ n1сўндирилгунига қадар бўлган муддат.

Масала.

180 кундан сўнг 30 минг рубльни фоизлари билан (йиллик 6%) тўлаш мажбурияти банкда 120 кун аввал мажбурият муддати келгунга қадар ҳисобга олинган эди. Ҳисоб юритиш ставкаси 7,5%. Ҳисоб юритиш пайтида олинган сумма воситачилик хақисиз қуйидагини ташки этди:

P2 = 30 (1 + 180/365· 0,06) (1 — 120/360 ·0,075) = 30,115479 минг руб.

6.7. Мураккаб фоиз ставкаси бўйича дисконтлаш

Мураккаб фоиз ставкалар бўйича дисконтлашга зарурат худи оддий фоиз ставкаси бўйича дисконтлаш сингаридир. Мураккаб фоиз ставкалар бўйича бир йилда бир марта дисконтлаш формулаларини келтирамиз.

Фоизларнинг йиллик мураккаб фоиз ставкаси бўйича дисконтлаш:

$P = S \times v^n$,

бу ерда, v^n – n йиллар мобайнидаги дисконтли кўпайтирувчи

$$v^n = \frac{1}{(1+i)^n};$$

Йиллар тўлиқ сонлари учун дисконтли кўпайтирувчиларнинг ифодалари махсус жадвалларда келтирилган. Агарда зарур бўлган ифода махсус жадвалда йўқ бўлса, унда дисконтли кўпайтирувчи махсус жадвал кўпайтирувчисининг икки ифодасини кўпайтириш орқали топилади – n1 ва n2 учун, бунда n1 + n2 = n. Махсус жадвалнинг зарур бўлган маълумотларининг йўқлиги ҳолатида дисконтли кўпайтирувчини йўналишли интерполяция ёрдамида баҳолаш мумкин. Қуйидаги формулага қаралсин. Бу ерда q ифодаси v ифодасига алмаштирилган.

S ни дисконтлаш орқали олинган P миқдорни кўп ҳолатларда S нинг замонавий (келтирилган) миқдори деб аташади. У, фоизларнинг ҳисобланиши S миқдорни берувчи дастлабки (базавий) миқдорни ифодалайди. Замонавий миқдор S сумма тўлангунга қадар ҳар қандай даврга аниқланиши мумкин. S — P нинг айримасини, P фоизларнинг йиллик мураккаб фоиз ставкаси бўйича аниқланган ҳолатида, дисконт деб аташади.

Масала. Беш йилдан сўнг тўланадиган 50 минг рубльнинг замонавий қийматини аниқлаш зарур. Ҳисоб-китобда 5% га тенг мураккаб фоизлар ставкаси ишлатилади.

Дисконтли кўпайтирувчининг миқдорини жадвалдан топамиз: $1{,}05^{-5} = 0{,}78353$. Бундан:

$P = 50 \times 1{,}05^{-5} = 50 \times 0{,}78353 = 39{,}176$ тыс. руб.

Агарда ушбу суммага мураккаб фоизлар (5%) ўстирилса, унда беш йилликнинг охирига у 50 минг рубльгача кўпаяди.

Агарда энди ссуданинг даври 5 йил эмас, балки 52 йил бўлса, унда юқоридаги жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз:

$P = 50 \times 1.05^{-50} \times 1,05^{-2} = 50 \times 0,087204 \times 0,907029 = 3,955$ минг руб.

Фоизларнинг мураккаб ставкаси бўйича йилда m марта дисконтлаш:

$P = Sv^N$;

$v^N = (1 + j/m)^N$,

бу ерда, v^N — N даврлар мобайнидаги дисконтли кўпайтирувчи.

m ифодасининг ортиб бориши билан дисконтлаш жараёни тезлашади. Агарда N бутун сон бўлса, v^N дисконтли кўпайтирувчининг ифодасини v^N кўпайтирувчи миқдорлари келтирилган махсус жадвалларда топиш мумкин. Бунинг учун кўпайтирувчининг $i = j/m$ га тенг бўлган жадвал ифодаси топилади, n ўрнига даврларнинг умумий сони $N = mn$ олинади. Масалан, агарда $j= 12\%$, $m = 4$ ва $n = 5$ учун v^{mn} аниқланаётган бўлса, унда $i = 3\%$ и $n = 20$ учун кўпайтирувчининг жадвал ифодаси топилади, яъни $(1+0.03)^{-20}$.

Дисконтли кўпайтирувчиларнинг ўзаро нисбати (оддий ва мураккаб фоиз ставкалари). Ушбу нисбатлар битимнинг муддатига боғлиқ:

1 йилдан кам бўлган муддат учун

$(1 + ni_п)^{-1} < (1 + i_c)^{-n}$

1 йилдан кўп бўлган муддат учун

$(1 + ni_п)^{-1} > (1 + i_c)^{-n}$.

Муддат ўзайиши билан дисконтли кўпайтирувчилар миқдорларидаги фарқлар кучаяди.

6.8.Мураккаб ҳисоб юритиш ставкаси билан операциялар

Ҳисоб юритиш операцияларидаги амалиётда айрим пайтларда ҳисоб юритишнинг мураккаб ставкасидан фойдаланилади. Бундай ҳолатларда дисконтлаш жараёни секинлаштириш билан амалга ошади, чунки давр мобайнидаги ҳар бир қадамда ҳисоб юритиш ставкаси (юқорида зикр этилганидек оддий ҳисоб юритиш ставкаси сингари) дастлабки суммага нисбатан эмас, балки бундан аввалги қадамда аниқланган дисконт миқдорига камайтирилган суммага нисбатан қўлланилади.

Йиллик ҳисоб юритиш ставкаси бўйича дисконтлаш:

$$P=S(1-d_c)^n$$

Дисконтлаш жараёнида мураккаб йиллик ҳисоб юритиш ставкаси бўйича дисконтли кўпайтирувчиларнинг ифодалари махсус жадвалларда келтирилади.

Масала. 5 минг рубль хажмидаги молиявий инструмент сотувида дисконтнинг суммаси қанча бўлади, агарда унинг сўндирилиши даври 2,5 йилга тенг бўлса ва сотиб олувчи 8% га тенг бўлган мураккаб йиллик ҳисоб юритиш ставкасидан фойдаланган бўлса?

$P = 5 \times (1- 0,08)^{2.5} = 5 \times 0,8118 = 4,059$ минг руб.

Бу ерда дисконт 5 - 4,059 = 0,941 минг рубльга тенг бўлади.

Дисконтли кўпайтирувчиларнинг ўзаро нисбати (ҳисоб юритишнинг оддий ва мураккаб ставкалари). Ушбу нисбатлар операциянинг муддатига боғлиқдир. 1 йилдан кам бўлган муддатда ҳисоб юритишнинг мураккаб ставкаси оддий ставкага қараганда нисбатан каттароқ дисконтни беради. муддат ўзайиши билан ҳисоб юритишнинг оддий ва мураккаб ставкалари қўлланилишидан олинган натижалар орасидаги фарқ ошиб боради. Буни қуйидаг расм ва жадвалдан кўришимиз мумкин.



Рис. 2.2, Мураккаб (d_c) ва оддий (d) ҳисоб юритиш ставкалар бўйича дисконтлаш.

2- жадвал

($d = d_c$ =8%) Дисконтли кўпайтирувчиларнинг таққосламаси

Дисконтли	Ссуданинг муддати

кўпайтирувчилар	30 кун	180 кун	1 йил	5 йил	10 йил	50 йил
(1-nd) $(1-d_c)^n$	0,9933 0,9931	0,96 0,9592	0,92 0,92	0,6 0,6591	0,2 0,4344	– 0,0155

***Дисконтли кўпайтирувчилар аниқлашдаги даврий база 360 кунга тенг.**

Бир йилда m марта дисконтлашда f номинал ҳисоб юритиш фоиз ставкаси ишлатилади. Дисконтлаш ҳар бир даврда f/m ставкаси бўйича амалга оширилади.

Бир йилда m марта мураккаб ҳисоб юритиш ставкаси бўйича дисконтлаш:

$$P=S(1-f/m)^N$$

бу ерда, N — дисконтлаш даврларининг умумий сони.

Йилда 1 маротаба эмас, балки m марта дисконтлаш ушбу жараённи секинлаштиради ва демак дисконт суммасини барча бир хилдаги ҳолатларда кичиқлаштиради.

Масала. Юқордаги мисолни давом эттирамиз. Майли ҳисоб юритишнинг мураккаб ставкаси бўйича дисконтлаш бир йилда бир маротаба эмас, балки 4 марта ўтказилсин. Унда m=4, f=0,08, N=2,5x4=10 ва $P=5(1-0,8/4)^{10}$ = 4,085 минг руб. ушбу ҳолатда дисконтнинг суммаси 5 - 4,085 = 0,915 минг рубльни ташкил этади.

Ҳисоб юритишнинг мураккаб ставкалари бўйича ўстирилиши. Ўстириш кўпайтирувчиси мураккаб ҳисоб юритиш ставкалари асосида аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатда мураккаб ҳисоб юритиш ставкалари бўйича ўсим:

$$S = P \times 1/(1-d_c)^n$$ га тенг бўлади.

Ўсим кўпайтирувчисининг d_c ва n нинг кенг диапазони учун $(1—d_c)^{-n}$ ифодаси махсус жадвалга жойлаштирилган.

Масала. Сўндирилиш муддати 1,5 йил ва дастлабки суммаси 10 минг рубльга тенг бўлган қарзнинг ўстирилган суммасини топиш керак. Контрактда 10% миқдоридаги мураккаб ҳисоб юритиш ставкаси кўзда тутилган.

$$S = 10 \times 1/(1-0,1)^{1,5} = 11,712$$ минг рубль.

Мураккаб ҳисоб юритиш ставкаси бўйича 1 йилдаги m марта ўсим:

$$S = P \times 1/(1-fm)^N$$

Айрим f ва N миқдорлар учун ўсим кўпайтирувчисининг ифодасини махсус жадвалдан аниқлаш мумкин. Бунда, ушду жадвалдан кўпайтирувчининг $d_c=f/m$ ва n=N га тенг бўлган ифодсаи топилади.

Масала. Агарда бундан олдинги масаланинг шартларида ҳисоб юритиш ставкаси бўйича ўстириш бир йилда 1 марта эмас, балки 4 марта амалга оширилса, унда то f=0,1, m=4, N=4x1,5=6.

Юқоридаги формуладан фойдаланган ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$S=10 \times 1/(1-0,1/4)^6 = 11,64$$ минг рубль.

Молия-кредит бўйича амалий операцияларда пул суммаларини ўстиришнинг ўзлуксиз жараёнлари, яъни чексиз кам бўлган вақт даврлари мобайнидаги ўстириш, камдан-кам ишлатилади. Ўзлуксиз ўстириш мураккаб ишлаб чиқариш ва хўжалик объектлари ва ходисаларнинг миқдорий молиявий-иқтисод таҳлилида сезиларли катта миқдорга эга бўлади (масалан, инвестиция қарорларини асослаш ва танлашда).

Ўзлуксиз ўстириш (ўзлуксиз жараёнлар)дан фойдаланишга зарурат биринчи навбтада кўпчилик иқтисодий ходисалар табиатининг ўзлуксизлиги билан белгиланади, шу сабабли ўзлуксиз фоизлар ёрдамидаги таҳлилий изох дискрет фоизлар ёрдамидаги таҳлилий изохга қараганда мутаносиброқдир. Ўзлуксиз физлар ёрдамида ўстиришнинг мураккаб қонуниятларини ҳисобга олиш имкониятини туғилиши ахамиятлидир (масалан, маълум бир қонуниятга кўра ўзгарадиган фоиз ставкалар ва бошқа шу кабиларни ҳисоб-китобга киритиш). Ўзлуксиз ва дискрет фоизлардан фойдаланиш, агарда эквивалент фоиз ставкалари ишлатилаётган бўлса, бир хил натижаларга олиб келади.

Ўзлуксиз ўстиришда фоиз ставкасининг махсус кўринишидан фойдаланилади, яъни ўсиш кучидан. Ўсиш кучи ўстирилган сумманинг вақтнинг чексиз кичиқ даври мобайнидаги нисбий ўсимини тавсифлайди. Уни, $m = \infty$ шароитидаги фоизларнинг номинал ставкаси сифатида ҳам кўриш мумкин. У ўзгармас ёки вақт даврида ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Ссуда ялпи муддати давомидаги ўзгармас ўсиш кучини ҳисоблаш учун қуйидаги формулалар ишлатилади:

ўстирилган сумма (фоизларнинг ўзлуксиз ставкаси)

$S = Pe^{hn}$.

Ўсим кўпайтирувчисининг e^{hn} ифодасини махсус жадваллардан аниқлаш ёки e^h дан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш мумкин. Мазкур функциянинг жадвал ифодалари математик сўровномаларда мавжуддир. e^h миқдорни аниқликнинг ҳар қандай даражаси билан, қуйидагидан фойдаланган ҳолда топиш мумкин:

$e^h = 1 + h + h^2/2! + h^3/3! + ...$

h бир сонидан кам бўлганлиги сабабли (одатда 0,2 дан кам) амалий мақсадлар учун махсус қаторнинг уч ёки беш аъзолари билан чекланмоқ кифоядир.

Масала. e^{hn} нинг ифодаси аниқлансин, бу ерда h = 0,072, n =10. e^h нинг уч, тўрт, беш аъзоларидан фойдаланган ҳолда e^h нинг ифодасини топамиз

$e3^{0,072} = 1 + 0,072 + 0,072^2/2 = 1,074592;$

$e4^{0,072} = 1,074592 + 0,072^3/2x3 = 1,0746542;$

$e5^{0,072} = 1,0746542 + 0,072^4/2x3x4 = 1,0746553$

e^h да пастки индекс e^{hn} нинг жамланаётган аъзоларнинг сонига ишора этади. Охир оқибатда $e^{0,072 \cdot 10} = 1,0746553'° = 2,0544324$ га тенг ўсим кўпайтирувчисига эга бўламиз.

Агарда ссуданинг суммаси P=1 млн. рубль бўлса, унда унинг ўстирилган суммаси $S = 1x\ e^{0,072 \cdot 10} = 2,054$ млн. рубльга тенг бўлади. Ўзлуксиз дисконтлаш (h=consl)

$P=Se^{-hn}$.

e^{-hn} дисконтли кўпайтирувчининг ифодасини функцияни қуйидагича жойлаштириш орқали ҳисоблаш мумкин:

$e^{-h} = 1 - h + h^2/2! - h^3/3! + ... +(-1)h^n/n!$

Одатда h 0,2 дан кам бўлганлиги сабабли амалий мақсадлар учун уч – беш қатор аъзолари билан чекланиш кифоядир.

Ўстириш ва дисконтлаш жараёнлари вақт мобайнида ўзгарувчи ўзлуксиз фоиз ставкаси (ўсиш кучи)ни кўзда тутиши мумкин. Ўсим кўпайтирувчиси ва дисконтли кўпайтирувчининг даражалари h ставкасининг вақт мобайнидаги ўзгариш қонунияти билан белгиланган аниқланади. Бироқ мазкур ҳисоб-китоблар жуда кам, фавқулотда ҳолатларда ишлатилганлиги учун биз уларни кўриб чиқмаймиз.

6.9.Катий белгиланган ставкаларига таъсир этувчи асосий омиллар.

Пул миқдорига нисбатан бўладиган хисоб китоблар(расчетный денежной единица) га пул бирлигини таъсири .

Фиксирланган дорамадли инструментлар рисксиз хисобланиб, бу факат аник хисобланган пул-валюта ишончли сифтида қабул қилинади. Фоиз ставкасини ўлчаш вактида айрим холатлар ўзгариши мумкин.Шунинг учун мазкур холатга аниқлик киритиш учун облигацияни, унинг номинали турли валютада кўрсатилган

холатини кўриб чиқамиз. Мисол: Японияниинг давлат облигациясига нисбатан Англия давлат обилгациясини фоиз ставкаси юқори, ва буларни тўлаш муддати бир хил. Мазкур облигацияни тўланмаслик риски эркинрок синф эканлигини хисобга олиб, бу шартлар барча инвесторларни Англия давлат облигациясига қизиқтирадими?

Жавоб: бунда жавоб яхши бўлмаслиги мумкин, чунки облигацияларни номинали турли хил валюталарда берилган: Англия давлат облигацияси фунт стерлингда, а Японияники иенада. Шундай бўлса хам икки давлатни облигациялари мазкур синфга эга мамлакатлар валютаси пул бирлигида даромадлилик даражаси ишончли хисобланади, бошқа валюталарга нисбатан даромадлилик ставкаси эса келгусидаги тўловларни амалга оширишда икки валютани алмаштириш курсига боғлиқ бўлиб, буни аввалдан билиш нонаникдир.

Аникрок мисол: Сиз маблағингизни бир йилга инвестиция қилишга қарор қилдингиз. Японияниинг давлат облигациясини йиллик фоиз ставкаси 3%, Бирлашган Англия облигацияси йиллик-9%. Валюта курси- 1 фунт стерлинг 150 иенани ташкил этмокда.

Фараз қилайлик, энди сиз японялик инвестор хисобланасиз, қайсики қандайдир ишончли активларга Япония иенасида ўз капиталингизни инвестиция қилишни хохлайсиз. Япония облигациясини сотиб олиб, ўзингизни 3 % га даромадингизни доимийлигини кафолатлайсиз-таъминлайсиз.Агар сиз Британияни давлат облигациясини сотиб олсангиз, у холда иенани даромадлилик ставкаси келгусида фунт стерлинг ва иенани алмаштириш курси кандайлигига боглик бўлиб колади.

Мисолга аниқлик киритамиз: сиз Англия давлатининг 100 фунт стерлинга тенг облигациясини сотиб олишга карор қилидингиз. Бунда аввал иенани фунт стерлинга конвертация қилиш керак ёки сизни аввалги капитал суммангиз 15000 иенани ташкил этади. Англия давлат облигацияси бўйича фоиз ставкаси 9 % бўлса 1 йилдан сўнг сиз 109 фунт стерлинг оласиз. Бирок, буни иенага келтирилган суммани аввалдан билиш мумкин бўлмаслигини айтиш мумкин, чунки келгусида валюта курси қанча бўлишини хеч ким билмайди.

Шундай қилиб, хақиқий даромадлилик фоиз ставкаси қуйидагича :

Даромадлилик ставкаси (иена)=(109 фунт стер*иенадаги фунт стерлингни келгуси курси -15000 иена)/15000 иен

Мисол учун, бир йил давомида фунт стерлинг курси пасайди ва 1 фунт стерлинг 140 иенани ташкил этди. Бу холатда Англия давлат облигацияси бўйича иенанинг даромадлилик даражаси кандай бўлади.

Бу куйидагича:

(109 фун.стер.-140иен/фунт стер.-15000 иен)

Даромадлилик ставкаси(иена)=----------

15000 иен

=0,01733

Шу йўл билан, сизни даромадлиликни реал фоиз ставкангиз 1,73 %ни, бу 3%дан кам, қайтаришни мазкур муддат билан Япония облигациясини сотиб олиш хисобига мазкур даромадни олишингиз мумкин.

2.Тўлов муддатини таъсири.

Инвесторлар учун инвестицион қарорлар қабул қилиш жуда қийин вазифа ҳисобланади. Бунда асосий мезон корхона қийматларини ошириш мезонларига қаратилади. Унинг омиллари бўлиб корхона даромадлари ўсиши, молиявий риск ёки ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайиши, корхона ишлари самарадорлиги даражасини ошириш ҳисобланади.

Реал инвестиция лойиҳалари бўйича бундай натижаларга эришиш учун, ҳар қандай лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлади. Шундай қилиб ивестиция лойиҳаларининг самарадорлигини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш даражасидан қўйилган капиталнинг

қайтиб келиш муддати, корхонанинг ривожланиш суръати ҳамда бошқа ижтимоий- иқтисодий муоммаларни ҳал қилиш имконини беради.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Чет эл мамлакатларининг тажрибасини, шу билан бирга ЮНИДО[49] (United Nations Industrial Development Organization) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш икки мезон асосида, яъни молиявий ва иқтисодий баҳолаш орқали амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолашнинг бу иккала мезони ҳам бир-бирини тўлдириб туради.

Молиявий баҳолаш инвестиция лойиҳасини умумий реализация (амалга ошириш) жараёнидаги ликвидлигини таҳлил қилишда ишлатилади.

Бошқача айтганда, молиявий баҳолаш вазифаси, лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш учун, унинг жами молиявий мажбуриятларини бажаришга корхонанинг етарли молиявий ресурслари бўлишини белгилашдир.

Иқтисодий баҳолаш эса, инвестиция лойиҳасининг потенциал қобилияти, шу лойиҳага қўйилган маблағларнинг қийматини сақлаб қолишда ва уларнинг ўсиши суръатини етарли даражасини яратиб беришда фойдаланилади.

Амалиётда инвестицияларнинг самарадорлигини (ИС) аниқлаш учун фойда массасининг (Ф) инвестиция ҳаражатларига (ИХ) бўлган нисбати фоиз кўринишида олинади;

[49] ЮНИДО-Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкилий бўлинмаси бўлиб, унинг асосий вазифаси БМТга аъзо мамлакатлар саноати ривожланишига ёрдам беришдир.

ИС=Ф/ИХ ×100 (1.1)

Инвестиция ҳаражатларини фойда билан солиштириш жараёни доимий равишда инвестициялаш амалга ошгунча қадар (инвестицион лойиҳанинг бизнес-режаси ишлаб чиқариш даврида), инвестициялаш даврида (объектни қурилиши даврида) ва инвестициялашдан сўнг (янги объектдан фойдаланиш даврида) давом этади.

Қуйидаги расмда ҳар бир мезон бўйича асосий аниқлаш усуллари келтирилган:



5.2-расм. Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш берилган

Молиявий асосланганлик инвестиция жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инвестор молиявий ҳолати номаълум бўлган юридик ёки жисмоний шахслар билан ҳеч қандай муносабатлар олиб бормайди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, корхоналар молиявий ҳисоботларини эълон қилиш нормал ҳолат ҳисобланади ва улар ҳар хил тўпламлар ҳолатида чоп этилади. Бу тўпламлар орқали компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Инвестиция лойиҳасининг молиявий асосланганлик баҳоси пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ёрдамида асосан ҳисобланади (4-шакл). Бу эса корхонанинг маблағлари ҳолати тўғрисида аниқ маълумот олишни, шу билан бирга бу маблағларнинг инвестиция лойиҳасига етарлигини кўрсатиб беради. (5.1 - жадвал).

Корхона пул оқимлари асосан қуйидагилардан ташкил топади:

- операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 050-қатор);
- инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 100-қатор);
- молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 180-қатор);

Пул маблағлари бўйича салбий сальдо чиққанда, қўшимча ўз маблағлари ёки қарз маблағларини жалб этишни тақозо этади ва бу маблағлар инвестиция лойиҳасини молиявий баҳолаш ҳисоб-китобида акс эттирилиши керак.

Лойиҳанинг мақсади, шартлари ва вариантларини танлаб олишга кўра молиявий баҳолаш (ёки молиявий асосланганлик баҳоси), инвестицион лойиҳалаш жараёнида қўшимча маълумотлардан фойдаланиш мумкин. (масалан, 1 ва 2 шакл маълумотлари).

Амалиётда эса кўпгина корхоналар пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни унчалик акс эттирмайдилар. Бу эса корхонанинг пул маблағлари, қайси фаолият эвазига келаётганлигини таҳлил этишга имкон бермайди. Натижа эса корхонани молиявий баҳолашни қийинлаштиради. Шунинг учун корхоналар молия-хўжалик фаолияти учун маълумотлар эълон қилаётганида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирнинг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатга олинган) талабларини тўлиқ инобатга олишлари зарур бўлади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи усули, бу лойиҳани иқтисодий баҳолаш ҳисобланади.

Лойиҳани иқтисодий баҳолаш ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

- Оддий (ёки статистик) баҳолаш;
- дисконтлашга асосланган баҳолаш.

Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради:

- инвестиция қоплаш муддати (Payback Period, PP);
- инвестиция самарадорлиги коэффициенти (Accountinq Rate of Return, ARR).

5.1.-жадвал.

Корхона пул оқими ҳарактеристикаси

Корхона фаолияти тури	Фойда (кирим)	Ҳаражатлар (чиқим)
Инвестиция фаолияти	а)асосий воситаларни сотиш. б)номоддий активларни сотиш. в) узоқ ва қисқа муддатли инвестцияларни сотиш. г) оборот капиталининг камайиши ҳисобига тушумлар	а) капитал қўйилмалар. б)номоддий активларни сотиб олиш. в) оборот капиталининг ўсиши ҳисобига ҳаражатлар. г) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш.
Операцион фаолият	а) маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағи. б)операцион фаолият нинг бошқа пул тушумлари.	а) материал товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари. б) ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари. в)операцион фаолият нинг бошқа пул тўловлари.
Молиявий фаолият	а) акциялар чиқар-ишдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инстру ментлардан келган пул тушумлари. б) олинган фоизлар ва дивидентлар. г)молиявий фаолият нинг бошқа пул тушум лари, шу жумладан қарзлар бўйича пул тушумлари	а) хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари. б) тўланган фоизлар ва дивидентлар. в) узоқ ва қисқа муддат ли кредитлар ва қарз лар бўйича тўловлар. г) лизинг бўйича тўлов лар. д) молиявий фаолият нинг бошқа тўловлари.

Кўпчилик ҳолларда амалиётда инвестиция самарадорлиги коэффициентини (ARR) ўрнига фойданинг оддий нормаси (return on investments, ROI) коэффициентидан фойдаланилади.

Лекин бу икки коэффициенти ҳисоблаш алгоритми бир хилдир.

Ушбу усулнинг асосий афзалликлари коэффициентларни аниқлашда бажариладиган ҳисоб-китоб ишларининг қулайлиги, оддийлиги ва тушунарлигидадир.

Бу гуруҳ коэффициентининг камчиликлари шундан иборатки, бунда инвестицияланадиган лойиҳа бўйича вақт омили ҳисобга олинмайди.

Иккинчидан, инвестиция капиталининг қопланиши кўрсаткичига асос қилиниб, фойда олинади, аммо амалиётда амортизация ажратмалари ҳам инвестиция капиталининг қопланиши учун манба бўлади.

Шунинг учун инвестиция қоплаш муддати коэффициентини (PP) ҳисоблашда, албатта амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш зарур.

Учинчидан, бу коэффициентлар инвестиция лойиҳаси бўйича бир томонлама баҳолашни беради, яъни у фойда ва инвестиция суммалари миқдорига асосланган бўлади.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини чуқур таҳлил этиш учун иккинчи гуруҳ иқтисодий баҳолаш коэффициентиларидан фойдаланилади. Уларга қуйидагилар киради:

- Соф келтирилган қиймат (Net Present Value, NPV) ёки соф жорий қиймат;
- инвестиция рентабеллиги индекси (Profitability Index, PI);
- фойданинг ички меъёри (Internal Rate of Return, IRR);
- инвестиция дисконтланган қоплаш муддати (Discounted Payback Period, DPP).

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда икки усул, яъни молиявий ва иқтисодий баҳолашдан фойдаланилади. Бу баҳолаш усуллари бир-бири тўлдириб туради ва инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини аниқ ва тўлиқ баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Инвестиция лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш мазмуни, мохияти ва ахамияти, уни туркумланиши ва бахолаш мезонларини ёритинг ва таққосланг?

2. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари, оддий ёки статистик усулларни жорий этиг ва молиявий қарорлар қабул қилинг?

3. Инвестицияларни м уқобил вариантларини таққослашни мезонлари: NPV; IRR; ID; NFV ларни хисоблаш усули орқали қарорлар қабул қилинг?

4. Пулнинг даврий қиймати ва унга таъсир этувчи омиллар айтинг ва ёритиб беринг?

5. Инфляция, Инфляция шароитида келгусида пулнинг қадрини хисоблаш ва уни хисоблашни 2 усулларни қўллан, Дисконт коэфицентини жорий этишни кўрсатиб беринг?

6. APR ва EFF тушунчалари. Ўртача йиллик фоиз ставка ва эквивалент бўлган самарали фоиз ставкаларини ахамиятинии айтинг ва хисоблшни кўрсатиб беринг?

7. Пулни даврий қиймати асосида инвестициялаш қоидалари, Инвестиция ва инвестицион қарорлар қабул қилинг?

8. Инвестицион қарорларни бахолашни таққослаш усуллари (APV, GFS, WACC ва бошқа усуллар)ини кўрсатиб беринг?

9. Аннуитет ва унинг турлари. Аннуитетни келгуси қиймати ва келтирилган қийматини хисоблаш усулларини хисоблаб беринг?

10. Пул оқимини аннуитет тўловларини хисоблашни кўрсатиб беринг?

11. Инфляция ва инвестицион даромадларни таъсирини исботланг?

Тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Тошкент - «Ўзбекистон»- 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” .Тошкент- « Ўзбекистон»- 2011.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир” Тошкент – «Ўзбекистон»- 2011.

4. Аньшин В.М. Инвестиционный анализ. М.: Дело, 2008. - 280 с.

5. Инвестиции: Системный анализ и управление/ Под ред. Проф. К.В. Болдина. – 2-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2007. – 288с.

6. Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования, М.: «Дело», 2007.

7. Зубченко, Л.Г. Иностранные инвестиции: учебное пособие. 3-е изд., испр. и доп. – М.: Книгодел, 2010. – 184с

8. Инвестиции: учебник/ А.Ю. Андианов, С.В. Валдайцев, П.В. Воробьев [и др]; от.ред. В.В. Ковалев, В.В. Иванов, В.А. Лялин. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Прспект, 2008. – 584с.

9. Иностранные инвестиции: учебное пособие/ А.Г. Ивасенко, Я.И. Никонова. – М.: КНОРУС, 2010. – 272с.

10. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. «Финансы и статистика», 2008.

11. ЧетыркинЕ.М. Методы финансовых и коммерческих расчетов. М.: «Дело», 2008.

12. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие/ Г.С. Староверова, А.Ю. Медведев, И.В. Сорокина. – 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2010. – 312с.

13. Зви Боди Роберт, К. Мертон «Инвестиции» - М.: Вильямс, 2008. – 780с.

14. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 15-26 с.

15. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. -10-38 с.

8 боб: Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг даромадлилик ва самарадорлик даражасини ҳисоблаш усуллари

РЕЖА:

1. Молиявий инструментлар ва уларни шакллари.
2. Қийматни келтириш формуласига асосан фиксирланган даромадли иструментларни бахолаш.
3. Тахлилни асосий қуроллари:Купонсиз облигациялар.
4. Купонли облигациялар: жорий даромади ва уни қайтаришдаги даромадлилик.
5. Облигацияни бахолашнинг биринчи тартиби: номиналли облигация.
6. Облигация бахолашни 2- чи тартиби: мукофотли облигация.
7. Облигация бахолашни 3- ЧИ ТАРТИБИ: дисконтли облигация.
8. Купонли даромадга таъсирэтувчи омиллар.
9. Солиқ юки ва дефольт рискини таъсири.
10. Вакт омилини таъсири.
11. Фоиз ставкасини таъсири.
12. Оддий акцияни бахолаш
13. Акцияни бахолаш: девидендларни дисконтлаш усули
14. Акцияни бахолаш: соф фойда ва инвестицион имкниятлар
15. Акцияни P/E: ёрдамида бахолаш:иккинчи ёндашув
16. Акционерлар яшашини яхшиланишига девиденд сиёсати таъсир этиши.
17. Девиденд сиёсатининг идеял молиявий сферадаги таъсири.

18. Хакиқий дунёдаги девиденд сиёсати

Таянч иборалар: Молиявий инструмент, қимматли қоғоз, хосилавий қимматли қоғозлар, хусусиятлари, қатъий белгиланган даромадли инструментлар, инструментларни бахолаш, аннуитетни бозор бахоси, купонли ва купонсиз облигациялар, даромад турлари, бозор бахоси, даромадга таъсир этувчи омиллар, акция, қиймат усули, акцияни бозор бахоси, бахосига таъсир этувчи омиллар, девиденд, сиёсат, МДД усул, соф фойда(EPS) ва инвестицион имкониятлар.

8.1.Молиявий инструментлар ва уларни шакллари.

Бугунги кунда, жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши қимматли қоғозлар бозорига муносабатни қайта кўриб чиқишни талаб қилаётган бир шароитларда ушбу тоифанинг долзарблиги кескин ўсди, чунки айнан *қимматли қоғозлар кўп жиҳатдан қийматнинг қайтиш ҳаракати самарадорлигини ошириш, мулкчилик шаклини алмаштириш, унинг хусусий мулк қилиб бериш, бозор муносабатларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш томон йўл очиб беради*.

Қимматли қоғозларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш учун эса бу қоғозларнинг ҳужжат уларсиз қимматли қоғозлар мақомига даъво қила олмайдиган хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Иқтисодий тоифа сифатида қимматли қоғозлар:

- ишлаб чиқариш муносабатлари субъеклари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари борасида реал иқтисодий муносабатларни акс эттиради;
- маблағ жалб қилиш ва қайта тўлаш воситаси сифатида иштирок этади;
- кредит ёки мулкчилик муносабатларини акс эттиради;

➢ ўз эгасига маълум бир даромад келтириш қобилиятига эга бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорда бир пайтнинг ўзида бозор айланмаси объекти ва инвестициялар йўналишларидан бири ҳисобланади деб таъкидлаш мумкин, чунки улар мулкий ва бошқа ҳуқуқларни, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатаётганига нисбатан кўп вақт бўлмаганига қарамай, қонун ҳужжатлари ва амалиётда уларнинг ҳар бирини батафсил тавсифлаш, шунингдек, тадқиқ этилаётган объектларнинг ўзига хосликлари ва хусусиятлари, умумий жиҳатларни чуқурроқ ўрганишни таъминлайдиган илмий тадқиқот воситаси сифатида қўлланиши мумкин бўлган таснифлашни амалга оширишга имкон берадиган қимматли қоғозларнинг сифат жиҳатидан хилма-хил ва кенг тўпламини ишлаб чиқилган

Қимматли қоғоз - ўзи билан боғлиқ мулкий ҳуқуқларни акс эттирадиган ҳужжатдир, у даромад манбаи бўлиб хизмат қилади, бозорда муомалада юритилиши ва олди —сотди воситаси бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари ишлатилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори кредит муносабатлари билан биргаликда, ўз қийматига эга бўлган, сотиш, сотиб олиш ва тўловини амалга ошириш мумкин бўлган махсус ҳужжатларга (қимматли қоғозларга) эгалик қилиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Қимматли қоғозлар ўзида мулкчилик ҳуқуқини мужассамлаштирган бозорда эркин айланадиган, сотиб олиш —сотиш ва бошқа битимларнинг объекти бўладиган, доимий ва бир марталик даромад олиш манбаи

бўлиб хизмат қиладиган, пул капиталининг бир кўринишидаги ҳужжатдир. Қимматли қоғозлар турли субъектлар томонидан чиқарилиши мумкин. Умумий холда бу эмитентлар 3 гуруҳга бўлинади:

1. давлат;

2. хусусий сектор;

3. чет эл субъектлари.

Ҳамма қимматли қоғозларни давлат, хусусий ёки халқаро қимматли қоғозларга ажратиш мумкин. Хусусий сектор томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар таркибига турли ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари, инвестицион банклар, инвестицион фондлар ва бошқаларнинг қимматли қоғозлари алоҳида ўрин тутади. Халқаро қимматли қоғозлар уларнинг ҳисобланадиган валюта ва эмитентлари бўйича бўлинади.

Қимматли қоғозлар муомалада бўлиш ҳудудига кўра регионал (маҳаллий), миллий ва халқаро қимматли қоғозларга бўлинади.

Халқаро амалиётда молия бозорининг молиявий инструментлари хозирги кунда:

улушли ,

Қарз мажбуриятли ва

хосилавий турлар

ва бошқа турларга бўлинади.

Молиявий инструментларни улушли инструментларига асосан акция киради.Қарз мажбуриятли инструментларга эса давлатнинг ва хусусий секторларнинг облигациялари, депозит ва жам-арма сертификатлари, казначей векселлари ва бошқаалар киради

Молиявий инструментларнинг хосилаларига опцион, форвард ва варрант кўринишдаги шартномалар киради.Молиявий инструментнинг бошқа турларига турли кўринишдаги валюталари ва бошқа харакатдаги ва кўчмас мулклар киради.

ҚҚБ хар»кандай мамлакат молия бозорининг мухим таркибий қ ИСМИ бўлиб, бушу тизимда пул ресурсларининг тинимсиз харакятлянишини таъминлайдигаы воситачи хисобланади. Иктисодий мохиятига кура, ККБ айрим жихатлари бир-бирига мос тушади, лекин уларни амалга ошириш усулига кура фарк килади. Вактинча буш турган пул маблағларини бир жойга тўплаш на уларни инвестициялаш учуй кайта таксимлаш учун ККБнинг асосий вазифяларидан бири *бўлиб* хисобланади.

Қимматли қоғозлар тушунчаси серқирра саналади, чунки унинг асосида ётадиган иқтисодий муносабатлар динамикаси юқори бўлиб, доимий раившда ривожланади ва ўзгариб туради, бу эса қимматли қоғозлар мавжуд бўлишининг барча янги шаклларида ўз аксини топади.

Мамлакат фанида қимматли қоғозлар моҳиятига бағишланган у ёки бу даражада чуқур тизимли тадқиқотлар мавжуд эмас. Қимматли қоғозларга берилган таърифларнинг кўпчилиги уларни мулкий ҳуқуқларни тасдиқлайдиган *ҳужжат* сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қимматли қоғозлар моҳиятини таърифлаш ва тавсифлашдани ноаниқликлар туфайли республика қонун ҳужжатларида у ёки бу молиявий воситани қимматли қоғозлар тоифасига киритиш масалаларида қарама-қаршиликлар ўринга эга.

Қимматли қоғозларни икки хил – иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин. Бунда иқтисодий адабиётларда қимматли қоғозлар моҳиятини таърифлашда бир жиҳатнинг, юридик адабиётларда эса – бошқа жиҳатнинг устунлик қилиши кузатилади.

Бу нуқтаи назардан ва айниқса, жаҳон миқёсида фонд бозор номоддийлашувининг тобора кучайиб бораётганлиги сабабли қимматли қоғозлар деганда ҳужжатли (бланк) ёки ҳужжатсиз (счетлардаги қайдлар) шаклларда тасдиқланадиган, қарз ёки акциядорлик капитали шаклида жалб қилинадиган маблағларни жалб қилиш, қайта тақсимлаш ва қайта тўлаш соҳасидаги мулкий ва улар билан боғлиқ номулкий ҳуқуқларни тушуниш лозим.

Умумий, барча қимматли қоғозларга хос бўлган белгилар билан бир қаторда, амалдаги республика қонунчилига кўра чиқарилиши мумкин бўлган ҳар бир қимматли қоғоз уни бошқа қимматли қоғозлардан жиддий фарқлайдиган, ўзига хос *етакчи белгиларга* ҳам эга бўлади.

Турли қимматли қоғозлар турли ўзига хос хусусиятларга ва турли таснифий белгиларга эга эканлиги сабабли уларни чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга соладиган қонунчилик меъёрларини битта ҳужжатда юқори малакали бирлаштириш (ҳозирги пайтда ўринга эга бўлгани каби) жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилади

Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари дунёда чиқариладиган худди шундай қимматли қоғозлардан жиддий фарқ қилади ва ўзига хос таърифларга эга ҳисобланади. Масалан, акциялар фақат эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар сифатида, корпоратив облигациялар фақат очиқ турдаги акциядорлик

жамиятлари томонидан, Қимматли қоғозлар ҳосилалари – фақат эмитентнинг опционлари ёки қимматли қоғозлар фьючерси сифатида чиқарилиши мумкин. Тўлақонли қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида биринчидан, республикада чиқарилаётган қимматли қоғозлар туларини кенгайтиришга, иккинчидан, қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури ичидаги қимматли қоғозлар турларини кенгайтиришга (масалан, Қимматли қоғозлар ҳосилалари таркибига депозитар тилхатлар киритиш), учинчидан, қонун ҳужжатларида чиқариш рухсат этилган қимматли қоғозларни дадилроқ ўзлаштиришга интилиш зарур.

Ўзбекистон фонд бозорининг ёш эканлигига қарамай, унинг тарихида опционлар ва фьючерслар бўйича реал битимлар билан боғлиқ сахифалар ўринга эга [59]. Бироқ 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Қимматли қоғозлар ҳосилалари чиқарилмаяпти.

Қимматли қоғозлар ҳосилалари қаторига анъанавий равишда депозитар тилхатлар ҳам киритилади. Қоидага кўра, ривожланган капиталистик мамлакатлар, чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш орқали хорижий мамлакатлар инвестициялари учун пул маблағлари оқимини чеклашга интилиб, шунингдек, маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ҳудудида чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозлари эркин муомалада бўлишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Қонуни уларга нисбатан амал қиладиган барча қимматли қоғозларни мулкчилик муносабатларини акс эттириш

билан боғлиқ (улушли) қимматли қоғозлар ва кредит муносабатларини акс эттирувчи (қарз) қимматли қоғозлари, шунингдек, Қимматли қоғозлар ҳосилаларига ажратиш мумкин (1.2-расм).

Ғарбдаги айрим мамлакатларда акциядорлик жамиятлари белгиланган муддатга, масалан, 5 йилга ташкил этилиши, демак, шу муддатга акциялар чиқариши мумкин. Акциялар муддатсизлиги фақат собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган акцияларга хос бўлган хусусият ҳисобланади (1.3-расм).



1.2-расм. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ чиқариладиган қимматли қоғозлар таснифи

1.3-расм. Муомала муддатига қараб қимматли қоғозлар таснифи

Бундан ташкари, кимматли қоғозларни давлат қимматли қоғозлари ва нодавлат қимматли қоғозларига мансублик белгиси бўйича таснифини кўриб чиқамиз (1.4-расм).

2008 йилгача Ўзбекистонда чиқарилган акциялар «эгасининг номи ёзилган» ва «тақдим этувчига тегишли» турларга ажратилган. Ҳужжат шаклида чиқарилган эгасининг номи ёзилган акцияларда

акция эгасининг исми ва фамилияси албатта кўрсатилган. «Тақдим этувчига тегишли» акцияларда акция эгасининг исми кўрсатилмаган. Бироқ охирги пайтларгача акцияларнинг катта қисми айнан эгаси кўрсатилган турда чиқариб келинган. «Тақдим этувчига тегишли» акцияларга хос бўлган хусусият шундаки, мулк эгасини алмаштириш акцияларни оддийгина бир кишидан бошқа кишига бериш йўли билан амалга оширилганлиги сабабли битим контрагентларининг кўпчилик мамлакатларда битим суммасининг маълу мбир фоизи миқдорида харидорр ва сотувчдан олинадиган қимматли қоғозлар билан операциялардан солиқ тўлашдан қочиши учун имконият мавжуд.

Иқтисодий адабиётларда, шунингдек, қонун ҳужжатларида қимматли қоғозлар умумий массасидан эмитентлар томонидан сериялаб чиқариладиган, ҳар бир бундай сериядаги барча қимматли қоғозлар учун бир хил реквизитларга, бизнес яратиш ва ривожлантириш учун капитал жалб қилиш мақсадида фойдаланиш ва пулини тўлаш бир хил шартларига эга бўлган эмиссиявий қимматли қоғозлар ажратиб кўрсатилади (1.5-расм).

1.4-расм. Қимматли қоғозларнинг давлат қимматли қоғозлари ва нодавлат қимматли қоғозларига мансублик белгиси бўйича таснифи

1.5-расм. Қимматли қоғозларнинг уларни эмиссиявий ва ноэмиссиявий турларга тақсимлаш белгиси бўйича таснифи

Шунингдек, кимматли қоғозлар агар уларга эгалик қилиш билан боғлиқ мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш учун эмитент ёки қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият амалга оширувчи ташкилот қимматли қоғоз эгасининг исмини қайд этиши зарур бўлса, улар эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар қаторига киради.



Эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозларни бир эгасидан бошқа эгасига бериш мос келувчи қайдларни ўзгартириш йўли билан акс эттирилади (1.6-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил март ойидаги Фармонида хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг устувор йўналишлари сифатида давлат корхоналари негизида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этиш, мавжуд ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш ва шу билан бир пайтда давлатга тегишли бўлган акциялар улушини қисқартириш, фонб биржаси ташкил этиш ва хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини шу биржада жойлаштириш белгилаб берилди

1.6-расм. Қимматли қоғозларнинг ҳаракатни акс эттириш усули бўйича таснифи

Энг кўп учрайдиган тасниф - қимматли қоғозларни муомала соҳаси белгиси бўйича: эркин муомаладаги ва муомала доираси чегаралланган турга ажратишдир. Қимматли қоғозларнинг муомала доираси, қоидага кўра, қонун ҳужжатлари билан чегараланади. Ўзбекистонда мамлакат ичкарисида муомала доираси «де факто» бирон-бир тарзда чегаралланган қимматли қоғозлар давлат облигациялари, депозит сертификатлари, банкларнинг депозит (омонат) сертификатлари ва векселлар ҳисобланади (1.7-расм).



1.7-расм. Қимматли қоғозларнинг муомала соҳаси бўйича таснифи

Агар қимматли қоғозларни уларнинг нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда чиқариш белгиси бўйича таснифлайдиган бўлсак, бунда қимматли қоғозларнинг деярли барча турлари қонунчиликка мувофиқ ҳам нақд пулли, ҳам нақд пулсиз шаклда чиқарилиши мумкин бўлган ҳолат кўз олдимизда гавдаланади.

Бу ерда фақат нақд пулсиз шаклда чиқарилиши мумкин бўлган акциялар ва бланк шаклига эга бўлиши шарт бўлган векселлар истисно, холос (1.8-расм).

1.8-расм. Қимматли қоғозларнинг уларни чиқариш шакли бўйича таснифи

1991 йилдан 1994 йилгача Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнлари борди, бунда давлат корхоналарининг катта қисми акциядорлик жамиятларига айлантирилди, бироқ акциялар бозорининг ривожланиши паст суръатлар билан рўй берди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, акциядорлик жамиятлари акциялар қуйидаги пропорцияда: 51%и давлатга ва 49%и меҳнат жамоаси аъзоларига тақсимланган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари сифатида ташкил этилган.

Қимматли қоғозларнинг бошқа барча турлари орасида акциялар энг муҳим ўрин эгаллайди, чунки улар ўзига хос ва фақат уларга хос бўлган хислатларга эга. Акция эгаси акциядорлик жамияти тугатилган ҳолатда унинг мулкини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Акция бўйича олинадиган даромад вақти-вақти ўзгариб туради. Одатда у акциядорлик жамияти оладиган фойдага боғлиқ бўлади.

1.9-расмда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муомалага чиқарилиши мумкин бўлган акциялар таснифи акс эттирилган. Хусусан, акциядорлар ҳуқуқларининг амалга оширилишига қараб, акциялар оддий, имтиёзли ва конвертацияланадиган акцияларга тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунида акция айнан эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар сифатида тавсифланган бўлиб, бу уни бошқа мамлакатларда чиқариладиган акциялардан жиддий фарқлаб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, облигация - облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир.

ДҚМО ва Марказий банк облигациялари бу бозор томонидан яхши ўзлаштирилган давлат қимматли қоғозлари турлари саналади.

Корпоратив облигациялар Ўзбекистонда етарли даражада кенг тарқалган муҳим молиявий восита ҳисобланади. Улар тижорат кредит муносабатларининг қуроли бўлиб, бунда айрим корхоналар қарздор, бошқа корхоналар ёки аҳоли эса – кредиторлар ҳисобланади.

Гарчи 2006 йилгача корпоратив облигацияларни барча мулкчилик шаклидаги корхоналар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган бўлсада [5, с. 64], ҳозирги пайтда Ўзбекистон қонунчилигига

мувофиқ корпоратив облигациялар фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилиши мумкин

Ғазна мажбуриятлари – тақдим этувчига тегишли, уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари киритганини тасдиқлайдиган ва уларга ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш бутун муддати давомида қатъий белгилаб қўйилган пул маблағлари олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозлари. Ўзбекистонда қуйидаги турдаги ғазна мажбуриятлари чиқарилиши мумкин: узоқ муддатли ғазна мажбуриятлари – 5 йил ва ундан ортиқ муддатга чиқарилиши мумкин (халқаро амалиётда улар Bond номини олган); ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари – бир йилдан беш йил муддатгача чиқарилиши мумкин (Note); қисқа муддатли ғазна мажбуриятлари – 1 йил, 3 ой, 6 ой ва 9 ой муддатга чиқарилиши мумкин (Bill) (1.11-расм).

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида кенг тарқалган ва ривожланган энг муҳим молиявий воситалардан бири депозит сертификати ҳисобланади. Депозит сертификати (инг. «certificate of deposit») - ноэмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, банкка киритилган омонат миқдорини ва омонатчининг (сертификат эгасининг) белгиланган муддат тугагач, омонат миқдори ва сертификатда кўрсатилган фоизларни сертификат берган банкда ёки шу банкнинг исталган филиалида олиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда 1994 йилдан бошлаб икки хил турдаги сертификатлар: 1)юридик шахслар учун *депозит сертификатлар*; 2) жисмоний шахслар учун *депозит (омонат) сертификатлар* чиқарилади.

Сертификатнинг муомала муддати у чиқарилган санадан бошлаб то унинг эгаси омонатни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган санагача ҳисобланади.

Ўзбекистонда векселлар муомаласи давлат мустақиллиги қўлга киритилган пайтдан бошлаб ривож топди. Марказий банк томонидан 1994 йилнинг 24 декабрида векселларни муомалага чиқаришни тартибга соладиган қатор муҳим ҳужжатлар тасдиқланди. Бироз муддатдан сўнг Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 31 майда 149-сон билан рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш Вақтинчалик тартибини

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, векселлар корхона ва ташкилотлар томонидан муайян савдо битими учун ёзиб берилиши мумкин. Гарчи амалдаги Ўзбекистон қонун ҳужжаталрига кўра вексель – «қонуний» қимматли қоғоз ҳисоблансада, кўпчилик корхона ва ташкилотлар ушбу молиявий воситадан фойдаланмасликка ҳаракат қиладилар. Бунинг сабаблари ҳақида кейинроқ гаприиб ўтамиз.

1.14-расм. Қимматли қоғозлар ҳосилаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ таснифлаш схемаси

Ўзбекистон фонд бозорининг ёш эканлигига қарамай, унинг тарихида опционлар ва фьючерслар бўйича реал битимлар билан боғлиқ сахифалар ўринга эга [59]. Бироқ 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Қимматли қоғозлар ҳосилалари чиқарилмаяпти.

Қимматли қоғозлар ҳосилалари қаторига анъанавий равишда депозитар тилхатлар ҳам киритилади. Қоидага кўра, ривожланган капиталистик мамлакатлар, чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш орқали хорижий мамлакатлар инвестициялари учун пул маблағлари оқимини чеклашга интилиб, шунингдек, маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ҳудудида чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозлари эркин муомалада бўлишига йўл қўймайди.

Бозор муносабатларининг ривожланишида *Қимматли қоғозлар ҳосилалари* муҳим роль ўйнайди. Қимматли қоғозлар ҳосилалари бу – уларнинг эгалари бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятга эга эканлигини тасдиқлайдиган қимматли қоғозлардир. Ўзбекистонда Қимматли қоғозлар ҳосилалари юридик шахслар томонидан эмитентнинг опционлари, қимматли қоғозлар фьючерслари ва бошқа молиявий воситалар шаклида чиқарилиши мумкин (1.14-расм).



8.2.Қийматни келтириш формуласига асосан фиксирланган даромадли иструментларни бахолаш.

Мазкур бўлимда активларни бахолаш жараёни мохияти деганда уларнинг активларини таққослама бахоси хақидаги маълумотлар асосида *бозор қийматини бахолаш* ва мавжуд ўзгаришларни хисобга олган холда мос корректировкани бажариш демакдир.

Активлар қийматини бахолаш усулида унинг қийматини аниқлаш учун фоиз ставкалар тўғрисида(маълумотномага киради)ги ва активларни таққослама бахолари хақидаги бозор маълумотларига кирувчи махсус формуладан фойдаланилади.

Бу бўлимда, фиксирланган қимматли қоғозлар ва келгусидаги маълум тўловлар бўйича пул оқимларини меъёридаги миқдорини барча хохловчи субъектлар бошқа мос бўлган молиявий қуролларни даромадини бахолаш орқали кўриб чиқилади. Мазкур турдаги активларга *хизмат қилувчи облигацияга ўхшовчи, хаётий аннуитет ёки ипотекага ўхшаш шартномалар* бўйича фиксирланган даромадли қимматли қоғозларни келтиришимиз мумкин. Хўжалик учун жуда хам зарур бўлган бундай қимматли қоғозлар ва шартномалар узоқ муддат ичида истеъмол товарларини жумладан, яшаш учун уй ва бошқа шахсий истеъмолини қондиришдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади. Булар пул маблағини ишончли манбаси сифатида хусусий фирмалар хамда давлат(хукумат)лар учун хам катта миқдордаги бойлик-давлатни манбаси хисобланади.

Бундай активларни бахолаш усулини мавжудлиги асосан ахамиятли зарур бўлиб, бу охири 2 сабабдан келиб чиқишини ўрганиш зарур:

-Томонлар ўртасидаги тузилаётган молиявий шартномалар, тузиш вақти-давридаёк унинг баҳолашдаги процедураларида уни шартлари ўзаро келишилган бўлади:

-Иккинчи сабаби, фиксирланган даромадли қимматли қоғозлар уни қайтариш муддати келгунга қадар тез тез сотилиши билан боғлиқ. Шу сабабли унинг қийматига бозор холатлари таъсир этади, жумладан: вақтлар ичидаги фоиз ставкаларини ўзгариши, сотиб олувчи ва сотувчилар томонидан мазкур молиявий активлар доимо бахоланиб турлиши лозим.

Кутилаётган пул оқимини қийматини аниқлаш учун **бахолашни қийматли асосий усули**:

- ягона дисконт қийматига келтириш формуласидан фойдаланилади;

- доимий деб аталмаган (облигацияни даромадлилик даражаси уни қайтариш муддатига боғлиқ холда алмашади) даромадни эгрилигини хақиқий схемаси орқали аввалги усул корректировкасини кўриб чиқилади;

- облигацияни характерли белгилари келтирилиб, буларнинг хакиқий молия бозоридаги даромадлилиги ва бахосига қандай таъсир этиши кўриб чиқилади.

- облигациянинг бозор бахосида фоиз ставаларини ўзгариши қандай кўринади.

Аввалги бобларда ягона рисксиз фоиз ставкалари амалда бўлса, у холда унинг пул тушуми оқимини маълум қийматга келтириш учун қийинчилик туғдирмайди. Бу топшириқ дисконт ставкаси сифатида

рисксиз фоиз ставкасидан фойдаланган холда қийматни соф келтириш хисоб китоб формуласи қўлланилади.

Мисол. Сиз фиксирланган даромадга эга қимматли қоғозни охирги 3 йил ичида йиллик 100 дол. тўлов шарти билан сотиб олдингиз. Агар маълум бўлса, уч йиллик бу молиявий шартноманинг қиймати нимага тенг? Бунда дисконтни йиллик ставкси 6%? Математик формула ёрдамида келтирилган қийматни коэфиценти келтирилган.

$$\text{Формула: } PV = \frac{1-(1+i)}{i}$$

N	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
3	6	?	0	100	PV=267.3

Энди, қимматли қоғозлар сотиб олгандан бир соат ўтгандан сўнг, сиз сотишга зарур бўлиб қолдингиз. Бу вақтда рисксиз фоиз ставка 6 %дан 7 % га йиллик ортди. Бу холда бу учун қанча оласиз?

Фоиз ставкаси даражаси ўзгарди, мазкур қимматли қоғозга қўйилган инвестициядан кутилаётган пул тушуми ўзгаришсиз қолди. Инвестор йиллик 7% фоиз даромадлиликни олиш учун, мазкур активни бахоси камайиши зарур. Дисконтланган 7% фоиз бўйича

кутилаётган пул тушуми оқимининг келтирилган қиймати қуйидагича:

n	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
3	7	?	0	100	PV=262.43

Фиксирланган даромадли қимматли қоғозни 3 йил давомида йиллик 100 долл. тўлов суммасини 3 йилга келтирилган қиймати 262,43 долл. бўлди ва қимматли қоғоз ўз эгасига йиллик 7 % даромадни таъминлайди. Шундай қилиб, фоиз ставкани бозор курси ортса, у холда хохлаган фиксирланган даромадли қимматли қоғозларни курси пасаяди. Бу боғлиқки, инвестор сотиб олиши мумкинки, қачонки янги бозор шароитларига мос даромадлилик даражаси таъминланади.

Шундай қилиб, фоиз ставксини 1 %га ортиши қимматли қоғозлар курсини 4,87 долл.га камайтиради. Акс холда уни тескариси юзага келади.

Бу асосий тамойилни белгилаб, маълум фиксирланган пул оқимини хохловчи субъектлар активларни бахолаш вақтида мазкур усулдан фойдаланилади.Фоиз ставкаларини бозор курсини ортиши фиксирланган тўловли-тушумга эга барча даромадли шартномаларни бозор бахоси бир бирига қарама қарши бўлган йўналишга ўзгаради.

Фоиз ставкаларин ўзгариш жараёни қандайлигини айтиб бўлмайдиган бўлиб, бунда фиксирланган даромадли қимматли қоғозларни курси уни охиригача қайтаргунга қадар хам айтиб бўлмас жараёндир.

Маълум пул оқимларини қийматини бахолаш амалиётдаги мисолдагидек осон эмас. Бу хакиқий оддий хаёт билан боғлиқ холда аниқ эмас, бу худди пул оқимларини қийматини келтиришни қайси формуладан фойдаланишда дисконтни ставкаси қандай бўлиши билан боғлиқ. Аввалдан маълумки, фоизни бозор ставкаси молиявий қуролларни қайтариш муддатига боғлиқ холда фарқ қилади. АКШ нинг казначей облигациялари бўйича(ўзаро облигацияларни даромадлилиги боғлиқлиги мисол учун инвестицион сифат ва уни қайтариши бир хил бўлади) даромадлиликни эгрилик холатда кўринган.

8.3. Тахлилни асосий қуроллари:Купонсиз облигациялар.

Фиксирланган даромадли шартномаларни бахолаш жараёнда, ишни аввало купонсиз облигация ёки нолли купонли облигацияларни бозор бохоларини ўрганишдан бошлаш керак .Бу шундай облигацияларки, тўловлар уни фақат қайтариш куни бир марта амалга оширилади.

Купонсиз облигациялар - фиксирланган даромадли барча шартномаларни бахолаш жараёнда молиявий қуролларни асосийларидан биридир. Барча шартномаларда унинг асосий компонентларидан таркиб топган - пул оқими, бундан сўнг

шартномадаги алохида пул тушумини тахлили ва сўнг уларни суммалари қўшилади.

Купонсиз облигациялар бўйича кутилаётган тўлов суммаси унинг **номинали** ёки **оширувчи** қиймати дейилади. Инвестор томонидан купонсиз облигациялар бўйича қайтариш кунидаги олаётган даромади уни номинали билан облигацияни сотиб олган бахоси ўртасидаги фарқдир. Шундай қилиб, 950 долл. бахода сотиб олинган 1000 номинал қийматга эга купонсиз облигациялар тўлов муддати 1 йилдан сўнг 50 долл. миқдорида даромад келтиради.

Купонсиз облигацияларни даромадлилиги- инвестор томонидан йиллик даромадлилик ставкаси бўлиб, бу мазкур облигацияни охири қайтаргунга қадар эгалик қилган ва сотиб олган. Купонсиз облигациялар учун тўлов муддати 1 йилдан сўнг уни даромади қуйидагича:

Даромадлилик 1- йиллик купонсиз облигация:

Номинал-сотиб олиш бахоси 1000 долл - 950 долл

=---------- ----------=----------

=0,0526 ёки 5,26%.

Сотиб олиш бахоси 950 долл.

Бирок, агар облигацияни қайтариш муддати 1 йилдан фарқ қилса, у холда бундай облигацияларни даромадлилигини аниқлаш қийматни келтирилган формуласидан фойдаланилади. Қайтариш муддати 2 йилдан сўнг этиб белгиланган купонсиз облигацияларни

кўриб чиқамиз, уни номинал қиймти 1000 долл., а сотиб олиш бахоси 880 долл..

Бундай облигацияларни йиллик даромадлилик даражасини хисоб китоби худди дисконт ставкасига ўхшаш бўлиб, бу қайсики уни номинал қиймати сотиб олиш бахосига тенглаштирилади.

n	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
2	?	-880	1000	0	i=6.60%

Қимматли қоғозларни бахолашга қайтамиз, бу қайсики 8,1 жадвалда купонсиз облигацияларни бахолари келтирилган. Оддий амалиётда асосан облигацияларни бахоси уни номинал қийматининг бир қисми сифатида олинади.

Купонсиз облигацияларни бахоси ва уни даромадлилик

қайтариш муддати	бахоси(номиналдан 1 долл учун. кўрс)	даромадлилик(йиллик)
1 йил	0.95	5.26%
2 йил	0.88	6.60%
3 йил	0.8	7.72%

Мазкур қимматли қоғозларни келтирилган қийматини хисоб китоб қилиш учун 2 та вариант мавжуд. 1 чисида: 8,1 жадвални

иккинчи устунидан ахамиятли томони фойдаланилади. 2 чисида эса: - даромадлилик охирги стундан олинади. Шундай қилиб,

- 1 чи вариантда учта кутилаётган тўловдан хар бири шунга мос бўлган ахамиятлиси кўпайтирилиб, бу қайсики 1 долл. облигацияни номинали бўйича унинг бахоси билдиради. Кейин барча натижалари суммалаштирилади:

- 1 чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати =100 долл*0,95=95 долл.

- 2 чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати =100*0,88=88 долл.

-3 чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати = 100*0,80=80 долл.

Келтирилган қийматни жами суммаси хажми =263 долл.

Шундай қилиб, облигацияни қиймати 263 долларни ташкил этди.

2 чи вариант: мазкур вариант қайтариш мудатига мос даромадлилик ставкаси бўйича хар бир кутилаётган тўловларни дисконтлаш воситаси орқали аниқ хисоб китобни беради.

-1-чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати =100/1,0526=95 долл.

-2-чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати =100/1,0660=88 долл.

-3-чи йил кутилаётган тушумни келтирилган қиймати =100/1,0772=80 долл.

Келтирилган қийматни жами суммани хажми =263 долл.

Бироқ, 8,1 жадвалда белгиланган охирги строкада 7,72 %ли мазкур йиллик фоиз ставкада барча кутилаётган пул оқими хатоли

дисконтланган буларди. Агар бундай бўлганда эди, у холда уни қиймати 259 долар бўлиб, бу келтирилган қиймат 4 долларга кам бўлган бўларди.

n	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
3	7.72	?	0	100	PV=259 долл.

263 долларга тенг қийматни олиш учун барча учала тўловларни дисконтлаш учун фойдаланса бўладиган ягона ставка мавжудми? Ха барча ягона йиллик дисконт ставкаси 6,88 % бўлади. Бунга ишониш учун қуйидаги кўрамиз.

n	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
3	6.88	?	0	100	PV=263 долл.

Муаммо шуки, 6,88 % ли дисконт ставкаси 3 йиллик аннуитет қийматини бахолаш учун тўғри келади. Бундан биз кимматли қоғозларни қиймати 263 доллдар эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари i ни топиш учун хам келтирилган қийматни мазкур формуласиданфойдаланилади.

n	i	PV	FV	PMT	Якун-натижа
3	0	-263	0	100	i=6.88 % .

Мақсад, келтирилган қийматни мохиятини очиб беришдир. Шундай қилиб 8,1 жадвалда берилган ягона дисконт ставкаси ва маълумотлар орқали қийматни 3 йиллик аннуитетини бахолашни тўғри усули мавжуд экан.

Демак, агар даромадлилик параллел осига нисбатан эгри бўлса, у холда фиксирланган оқимли пул тўловларга эга қимматли когоз ва шартномалар қийматини бахолаш учун қуйидагича бўлади: даромадлилик стаавкаси бўйича кутилаётган хар бир тўлов дисконтланиш зарур, шундай купонсиз облигациялар қайтариш муддатига мос келиши, кейин олинган натижалар қўшилади.

8.4. Купонли облигациялар: жорий даромади ва уни қайтаришдаги даромадлилик.

Купонли ёки фоизли облигациялар унинг эмитентига уни муомала муддати ичида облигация ушловчига купонли тўловлар дейилган фоизли тўловларни доимийлигини таъминлашни, кейин қайтариш муддатида облигацияни номинал қиймати бўйича тўлашни юклайди. Фоиз тўловларни доимий тўлашни *купонли тўловлар* дейилади. Бунда облигация купонга эга бўлиб, қайсики эмитентга

фоиз олиши учун тақдим этади ва тўлов муддати келиши билан кесилиб кетиши билан боғлиқ бўлади.

Купонли даромад - купон тўловлари хисоб китоби учун фойдаланадиган облигацияни номиналини нисбий даромадлилик ставкаси фоизидир. Шунинг учун облигация номинали 1000 долл. ва купонни даромадлилик 10% да, эмитентга унинг эгаси учун хар йили 0,10*1000 долл., ёки 100 долл. тўлашни юклайди. Агар облигацияни қайтариш муддати 6 йил бўлса у холда уни охирги қайтариш 6 чи йили эмитент охирги купон 100 долл ни тўлайди—ва 1000 долл номинал қийматга эга облигацияни тўлайди.

Шундай облигациялар бўйича пул тўловлари оқими 8,2 расмдан келтирилган. Кутилаётган пул оқимлар аннуитет(тўловларни вақтлар бўйича фиксирланган қисми)ни таркиби орқали белгиланган йиллик 100 долл. хажмдаги ва уни қайтариш муддатидаги 1000 долл. облигация қийматини номинали бўйича белгиланади. 100 долл. кўринишдаги купон тўлови облигацияни муомалага чиқариш вақтида белгилайди ва охиригача, қайтариш муддатини охиригача ўзгаришсиз колдирилади. Облигацияни муомалага чиқариш куни 1000 долл. бахога тенг бўлган(унинг номинал қиймати).

йиллар	1	2	3	4	5	6
купон тўлови	100	100	100	100	100	100
номинали бўйича тўлов						1000

Купонли облигация учун даромадлилик ва уни бахоси ўртасидаги алокани аниқлаш купонсиз облигацияга нисбатан қийиндир. Келгусида агар купонли облигациялар бахоси унинг номиналидан фарқ килса, у холда «даромадлилик» тушунчаси ноаниқликка эга бўлади.

Купонли облигацияларни бозор бахоси билан номинали бўйича котировка қилинадиган унинг номиналига тўғри келадиган облигациялардир. Агар купонли облигацияларни бозор бахоси уни номинал қийматига мос келса, у холда бундай облигацияларнинг даромадлилик даражаси булар бўйича купонли даромадга тенг бўлади. Мисол учун: 1000 долл. номинал қийматга эга купонли облигация, уни қайтариш муддати 1 йилдан сўнг ,бу холда купонли тўлов уни номиналидан 10% миқдорида тўлайди. Тўлиқ бир йилдан сўнг бу облигациялар 1100 долл.:100 долл купонли тўлови, 1000 долл. уни номинал қиймати бахосидир.

8.5.Облигацияни бахолашнинг биринчи тартиби: номиналли облигация.

Агар сотиб олинаётган купонли облигация уни номинали билан мос бўлса, у холда уни шундай облигацияларни даромадлилиги уни купонли даромадига тенг бўлади.

Кўп холларда купонли облигацияларни бозор бахоси уни номиналидан фарқ қилади. Бундай холда қуйидаги холат вужудга келиши мумкин, мисол учун: облигация муомалага чиқарилиши билан иқтисодиётдаги фоиз ставкалар даражаси туша бошлайди. Мисол: бизнинг 10 % ликда, 19 йил аввал қайтариш муддати 20

йилдан сўнг мулжалланган купонли облигация чиқарилди. Бу вақтда облигацияни эгрилик даромади аналогик инвестицион сифатида ва 1 чи йил қайтариш муддати билан 10 % йиллик меъёрида жойлашган. Хозир эса қайтаришни охирига қадар 1 йил қолган, энди эса облигацияларни аналогик йиллик фоиз ствкалари 5 %ни ташкил этмоқда. 10 %ли номинал(1000 долл.) бўйича купонли облигациялар мумалага чиқарилган бўлса хам, унинг бугунги бозор бахоси 1047,62 ни ташкил этмокда. Шунинг учун облигацияни бахоси энди унинг номиналидан ортади, бу мукофотли облигация дейилади.

Бундай облигацияни даромадлилиги қандай ?

Даромадлиликни 2 та турли хил кўрсаткичлари мавжуд:

-жорий қиймат-йиллик купонлар бўйича тўловлар суммасини облигацияни бозор бахосига бўлиш-нисбати орқали хисобланади.

$$\text{Жорий даромадлилик} = \frac{\text{Купон}}{\text{Бахоси}} = \frac{100}{1047{,}62} = 9{,}55\%$$

Жорий даромадлилик хақиқатда мукофотли облигация даромадлилигидан ортмокда. Бу холат қайтариш муддатида фақат 1000 долл. тўланиши хисобга олинмайди ёки облигация учун тўлангандан 47,62 долл. кам бўлади.

Бу холатга эътибор бериш учун, облигацияни номинал қиймати унинг бозор қийматидан фарқ қилиб, уни қайтариш вақтида даромадлилик дейилган даромадлилигини хисоб чиқамиз. Қайтариш вақтидаги даромадлилик худди дисконт ставкаси кўринишда кўриб

чиқилади, бу қайсики облигациялар бўйича кутилаётган пул тўловларини келтирилган қиймати уни жорий бахосига тенг бўлади.

Қайтариш вақтидаги даромадлиликда барча пул тўловлари хисобга олиниб, буни облигация эгаси қайтариш муддатидаги облигацияни номинал қиймати қўшилган холда бўлади. Бу холатда облигацияни қайтариш муддати бир йилдан сўнг келиши билан қайтариш вақтидаги даромадлилик хисоб китоби қийинрок кечади:

$$\text{Қайтариш вақтидаги даромадлилик} = \frac{\text{Купон+номинал-жорий}}{\text{Жорий бахо}} =$$

$$= \frac{100\text{долл.}+1000\text{долл-}1047{,}62\text{ долл.}}{1047{,}62} = 5\%.$$

Шундай қилиб, даромадлилик ставкаси хисоб китобида, қайсики жорий даромадлилик (9,55%) кўрсаткичидан фойдаланган холда облигация сотиб олувчилар хисоб китоб қилади, буни қайтариш муддатида хохламаслик холатлари вужудга келиши мумкин.

Агар облигацияни қайтариш муддати 1 йилдан ортса, у холда уни қайтариш вақтидаги даромадлилик хисоб китоби авалги мисолга нисбатан қийинрокдир. 1000 долл. номинал қийматга эга ва жорий бахоси 1100 долл. бўлган 2 йиллик 10 %лик купонли облигацияларни сотиб олишни кўриб чиқамиз. Буни даромадлилик қандай?

Бунинг жорий даромадлилик -9,09 % га тенг бўлади.

$$\text{Жорий даромадлилик} = \frac{\text{Купон}}{\text{Бахо}} = \frac{100 \text{ долл.}}{1100 \text{ долл.}} = 9{,}09\%.$$

Бирок, йиллик мукофотли облигацияларда жорий даромадлилик кўрсаткичида уни қайтариш муддатида режалаштирилганга нисбатан пастроқ хисобни эътиборга олмайди. Облигацияни қайтариш муддатигача бўлган даврида 1 йилдан ортади, қайтариш вақтидаги даромадлилик дисконт ставкаси хисобга олиниб, бу қайсики кутилаётган пул оқимларини келтирилган қиймати облигацияни жорий бахосига тенг бўлади.

$$PV = \frac{PMT}{(1+i)} + \frac{FV}{(1+i)}$$

Бунда:

n-облигацияни қайтаргунга қадар йиллик тўловлар учун даврлар сони

i- қайтариш вақтидаги йиллик даромадлилик

PMT- купонли тўлов

FV- облигацияни номинал қиймати

Қайтариш вақтидаги купонли облигациялар бўйича даромадлилик маълум функциялар ёрдамиида калькулятор орқали 1 йилдан юқори бўлган, қайсики қуйидаги:

n- облигацияни қайтаргунга қадар йиллик тўлов даврлар сони:

PV-облигацияни бахоси

FV- облигацияни номинал қиймати

PMT- купонли тўлов

n	i	PV	FV	PMT	якун-натижа
2	?	-1100	1000	100	i=4.65 %

Шундай қилиб, қайтариш вақтидаги бу икки йиллик мукофотли облигацияни даромади жорий даромаддан кам бўлади.

Мазкур мисол асосий тартибни белгилаб, облигацияни бахоси билан унинг даромадлилиги ўртасидаги нисбатни кўрсатиб беради.

8.6.Облигация бахолашни 2- чи тартиби: мукофотли облигация.

Агар купонли облигацияни бахоси унинг номиналидан ортса, у холда қайтариш вақтидаги даромадлилик бундай облигацияларни жорий даромадлилиги кам бўлади, бу ўз навбатида уни купонли даромадидан кам бўлади.

мукофотли облигациялар учун даромадлилик ставкасини нисбати

Қайтариш вақтида даромадлилик<жорий даромадлилик<купонли даромадлилик

Икки йиллик қайтариш муддатли 4 %ли купонли облигацияни кўриб чиқамиз. Мисол учун уни бахоси 950 долл. Бунинг натижасида унинг бозор бахоси номинал қийматидан кам бўлади, бундай облигациялар *дисконтли* дейилади.

Бундай облигацияларни даромадлилиги қандай?

АКШ ва бошқа чет мамлакатларда солиқ органлари девиденд кўринишда олган шахсий пул даромадларидан солиқлар тўлашни талаб этадилар.

Шунинг учун, агар компания пул девидендларини тўлаш воситаси орқали пулларини тақсимлайди, бу улар ўз навбатида ўз акционерларини солиқ тўлашга мажбур бўладилар.

Агар бунинг ўрнига компания пулини ўзини акциясини сотиб олиш орқали тақсимласа, у холда бу тўловлар солиққа тортилмайди.Агар компания пулини ўз акциясини сотиб олиш орқали тўласа солиқ тўловчи хисобланган акционерлар нуқтаи назаридан албатта улар учун хамма вақт яхши хисобланади.

Бирок АКШда ўз акционерлари ўртасида девиденд тўловларини тақсимлаш схемасидаги ўз акцияларни сотиб олиш механизмидан доимий сифатида компанияни фойдаланиши тақиқлаш хақида қонунлар бор.

Солиқ хизматлари девидендларни бундай тўлаш схемаси орқали даромадни тақсимлашда солиқ тўлашни қўллаш зарурлигини қўллаб чиқадилар.

Яна бир омил мавжуд бўлиб, бу қайсики *девиденд сиёсати*(ташқаридан маблағжалб қилиш учун қилинадиган харажатлар)ни аниқлашда уни хисобга олади.

Асосий иш, акцияни янги эмисссияси жараёнида(йўлида) инвестицион банкларни хизмат хақларини тўлаши зарур бўлиб, бу

қайсики ташки инвсторларга янги акцияларини сотиш жараёнида оралик звено сифатида чиқади.

Алохида доимий акционерлар учун компания ўзи харажатларини ўз зиммасига олади. Бошқа харажатларда янги акцияларни сотиб олувчиларни потенциали ва компания менеджерларига (инсайдерларга) қайсики мазкур компания қимматли қоғозларини муомалага чиқариш билан боғлиқ *маълумотлар* хажмидаги фарқлар юзага келади.

Шундай қилиб, ўз маблағлари хисобига молиялаштириш четдаги инвесторлар учун янги акция чиқаришга нисбатан амалдаги акционер компанияларининг кўпроқ жозибадор қарорлар қабул қилаётгандек кўринади.

Хакиқий молиявий мухитдаги яна бир потенциал зарур омиллардан бири, бу компанияни девиденд сиёсатига таъсир этувчи – *девидендлар хақидаги маълумот.*

Четдаги инвесторлар акция бахосини ортишига олиб бориш мумкин бўлган бу девидендларни ўсиш натижасида компания тўлайдиган ижобий белгига ўхшаш пулли девиденлар хажмини ортишига дучор бўлади.

Акс холда бунинг тескариси, пулли девидендлар хажми камайса, булар худди ёмон холатга дучор бўлади, бу эса акция бахосини пасайишига олиб боради.

Шунинг учун компания рахбарларига бундай маълумотларни таъсири уларни эхтиёткорлик билан девидендлар тўлов хажмини ўзгариши шундай ўзгартиришларга мос тушунчалар қўлланувчи ***v*** тартиб жорий этилади.

Асосий формулалар

Акция бахоси- бозор хисоб ставкасини дисконтланган мазкур акциялар бўйича барча кутилаётган девидендларни келтирилган қийматидир.:

$$P_1 = \frac{D_1}{1+k} + \frac{D_2}{(1+k)^2} + \ldots = \sum_{t=1}^{\infty} \frac{D_t}{(1+k)^t}$$

Соф фойда ва инвестиция орқали кўринган акция бахоси:

где *E,* — *t* йил ичида олинган соф фойда, *t* - эса *t* йил ичидаги соф инвестиция. Уни ўсиш даражаси доимий бўлган тугамас девиденд оқимларини келтирилган қиймати *(g).:*

Акцияга тўғри келувчи соф фойда ва девидендларни ўсиш даражаси хисоблаш учун формулар:

g = соф фойдадан ушлаш коэфиценти х янги инвестиция бўйича даромадлилик ставкаси-

Акция қийматини хисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.:

PO = *EJk* + келгуси инвестицияни соф келтирилган қиймати

Мавзу бўйича саволлар:

1. Молиявий инструментлар деб қандай инструментларга айтилади?

2. Қийматни келтириш формуласига асосан фиксирланган даромадли иструментларни бахоланг ва аннуитетларни бозор бахосини аникланг?

3. Купонсиз ва купонли облигациялар, даромадлилик турлари ва уларнинг аниқлаш хамда бозор қийматини аниқланг?.

4. Молиявий бозорда облигацияларни қийматига таъсир этувчи омилларни келтиринг ва сабабини очиб беринг?

5. Акцияларни қиймати ва унинг турлари. Акцияларни бахосини қиймат усули орқали бахоланг?

6. Акцияларни рейтинги ва бошқа фундаметал омиллар таъсир орқали иккиламчи бозор қийматини аниклаш тартибини ёритинг?

7. Акцияларни бозор бахосига макроиқтисодий ва таромоқ омилларининг таъсирини келтиринг.

8. МДД-девиденларни дисконтллаш усули орқали акцияларни бозор бохосини аникланг?

9. Соф фойда ва инвестицион имкониятлар усули(EPS)усулини ёритиб беринг!

10. Девиденд сиёсати ва уни шакллантиринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.Тошкент – « Ўзбекистон» - 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш,

халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Тошкент – «Ўзбекистон» -2011.

3. Рашидов О.Ю., "Инвестицион лойихаларни молиялаштириш " – Т.: ТДИУ, 2008.

4. Шарп У и др. Инвестиции Пер с англ. –М.: Инфра-М.2006 604с

5. Бочаров В. В. Инвестиции:Учебник-2 –е издании-СПб:Питер 2009 -348с.

6. Лахметкина Н. И. Инвестиционные стратегия предприятия: Учеб Пос.- м. КНОРУС 2008 -320 ст

7. Зви Боди Роберт, К. Мертон «Финансы» - М.: Вильямс, 2008. – 780с.

8. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 15-26 с.

9. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. -10-38 с.

10. Игошин А.М. Инвестиции. УчебникМ.: ЮНИТИ.2005 487с

11. Нешитой А.С. Инвестиции Учебник.-М.: «Дашков К» 2006.

12. Шарп У и др. Инвестиции Пер с англ. –М.: Инфра-М.2006 604с

13. Бочаров В.В. Инвестиции:Учебник-2 –е издании-СПб:Питер 2009 -348с.

9 боб: Инвестицион рискларни бошқариш усуллари

Режа

1. Иқтисодиётни либерализациялаштириш ва модернизациялаш шароитида инвестицион рискларни баҳолаш
2. Таваккалчиликни бошқариш босқичлари, таваккалчиликни баҳолашнинг асосий мезонлари ва унинг услублари.....
3. Инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш усуллари орасида
4. Статистик, экспертлик, ўхшашлик услубидан фойдаланиш ва комбинациялашган баҳолаш услублари.....
5. Дельфи услуби. Сезувчанлик тахлилини, сценарий ва таваккалчиликни Монте Карло усули ва бошқалар.....
6. Рискка тортилганлик
7. Риск ва иқтисодий карорлар.
8. Хўжалик дучор бўлган рискни турлари.
9. Компания дучор бўлган риск турлари.
10. Рискни бошқаришда давлатни роли.
11. Рискни бошқариш
12. Рискни аниқлаш
13. Рискни баҳолаш
14. Рискни бошқариш усулларини танлаш.
15. Натижани баҳолаш
16. Риск утказишни уч схемаси
17. Хеджирлаш
18. Сугурталаш
19. Диверсификация

20. Рискни ўтказиш ва иктисодий самара
21. Амалдаги рискни самарасини билиш –қабул қилиш
22. Маблағлар ва рискларни тақсимоти

Таянч иборлар: ички ва ташқи омиллар, таваккалчилик, таваккалчиликни аниқлаш, бахолаш, бошқариш, босқичлар, риск категорияси, таъсир этувчи омил, танлаш, дельфи усули, камомад, рискни ўтказиш, хеджир, суғурта, диверсификация, рискларни бошқариш.

9.1.Иқтисодиётни либерализациялаштириш ва модернизациялаш шароитида инвестицион рискларни бахолаш

Иқтисодий категория сифатида риск - бу бўлиши мумкин бўлган ёки аввалдан айтиб бўлмайдиган ҳодиса. Агар бу ижобий ҳодиса бўлса (фойда, даромад ёки бошқа тушум) ва салбий (ҳаражатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин.

Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётига ўз сармоясини киритаётган инвестор нуқтаи-назарида, шу мамлакатдаги ҳолат, вазият инвестицион муҳит деб аталади. Инвестицион муҳит бир қатор риск омилларини ўз ичига олади. Бу омиллар ривожланиш истиқболлари, ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазият таъсири остида вужудга келади. Кўп ҳолларда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг ривожланиш истиқболларига қараб ижтимоий-сиёсий, ички ва ташқи рисклар тахмин қилинади.

Инвестиция лойиҳасини рискларини таснифини турли тизимлари мавжуд.

Биринчидан, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестициялаш олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар.

Иккинчидан, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск таҳдидларига таъсир этишнинг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи-назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари киради. Форс-мажор рискига табиий офатлар: ёнғин, сув тошқини, қурғоқчилик кабилар киради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд.

Учинчидан, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаи-назаридан таснифлаш:

1. Суғўрталанадиган рисклар;
2. Суғўрталанмайдиган рисклар.

Суғўрталанадиган рисклар ўз навбатида:

a) кафолат;

b) суғўрта;

c) заҳира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади.

Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг кўп учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир гуруҳлаш мезони доирасига кирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

- Иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан

боғлиқ рисклар;

- ташқи иқтисодий рисклар-савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркилиши ва шу каби эҳтимолликлар риски;
- сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, ҳудуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар риски;
- техник-иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, янги техника-технология параметрлари, маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;
- бозор конъюнктурасининг, яъни аниқ даврдаги иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ҳарактерловчи белгилар, масалан, баҳо, валюта кўрслари, ялпи ички маҳсулот ва бошқаларнинг ўзгариб туриши;
- табиий иқлим шароитларининг, табиий офатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;
- ишлаб чиқариш техник рисклари-асбоб-ускуналарнинг бўзилиши ва тўхтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак ва бошқалар;
- лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлари, мақсадларининг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва лойиҳанинг айрим турлари бўйича рисклар бўлиши мумкин. Масалан, кончилик ва нефть-газ қазиб чиқариш саноатида геологик рискка, яъни заҳираларни тўғри баҳолаш рискига алоҳида эътибор берилади. Кимё саноати, кон қазиб

олиш, қора ва рангли металлургия лойиҳаларида экологик рискка катта эътибор берилади.

Юқорида келтирилган таснифлашларга асосланган ҳолда, лойиҳа фаолиятидаги рискларни қуйидаги гуруҳини келтириш мумкин:

1. Лойиҳа иштирокчилари риски;
2. Лойиҳа смета қийматининг ошиш риски;
3. Қурилишни ўз вақтида тугамаслик риски;
4. Иш ва объект сифатининг пастлиги риски;
5. Конструкцион ва техник рисклар;
6. Ишлаб чиқариш риски;
7. Бошқарув риски;
8. Сотиш риски;
9. Молиявий риск;
10. Мамлакат риски;
11. Маъмурий риск;
12. Ҳуқуқий риск;
13. Форс-мажор риски.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратўзилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-

ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Ўтиш иқтисодида бўлган, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун инвестиция риски рискнинг муҳим турларидан биридир. Шунинг учун ҳам рискни, унинг манбаларини ва унинг олдини олиш усулларини аниқлаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳалар келажакка тегишли бўлганлиги сабабли, уларни амалга ошириш натижаларини аниқ тахмин қилиш муаммодир. Бундай лойиҳалар кутилиши мумкин бўлган рисклар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Инвестицион қарор бир қатор кутилиши мумкин бўлган оқибатларга эга бўлган ҳолларда, қарор рискли ёки ноаниқликларга эга деб аталади.

Рискни маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида заҳираларни йўқотиш имконияти, даромадларни ололмаслик ёки қўшимча ҳаражатлар зарурати сифатида белгилаш мумкин.

Риск - бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ҳақиқий шароитлардан озгина чекинилганда даромадларни ололмаслик ёки зарарларнинг пайдо бўлиб қолиш эҳтимолидир.

Лойиҳа риски - бу инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндисидир.

Риск, бошқача қилиб айтганда, кутилиши мумкин бўлган хатар - бу инвестициядан мўлжалланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган ноумидсизликдир. Шу билан бирга потенциал инвестор томонидан қўйилган пул маблағларини йўқотиш мумкинлиги ҳамдир.

Риск тушунчасига жуда ҳам яқин бўлган ноаниқлик тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у рискнинг аниқ турларини таснифлаш учун "риск" атамасининг синоними сифатида қўлланилади. Ноаниқлик деганда, инвестицион лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларни тўла ёки аниқ эмаслиги тушунилади. Масалан, инфляция ҳақидаги, техника ва технологиялардаги ўзгаришлар ҳақидаги, лойиҳа қувватининг, объектнинг қурилиш ва фойдаланишга топшириш муддатлари, ҳаражат ва натижаларнинг нотўғри ҳисоб-китоби каби маълумотларнинг тўла ёки аниқ эмаслиги натижасида ноаниқлик келиб чиқади. Бундан ташқари ноаниқлик деганда, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга етарлича баҳо бермаслик ва бошқа шу кабилар тушунилади. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келиш имконияти билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар ва оқибатлар ноаниқлиги риск тушунчаси билан изоҳланади.

Риск билан ноаниқликнинг фарқи шундаки, натижалар эҳтимоллиги жорий давр маълумотлари асосида баҳоланаётган вақтда риск эътиборга олинади. Ноаниқлик эса бундай эҳтимоллик ўтган ва келаси давр маълумотлари етишмаслиги ёки тўла эмаслиги сабабли субъектив аниқланган вақтда эътиборга олинади. Ҳар қандай ҳолда ҳам келгуси иқтисодий ҳолатлар истиқболини белгилаш (инфляция, фоиз ставкаси, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ва сотиш ва бошқалар) келажакнинг маълум эмаслиги сабабли фақат тахминий ва ноаниқ натижалар бўлиши мумкин. Чунки ўтган давр маълумотлари асосида фақат номаълум келажакда юз бериши мумкин бўлган ўтган ривожланиш тенденциясини аниқлаш мумкин.

Инвестицион ривожланишга қуйидагилар таъсир кўрсатади: сиёсий, ижтимоий, савдо ва ишга алоқадор муҳитдаги кўпгина ўзгаришлар; техника-технологиядаги, меҳнат унумдорлиги ва баҳолардаги ўзгаришлар; атроф-муҳит ҳолати; амалдаги солиққа тортиш, ҳуқуқ бўйича ва бошқалар бўйича муаммолар таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси лойиҳаларда аниқ рискнинг мавжудлигини - лойиҳани муваффақиятсизликка учраш хатарини ёки фойдани ўрнига зарар олиши мумкинлигини олдиндан аниқлаб беради.

Иқтисодий категория сифатидаги риск агар бу ижобий ҳодиса бўлса (фойда, даромад ёки бошқа тушум) ва салбий (ҳаражатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин.

Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётига ўз сармоясини киритаётган инвестор нуқтаи-назарида, шу мамлакатдаги ҳолат, вазият инвестицион муҳит деб аталади. Инвестицион муҳит бир қатор риск омилларини ўз ичига олади. Бу омиллар ривожланиш истиқболлари, ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазият таъсири остида вужудга келади. Кўп ҳолларда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг ривожланиш истиқболларига қараб ижтимоий-сиёсий, ички ва ташқи рисклар тахмин қилинади.

Ноаниклик- келгусидаги холатлар хақида гапиришни имкони бўлмаган холатларга айтилади. *Риск*-оддий ноаниклик эмас балки у ёки бу харакат қилаётганда этиборга олиш керак бўлган холат бўлиб, кишиларни моддий яшашига таъсир этади. Хар бир рискли холатлар ноаниклик бўлиб, ноаниклик ва риск мавжуд.

Бу мухокамадан келиб чиқиб,кредит беришни режалаштираётганда сиз учун хамма холатлар бир хилдек бўлиб кўринади, кредит қайтадими ёки йукми .Бу холда риск бўлмай, ноаниклик юзага чиқади. В этом случае есть неопределенность, но нет риска[1].

Куп холларда риск билан боғлик холатнинг эхтимоллиги оддий бўлиши мумкин, бу тўғридан тўғри даромадли ёки зарарли бўлишини аниклайди. Мисол учун сиз пулингизни қимматли қоғоз сотиб олиш

[1] *Нюанс: если вы решили провести вечеринку в складчину по причине неопределенности относи дельно числа гостей, значит, существует риск. Устройство вечеринки в складчину есть действш второе вы предпринимаете с целью управления ситуацией, связанной с риском.*

учун қўймокдасиз. Агар сизни қимматли қоғозли портфелингиз қиймати камаяётган бўлса, -бунда зарарли холат, агар ортса у холда даромадли хисобланади. Оддий қилиб, риск - келаётган зарарнинг даражаси бўлиб, бу кўзланган даромадни олиш имконияти бўлмайди.

Шунинг учун халқаро амалиётда рискларни аввало унеинг юзага келиш сабаблари кўриб чиқилади ва сўнг унга таъсир этувчи омилларни бошқариб борилади ёки таъсир этувчи омилларни таъсирини камайтириш йўллари тахлил қилиб натижалар баоланиб борилади.

9.2.Таваккалчиликни бошқариш босқичлари, таваккалчиликни бахолашнинг асосий мезонлари ва унинг услублари.

Охирги ўн йилларда лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш малакавий фаолиятнинг алоҳида бир кўринишига айланди. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича тажрибалар тўплана бошланди. Лойиҳани бошқариш доирасида ечиладиган масалалардан бири - бу лойиҳа фаолиятининг рискини бошқаришдир. Бу масала лойиҳани бошқаришнинг бошқа функцияларидан алоҳида эмас. Молиявий талабни аниқлашда ҳам, смета ва бюджетни ҳисоблашда ҳам, шартномаларни тайёрлаш ва тўзишда ҳам лойиҳа фаолияти иштирокчиларини турли хил рисклардан ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар ечилади. Рисклар лойиҳа фаолиятининг барча босқичларида бўлганлиги сабабли,

лойиҳа рискларини бошқариш функцияси лойиҳа тугагунга қадар давом этади. Лойиҳа рискларини бошқаришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади: - лойиҳа рискларининг таснифи; лойиҳа рискларини аниқлаш ва баҳолаш усуллари; лойиҳа рискларини бошқаришнинг ахборот таъминоти; рискларнинг мониторинги ва истиқболини белгилаш; рискларни камайтириш технологиялари; рискларни бошқаришни ташкил этиш; рискларни бошқариш ҳаражатларининг оптимал даражасини асослаш ва самарадорликни баҳолаш.

Рискни бошқариш турли фаолият доираларида рискни камайтириш бўйича технологияларни ва билимни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда рискни бошқариш фаолиятини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

1. Рискни аниқлаш.
2. Рискни баҳолаш.
3. Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш.
4. Рискни олдини олиш ва назорат қилиш.
5. Рискни молиялаш.
6. Натижаларни баҳолаш.

Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш босқичлари рискни таҳлили деб, ҳам аталади. Бунда рискни аниқлаш сифат таҳлилига, рискни баҳолаш миқдор таҳлилига киради. Риск таҳлилининг миқдор усуллари орасида рискни бошқариш назариясида энг машҳурлари қуйидагилар: статистик усул, статистик тажрибалар усули; мақсадга мувофиқ келадиган ҳаражатлар таҳлили; эксперт баҳолари усули; аналитик усуллар ва бошқалар. Риск таҳлилининг аҳамияти

лойиҳанинг потенциал иштирокчисига лойиҳани мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ҳақидаги қарорларини қабул қилиши учун зарурий маълумотларни беришдир.

Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ танланган усул доирасида аниқ чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Бу босқич лойиҳани амалга оширишни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал ўтказилиши керак. Танлашда кечиқиш лойиҳа иштирокчиси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши ёки иштирокчилар ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Рискни бошқаришда чора ва усулларни оптимал вариантини танлаш барча лойиҳа иштирокчилари ўртасида жиддий музоқаралар бўлишини талаб қилади.

Рискни олдини олиш ва назорат қилиш босқичи маълум режа ва дастурлар асосида аниқ ташкилий-техник тадбирларни кўриб чиқади. Бу босқичда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: рисклар мониторинги; рискни истиқболини белгилаш; таҳдид солувчи хатарлар ҳақида раҳбарларга маълумот бериш ва бу билан боғлиқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш; рискни олдини олиш ва назорат қилиш дастури доирасида махсус ташкилий-техник тадбирлар.

Кўп рискларни олдини олиш ва назорат қилиш мумкин. Лекин шундай рисклар мавжудки, уларни олдини олиш ёки камайтириш мумкин эмас, яъни улар лойиҳа иштирокчилари таъсиридан ташқарида бўлади. Шундай рисклар кўп ҳаражат талаб қилганлиги сабабли, уларни молиялаш усули қўлланилади. Бунда лойиҳа иштирокчиларини ўз-ўзини суғўрталаш, тажрибали суғўртачи

ёрдамида суғўрталанишга маблағ ажратиши тушунилади. Суғўрта шартномаларида рискнинг кўпгина турлари бўйича суғўртачининг зарурий чора-тадбирларни амалга ошириши кўриб ўтилган моддалар мавжуд бўлади. Рискни бошқаришда лойиҳа иштирокчиларидан ташқари, суғўрта ташкилотлари ҳам бевосита иштирок этади. Улар рискни баҳолашда ўз усуллари ва йўлларини амалга оширадилар, бу амалга ошириш режа - дастурларини назорат қилиб борадилар.

Натижаларни баҳолаш - бу маълум бир лойиҳа доирасидаги риск - менежменти бўйича фаолиятларининг йиғиндиси. У кенг маълумотлар тўплами асосида ўтказилади ва риск таҳлилига тўзатишлар киритиш, риск-менежментининг алоҳида чораларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш, рискни бошқаришда барча қилинган ҳаражатларни баҳолаш мақсадида ўтказилади. Натижаларни баҳолаш орқали олинган кўрсатма ва хулосалар кейинги лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилади.

9.3.Инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш усуллари .

Инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш усуллари орасида энг кўп қўлланиладиганлари қуйидагилар:

1. Лойиҳанинг сезгирлик таҳлили.
2. "Зарарсизлик нуқтаси"ни аниқлаш.
3. Барқарорликни текшириш.

Сезгирлик таҳлили лойиҳанинг ўхшаш параметрларидан бири ўзгарганда, лойиҳа самарадорлиги қай даражада ўзгаришига миқдорий баҳо беришда қўлланилади. Сезгирлик таҳлилини инвестиция лойиҳалари натижаларига сезиларли даражада таъсир

этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таққослаш таҳлили учун ўтказиш тавсия этилади. Бу омиллар билан боғлиқ вазифаларни ечишда қуйидаги кетма-кетликка амал қилинади. Аввало, соф жорий қийматни ҳисоблашга ёрдам берадиган омиллар аниқланади. Кейин маълум оралиқларда омиллардан бири ўзгартирилиб, соф жорий қиймат ҳисоблаб чиқилади, ушбу йўл ҳар бир омил учун такрорланади. Бундан сўнг ҳамма ҳисоблар жадвалга жойлаштирилади, ҳар бир омил ўзгаришига нисбатан лойиҳанинг сезгирлик даражаси солиштирилади ва лойиҳанинг муваффақиятига энг кўп даражада таъсир этувчилари аниқланади. Сезгирлик таҳлили ёрдамида, ҳисоблар учун зарур бўлган турли хил ўзгарувчилар берилганда, нақд фойда ёки инвестиция рентабеллигининг энг зарурий ўзгаришларини аниқлаш мумкин. Турли хил ўзгарувчиларга ишлаб чиқариш ҳаражатлари, сотиш ҳажми, инвестиция даври давомийлиги, кредит фоизи, хом-ашё ва ёқилғи қиймати, солиқлар миқдори ва бошқалар мисол бўлади.

"Зарарсизлик нуқтаси"ни аниқлаш усули ёрдамида маҳсулот сотишдан келган тушум уни ишлаб чиқариш ҳаражатларига тенг бўлган ҳолдаги сотиш ҳажми аниқланади. Агар сотиш ҳажми бу нуқтадан паст бўлса, корхона зарарларни қоплаши мумкин, агар пул кирими ҳаражатларга тенг бўлса, корхона ишини зарарсиз олиб бораётган бўлади. "Зарарсизлик" таҳлили лойиҳа қуввати ёки ишлаб чиқариш ҳажми миқдорини топиш мақсадида қўлланилади. Агар ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлса, корхона зарарга ишлаётган бўлади. Бу таҳлил лойиҳани баҳолашда турли нарх ва қийматни

ҳисобга олишга бир қатор зарарсизлик нуқталарини ҳисоблашга имкон беради.

Барқарорликни текшириш усули ёрдамида инвестиция иштирокчилари учун энг хатарли вариантларда инвестиция лойиҳасини ривожлантириш режасини ишлаб чиқишни олдиндан кўриб чиқиш мумкин. Ҳар бир режада ҳар бир иштирокчининг режалаштирилаётган даромади, йўқотишлари, самарадорлиги эътиборга олинади. Агар барча кўриб ўтилган ҳолатларда иштирокчилар қизиқишлари кўзатилса, кутилаётган кўнгилсиз мунобатлар мавжуд заҳира ва резервлар ҳисобига чеклатилса ёки суғўрта тўловлари билан қопланса, лойиҳа барқарор ва самарали деб ҳисобланади. Лойиҳанинг барқарорлик даражаси уни амалга ошириш шароитларининг эҳтимолли ўзгаришларга нисбатан ишлаб чиқариш, нарх ва маҳсулотнинг энг юқори даражадаги қиймати орқали ифодаланиши мумкин.

9.4.Статистик, экспертлик, ўхшашлик услубидан фойдаланиш ва комбинациялашган баҳолаш услублари.

Юқорида кўриб ўтилган рискни бошқариш босқичлари ва рискни баҳолаш усуллари ёрдамида риск сабабли бўладиган йўқотишларни пасайтириш, улар билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларни камайтириш қуйидаги усуллари қўлланилади.

Лойиҳаларни молиялаштиришда рискни тақсимлаш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кафолатлар; ҳарид ҳақидаги форвард келишув; ишлаб чиқариш тўловлари; хеджирлаштириш, суғўрта ва своплар.

Одатда, кафолат берувчи томонлар сифатида ёки лойиҳа эгалари-ҳомийлар ёки манфаатдор томонлар бўлиши мумкин.

Лойиҳа эгалари-ҳомийлар. Давлат, шўъба корхоналарини назорат қиладиган компаниялар, қўшма корхоналардаги ички ва ташқи инвесторлар ва бошқа эгалар-ҳомийлар лойиҳани ишлаб чиқувчи компания қарзининг кафолатини беришлари мумкин. Агар компания лойиҳани ўз ҳисобидан молиялаштириш учун капитали етишмаса ёки етарли тажрибага эга бўлмаса, кредиторлар, одатда, ушбу шаклдаги кафолатни талаб қиладилар.

Манфаатдор томонлар. Бу жуда муҳим гуруҳга қуйидагилар киради:

1. Ускуна ва материалларни сотувчилар. Лойиҳа учун ускуна ва материалларни сотишда, заводни ёки ускунани ижарага беришда манфаатдор томонлар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, ўзида ортиқча ускунага эга бўлган компания, шу ускунага муҳтож лойиҳани кафолатлаши мумкин.

2. Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берувчилар. Мол етказиб берувчилар лойиҳа тугагандан кейин ўзларини бозор билан таъминлаш учун кафолат беришлари мумкин. Улар лойиҳани амалга ошиш мобайнида яратилган янги қувватларда фойдаланишдан ютишлари ҳам мумкин.

3. Лойиҳанинг якуний маҳсулотидан фойдаланувчилар. Булар кафолат беришлари ва ҳатто бевосита молиялаштиришлари мумкин. Барқарор мол етказиб берилишидан манфаатдор аниқ бир хом ашё истеъмолчиларини мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Қурилиш ташкилотлари. Лойиҳада иштирок этадиган пудратчилар, одатда қурилиш билан боғлиқ ишларни бажарадилар ва келгусида буюртма қабул қилиш мақсадида кафолат беришга тайёр бўладилар.

5. Миллий ҳукумат ва халқаро агентликлар. Бу ташкилотлар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талаблари билан қизиқадилар. Ҳукумат кафолатлари, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари қоплай олмайдиган рискларни қоплаш учун жуда зарур ва шу сабабли, молиялаштиришнинг ютуғи учун ҳаётий жиҳатдан муҳимдир.

6. Бошқа томонлар. Кўп ҳолларда, юқорида саналганлардан ташқари, лойиҳа қурилишидан аниқ бир даромад оладиган бошқа томонлар ҳам бўлади ва улар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, лойиҳа билан бир қаторда амал қилаётган компания лойиҳа амалиётида ривожланган инфратўзилмадан ютиши мумкин, шунингдек лойиҳа амалга ошиши натижасида миллий иқтисодиётни ривожланишидан ҳам ютиши мумкин.

Рискни тақсимлашда кафолат энг аҳамиятли усул, лекин бундан бошқа усуллар ҳам бор. Кўп ҳолларда ҳарид ҳақидаги форвард келишув ва ишлаб чиқариш тўловлари қўлланилади.

Ҳарид ҳақидаги форвард келишув. Форвард ҳарид ҳақидаги оддий келишувни молиялаштиришда, кредитор етказиб берилмаган ёки яратилмаган минераллар ёки бошқа ресурсларни сотиб олиш учун кредит беради. Лойиҳа ишга тушгандан кейин ва минераллар қазиб олиниши бошлангандан кейин, кредиторлар қарзни ўзиш жадвалига мувофиқ келадиган миқдорни олиш ҳуқуқига эгалар.

Форвард шартномаларидан олинадиган даромадлар қатъий фоизга ва барқарор тушумга эга эмас. Чунки улардан олинадиган даромадлар битим валютасининг спот курсини ўзгаришига боғлиқ.

Ғарбий Европадаги бир қатор тижорат банклари, шу жумладан, Дойче банк фаолиятида форвард шартномасидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, агар форвард курси спот курсидан юқори бўлса, банк форвард шартномаси бўйича сотиб олинадиган миқдордаги валютани битим имзоланиши билан спот шарти бўйича сотади ва баҳоловчи валютада олинган тушумни шартнома муддати тугагунга қадар бошқа банкка муддатли жамғарма сифатида жойлаштиради. Бунда форвард шартномаси бўйича сотиб олинаётган валюта муддатли депозит шаклидаги валюта резервлари ҳисобидан тўланади.

Агар форвард курси спот курсидан кичиқ бўлса, банк шартома бўйича сотиб олинаётган валюта миқдоридаги маблағни кредитга беради. Одатда кредитни қайтариш муддати форвард шартомасининг тугаш муддатига мос келади.

Агар битим валютаси ва баҳоловчи валюта бўйича фоиз ставкалари тенг бўлса ва бу тенглик узоқ вақт давом этадиганлигига трейдер ишонса, унда форвард курси даражасида бўлади. Бунда трейдер икки мамлакатдаги фоиз ставкаларининг шу даврга бўлган ҳолатини таҳлил қилади ва шунга қараб устама ёки дисконтнинг даражасини аниқлайди.

Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги қоидалари ва ҳисоб варақлари режасига кўра, Марказий банк форвард шартомаларини муддатидан қатъий

назар ҳисоботларда қайта баҳолаш натижаларини акс эттиришни талаб қилмоқда. Ушбу талабномага кўра, банк форвард шартомаси қийматини қайта баҳолаши зарур.

11.Айтайлик, форвард шартомаси уч ойга тузилган, яъни 10 сентябрда тузилган бўлиб, 10 декабрда тугайди. Банк 1 октябрь ҳолатига Марказий банкка ҳисобот топширяпти дейлик. Ушбу ҳисоботда у мазкур шартнома бўйича фойда ва зарар суммасини аниқлайди. Бунинг учун сотиб олиниши лозим бўлган валютанинг ҳисобот давридаги кўрс бўйича сўмдаги эквиваленти унинг форвард курси бўйича сўмдаги эквиваленти билан солиштирамиз. Агар фойда ҳосил бўлса, у қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали- фойда счётига олиб борилади:

Дебет 16901 Реализация қилинмаган фойда - форвард валюта курси 100000 сўм.

Кредит 45405 Форвард (опцион) фьючерс валюта битимлари бўйича фойда 100000 сўм.

Демак, юзага келган фойда суммаси асосий фойда счётига кирим қиланади. Бизнинг фикримизча, бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳали банк баланси бўйича ҳеч қандай маблағлар ҳаракати содир бўлмади. Бундан ташқари, Марказий банк хоҳлаган вақтда форвард операциялари бўйича зарар суммасини аниқлаш имкониятига эга.

Қайта баҳолаш натижасида зарар юзага келса, у ҳам тўғридан-тўғри зарарлар счётига олиб борилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 55306 Форвард (опцион) фьючерс битимлари бўйича хорижий валютадаги зарарлар 100000 сўм.

Кредит 22802 Реализация қилинмаган зараралар - форвард валюта курси 100000 сўм.

Демак, банкнинг фойда ва зараралар суммаси мавҳум суммага кўпаяди ёки камаяди. Буни ҳатто потенциал фойда ёки зарар деб ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки банк форвард операциясини амалга оширишда маълум рискни зиммасига олади ва бунда фойда олиш мақсадини кўзлайди.

Реализация қилинмаган фойда ва зараралар суммаси форвард операцияси ҳақиқатда амалга оширилган вақтда тескари проводка бериш йўли билан воз кечилади:

Дебет 45405 100000 сўм

Кредит 16901 100000 сўм

ёки Дебет 22802 100000 сўм

Кредит 55306 100000 сўм

Форвард операциясини амалга ошираётган банк учун риск даражасини юқори эканлигини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, банкларда аналитик ҳисоб жараёнларини чуқурлаштириш лозим. Бунинг учун ҳар бир валюта бўйича сотиш ва сотиб олиш миқдорини мувозанатлаштириб бориш лозим.

Қуйида мазкур жадвални тахминий кўринишини келтирамиз.

11.1- жадвал.

Форвард операцияларини ҳисобга олиш жўрнали

Операция	ЕВРО(млн.)			USD (млн)		фарқи
	сотиб олиш	сотиш суммасин	фарқ и	сотиб олиш	сотиш суммасин	
1\V- 2006	10	10	0	14	14850	0
1\VII –	10	10	0	14	14774	20

Жадвал маълумотларидан шу нарса кўринадики, бунда форвард шартномаси бўйича 10 миллион. ЕВРО га 14774 минг АҚШ доллари сотиб олиш тўғрисида келишилган. Бунда форвард курси қуйидагича:

1 ЕВРО = 1,4850- 0,0076 = 1,4774 $. Бу ерда фоиз ставкаларини жиддий ўзгариш хавфи мавжуд. Чунки дисконт даражаси 76-74 ни ташкил қилади:

1.4850 - 0.0074 = 1.4776 $.

Банк раҳбарияти трейдерга лимит ўрнатади. Масалан, уч ой муддатга амалга ошириладиган форвард операциялари учун лимит белгилайди. Айниқса, нобарқарор валюталар билан боғлиқ форвард операцияларига нисбатан қатъий лимит белгилаш лозим.

Бу лимитларга риоя этилиши доимий назорат остида бўлмоғи керак. Бунинг устига кўпгина банклар ўз валюта бўлинмалари учун анча тор, **позицион** деб аталадиган лимитларни белгилаб кўядилар. Улар, бир томондан, кун давомида туғиладиган хатарларнинг юқори чегарасини (кундўзги лимитларни), иккинчи томондан эса, эртаси куни вужудга келиши мумкин бўлган хорижий валютадаги позиция учун юқори чегарани (тунги (overnight) лимитлар) белгилаб қўядилар.

Лимит белгилаш банкни юқори даражада зарар кўриш хавфидан сақлайди. Лимит доирасида трейдер фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади. Масалан, юқоридаги жадвалда 2000 доллар миқдорида фойда олинганлигини аниқлаш мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон банк амалиётида 30 та валютада форвард операцияси амалга оширилмоқда, шундан 15-16 таси ликвидлилик даражаси юқори бўлган валюталардир.

Форвард операцияси билан шуғулланаётган банк ходимлари фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни доимий тарзда кўзатиб борадилар.

Ишлаб чиқариш тўловлари. Бу усул кредитнинг асосий суммаси учун кредиторлар томонидан лойиҳанинг келгусидаги ишлаб чиқаришининг маълум қисмини сотиб олишини англатади. Бу усулнинг ҳарид ҳақидаги форвард келишувдан фарқи шундаки, келгусидаги тўловлар оқими олдиндан аниқ қарзни ўзиш жадвалига эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришга боғлиқ. Одатда бу усул тоғ-кон қазилмаларини ишлашда қўлланилади, кредиторлар қазилмаларда улушга эга бўлганлари учун ишлаб чиқариш тўловлари одатда таъминланган. Ишлаб чиқариш бошланганда, ҳаридор-кредитор ҳар бир даврда умумий ишлаб чиқаришдан олдиндан келишилган улуш бўйича ўз фойда улушини олади.

Хеджирлаштириш, суғўрта ва своплар. Бу усул ва механизмлар лойиҳа иштирокчилари томонидан риск улушини бутунлай назорат қилиш учун қўлланилади. Ҳар бир усулнинг ўз ҳаражатлари бўлиб, улар риск/фойда нисбатида киритилиши керак.

Рискни бошқаришда асосий вазифа – бу амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишдир. Рискни бошқаришда асосий йўллар қуйидагилар:

- рискни ажратиш;

- рискни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш;
- моддий таъминотни олиш (гаров);
- молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик);
- рискни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига кўчириш;
- рискни венчур кредитлашга қабул қилиш;
- қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш;
- суғўрталаш.

Булар рискни бошқариш бўйича қуйидаги иш йўналишларини талаб қилади:

- ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторингни олиб бориш;
- маълум бир мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторинги;
- кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш;
- риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга ошириш).

Рискни ажратиш босқичида кредит суммаси инвестиция лойиҳасининг ҳақиқий қиймати қўшув зарурий резервларни шакллантириш ҳаражатларига мувофиқ бўлиши керак. Булар лойиҳанинг ҳарактери ва уни амалга ошиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади. Рискни минималлаштириш баҳонасида кредит суммасини камайтириш, лойиҳа тўлиқ молиялаштирилмаслиги ёки уни охирги босқичда амалга ошмай қолиш хатари туфайли рисклар кўпаяди. Бу айтилганлар кредит муддатини танлашга ҳам тегишли. Кредитнинг узоқроқ муддати унинг рискини оширади, лекин кредит муддатини сунъий камайтириш қарздор учун салбий таъсир

кўрсатиши мумкин, уни ўта рискли ва ҳатто хато хўжалик қарорларини қабул қилишига мажбур қилиши, натижада эса қарздорнинг ҳам банкнинг ҳам умумий рисклари ошиши мумкин.

Юқори фоиз ставкаси рискларни бошқаришнинг асосий воситаларидан биридир. Лекин жаҳон тажрибаси кўрсатишича, банкларнинг кичиқ бизнес корхоналари билан алоқасида, рискларни бошқаришда бу восита кам самара беради. Агар бундай ҳолда давлат томонидан кичиқ бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ривожланган механизми ва банклараро кучли рақобат мавжуд бўлса, рискни компенсациялаш омили сифатида юқори фоиз ставкасини амалда қўллаб бўлмайди.

Рискларни ажратиш деганда, молиялаштириш манбаларининг ҳаракатидаги оғирликни қарздорнинг ўзи билан биргаликда бошқа бир неча инвесторлар ўртасида бўлиниши тушунилади. Йирик қарздорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришда бу табиий, бу амалиёт кичиқ тадбиркорлик доирасидаги тадбиркорлар учун кенг тарқалмаган. Бу шу билан боғлиқки, сўралаётган кредитнинг чегаралганган суммасида инвесторлар ўртасида рискларни тақсимланиши ва назорати бўйича операцион ҳаражатлар банк кредитлаш рискини камайтиришга қилинадиган иқтисодни ошириши мумкин. Инвестицион кредитлашда рискларни тақсимлаш шаклларидан бири кредит бўйича кафолатни жалб қилишдир. Одатда, бу лойиҳа қийматининг тахминан 50%идан 2/3 қисмигача ва кредит қийматининг 75-80%ини қамраб олади. Рискни тақсимлаш шаклларидан бири бўлган рискни бўлиниши кичиқ тадбиркорлик сферасига йўналтирилаётган кредит

ресурслари учун айниқса ҳарактерли бўлиб, бунда ресурслар бевосита қарздорларга эмас, балки кичиқ бизнес эҳтиёжлари учун мўлжалланган ва ишлаб чиқилган йўналишлар, кадрлар ва бошқаларга эга бўлган оралиқ молиявий институтларга йўналтирилади. Бундай институтларга кичиқ корхоналарнинг кредит бирлашмалари, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий фондлари, тадбиркорлик субъектларига маълум хизмат турларини кўрсатувчи лизинг компаниялари киради.

9.5.Дельфи услуби. Сезувчанлик тахлилини, сценарий ва таваккалчиликни Монте Карло усули ва бошқалар.

Инвестиция лойиҳаси риски ва у билан боғлиқ йўқотишлар эҳтимолини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд.

1) **Объектив усул**, бу лойиҳада бўлиш эҳтимоли бўлган йўқотишлар ва уларнинг давр оралиғини аниқлигидир.

Бу оралиқни аниқлаш риск даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Йўқотишлар оралиғини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Й = \frac{ЙХ}{С}; \qquad \textbf{(11.1)}$$

бу ерда, *Й* – йўқотишлар оралиғи даражаси;

ЙХ – йўқотишларга олиб келувчи ҳолатлар сони;

С – статистик таҳлил қилинаётган ҳолатнинг умумий сони.

11.2.Фараз қилайлик, инвестицияга йўналтирилган маблағ бўйича 200 ҳолатдан 80 ҳолатда 25 минг сўм фойда олмаслик мавжуд. Бунда йўқотишлар оралиғи даражаси (80:200)=0,4 ташкил этади.

Инвестиция лойиҳаси бўйича оралиқ йўқотишлар даражаси ва у билан боғлиқ риск даражаси жуда юқори чиқиши мумкин, яъни йўқотишлар оралиғи даражаси О<Й<1 оралиғида бўлади.

Агар йўқотишлар оралиғи даражаси «О» сонига яқин бўлса, лойиҳа бўйича риск даражаси шунча кичиқ бўлади.

2) **Субъектив усул**, бунда инвестиция лойиҳасидаги барча мезонлар бўйича маълумотлар таҳлил қилиниши лозим. Бу усул рискни таҳлил қилувчи экспертларнинг, молиявий маслаҳатчиларнинг малака даражасига асосланади. Бу усулда кўрилиши мумкин бўлган зарарлар эҳтимолини иккита мезон ёрдамида баҳолашга асосланган:

а) Кутилаётган ўртача қиймат;

б) эҳтимол қилинган натижанинг ўзгарувчанлиги.

Кутилаётган ўртача қиймат тушунчаси, бу лойиҳа бўйича вазиятнинг ноаниқлиги билан боғлиқ бўлиб, эришилиши мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртача қийматидан иборат.

Инвестиция лойиҳаси бўйича эҳтимол қилинган натижалар x_1 ва x_n қийматга эга бўлса, уларнинг ҳар бирининг эҳтимоллиги p_1 ва p_n бўлса, кутилаётган ўртача қиймат $\bar{У}\, p(\bar{x})$ қуйидагича бўлади:

$$\bar{У}\, p(\bar{x}) = p_1 \cdot x_1 + p_2 \cdot x_2 + \ldots p_n \cdot x_n; \qquad \textbf{(11.2)}$$

Мисол. 11.3. Фараз қилайлик, инвестицияга йўналтирилган маблағ бўйича 120 ҳолатда, яъни 48 ҳолатда 25 минг сўм (эҳтимоли 0,4), 36 ҳолатда – 20 минг сўм (эҳтимоли 0,3) ва 36 ҳолатда – 30 минг сўм (эҳтимоли 0,3) фойда олинган бўлса, кутилаётган ўртача қиймат қуйидагича бўлади:

$$\bar{У}\ p(\bar{x}) = (25 мингсум \cdot 0{,}4 + 20 мингсум \cdot 0{,}3 + 30 мингсум \cdot 0{,}3) =$$
$$= 10 мингсум + 6 мингсум + 9 мингсум = 25 мингсум$$

Кутилаётган ўртача қиймат – мавжуд қийматларга сон жиҳатдан ўртача таъриф беради ва бирор бир лойиҳага қўйилган маблағ томонига ёки фойдасига ёндашишга йўл қўймайди. Шунинг учун инвестиция лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишдан олдин эҳтимол қилинган натижанинг ўзгарувчанлик даражасини аниқлаб олиш лозим.

Олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик даражаси кутилаётган натижанинг ўртача қийматидан қай даражада фарқ қилишини кўрсатади.

Буни аниқлаш мақсадида икки хил математик мезон қўлланилади. Булар дисперсия ва ўртача квадратик фарқланишдир.

Дисперсия – бу ҳақиқий эришилган натижалар ўртача тортилганининг ўртача кутилаётган натижалар фарқланиш квадратининг кўзатувлар сонига нисбати билан ифодаланади, яъни

$$\sigma^2 = \frac{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot n}{\sum N}; \qquad \textbf{(11.3)}$$

бу ерда,

σ^2 = дисперсия

x – ҳар бир кўзатилаётган операция бўйича кутилаётган натижа

$\bar{x}$ - ўртача кутилаётган натижа,

n – операциялар ёки кўзатувлар сони.

Ўртача квадратик фарқланиш, бу дисперсиянинг квадрат илдизи бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot n}{\sum N}}; \quad \textbf{(11.4)}$$

Бу кўрсаткичлар абсолют ўзгарувчанлик параметрларидир, яъни олинадиган натижанинг ўзгарувчанлик даражасининг абсолют миқдорини аниқлайди.

Инвестиция лойиҳаси бўйича олинадиган натижаларнинг ўзгарувчанлик даражасининг нисбий миқдорини **вариация коэффициентини** ҳисоблаш орқали аниқланади.

Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$V = \frac{\pm \sigma}{\bar{x}} \cdot 100\% . \quad \textbf{(11.5)}$$

V – вариация коэффициенти, - %

σ – ўртача квадрат фарқланиш

$\bar{x}$ - ўртача кутилаётган қиймат.

Вариация коэффициенти 0 дан 100% гача ўзгариб туриши мумкин. Вариация коэффициенти қанчалик юқори бўлса, фарқланиш ёки риск даражаси шунчалик юқори бўлади. Вариация даражасини баҳолашда қуйидаги интерваллардан фойдаланилади, яъни

0 дан 10% гача – кам фарқланиш;

10 дан 25%гача – меъёрида фарқланиш;

25 дан ортиқ - юқори фарқланиш.

Инвестиция лойиҳалари бўйича риск даражаси вариация коэффициентига тўғри пропорционал.

Энди юқоридаги кўрсаткичлар асосида инвестиция лойиҳалари бўйича қўйилган капиталнинг ўртача квадратик фарқланишини аниқлашингиз мумкин.

11.2-жадвал

А ва Б инвестиция лойиҳаларига қўйилган капиталнинг дисперсияси (рақамлар шартли)

№ ходиса	Олинадиган фойда (x), минг сўм	Кўзатив ҳолатлари сони (n)	$(x - \bar{x})$	$(x-\bar{x})^2$	$(x-\bar{x})^2 \cdot n$
А – лойиҳа					
1 2 3	25 20 30	48 36 36	- -5 +5	- 25 25	 900 900
	$\bar{x}$=25	$\sum N = 120$			$\sum 1800$
Б- лойиҳа					
1 2 3	40 30 20	30 50 20	+10 - -10	100 - 100	3000 2000
	$\bar{x}$=30	$\sum N = 100$			$\sum 5000$

А-Инвестиция лойиҳасига капитал қўйилишнинг ўртача квадратик фарқланиши,

$$\sigma = \sqrt{\frac{1800\,минг}{120}} = \pm 3{,}87\,мингсум$$

Б – инвестиция лойиҳаси бўйича:

$$\sigma = \sqrt{\frac{5000\,минг}{100}} = \pm 7{,}07\,мингсум$$

У ҳолда А ва Б инвестиция лойиҳаларига қўйилган капитал бўйича вариация коэффициенти қуйидагича:

А - лойиҳа бўйича,

$$V = \pm \frac{3{,}87\,мингсум}{25\,мингсум} \cdot 100\% = \pm 15{,}48\%$$

Б – лойиҳа бўйича,

$$V = \pm \frac{7{,}07\,мингсум}{30\,мингсум} \cdot 100\% = \pm 23{,}57\%.$$

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, А-лойиҳа бўйича вариация коэффициенти – 15,48%га тенг бўлса, Б-лойиҳа бўйича кутилаётган даромад қисман юқори бўлса-да, бу лойиҳа бўйича капитал қўйишда вариация коэффициенти 23,57%ни ташкил этади, яъни лойиҳани молиялаштиришнинг рисклилик даражаси А-лойиҳага нисбатан 1,5 марта юқори.

Шунинг учун риск даражасига қараб, А-лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция лойиҳаларига капитал қўйишнинг ўртача квадратик фарқланиши ва вариация коэффициентини бошқача ҳисоб-китоб усулидан фойдаланиш мумкин, яъни

$$\sigma^2 = P_{\max}(x_{\max} - \bar{x})^2 + P_{\min}(\bar{x} - x_{\min})^2; \qquad \textbf{(11.6)}$$

$$\sigma = \sqrt{\sigma^2}$$

$$V = \frac{\pm\sigma}{\bar{x}} \cdot 100\% \qquad \textbf{(11.7)}$$

бу ерда,

$P_{\max}$ - максимал даромад (фойда) олиш эҳтимоли;

x_{max} - максимал даромад (фойда) миқдори;

$\bar{x}$ - ўртача даромад (фойда) миқдори;

P_{min} - минимал даромад (фойда) олиш эҳтимоли;

$\bar{x}_{min}$ - минимал даромад (фойда) миқдори;

Юқоридаги маълумотлар асосида, А – лойиҳа учун:

$$\sigma^2 = \left[0{,}3(30-25)^2 + 0{,}3(25-20)^2\right] мингсум = 15 мингсум$$

$$\sigma = \sqrt{15 мингсум} = \pm 3{,}87 мингсум$$

$$V = \pm \frac{3{,}87 мингсум}{25 мингсум} \cdot 100\% = \pm 15{,}48\%$$

Б-лойиҳа бўйича:

$$\sigma^2 = 0{,}3(40 мингсум - 30 мингсум)^2 + 0{,}3(30 мингсум - 20 мингсум)^2 =$$
$$= 0{,}3 \cdot 100 мингсум + 0{,}3 \cdot 100 мингсум = 30 мингсум + 30 мингсум = 60 мингсум$$

$$\sigma = \sqrt{60 мингсум} = \pm 7{,}7 мингсум$$

$$V = \pm \frac{7{,}7 мингсум}{30 мингсум} \cdot 100\% = \pm 25{,}6\%.$$

Олинган натижалардан шуни кўриш мумкинки, эҳтимоллиги бир хил вазиятда даромад олиш интервалнинг катта фарқланиши лойиҳа бўйича риск даражасининг юқори бўлишига олиб келади.

Бу ҳисоб-китоб бўйича ҳам А-лойиҳага қўйилган капитали кам рисклигини аниқлаш мумкин.

Инвестиция лойиҳалари бўйича рискларни таҳлил қилишда юқоридаги усуллар асос бўлиб, улар эҳтимоллик назарияси қоидаларига асосланган.

9.6.Рискка тортилганлик

Хар бир бизнес маълум хусусиятга, харатерга эга асослари билан боғлик рискни махсус формаларига дучор бўлади, у холда сизда махсус рискка тортилганлик мавжуд бўлади.

Мисол, агар сизни ишга вақтинчалик қабул қилишди, у холда сизни ишдан бўшатиш рискини тортилганлик даражаси юқори. Агар, сиз катта университетда штат бўйича ўкитувчисиз, у холда сизни ишдан бўшатиш рискини тортилганликк даражаси таққослаганда камрокдир. Агар сиз фермерсиз, у холда буғдой хосилини бўлмаслик рискига тортилган, худди шундай буғдойга бўлган бахоларини тушиш риски хам шундайдир. Агар сизни бизнесингиз товарни эскпорт ва импорт билан боғлик бўлса, у холда алмаштириш курсини ёмон томонга ўзгариш риска тортилган. Агар сизни уйингиз ёнгинга, сув остида колишга, ўғирланишга, ер қимирлаш бўйича риска тортилган бўлса, у холда уйингизни бозор бахоси тушиб кетади.

Шундай қилиб, *риск активларни бошқариш ва шартномаларни бажариш билан боғлик бўлиб, буни бошқа омилларни хисобга олмай, уни бахолаш қийин жараён ёки абстрактли*.

Бир хил шароитда у ёки бу мулкни сотиб олиш ёки сотиш сизни риска тортилганлигинизни оширади, бошқа холларда мазкур операциялардаги рискини камайтириш мумкин.

Мисол, агар мен ўз хаётимни суғурталаш мақсадида суғурта полисини сотиб оляпман, мен ўз оилам учун рискни камайтиряпман, чунки агар менинг фавкулотдаги ўлимим бўлиб қолса, суғурта пулини тўланиши оиламни қисқараётган даромадини маълум қисми компенсациялаяпти.

Агар кишилар, мисол мен билан туғилишим билан яшашим ўртасидаги боғлик бўлмаса, у холда улар мени хаётимни суғурта қиляпти, у холда менинг оилам учун рисклар камаймайди.

Худди шу вақтда улар, маълум давр ичида ўлишимни белгилашади.

Ёки, мисол учун, фермер унда қайсики яқин кунлар ичида буғдой пишиши етиляпти, уни сотиш бўйича катъий белгиланган бахода маълум муддат ичида келгусида шартнома тўзиляпти.

Шундай шартномалар рискни камайтириш учун хизмат қилади.

Кимни омоборхонасида буғдой бўлмаса, мазкур шартномаларда тузилса, буғдой тушиши учун олиб сотиш орқали буғдойни бахоси тушиши мумкин.

Олиб сотишлик ёки бозорли ўйинда инвестор бўлиб, уни у ёки бу риск турига тортилганликни оширувчи ўзининг харакатлари билан боғлиқ холатини оширишга ишонган холда қабул қилади. (Чайқовчига қарама қаршилик хедже): Сотиб сотувчиларни карама каршилиги хедже:

(hedger) —бу инвестор бўлиб, унинг харакати риска тортилганликни камайтиришга қаратилган.

9.7. Риск ва иқтисодий карорлар.

Айрим молиявий қарорлар, мисол учун турли хил рисклардан суғурта шартномалари қандай ва қайси суммада тузиш жараёни тўғридан тўғри рискни бошқариш билан боғлик..

Бироқ умумий характерга эга бўлган кўп қарорларда турли хил активларга маблағ қўйиш, жумладан; жамғариш ва инвестициялаш

тўғрисида, молиялаштириш учун қарорлар хам маълум риск даражасига эга хисобланади.

Шунинг учун буларни маълум даражада рискни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш киради.

Тортилганлик сифатида уй хўжаликларни ўзини химоялаш даражасини ошириш мақсадида пул жамғаришини кўриб чиқамиз.

Шунинг учун келгусидаги кўринмаган харажатларни қоплаш усулларидан бири бўлган активларни сотиб олинади.

Иқтисодчилар буни *огохлантирувчи жамғарма* (precautionary saving).деб юритадилар.

5 бўлимда биз, хўжаликлар хаёт давомида ўз жамғармаси хақида оптимал қарор қабул қилишда пулни даврий қиймати концепциясидан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу тахлилни бажаришда, биз хеч қачон қилинмаган оилани хақиқийдунёсидаги *риск омили ва огохлантирувчи жамғармани* четда қолдирдик.Бу бўлимда қабул қилаётган оилами, корхонами, давлатми, ким бўлишидан катъий назар айрим молиявий қарорларга рискни таъсирини ўрганамиз.

Молиявий тизимни охирги функцияси – уй хўжаликларнинг маблағларини і ни турли хил активларга жойлаштириш ва истеъмолини оптимал структурасини шакллантиришга олиб боради.

Корхона, давлатга ўхшаш иқтисодий субъектлар бу охирги функцияни амалга оширишни енгиллаштирувчиси, албатта биринчи навбатда мавжуд.

Шунинг учун, уларни реакциясидаги рискларни хисобга олган холда молиявий-иқтисодий тушунмаган кишиларни, маълум тамойиллар орқали оптимал ишлашга тушунча берамиз.

9.8.Хўжалик дучор бўлган рискни турлари.

Умуман олганда риск бир неча хиллари мавжуд бўлиб, булардан қайсики хўжаликлар тўғри келувчи қўйидаги 5 турини кўриб чиқамиз.

• *Ўлим, мехнат кобилиятини йуқотиш, касаллик риски.* Кутилмаганда касаллик ёки бахтсиз ходисалар натижасини даволаш, касалга қараш, ёмон холатлар окибатидаги ишлаш кобилиятини тиклагунга қадар манбаларни йуқотишга олиб келувчи қўпроқ харажат қилишга мажбур қилади.

• *Ишсизлик риски*. Бу риск оила аъзоларини бирини иш йукотиши билан боғлик.

• *Узоқ муддат истеъмол товарларига эгалик қилиш билан боғлиқ риск.* Бу риск зарарлар келтириб, узоқ муддат уйга, машинага ва бошқа товарларга эгалик қилиш билан боғлик хисобланади. Зарарлар фавкулотдаги холатлар натижасида хам бўлиши мумкин- ёнгин ёки ўғрилик-ёки жисмоний эскириш ва бошқалар.

• *Бошқа кишилар-субъектлар олдидаги жавобгарлик билан боғлик риски.* Бу риск молиявий характерга эга бўлиб, сизни харакатингиз орқали келтирилган зарардир. Мисол, сизни эхтиётсизлигингиз орқали автомобил аварияси бўлди.

• *Молиявий активларга қўйилмалар билан боғлик риск.*. Бу риск, агар уй эгаси турли хил молиявий активларга эгалик қилаётган бўлса, худди оддий акция ёки қатъий даромадга эга қимматли қоғозларга

ўхшаш, деноминирован бир ёки бир неча валюталарга қўйилса ортиб боради. Бундай турга эга рискларни манбаси, мумоаладаги қимматли қоғозларни чиқарувчи иқтисодий субъект, корхона ёки давлат дучор бўлган *холатларни ривожлантиришдаги ноаниликлар* хисобланади.

Уй хўжаликлар дучор бўлган рискларни тури хақиқатда унинг барча иқтисодий қарорларига таъсир этади.

Кўриб чиқами, мисол учун бир инсон-киши олий маълумот олиш учун пул сарфлашга қарор қилди.

Бир 5 бўлимда, риск омили инкор - чегаралаб қилиб пулни қийматини келгуси даромадлар орқали бахоладик.

Бу хам етишмагандек, зарур сабаб мавжуд бўлиб, бу маълумот олиш учун пулни қўйсин: бу кишилик капиталини самарасини оширади.

Киши олган мълумот олишга нисбатан қўпроқ ишсизлик рискига қарши ютуқли туриш яхшироқдир.

9.9.Компаниялар учраган риск турлари.

Компания ёки фирма – асосий ва биринчи функцияси бўлган хизмат кўрсатиш ва товар сотувчи корхонадир.

Хохлаган корхона фаолияти тури турли хил риск даражалари билан боғлик. Риск хохлаган бизнесни зарур ва асосий қисми бўлиб киради. Компаниянинг тадбиркорлик рискини турлари ўзини харакати билан бирга хар бир субъектлар нуқтасига етиб борувчи асосий фаолият билан боғлиқ жараёндир: акционерларга, кредиторларга, мижозларга, товар жунатувчиларга, мавжуд ходим ва

хукуматлар шулар жумласидандир. Бу вақтда компания, молия тизими ёрдамида рискни ўтказиши мумкин, қайсики бошқа иштирокчилар хам дучор бунга бўлади. Махсус молиявий компаниялар мисол учун суғурта компаниялар рискларни ўтказиш ва бирлаштириш бўйича хизматларни бажаради.

Умуман олганда барча рисклар компания иши билан боғлик бўлиб, бу ахолини шубхага (порождаются) солади.

Кўриб чиқамиз, мисол, нон бўлочкалари ишлаб чиқариш билан боғлик рисклар.

Нон ишлаш заводи компания сифатида ўз фаолияти билан боғлик бўлган қуйидаги рискларга дучор бўлади.

• *Ишлаб чиқариш билан боғлиқ риск.*

• *Ишлаб чиқарилаётган товарларга бахоларни ўзгариши билан боғлиқ риск.*

• *Ишлаб чиқариш омилларига таъсир этувчи бахони ўзгариши.*

Тадбиркорликка кириш риски нафакат нон заводи эгаларини, балки уларнинг барчасини зимммасидадир. Рискни қисми ўз навбатида менеждерлар ўз ва компания ходим(персонал)лари зиммасига олади.

Агар компанияни даромади паст ёки агар ишлаб чиқариш технологияси ўзгарса улар иш хақини йуқотиш рискига дучор бўлади, айрим холларда умуман ишини йуқотиши хам мумкин. Заводни ихтисосли рахбарлиги учун маълум рискни бошқариш зарур. Завод менеджери турли хил усуллар орқали мавжуд риск турларини бошқаради: мисол, уни етиштиришдаги рискни камайтириш мақсадида омборхонада захирани сақланиши.

Уларни махсулотига талаб бўлган прогнозини хисобга олиб, маркетинг фирма доимий мижоз бўлиши учун ёки жихоз учун тайёр эхтиёт қисм захира кўринишда ушлаб туриши мумкин.

Шунингдек, жихозни ўғирлаш ёки персонални ишлаб чиқариш трамваси холатлари билан боғлик рисклар учун суғурта полиси сотиб олиш хам мумкин, Айрим рискларни камайтиришни усуллари хам мавжуд: форвардли, фючерсли ва опционли бозорлардаги мос товарли, чет эл валютаси ва фоиз ставкали шартномаларни тузиш ёки бевосита истемолчи ва жунатувчилар ўртасида фиксирланган бахолар хақидаги шартномалар шулар жумласидандир. Рискларни камайтириш бўйича чора тадбирларга харажатларни акл билан баланслаштириш – заводни бошқариш лозим.

Компанияларни ташкилий структураси ва хажми ўз ўзига риска тортилади. Завод турли хил хажм ва формаларда бўлади. Бу бир томондан-кичиқ заводлар ва магазинчалар бўлиб, буни қайсики, ўзлари оиласи билан эгалик қилади ва бошқаради.

Бошқа томондан, -буюк корпорациялар, мисол учун *Continental Baku Company* бўлиб, минглаб ишчилари билан мехнат қилади, акционерлари ундан хам қўпроқ. Буюк корпорация кўринишдаги масштабли корхоналарни аксосийларидан бири, бизнесни амалга ошиишда бахоли, истеъмол, ишлаб чиқариш билан боғлик рискларни яхшилашдан иборат.

9.10.Рискни бошқаришда давлатни роли.

Рискни бошқаришда давлат барча даражаларда асосий рол уйнайди. Давлат айрим рискларни йўқотади ёки қайта тақсимлайди. Кишилар табий офат, турли хил фавкулотдаги бахтсиз ходисалар ва бошқалар бўлганда хукуматдан молиявий ёрдам сифатида хукуматни химоясида бўлади.

Иқтисодий ривожлантиришда давлатни иштироки капитал қўйилмалар рискини солиқ тўловчилар ўртасида тенг тақсимот сифатида бўлади. Хукумат чиновниклари айрим холларда ўзини рискни стратегик бошқариш орқали амалга ошириш учун молиявий тизимдаги бозор ва институтлардан фойдаланилади.

Нодавлат корхонаси бўлган компания билан боғлик барча рисклар охир окибатда ахоли зиммасига тушади.

Давлат ахолига табий офатдан суғурта қилишни таклиф этса ёки банклар жамғармаларни қайтаришдан отказ қилса, бу хол ишларимизга бир томондан давлатимиз томонидан химоя бўлса, бунга қўшимча равишда риск учун салбий холатлар юзага чиқади.Демак риск холатлардаги қарама қаршиликлар орқали юзага чиқади.

9.11.Рискни бошқариш

Мисол учун, сизни банкет ўтиришингиз омборчи учун имконияти йук, мос холда холатларни ривожланишидаги ноаниқликларни хисобга олиш керак. Бундан ташқари, сиз овқат етиши учун етарли захира тайёрлашни, қайсики барча мехмонларга етиб, бу муаммоли

холатдан чиқиб кетиш учун сиз хохлаяпсиз. Бу холатда сизни ихтиёрингизда қайсики маълум харажатлар билан боғлиқ неча хил вариантларингиз мавжуд.

Биз бу рискларни камайтириш мақсадида асосан факт қўшимча харажатлар билан боғлик бўлиб, рискни камайтиришлар ўртасида самара ўртасидаги қарама- қаршиликка (копромиссга) борамиз.

Қарама қаршиликни ишлаб чиқиш жараёни зарур мазкур харажат ва уни ўртасида самарали баланс ютуқларига йўналтирилади, шунингдек *инвестицион рискларни бошқариш* билан боғлик қарорлар қабул қилишга йўналтирилади. (risk management).

Ахолининг фикрлаш вақти келиб, рискни камайтириш учун қимматли қорор қабул қилиш учун чоралар курсин.

Бу ўз навбатида салбий прогноздан сўнг уларни шубхаланиши табии бўлиб, бу тасдикланмади.

Шу вақтни ўзида бахоларни иккинчи марта ўсиши вақтида, агар сиз рискли акцияларни сотдингиз, сиз ўз вақтида карорингизни (омадли) натижаси сиз учун омад келтиради. Бирок, бу маълум ноаникликларни йукотиш чораларида барча ноаниклик билан боғлик бўлган карорларни эслаш керак.

Қарор қабул қилиш вақтда асосан маълумотлар асосида қабул қилиш мумкинлигини хисобга олиш керак,

Бизнинг барчамиз «катъий берилган акл -заковат» ("крепки задним умом") ва хеч ким аник прогноз беришга ожиздир.

Мазкур амалиётда имкониятни кўришни қаерда тугаши ва оддий омадни бошланишини аниқлаш қийиндир.

Аниқланиши бўйича рискни бошқариш бўйича қарорлари ноаниқлик шароитида қабул қилинади, мос холда холатни ривожлантиршни бир неча вариантлари маждуд.

Охирги натижада, факат битта вариант жорий этилади.

Ахамиятсиз қорорларингизни барчасини хатоли деб айбламаслик керак, чунки қарор қабул қилган вақтда маълумотлар олингандан сўнг кўринади.

Рискни бошқариш бўйича қарорни адекватлиги қачонки мазкур *қарорлар қабул қилинган рухсат асосида маълумотлар орқали (в свете) кўриб чиқилади.*

Мисол, агар, сиз ёғмаётган ёмғирни ёғишини эхтимол қилмай уйидан чиқишда зонтик олмай чиқсангиз, у холда сиз ўзингизни тўғри қарор қилганлигингизни ишонтириш қилиш шарт эмас.

Бошқа вариант: мисол учун барча метеомаълумотчилар юқори ёмғир бўлиш эхтимолини айтмокда, а сиз зонтикни олмадингиз. Агар ёмғир бўлмаса ўзингизни мудрийлигингизни ва олдиндан кўра билишлигингизни мақтовга шошилманг. Сиз оддий бахтлисиз.

Рискни бошқариш жараёни - бу рисни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда уни энг ками миқдорига тушуриш тахлилларининг систематик ишидир.

• *Рискни аниқлаш*

• *Рискни бахолаш*

• *рискни бошқариш усулларини танлаш*

• *Танланган усулларни амалга ошириш.*

• *Натижаларни бахолаш*

9.12.Рискни аниқлаш

Рискни аниқлаш иқтисодий субъектларнинг қайси объектлар рискка қўпроқ тортилган тахлилида корхона ва хўжаликлар ўзи дучор бўлган рисклар бўйича хисобот бермайди.

Мисол, инсон синиқ(трамва) ва кассаллик бўйича иш кунидан қолмаган, бу холда у ишсизлик қоблияти риски хақида ўйлаши хам мумкин эмас.

Балким, ишсизлик қобилиятини йуқотишни суғурта қилиш фикри ечилмоқда.

Бошқа томондан, рискнинг турлари мавжуд,

Мисол, кўп якка кишилар хеч кими учун ғам ташвиш қилмайди, ўз жамғармасини пенсион фонда суғурта бадалларини ўтказиб, кейин пенсия вақтида тўпланган суммасидан фойдаланадилар.

Агар шундай кишилар пенсияга чиққунга қадар ўлиб қолса, фонддаги унинг суғуртасини умумий суммаси ўз хисобига ўтказилади.

Мос холда, агар якка кишиларни қарамоғида киши ва меросхўрники бўлмаса, унга бундай химоя керак эмас.Рискни аниқлашни самараси учун бунга таъсир этувчи барча омилларни муаммоли рискни кўриб чиқиш зарур.

Тахлил этамиз, мисол, фонд бозоридаги операциялар билан боғлик инсон риски. Агар сиз биржа брокери бўлиб ишлаётган бўлсангиз, у холда сизни келгуси даромадингиз фонд бозоридаги ишларга боғлик бўлади. Сизни ўз имкониятингиз ва мехнат қоблиятингиз(ёки кишилик капитали)дан келаётган даромад сизни фонд бозоридаги активлигингизга боғлик бўлади: мос холда сизга

қолган капитал акцияси(пул кўринишда)га жамғарма қўйиш зарур эмас. Даромад, сизни фонд бозоридаги активлигингизга боғлик бўлиб, сизни мехнат янгиликлар ва имкониятларини қўллашингизга боғлик. Бошқа томондан, сизни ўртоғингизга- хукуматни ишчисидир.

Кўриб чиқамиз, мисол учун ноаниқлик компания фаолиятига таъсир этувчи валюта курсини ўйнаши билан боғлиқ бўлиб, бу қайсики чет эл валютасида фиксирланган бахолар бўйича хом ашёни сотиб олади ва ўз махсулотини чет элга сотади. Компания менеджери учун валютани алмаштириш курси билан боғлик ноаникликни таъсир этишини кўриб чиқиш лозим эмас, факат компания савдо тушуми ва унга этилган харажатлари хисобга олинади.

Компания акциясини барча ушловчилар учун мазкур ноаниқликни таъсири ахамиятли хисобланади-компания даромад-харажатлар.

Компания даромади ва харажатлар ўртасидаги фарқ унчалик фарқ қилмаса хам алмаштирш курси билан бу нолга тенг бўлса хам боғлик бўлиб компаниядаги ноаникликни умумий миқдорига таъсир этади.

Фермерлар билан бўлган мисолни кўриб чиқиш мумкин, келгуси хосилни хажми ва бахоси кимнинг даромадига бу ноаниқлик таъсир қилади.

Мисол учун хама вақт бугдой хисилининг центнерини камайиши, бахоларни ортишига олиб боради, фермер даромади(махсулотни барча сонига бахони тенглаштириш)ни доимий хажми мавжуд.

Фермер *иккала рискка* хам дучор бўлган- бахоси ва сони рискларга, умуман даромадини умумий миқдорига қараб хеч қандай риск йуқ хам дейиш мумкин. Бунда хам фермер 2 ала риска

тортилган; 1- бахо риски; 2-сонли риск, фермерни умумий даромадидаги риски бўлмаслиги мумкин.

Фермер товарларининг бахоларини ўзгариш рискини камайтириш бўйича қарама қарши тадбир қабул қилинса, у холда тескари самара бериши мумкин- уни умумий даромад хажмига нисбатан ноаниқлиги ортади.

Рискларни турларини самарали аниқлашда, қўпроқ уни мазкур корхона учун риск потенциал турларини келтирилган руйхатини тузиш зарур ва булар ўртасидаги боғлиқликни хам.

9.13. Рискни бахолаш

Рискни бахолаш - бу рискни турлари билан боғлик, қайсики рискни бошқаришни 1 чи этапида аниқланган сонли харажатларни аниқлашдир. Мисол учун, эндигина колледжни тугатган ёш якка-ягона аёлни иш фаолиятини бошланишини кўриб чиқамиз.

Колледжда ўқиётган вақтда у ота оналарини касалдан суғурта қилган, энди унинг ўзида суғурта йўк, шу сабабли у аёлдаги касалликнинг асосий рискидир.

Унинг риска тортилганликни бахолаш учун маълумотлар зарур? Уни қайси ёшида касал бўлиш эхтимоли қандай.Тўлаш учун мос маълумотлар олиш таъбий хол. Бундай маълумотларни тақдим этиш –суғурта компаниясини асосий ва зарур бўлган биринчи функциясидир.

Бу билан математика ва статистика нуқтаи назаридан мавжуд махсус маълумотга эга мутахассислар шуғулланади. У мазкур рискларни турлари ва бошқа шунга ўхшаш бахтсиз холатлар, касаллик эхтимолларини тахлил қилади ва маълумотларни тахлил

қилиб, йиғади. Молиявий активлардаги инвестицион рискига таллукли, у холда уй хўжаликлари ва компаниялар эксперт маслахатларидан кам талаб қилади, қайсики у ёки бу риска тортилганлик даражаси аниклашга ёрдам беради ва икки хил активлар мисол учун акция ва облигацияларга инвестициялашдан даромад ва рисклар ўртасидаги нисбатни сонли томони кўрсатиб берилади.

Бундай холларда асосан инвестиция бўйича ихтисосли маслахатчиларга, рискларни тўғри бахоловчи молиявий хизматлар кўрсатувчи молиявий фирма ва воситачилар хамда ўзаро фондларга муражаат қилади.

9.14.Рискни бошқариш усулларини танлаш.

Рискни камайтириш учун 4 та асосий рискни бошқариш усуллари мавжуд *(risk-management techniques).*

• *Рискдан қочиш*

• *Зарарни камайтириш.*

• *Рискни ўзига қабул қилиш.*

• *Рискни ўтказиш*

Буларни кўриб чиқамиз.

Рискдан қочиш *(risk avoidance)* — аниқланган-маълум риск турларига тортилмайди деган ақлли қарорлар қабул қилишдир. Кишилар маълум ишлаб чиқариш тармоғи ишидан кетиш билан боғлиқ қандайдир компания иши ёки қандайдир йўналиш билан боғлик холатлар бўйича, ўзини риска тортмаслиги мумкин, чунки улар нихоятда юқори риксли хисобланади. Бу рискдан қочиш хамма

вақт хам бўлавермайди. Мисол, хар бир киши касал бўлиш рискига тортилади - бу оддий холат бўлиб, барча инсонлар касалланиши мумкин.

• Зарарни камайтириш *(loss prevention and control)* –унинг натижаси (оқибати)ни камайтириш учун ва йўкотиш эхтимолини камайтириш учун қабул қилинадиган харакатлар йиғилади.

Бундай харакатлар зарар бўлгунга қадар қилинадиган амаллар хисобланади. Мисол учун сиз касаллик рискини камайтирш учун, яхши овкатланиш, яхши дам олиш ва бошқа амалларни бажариш зарур. Агар сизда шамолаш вужудга келди, ётиб даволаниш режимига ўтиш ва натижада шамоллашни енгил ўтиб кетиши учун шароит яратган бўласиз.

• *Рискни қабул қилиш (risk retention)* зарарни ўз маблағлари хисобига коплашдан иборат. Айрим холарда кишилар ўз ўзидан амалдаги риск хақида билмай, эътибор бермай колади. Шундай холатлар хам бўладики, кишилар билган холда шу рисккка Карши боради.

Шундан айримлар ўз соглигини ўзайтириш учун ёки химоя қилиш учун ўз пулидан кочиб даволаниш суғуртасидан бош тортади. Оилани огохлантирувчи жамғармаси-рискни қабул қилиш Билан боғлик харажатларни енгиллаштирш учун асосий маблағдир.

• Рискни утказиб юбориш*(risk transfer)* рискни бошқа шаксларга утказиб юборилади. Рискли қимматли қоғозларни кимгадир бошқасига сотиш ва суғурта полисини сотиб олиш-бундай стратегияни мисоли рискни бошқариш. Бошқа мисол, рискдан кочиш учун сиз хеч кандай харакат қилмаяпсиз, ва келтирилаётган зарарни

кимнидир хисобига коплашни хисоблаяпсиз-уйлаяпсиз. Рискни утказиб юборишни 3 усул ёрдамида амалга оширилади: *хеджирлаш, суғурталаш и диверсификациялаш..*

9.15.Натижаларни бахолаш

Рискни бошқариш –бу қайсики карор қабул қилаётганда карама Карши бўлган динамик жараён бўлиб, бу доимий қайта кўриб чиқарилади ва тахлил этилади

Вақт кетаверади, мажбуриятлар ўзгаради ва бошқача жавобгарликка ўтади: янги рисклар аниқланади ёки янги рисклар тури хақида маълумотлар ёки рискни бошқариш стратегияси орзонлашади.

Мисол, келгусидаги якка кишилар хаётни суғурталашдан воз кечиш хақида қарор қилишнгиз, а хаёт-холатлар ўзгармокдаки, сиз уйландингиз ва фарзандлар кўрдингиз - бу қарорларни ўзгартиришга олиб келади.

Ёки акцияга қўйилган сизни инвестицион портфелингиз улушини ўлчаш хақида қарор қабул қилишингиз лозим.

9.16.Риск ўтказишни уч схемаси

Рискни бошқаришни 4 усули ичида рискни бошқа шахсга ўтказиш ёки умуман ўтказиб юбориш шундай риск турига кирадики бунда молиявий система асосий рол уйнайди. Рискни ўтказишни асосий бош усули –бу қайсики унинг *манбаси хисобланган активларни* сотиш хисобланади.

Мисол, уй эгаси камида 3 рискка учрайди: ёнгин, табии офат ва мулк бахосини тушиши.

Уйни сотиб, унинг эгаси барча рисклардан қутилади.

Мисол учун, бирок, хеч ким рискли активларини сота олмайдими хам сотишни хохламайди хам. Бундай холатда бундай рискларни бошқариш мумкин, факатгина бошқа усуллар ёрдамида.

Мисол учун, агар уй эгаси ёнгин ва табиий офатдан суғурталанган бўлса, у холда у мулкни бахосини пасайиш рискини ўзида қолдиради.

Риск ўтказишни фарқланувчи 3 усули риск ўтказишни 3 схемаси дейилади: бу хеджирлаш,суғурталаш ва диверсификациялаш.

9.17.Хеджирлаш

Рискни хеджирлаш –рискни камайтириш учун зарар келтириш харакатлари билан боғлик бўлиб, шу вақтнинг ўзида даромад олиш имкониятсизлигига олиб боради. Мисол, агар фермер мазкур асосий бўлган бахоларни пасайиш рискидан қочиб келгусидаги буғдой хосилини фиксирланган бахода сотади, у холда у хосилни ўриш вақтида бахоларни ўсиши билан боғлик бўлган қўшимча даромадни камайтиради.

Фермер буғдойни бахоларини пасайиш рискига тортилишини хеджирлаяпти.

Агар сиз жўрналга обуна бўлишни 1 йиллик эмас, 3 йиллик бўлганингиз, у холда обуна учун бахоларни ўсиш имкониятини суғурталадигиз. Сиз зарарлар рискидан қутилишга харакат қилиб, қайсики обуна учун бахоларни ўсиш натижасидаги зарарга олиб борасиз, а сиз агар обуна арзонлашса хеч нарса ютмайсиз.

9.18.Сугурталаш

Суғурталаш зарардан кочиш макадида сугутра бадали (суғурта учун тўлов бўлиб, бу қайсики бахо) ёки премиясини тўлашдир. Суғурта полисини сотиб олиш билан сиз, суғуртани йуклиги билан боғлик буюк зарарни келтириш эхтимолини кафолатланган харажатларга алмаштиришга борасиз.

Мисол, атомобил сотиб олсангиз, бахтсиз ходисалардан химоялаш учун бирор хил суғурта турига аъзо бўласиз. Бугун суғурта взноси 1000 долл га тенглашади. Буни тўлаб, сиз 1 йилда келаётган зарарни суғурта қилишингиз, қайсики кўрилмаган мажбуриятларни ёпиш учун харакат қиласиз. Кафолатланган 1000 долл харажат бошқа минглаб дол..га эга катта харажатли эхтимолга алмашади.

Хеджирлаш ва суғурталаш ўртасида фундаментал фарқи мавжуд. Хеджирлашда даромад олиш имкониятлардан воз кечиб сиз келтирилган зарарли рискни бартараф этасиз. Сугуртлашда эса сиз суғурта взносини тўлаб, келтирилган зарарли рискни бартараф этиш билан бирга қўшимча даромад олиш имкониятини саклаб коласиз.

Масалан, мисол сиз АКШ да яшаб экспорт –импорт операцияларини амалга оширувчи фирмага эгаси хисобланасиз.

Сизга маълумки, 1 ойдан сўнг сиз 100 000 немец маркасини оласиз.

Хозир 1 марка 1,50 долл туради, у холда 1 ойдан сўнг валюта курсини қанча бўлишини билмайсиз. Мос холда сиз учун курсли риски мавжуд.

Бу рискни бартараф этиш учун хеджирлаш ёки суғурталашдан фойдаланиш керак. Хеджирлашда, сиз хозир 100 000 маркани

фиксирланган бахода мисол учун ой охирида 1,50 долл меёрида сотиш учун шартнома тузасиз. Шартномани тузиш, қайсики марка курсини тушишидан сизни химоя қилади, сиздан хеч нарса кетмайди, фақат сиз бу вақтни ичида марка курси пасайса қўшимча даромад олиш имкониятидан бекор бўласиз, а кўтарилса унинг тескариси сақланиб қолади.

Бошқа вариант: хозир суғурта взносини опцион «пут» бўйича қайсики мазкур 1 ой даврида сизни 100 000 марка пулингизни 1,50 долл АКШ бахосида сотиш хуқуқи орқали марка курсини пасайишни суғурталашингиз мумкин [2].

Агар марка курси 1,50 долл дан пасайиб кетса, у холда сиз аввалдан коплай олмайсиз, чунки бу 1 ой давомида ўз опцион «пут» шартномангиздан фойдаланишингиз мумкин ва маркани 1,50 АКШ доллар бахосида сотасиз.

А агар марка курси ортса, у холда сиз ўзингизни 100 000 маркангизни юқори курс бўйича сотасиз, натижада қўшимча даромад оласиз.

9.19.Диверсификация

Диверсификациялаш (diversifying) – фақат бир хил бўлган барча капитал қўйилмаларни концентрация қилиш ўрнига, куп рискли активларга эгалик қилишдир. Шунинг учун диверсификациялашда фақат ягона активларни турлари билан боғлиқ бўлган сизни рискка тортилганлигингиз чегараланади.

---

[2] *Опцион "пут " — это вид ценных бумаг, который дает своему владельцу право продать не активы за фиксированную цену, называемую* ценой исполнения опциона, *в некий определе срок или до него Установление цены опциона "пут " более подробно рассматривается в главе 15*

Кўриб чиқамиз, мисол бизнес сферасидаги рискларн диверсификациялаш.

Мисол учун, яқин бир неча йил давомида катта даромад олиш имконияти боғлиқ наслли инженерияга асосланган, янгиликни шакллантириш учун биотехнология учун 100 000 долл. қўйишга эришмокчисиз.

Агар сиз компанияларингиздан бири 100 000 долл қўйиб, қайсики янги препарат ишлаб чиқармокда, у холда сизни биотехнология учун инвестициянгиз факат концентирланади , а диверсификацияланмайди.

Қўйилмани диверсификациялаш худди фонд бозоридагига ўхшаш якка инвесторлар хам бажариши мумкин, хамда тўғри инвестиция орқали хам диверсификациялаш мумкин. Мана биотехнологияга сиз ўз инвестициянгизни қандай диверсификациялашингиз мумкин.

• Бир нечта компанияларга инвестиция қилиш, қайсики булардан хар бири янги битта препарат ишлаб чиқаради.

Битта компанияга инвестироват, қайсики турли хил препаратлар ишлаб чиқарилади.Энди диверсификация қандай қилиб сизни рискингизни камайтиришини кўриб чиқамиз.

Бунинг учун, икки холатни таққослаймиз: 1-сиз бир хил янги препарат ишлаб чиқариш лойихасига 100 000 долл. қўйдингиз, 2-икки хар хил препарат ишлаб чиқариш лойихасига хар бирига 50 000 долл дан қўйдингиз.

Агар, икала холатда хам қўйилмага нисбатан натижа оладиган ютуклар 4 маротоба қўпроқ бўлса, у холда кўзланган ютуклар бўлмаса барча инвестиция суммангизни йукотасиз.

Унда, қўйган ягона препарат ишлаб чиқаришга қўйган 100 000 долл ингиздан ёки 400 000 долл оласиз, ёки умуман хеч нарса ололмайсиз.

Агар ўз қўйилмангизни 50 000 долл дан иккита препарат лойихаларига қўйиб диверсификация қилганингизда, натижа(зарар) унчалик аввалги холатдагидек билинмаган бўлар эди - ёки ишлаб чиқарувчилар 400 000 долл олиб ёки умуман натижа олмасди.

Бирок, бу ерда ўртача эхтимоллик вужудга келади яъни ютуксиз битта препаратли фирма, а иккинчси эса ютуқли фирма бўлиб, кўзланган натижага эришади.

Бу холда тижорат ютуклари хар бир препарат учун *абсолют коррелияция қилинади.* Нима бўлганда хам диверсификация хисобига сизни рискингиз камайтирилди, бу иккала риск бир бирини тўлиқ *коррелияция қилмайди*[3].

9.20.Рискни ўтказиш ва иктисодий самара

Рискни ўтказиш учун институционал механизм икки асосий усул орқали иқтисодиётни умумий самарасини оширади: улар ким рискни қабул қилишни хохласа шу субъектга ўтказишга олиб боради, ва мос янги рисклар билан бирга истеъмолчи ва ишлаб чиқариш сферасида маблағларни қайта тақсимлайди.

[3] *Точное определение статистического термина "корреляция" вы найдете в главе 11.*

Одамлар турли хил бизнеслар билан шугулланиш даврида риска торилганликни камайтириш билан бирга, уларнинг тадбиркорлик фаолияти активлашади, қайсики бу ўз ўзидан жамият учун фойдали.

9.21.Амалдаги рискни самарасини билиш –қабул қилиш

Аввало биз ахоли ўртасида уларнинг барчаси фойдасига рискни қайта такисмлаш имкониятларини кандайлигини кўриб чиқамиз.

Икки инвесторни турли хил иқтисодий холатларини гипотетик холатини кўриб чиқамиз.

Биринчи инвестор –пенсия ёшида, қайсики жамғармасида 100 000 долл. мавжуд; бу даромадини ягона манбаси.

Иккинчи инвестор- колледж талабаси, қайсики унда хам 100 000 дол жамғармаси мавжуд ва коллеж тугатгандан сўнг яхшигина иш хақига эга бўлишни хисоблаяпти.

Оддий холларда, пенсия ёшидагилар қўпроқ консерватив инвестор хисобланади, а талабалар қўпроқ агрессив хисобланади.

Бошқача сўз билан айтганда, кутиш талаб қилинади ёки пенсия ёшидагилар ўз инвестициясидан келадиган даромадни хавфсизлигини биринчи навбатга қўяди, талабалардан эса биз юқори даромадни хохлаб атайлаб риска боришни кутдик.

Мисол учун, пенсия ёшидагилар хозир инвестицион портфел шаклидаги унга қолган яқинда ўлган эридан қолган меросини қўшган холдаги барча инвестициясини ушлаб туради, талабани барча молиявий холати банк депозит сертификатини ташкил этди, қайсики у бир неча йил аввал ота онасидан қолган пулларни олди.

Икала холда хам ўз активларини алмаштирганда яхши бўлган бўларди, пенсия ёшидагида акция портфел шакллантирилган, а талабада эса депозит сертификати.

Молия тизимни асосий асосий функцияси шундай рискларни ўтказиш хисобланади. Буни бундай холда қўйидагича бажарилади: пенсия ёшидагилар ўз акциясини сотади, талабалар уни сотиб олади.

Асосан бу жараёнда бир нечта молиявий иштирокчилар иштирок этади. Мисол, пенсия ёшидагилар маълум брокер хисобига ўз акциясини ушлаб туради. Бу брокерга бериб, уни соттиради ва унга олган пулини банкнинг депозит сертифактига қўйишга рухсат беради, талаба ўз навбатида банка ўз депозит сертификатини сотиб, тушган пулига ўз брокери орқали акция сотиб олади.

Операцияларни бундай тартиби шароитида икала томонни молиявий холатида хам шу вақтнинг ўзида ўзгармайди, икала иштирокчи хам бажарилган операциялар қийматини тўлаши шартми? (банкларни комиссион ва брокер ва бошқалар).

Талаба ва пенсия ёшидагиларни хар бири 100 000 долл. активга эга, шу вақтни ўзида шартномалар тузилгандан сўнг хар бири шунча нарсага эга бўлади.

Бу операциялар ягона мақсад учун амалга оширилди- хар бир томон ўзлари мақсади бўйича кутилаётган даромад ва риска эга шундай инвестицион портфел олишни талаб этади.

9.22.Маблағлар ва рискларни тақсимоти

Энди ахамиятли лойихаларни амалга оширишни енгиллаштирувчи рискни қайта тақсимлаш имкониятлари қандай эканликларини кўриб чиқамиз. Рискни такисмлаш ва бирлаштириш

имкониятлари янги товар турларини ташкил этиш ва илмий текшириш фаолиятини активлаштиришга олиб боради. Янги дори тайёрлаш-фармацевтика препаратини ташкил этиш мисолини кўриб чиқамиз.

Янги дори ишлаб чиқариш ва уни тестдан қайтадан ўтказиш узоқ муддатга мулжалланган оғир ва қийин жараёндир [4].

Мисол учун аникрок мисол келтирамиз.

Мисол учун, айрим илмий олимлар шамоллаш билан боғлик янги препарат яратди. Қайта ишлаш учун, унга ишлаб чиқариш ва тестдан ўтказиш учун миллион долл. талаб этади.

Мазкур жараёнда эхтимоли кам бўлиб, мазкур препарат тижорат ютуғига олиб чиқсин.

Хатто, агар олимни банк хисобида талаб қилган миллион суми бор, у , бундай суммани рисковат қилишга имкони бор, шунинг учун қўйилмасини дори ишлаб чиқаришга қўймокда..

Бунинг ўрнига у янги дори препарати қайта ишлаш учун компанияга асос солди ва бошқа инвесторларни жалб қилиб, унинг очиш билан боғлик потенциал даромад ва рискни тақсимлайди.

Рискли инвестицияни амалга ошириш нафакат рискни тақсимлаш ва бирлаштиради, балки рискни қабул қилишни *ихтисослаштиради*.

Потенциалли инвесторлар у ёки бу корхонага ўз пулини қўйиб, бир турли риска бориши мумкин, хеч качон бошқасига эмас. Мисол учун, курилиш фирмаси шахарни бир чеккасида янги савдо маркази куришга қарор қилди.

---

[4] *По данным Джужи Льюент (Judy Lewent), вице-президента по финансам из Merck, (Harvard Business Review, January/February 1994), на то, чтобы разработать и вывести на р новый лекарственный препарат, требуется 359 миллионов долларов и десять лет При этом к мерческого успеха добивается только три препарата из десяти*

Банк ташкилотлари ва бошқа кредит уюшмалар ёнгинга қарши суғурта қилиш шарти билан лойихани молиялаштиришга келишилди.

Бошқача айтганда, кредиторлар рискни ўзига оляпти, савдо маркази тижорат ютугига эга эмас, ёнғин рискига ўз қўйилмасини қўйишни хохламаяпти.

Қанчалик ихтисослашган суғурта компаниялари мавжуд бўлиб, булар қайсики ёнғгин рискини ўз зиммасига олишга тайёр, янги савдо марказини кўрилишни молиялаштириш тўхтатилиши мумкин.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Инвестицион жараёнга турли ташқи ва ички шароитларнинг таъсир этиши.

2. Таваккалчилик ва уларни бошқариш босқичлари. Рискни аниқлаш.Таваккалчиликни бахолашнинг асосий мезонлари ва унинг услублари; Дельфи услуби, Сезувчанлик тахлилини, бошқа усуллари.

3. Риск категориялари. Ишлаб чиқариш билан боғлик риск. Ишлаб чиқарилаётган товарга бахоларни ўзгариши билан боғлик риск.

4. Ишлаб чиқариш омилларига таъсир этувчи баҳони ўзгариши.Рискни бошқаришда давлатни роли.

5. Танланган усулларни амалга ошириш. Натижани бахолаш.Рискдан қочиш.Камомадни кискартириш. Рискни ўзига қабул қилиш.

6. Рискни ўтказиш, ва уни 3 схемаси. Хеджирлаш, сугутралаш ва диверсификациялаш

7. Риск ва маблағларни тақсимлаш.

8. Тижорат, ишлаб чиқариш ва молиявий рисклар.Техник ва хуқуқий рисклар ва уларни камайтириш.

9. Иқтисодиётни либерализациялаштириш ва модернизациялаш шароитида инвестицион рискларни бахолаш.

10. Стандартли ўзгаришни хисоблаш усуллари.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.Тошкент –« Ўзбекистон»- 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И А Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”.Тошкент –« Ўзбекистон»- 2011.

3. Абдуллаев Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: «Молия» 2002 й.

4. Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султонов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод – молия”, 2006 й. 380 бет.

5. Рашидов О.Ю., "Инвестицион лойихаларни молиялаштириш " – Т.: ТДИУ, 2008.

6. Жўраев А.С. , Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳаларни таҳлили: ОЛий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2003 й. 256 бет.

7. Подшеваленко Г.П., Лахматкина Н.И., Макарова М.В. и др. Инвестиции: учебное пособие/ Финансовая академия при Правительстве РФ. – М.:, “КНОРУС” – 2004 г. 208 стр.

8. Морозов Д.С. Проектное финансирование: управление рисками и страхование. М.: 1999 г.

9. Ковалев В.В. и др. Инвестиции. Учебник. – М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2005. – 440 стр.

10. Кенжабоев О.Т., Рўзиев А.О. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. – Т: ТМИ, 2004 й-276 бет.

11. Шодиев Х., Хамраев М. Молия статистикаси. Дарслик. – Т: 2002 й. 283 бет.

12. Игошин А.М. Инвестиции. УчебникМ.: ЮНИТИ.2005 487с

13. Бочаров В.В. Инвестиции:Учебник-2 –е издании-СПб:Питер 2009 -348с.

14. Лахметкина Н. И. Инвестиционные стратегия предприятия: Учеб Пос.- м. КНОРУС 2008 -320 ст

15. Зви Боди Роберт, К. Мертон «Финансы» - М.: Вильямс, 2008. – 780с.

10 боб: Инвестицион портфелни шакиллантириш усуллари.

Режа

1. Самарали портфель ва самарали кўплик
2. Портфель даромадлиги ва риски
3. Рисксиз активлар бу нима?
4. Облигациялар портфелини бошқариш стратегияси
5. Портфель назариялари
6. Агрессив портфелли бошқарув назарияси
7. Рискли ва рисксиз инвестициялар комбинацияси
8. Рискли активларни оптимал комбинацияси.
9. Кўп рискли активлар эга портфеллар.
10. Портфелни даромадлилиги
11. Портфель риски
12. МАРКОВИЦ нинг «рис-даромадлилик» усули
13. Шарп усули
14. «бета тушунчаси»
15. бета -коэфицентни хисоблаш
16. бета =коэфицентли портфели .
17. Даромадлилик ва рискни ўртасидаги ўзаро нисбат.

Таянч иборалар: портфел назарияси, портфелни шакллантириш, энг кам дисперсияли портфел, (minimum-variance portfolio), рискли активларни оптимал комбинацияси (optimal combination of risky assets), риск - даромадлилик, кўп портфелларни самара чегараси (efficient portfolio frontier), бир умрлик рента (life annuity), инвестициялаш стратегияси (investment strategy), самарали портфел (efficient I portfolio),

10.1.Самарали портфель ва самарали кўплик

Портфель назарияси (portfolio theory) рискни бошқариш оптимал стратегиясини танлаш мақсадида амалга ошириладиган статистик таҳлилни ифодалайди. Уй хўжалиги, компания ёки бошқа иқтисодий субъект нуқтаи назаридан кўриб чиқилмасин, портфель назариясидан фойдаланиш ушбу субъектнинг оптимал тарздаги ҳаракатларини аниқлаш учун зарур бўлган рискни пасайтириш билан боғлиқ харажатлар ва даромад ўртасида муроса ишлаб чиқиш ва баҳолашдан иборат. Агар гап оила ҳақида борадиган бўлса, ҳал қилувчи мезон сифатида риск ва истеъмол соҳасидаги хоҳиш-истаклар қабул қилинади. Гарчи хоҳиш-истаклар вақт ўтиши билан ўзгарсада, бу ўзгаришлар сабаблари ва механизмлари портфель назариясида кўриб чиқилмайди. Портфель назариясида асосий эътибор бир нечта молиявий вариантлар ичида ушбу хоҳиш-истакларни максималлаштиришга имкон берадиган вариант танлашга қаратилади. Танлов варианти юқорироқ ставкада даромад олиш ва инвестициялар риск даражасининг ортиши ўртасида муросани-келишувни баҳолашни кўзда тутади. Рискни қисқартиришга йўналтирилган қарор кутилаётган даромадлик пасайишига олиб келади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бунда рискнинг иккала томони рискни ўтказиш ҳақида шартнома тўзар экан, шартномани юридик расмийлаштириш қанча турадиган бўса, шунча миқдорда ўз даромади даражасини камайтириши мумкин. Масалан, уй сотувчи ва харидор келишиб олиши ва гарчи мукл ҳуқуқини ўтказиш фақат уч ойдан кейин амалга ошириладиган бўсада, уйнинг шартнома имзоланадиган пайтдаги амалдаги нархини белгилаши мумкин.

Бундай келишув *форвард шартномаси*га мисол бўлиб хизмат қила олади. Бундай шартнома тўзишга розилик берар экан, томонларнинг иккаласи ҳам яқин уч ой ичида уй-жой бозорида нарх тебранишлари билан боғлиқ ноаниқликлардан халос бўлади.

Шундай қилиб, қарама-қарши томонлар бир хил ҳодиса рискини турли нуқтаи назардан қабул қилганда, иккала томон учун ҳам рискни шартнома ёрдамида кўчириш мақсадга мувофиқ, бунда томонлардан биронтаси катта харажатларга учрамайди.

Рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлган, уларни қабул қилиш харажатларга олиб келмайдиган қарорлар қоидалардан истисно саналади. Одатда риск даражасини қисқартириш учун бунниг учун зарур бўлган харажатлар ва олинадиган фойдани мувозанатлаш талаб қилинади. Бундай муроса, эҳтимол, уй хўжаликлари томонидан ўз маблағларини акциялар, қатъий белгиланган даромадли қимматли қоғозлар ва уй-жой каби активлар ўртасида тақсимлаш бўйича қабул қилинадиган қарорларда яққолроқ кўринар.

Портфель назариясининг дастлабки расмий моделлари рискни бошқаришдаги қарорларнинг айнан ушбу тури учун ишлаб чиқилган[5]. Бу моделларда инвестициялар риски ва улардан кутилаётган даромадлик ўртасидаги нисбатни аниқлаш учун эҳтимолликни тақсимлаш (probability distributions) фойдаланилади. Қимматли қоғозлар портфели кутилаётган даромадлиги эҳтимолликлар ўртасидаги ўртача қиймат (mean) сифатида, риск эса – даромадлик олиниши мумкин бўлган қийматларининг кутилаётган қийматдан *стандарт оғиши* (standard deviation) сифатида аниқланади.

---

[5] *Бу модель уни илк бора қўллаган олим - Гарри Маркович (Markowif) номи билан аталади. Марковицнинг "Portfolio Selection" номли илк мақоласи 1925 йил* Journal of Finance да чоп этилган.

Бу концепциялар кейинги бўлимда батафсилроқ кўриб чиқилади.

Инвестицион портфельни шакллантириш инвестицияларни муайян шахс томонидан тақсимлашдан иборат бўлади. Бу активлар ва мажбуриятларни оптимал тарзда уйғунлашадиган портфель тўзиш мақсадида инвестициялар кутилаётган даромадлиги ва риск ўтасида энг яхши нисбатни излаб топиш жараёнидир. Торроқ маънода портфелни шакллантириш акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга инвестициялаш лозим бўлган маблағлар миқдорига нисбатан қарор қабул қилиш сифатидагина талқин қилинади. Агар портфель шакллантиришни кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, унга нима афзалроқ – уй сотиб олишми ёки ижарага олиш; қайси турдаги суғўртани сотиб олиш ва бунинг учун қанча маблағ ажратиш, шунингдек, ўз мажбуриятларини қай тарзда бажариш лозимлиги каби саволларни ҳам киритиш мумкин. Портфель шакллантиришнинг янада кенгроқ талқини инсон капитали жамғаришга (масалан, касбий таълимни давом эттиришга) қанча маблағ ажратиш мақсадга мувофиқ каби масалаларни кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади. Ушбу қарорларнинг барчаси учун умумий элемент риск ва кутилаётган даромадлик даражаси ўртасида энг яхши нисбатни топиш ҳисобланади.

Ушбу мавзу риск/даромадлик нисбатини аниқлаш ва портфель самарадорлигини бошқариш учун талаб қилинадиган усул ва концепцияларни тадқиқ этишга бағишланган. Асосий ғоя шундан иборатки, деярли ҳамма одамларга тўғри келадиган портфель шакллантиришнинг қатор умумий қоидалари мавжудлигида ҳам амалда барча фойдаланадиган портфель умумий модели ёки танлов

шакллантиришнинг умумий стратегияси мавжуд бўлмайди. Ҳозир бунинг нима учун шундайлигини тушунтириб берамиз.

Портфель шакллантириш стратегияси ҳар бир кишининг муайян ҳолатларига боғлиқ бўлади (ёши, оилавий аҳволи, машғулотлар тури, даромади, умумий фаровонлиги ва ҳ.к.). Шу сабабли пул маблағларини қайсидир қимматли қоғозларга киритар экан, киши ўз рискини оширади, бошқа киши учун эса худди шу қимматли қоғозларни харид қилиш рискни пасайтириша олиб келади. Бунинг устига, оила ҳаётийлик даврининг дастлабки босқичларида қўйилмалар рисклилигини пасайтирадиган қимматли қоғозлар кейинги босқичларда умуман бошқача самара бериши мумкин.

Оилавий турмушни энди бошлаётган ёш оила учун уй харид қилиш ва шу уйни гаровга қўйган ҳолда ссуда олиш оптимал қўйилма ҳисобланади. Нафақага чиқиш ёши арафасидаги эр-хотин учун уйни сотиш ва олинган пул маблағларини қимматли қоғозларга қўйилма сифатида киритиш оптимал бўлиши мумкин, бу уларга то ҳаётининг охиригача мунтазам ва барқарор пул тушумлари таъминлаши мумкин.

Ҳаётни суғўрта қилиш масаласини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, бизнинг олдимиза икки киши турибди[1]:

Қўлида вояга етмаган фарзандлари бўлган Мириам ҳамда оиласи ва бошқа боқимандалари бўлмаган, ёлғиз яшайдиган Санджив. Кўплаб жиҳатлардан – ёши, даромади, машғулот тури, фаровонлик даражаси ва ҳ.к. бўйича бир-биридан фарқ қилмасада, уларнинг ҳар бирида суғўрталашнинг ўз оптимал варианти мавжуд. Мириамнинг мақсади – агар тўсатдан вафот этадиган бўлса, оиласи хавфсизлигини

таъминлаш ҳисобланади, шу сабабли унга полис эгаси оламдан кўз юмган ҳолатда унинг фарзандларига пул маблағлари тўланиши кўзда тутилган полис керак. Сандживни унинг вафотидан кейин тўланадиган тўловлар қизиқтирмайди, демак, унинг учун ҳаётни суғўрталаш рискни пасайтирадиган ҳаракат ҳисобланмайди. Ҳаётнинг кейинги босқичларида, Мириам унинг фарзандлари ўзини таъминлай олишига ишонч ҳосил қилгач, унга ҳаётни суғўрталаш полиси берадиган ҳимоя керак бўлмай қолади.

Энди фараз қилайликки, Мириам ва Санджив нафақа ёшига етди. Мириамнинг фарзандлари бор ва у вафотидан кейин унинг жамғармалари нима бўлишидан хавотирланмайди, улар фарзандларига мерос бўлиб қолади. Агар у узоқ умр кўрса ва барча жамғармаларини сарфлаб бўлса, шубҳасизки, фарзандлари унга молиявий кўмак кўрсата олади.

Санджив ҳалигача ёлғиз яшайди, унинг мерос қолдириш учун ҳам ҳеч кими йўқ. У то тирик экан, барча жамғармаларини сарфлашни хоҳлайди, лекин уни агар узоқ яшайдиган бўлса ва бунда пулларини жуда фаол сарфласа, умрининг охиригача пуллари етмай қолиши мумкинлиги безовта қилади. Санджив унга умрбод даромад кафолатлайдиган суғўрта полиси харид қилиш йўли билан жамғармалар етишмаслиги рискини пасайтириши мумкин. Умрбод тўловларни таъминлайдиган бундай суғўрта полиси умрбод тўланадиган рента (life annuity) деб аталади. Мириам учун эса бундай суғўрта тури унинг инвестициялар рискини пасайтиради.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳаттоки бир хил ёшдаги, фаровонлик ва даромад даражаси бир хил бўлган

одамларда ҳам уй ёки суғурта полиси харид қилиш истиқболи турлича бўлади. Худди шу фикрни акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар хариди ҳақида ҳам билдириш мумкин. Инвестиция портфелларидан биронтасини ҳамма инвесторлар учун бир хилда тўғри келади деб бўлмайди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бир хил ёшдаги ва оилавий аҳволи бир хил бўлган иккита инвесторни кўриб чиқамиз. Чанг 30 ёшда; у Уолл-Стритда молия агенти бўлиб ишлайди. Унинг ҳозирги ва келгуси маоши кўп жиҳатдан қимматли қоғозлар бозори ҳолатига боғлиқ бўлади. Оби ҳам 30 ёшда; у давлат мактабида инглиз тилидан дарс беради. Унинг ҳозирги ва келажакдаги маоши қимматли қоғозлар бозори конъюнктурасига унчалик боғлиқ эмас. Демак, Чанг учун инвестиция портфелининг катта қисмини акцияларга киритиш Обидан кўра кўпроқ рискл тадбир ҳисобланади.

Энг яхши портфель шакллантириш режасини тўзиш инвесторнинг мақсадлари ва башорат қилиш горизонтини аниқлашдан бошланади. *Башорат қилиш даври* ёки *горизонти (planning horizon)* бу – инвесторнинг режалари тўзиладиган вақт оралиғидир.

Энг ўзун башорат қилиш горизонти одатда пенсияга чиқишгача бўлган вақтни ўз ичига олади ва одатда уни индивидуал умр ўзунлиги билан таққослаш мумкин бўлади[1]. Демак, 85 йил умр кўришдан умид қилаётган 25 ёшли кишининг режалаштириш горизонти 60 йилга тенг бўлади. Инсон қариши билан режалаштириш горизонти тобора қисқариб боради. *Қарорни қайта кўриб чиқиш даври* ёки *горизонти*

[1] *Режалаштириш нафақат уларнинг бутун ҳаётини, балки кейинги авлодлар ҳаётини ҳам ўз ичига оладиган одамлар бор. Бундай ҳолатда режалаштириш даври жуда узоқ, амалда аниқлаб бўлмайдиган бўлиши мумкин.*

(decision horizon) бу - инвестиция портфели шакллантириш билан боғлиқ бўлган иккита қарор ўртасидаги вақт оралиғи. Қарорни қайта кўриб чиқиш даври ўзунлиги ҳар бир шахс томонидан алоҳида белгиланади.

Айрим инвесторлар ўз портфелини қайта кўриб чиқишни белгиланган вақт оралиқлари орқали, масалан, бир ойда бир марта (счетларни тўлашда) ёки бир йилда бир марта (солиқ декларациялари тўлдиришда) амалга оширади. Жамғармаларининг асосий қисми банк ҳисобрақамларида бўлган, даромад даражаси ўртача инвесторлар ўз инвестицион портфелларини камдан-кам ва номунтазам, одатда турмуш қуриш ёки ажралиш, фарзанд туғилиши ёки мерос олиш каби ҳодисалар билан боғлиқ равишда кўриб чиқади. Инвестиция портфелини кўриб чиқишга мазкур шахс эга бўлган у ёки бу активлар нархининг кескин ўзгариши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Катта миқдордаги маблағларни акция ва облигацияларга киритган инвесторлар ўз портфелларини ҳар куни, баъзида эса бундан ҳам тезроқ кўриб чиқишлари мумкин. Уларда қарорни қайта кўриб чиқи энг қисқа даври *биржа савдолари даври (trading honwn)* ҳисобланади, айнан у инвестор ўз портфелини қайта кўриб чиқадиган *минимал* вақт оралиғини белгилаб беради.

Шахс биржа савдолари даври давомийлигини назорат қила олмайди. Биржа савдолари даври ушбу иқтисодий тизимда бозор тўзилмасига (масалан, қимматли қоғозлар биржаси қайси вақт очиқлиги ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозорлар бор ёки йўқлиги) қараб хафта, кун, соат ёки ҳатто дақиқага тенг бўлиши мумкин.

молиявий муҳит глобаллашиб бораётган бугунги шароитларда кўплаб қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш ер шарининг исталган нуқтасида, кун ва туннинг исталган маҳалида амалга оширилиши мумкин. Демак, бундай қимматли қоғозлар учун биржа савдолари горизонти жуда қисқа.

10.2. Портфель даромадлиги ва риски

Кейинги икки бўлимда инвестиция портфеллари профессионал бошқарувчилари томонидан кутилаётган даромадлик даражаси ва риск ўртасидаги миқдорий нисбатни аниқлаш учун қўлланадиган таҳлилнинг кетма-кетликдаги босқичлари кўриб чиқилади. Уни излаш ягона мақсад – унга киритиладиган инвестициялар инвестор учун у рози бўлган риск даражаси билан кутилаётган максимал даромадлик ставкасини таъминлайдиган портфель шакллантириш йўлида амалга оширилади. Таҳлил жараёнида биз *рискли активлар (risky assets)* ҳақида гапирамиз ва уларни облигация, акция, опцион, суғўрта полиси ва ҳ.к.га бўлиб ўтирмаймиз, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир алоҳида олинган активнинг рисклилик даражаси ушбу инвестор ҳаётидаги муайян ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Портфелни оптималлаш одатда икки босқичдан иборат бўлади: (1) рискли активлар оптимал комбинациясини танлаш ва (2) олинган рискли активлар оптимал тўпламини рисксиз активлар билан бирлаштириш. Жараённи соддалаштириш мақсадида биз иккинчи босқичдан – рискли активлардан иборат бўлган портфелни рисксиз активлар билан бирлаштиришдан бошлаймиз. (Айнан қайси

активларни рисксиз деб ҳисоблаш лозимлигини кейинги бўимда аниқлаштириб оламиз). Бу ягона рискли портфель оптимал тарзда комбинацияланган рискли активлар кўплигидан ташкил топган. 12.3.4-бўлимда рискли активларга эга бўлган портфель оптимал таркиби қандай аниқланиши кўрсатилади.

10.3.Рисксиз активлар бу нима?

Биз олдинроқ фоиз ставкаларини кўриб чиққан эдик ва ўша ерда ҳар бир ҳисоб-китоб пул бирлиги (доллар, иен ва ҳ.к.) учун ва тўлов муддатларининг ҳар бири учун рисксиз молиявий активлар мавжудлиги кўрсатилганди. Масалан, агар бизнинг олдимизда муомалада бўлиш муддати ўн йил, долларда қайта номинацияланган, купонсиз, дефолт рискидан озод, тўлаш пайти даромадлик йиллик 6%ни ташкил қиладиган облигация турган бўлса, у фақат доллар ҳудудида ва фақат тўлов муддати келгунга қадар ўз эгасида бўлган ҳолдагина рисксиз актив ҳисобланиши мумкин. Агар облигация тўлов муддати келгунга қадар сотиб юбориладиган бўлса, бу ҳолда унинг долларда даромадлиги ҳақида аниқ бирон нарса дейиш қийин, чунки сотув нархи қандай бўлиши маълум эмас. Агарда эгаси уни тўлов муддати охирига қадар сотиб юбормаса ҳам, иенада ёки харид лаёкати бирлигида қайта номинацияланган облигациянинг даромадлик ставкаси келажакда айирбошлаш курси ёки истеъмол нархлари ўзгариб туриши сабабли ноаниқ бўлиши мумкин.

Энг яхши портфелни шакллантириш назариясида таҳлил учун танлаб олинган ҳисоб-китоб пул бирликларида тўлалигича олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган даромадлик ставкасига эга бўлган ва ушбу инвестор учун *қарорни қайта кўриб чиқиш доирасидаги*

қимматли қоғозгина рисксиз актив деб ҳисобланади. Агар муайян инвестор мавжуд бўлмаган умумий бир вазиятни оладиган бўлсак, рисксиз активлар деб инвесторга *биржа савдолари даври* доирасида (қарор қабул қилиш энг қисқа даврида) олдиндан айтиш мумкин бўлган даромадлик ставкаси таклиф қиладиган активларни ҳисоблаш лозим.

Демак, агар ҳисоб-китоб пул бирлиги сифатида АҚШ доллари олинадиган, биржа савдолари даври эса бир кунни ташкил қиладиган бўлса, даромадлик рисксиз ставкаси тўлов муддати кейинги кун бўлган, ғазначилик векселлари фоз ставкаси ҳисобланади.

10.4.Облигациялар портфелини бошқариш стратегияси

Инвестицион портфель таркиби ҳақидаги бугунги қарорлар эртага нималар рўй бериши ҳақидаги тахминларга асосланади. Уни ишлаб чиқишда *бугунги* қарорлар кейинги ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинадиган режа стратегия деб аталади.

Инвестициялаш стратегиясини ишлаб чиқишда инвестор у ёки бу қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишда ўз портфелини қанчалик тез-тез қайта кўриб чиқиши ўта муҳим омил саналади. Масалан, инвестор «ортиқча» капитални акцияларга инвестициялаш стратегиясини танлайди. Бу ҳолатда инвесторга белгиланган турмуш даражасини таъминлаш учун зарур бўлган маълум бир чегарадан ортиқ бўлган капитал «ортиқча» саналади. Агар бу акциялар курси вақт ўтиши билан юқорига қараб ўсса, бу ҳолда инвестор ушбу акцияларга қўйилмалар киритиш учун ажратилган портфель улушини оширади. Бироқ, агар акциялар нархи арзонлашадиган бўлса,

инвестор уларга киритилган капитал улушини камайтиради. Агар акциялар курси одатдаги турмуш тарзи хавф остида қоладиган даражагача пасаядиган бўлса, бунда инвестор умуман бу акциялардан халос бўлади.

Рискка индивидуал толерантлик (tolerance) – инвестиция портфелини шакллантиришда муҳим омилдир[2]. Ҳисоблаш мумкинки, рискка толерантлик кишининг ёши, оилавий аҳволи, фаолият тури, фаровонлик даражаси каби омиллар, яъни инвестиция портфели ҳолатида ноқулай ўзгаришлар рўй берган ҳолларда инсоннинг одатий турмуш тарзини таъминлаш имкониятига таъсир этадиган омиллар таъсири остида бўлади. Инвесторнинг рискка муносабати ҳам унинг рискка индивидуал толерантлигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Агар бир хил ёшдаги, оилавий аҳволи ва фаолият тури бир хид одамларни кўриб чиқадиган бўлсак ҳам, уларнинг айримлари бошқаларга нисбатан кўпроқ рискка мойил эканлигини кўзатиш мумкин.

Оптимал портфель шакллантириш учун активлар танлаш муаммосини таҳлил қилишда инвесторнинг рискка толерантлиги хақида гапирганда таваккал қилиш қобилияти ва рискка муносабат ўртасида фарқ ўтказмаймиз. Демак, инвестор қайси сабабга кўра рискка юқори мойиллик билан ажралиб туришининг аҳамияти йўқ – ёш ва бой эканлиги учунми, муваффақиятсизликларни осон бошдан кечириши сабаблими, имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмаслиги ишончи комил эканлиги сабабми – фарқи йўқ. Бизнинг таҳлил учун қўйилмалар даромадлилиги кутилаётган даражаси

юқорироқ бўлиши учун у баландроқ рискка ўртача инвестордан кўра тезроқ рози бўлади.

Аввал биз рискни қабул қилмаслик атамасидан фойдаланган эдик. Одам рискка қанчалик мойил бўлса, ундан шунчалик кам қочади.

Кўпчилик кишиларда инвестиция портфелини оптималлаш учун на махсус билимлар, на вақт топилади. Бу операцияни бажариш учун улар ёки инвестициялар бўйича маслаҳатчи ёллайди, ёки уларга молиявий воситачилар таклиф этаётган тайёр активлар портфели кўринишидаги «якуний маҳсулот» харид қилади. «Якуний маҳсулот»лар ичида инвестицион операциялар учун хилма-хил счетлар, шунингдек, қимматли қоғозлар илан операциялар юритувчи компаниялар, банклар, инвестиция ва суғўрта компаниялари томонидан таклиф этиладиган ўзаро фондлар мавжуд.

Молиявий воситачилар муайян уй хўжалигига қайси активлар тўпламини таклиф этиш масаласини ҳал қилганда улар таомнома тўзаётган ресторан ошпази билан тахминан бир хил аҳволга тушиб қолади. Уларда "ингредиентлар" – турли компаниялар ва ҳукумат томонидан чиқариладиган, бозордаги энг оммавий акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар сони жуда кўп ва уларнинг комбинациялари сони чекланмаган. Бироқ мижозларга чекланган сонли элементлар таклиф этиш лозим. Биз ушбу бобда батафсил тўхталиб ўтажиган портфель назарияси бундай портфелнинг бир томондан унчалик ҳам катта бўлмаган, бошқа томондан эса – мижозлар сўровлари доирасига максимал даражада мос келадиган таркибий қисмларини танлашга ёрдам берадиган белгиланган йўналиш ва мўлжалларни тайинлайди.

10.5.Портфель назариялари

Самарали портфель (efficient portfolio) деб биз инвесторга берилган риск даражасида максимал кутилаётган даромадлилик даражаси таклиф этадиган портфелга айтамиз.

Портфель самарадорлиги концепциясининг аҳамиятини тушунитириб бериш ва ҳақиқатда самарали портфелни қандай олишни кўрсатиш учун бундан олдинги мисолни унга яна битта рискли актив қўшган ҳолда кўриб чиқамиз. Рискли актив 2 йиллик 0,08 кутилаётган даромадлилик ставкаси ва 0,15 стандарт оғишга эга. У 10.2-расмда *R* нуқта билан ифодаланган.

Йиллик 0,08 кутилаётган даромадлилик ставка олиш истагида бўлган инвестор барча суммани рискли актив 2 га киритган ҳолда ўз мақсадига эришиши мумкин. Шунда у *R* нуқта билан тавсифланадиган вазиятда бўлиб қолади. Бироқ бунда инвестор портфели *самарасиз* саналади, чунки *G* нуқтада инвестор *камроқ* стандарт оғиш қиймати билан *худди шундай* (йиллик 0,08) кутилаётган даромадлилик ставкаси олиши мумкин.

10.1-жадвалдан кўриниб турибдики, *G* нуқтада стандарт оғиш атиги 0,05ни ташкил этади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ушбу портфель инвестицияларининг 25%и рискли актив 1га, 75% эса – рисксиз активга киритилган. Ҳақиқатдан ҳам, таваккал қилишни истамаган инвестор *G* ва *S* нуқталарни, *R* нуқтадан бошқа исталган нуқтани бирлаштирадиган риск/даромадлиликни танлайди. Бу нуқталардан исталган бири рискли актив 1 маълум бир сони рисксиз актив билан мувозанатланадиган вазиятга тўлиқ мос келади. Масалан,

портфель *J* нуқтада рискли актив 2 стандарт оғишига (0,15) тенг бўлган стандарт оғишга эга, бироқ унинг кутилаётган даромадлилик ставкаси йиллик 0,12 эмас, балки 0,08ни ташкил қилади. 12.1-жадвалдан бизга маълумки, бундай нисбат 75%и рискли актив 1 ва 25%и рисксиз активдан ташкил топган портфелга мос келади.

12.1 ва 12.2 тенгламалар ёрдамида *G* ва *J* ўртасидаги нуқталар билан тавсифланадиган, демак рискли актив 2 га нисбатан юқорироқ кутилаётган даромадлилик ставкаси ва камроқ стандарт оғиш қийматига эга бўлган бошқа самарали портфеллар таркибини аниқлаш мумкин. Мисол учун, 62,5%и рискли актив 1 ва 37,5%и рисксиз активдан иборат бўлган портфелни кўриб чиқамиз. Унинг кутилаётган даромадлилик ставкаси йиллик 0,11, стандарт оғиш эса 0,125ни ташкил қилади.



10.1-расм. Портфель самарадорлиги

Изоҳ. R нуқтада портфель 100%га кутилаётган даромадлилик 0,08 ва σ = 0,15 бўлган рисксиз актив 2 га киритилган инвестициялардан иборат. Инвестор *G* ва J орқали ўтадиган тўғри чизиқнинг ҳар қандай нуқтасида юқорироқ кутилаётган даромадлилик ставкаси ва камроқ стандарт оғишга эга бўлиши мумкин.

10.6. Агрессив портфелли бошқарув назарияси

Бозор ҳолати ва инвесторнинг имкониятлари унинг инвестиция стратегиясини танлашни асослаб беради. Айнан шу сабабли портфелли инвестициялаш ҳали мамлакат бозорида устунлик қилаётгани йўқ. Бироқ хусусан, инвестиция операциялари натижасида харид қилинган барча қимматли қоғозларни ҳисобга олишда амалга ошириладиган айрим ёндашувлар кўзатила бошлади. Аниқ қилиб айтганда, улар вақти-вақти билан бозорда қайта баҳоланиши лозим бўлган портфель баланс қиймати сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Ривожланган фонд бозорида *қимматли қоғозлар портфели* бу – мустақил маҳсулот бўлиб, айнан уни тўлалигича ёки қисмлаб сотиш фонд бозорида маблағлар киритишни амалга оширишда инвесторлар эҳтиёжини қондиради. Инвестиция портфели деганда юридик ёки жисмоний шахсга ёхуд юридик ёки жисмоний шахсга улуш иштироки ҳуқуқида тегишли бўлган, тўлақонли бошқарув объекти сифатида иштирок этадиган маълум бир қимматли қоғозлар йиғиндиси тушунилади. Одатда бозорда портфелни бошқариш жараёнида яхшиланиши мумкин бўлган

риск/даромадлилик нисбати белгиланган маълум бир инвестицион сифат сотилади.

Риск ва таъминланганлик даражаси турлича бўлган корпоратив акция ва облигациялар, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган ва қатъий белгилаб қўйилган даромадли, яъни асосий сумма ва жорий тушумлар бўйича йўқотишлар риски минимал бўлган қимматли қоғозлар маълум бир тўпламини ифодалайди. Масалан, ҳозирги пайтда банклар хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, инвестиция портфели шакллантиришда уни қуйидаги нисбатда тўплайдилар: қимматли қоғозлар умумий миқдорида 70%и давлат қимматли қоғозлари, 25%и – муниципал қимматли қоғозлар ва яна 5%и – бошқа қимматли қоғозлар. Шундай қилиб, ликвидли активлар захираси портфелнинг тахминан 1/3 қисмини, фойда олиш мақсадидаги инвестициялар эса - 2/3 қисмини ташкил этади. Қоидага кўра, бундай портфель тўзилмаси йирик банклар учун хос, кийик банклар эса портфель таркибида 90%га давлат қимматли қоғозлари ва муниципал қимматли қоғозларга эга бўлади. Назарий жиҳатдан портфель бир турдаги қимматли қоғозлардан иборат бўлиши, шунингдек, айрим қимматли қоғозларни бошқа қимматли қоғозларга алмаштириш йўли билан ўз тўзилмасини ўзгартириши мумкин. Бироқ ҳар бир қимматли қоғоз алоҳида ўзи бундай натижага эриша олмайди.

Портфелли инвестициялашнинг асосий вазифаси – инвестициялаш шароитларини яхшилаш, қимматли қоғозлар тўпламига алоҳида олинган қимматли қоғоз нуқтаи назаридан эришиб бўлмайдиган ва фақат уларнинг комбинациясидан

фойдаланган ҳолдагина эришиш мумкин бўлган инвестицион хислатлар бериш ҳисобланади.

Фақат портфелни шакллантириш жараёнидагина берилган тавсифномаларга эга бўлган янги инвестицион сифатга эришилади. Шундай қилиб, қимматли қоғозлар портфели унинг воситасида инвестор учун минимал риск билан талаб қилинган даромад барқарорлиги таъминланадиган восита ҳисобланади. Баланс қиймати ушбу портфелни харид қилиш харажатларини тавсифлайди ва мавжуд портфелнинг баланс қийматига қимматли қоғозлар харид қилишда асосий битим суммасини қўшиш ва қимматли қоғозлар сотишда сотилган қимматли қоғозлар сонига ўртача ўлчанган нархни чиқариб ташлаш йўли билан ўсиб борадиган якун сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Портфелли инвестициялар бўйича даромадлар у ёки бу портфелга рискни ҳисобга олган ҳолда киритилган қимматли қоғозлар тўплами бўйича ялпи фойдани ифодалайди. Фойда ва риск ўртасида миқдорий мувофиқлик муаммоси вужудга келади, у шаклланиб бўлган портфеллар тўзилмасини мунтазам такомиллаштириш ва инвесторларнинг хоиш-истакларига мувофиқ янги портфеллар шакллантириш мақсадида тезкор ҳал этилиши лозим. Айтиш жоизки, кўрсатилган муаммо уларни ҳал этиш учун умумий ечим схемаси тезда топиладиган, бироқ амалда охирига етказилмайдиган муаммолар қаторига киради.

Портфелли инвестициялашнинг бошқа бир афзаллиги ўзига хос инвестицион вазифаларни бажариш учун портфель танлаш имконияти ҳисобланади.

Бунинг учун фойдаланиладиган турли қимматли қоғозлар портфелларининг ҳар бири портфель соҳиби учун маъқул келадиган мавжуд риск билан белгиланган вақт даврида кутилаётган самара (даромад) ўртасида ўз балансига эга бўлади. Бу омиллар нисбати қимматли қоғозлар портфели турини аниқлашга имкон беради. Портфель тури бу – унинг даромад ва рискка асосланган инвестицион тавсифномасидир. Бунда портфель турини таснифлашда ушбу даромад қандай усулда ва қайси манба ҳисобига: кўрс қийматининг ўсиши ёки жорий тўловлар – дивидендлар, фоизлар ҳисобига олингани муҳим аҳамият касб этади. Ўсиш портфели, масалан, инвестицион тавсифномаси кўрс қийматининг ўсиши ҳитсобланган акцияларга йўналтирилган бўлишига қарамай, портфелни бир хил турдаги йиғинди деб тушуниш соддароқ бўлган буларди. Унинг таркибига ўзгача инвестицион хислатли қимматли қоғозлар ҳам кириши мумкин.

10.7. Рискли ва рисксиз инвестициялар комбинацияси

Фараз қилайлик, сиз 100000 доллар инвестициялашга қарор қилдингиз. Сизнинг олдингизда йиллик фоиз ставкаси 0,14 бўлган рисксиз актив ва кутилаётган даромадлилик ставкаси йиллик 0,14 ва стандарт оғиш 0,20 бўлган рискли актив турибди[3]. 100000 доллар маблағнинг қайси қисмини рискли активга киритиш лозим[4]?

Риск ва даромадлилик барча комбинациялари 10.1-жадвал ва 10.1-расмда кўрсатилган. Сиз пулларни рисксиз активга киритадиган вазиятдан бошлаймиз (10.1-расмда *F* нуқта ва 10.1-жадвалда биринчи сатр). 10.1-жадвалда иккинчи устун рискли активга инвестицияланган

портфель улушини (0), 3-устун эса - рисксиз активга инвестицияланган портфель улушини (100%) кўрсатади. Улушларни бир-бирига қўшиш доимо 100%га тенг бўлади. 12.1-жадвалнинг 4 ва 5 устунлари йиллик 0,06 ва 0,00 га тенг бўлган *F: E(г)* портфелга мос келувчи кутилаётган даромадлилик ва стандарт оғишга эга.

Сиз барча пулларни рискли активга инвестициялайдиган взият 10.1-расмдаги *S* нуқта ва 10.1-жадвалдаги сўнгги сатрга мос келади. Бу ҳолатда кутилаётган ёки ўртача даромадлилик 0,14 га тенг, унинг стандарт оғиши эса 0,20ни ташкил этади.

10.1-расмда портфель даромадлилиги кутилаётган ставкаси *E(г)* вертикал ўқда, стандарт оғиш <т эса – горизонтал ўқда кўрсатилган. Портфель улушлари 10.1-расм маълумотларида кўрсатилган ва 10.1-жадвалда аниқроқ ифодалаб берилган.

10.1-расмда риск ва даромадлилик ўртасидаги нисбат график кўринишда акс эттирилган. 10.1-расмда *F, G, H, J* ва *S* нуқталарни бирлаштирадиган чизиқ рискли ва рисксиз активларнинг очиқ бўлган вариантлари тўпламини ифодалайди[5]. чизиқдаги ҳар бир нуқта 10.1-жадвалнинг 2 ва 3 устунларида кўрсатилган активлар икки туридан иборат бўлган портфелга мос келади.

даромадлилик кутилаётган (ўртача) ставкаси ва унинг стандарт оғишини ҳисоблаб чиқиш учун формулаларни махсус адабиётлардан топиш мумкин. шунга эътибор қаратингки, ушбу мавзуда биз даромадлилик ставкасини фоиз қийматида эмас, балки ўнли касрларда кўрсатмоқдамиз.

Ушбу бўлимда активлар ва қимматли қоғозлар - синонимлар.

Рисксиз актив сифатида масалан, АҚШ ғазначилик вексели, рискли актив сифатида эса – бирон-бир корпорация акцияси иштирок этиши мумкин.

10.2-расмда вертикал ўқда жойлашган, йиллик ставка 0,06 ва стандарт оғиш 0 бўлган *F* нуқтада сизнинг барча пулларингиз рисксиз активга киритилган. Сиз ҳеч нима билан таваккал қилмайсиз, кутилаётган даромадлилик эса йиллик 0,06ни ташкил этади. рисксиз активдан қанчалик кўп пул чиқариб олинса ва рискли активга жойлаштирилса, риск/даромадлилик нисбатини ифодалайдиган чизиқ бўйлаб тобора ўнгга ҳаракатланиш мумкин. Бунда риск даражаси ортади, бироқ кутилаётган даромадлилик ҳам ўсади. Агар барча пулларингиз рискли активга киритилган бўлса, сиз даромадлилик 0,14 ва стандарт оғиш 0,20 бўлган *S* нуқтада бўлиб қоласиз.

10.1-жадвал

Рискли активга инвестицияланган маблағлар улуши билан боғлиқ портфелда кутилаётган даромадлилик ва стандарт оғиш

Портфель варианти (1)	Рискли активга инвестицияланган портфель улуши,%	Рисксиз активга инвестицияланган портфель	Кутилаётган даромадлилик ставкаси *E(r)* (4)	Стандарт оғиш (5)
F	0	100	0,06	0,0
G	25	75	0,08	0,0
H	50	50	0,10	0,1
J	75	25	0,12"	0,1
S	100	0	0,14	0,20



Стандарт оғиш

10.2-расм. Инвестицион портфель кутилаётган даромадлилиги ва риск ўртасидаги нисбат.

Изоҳ. F нуқтага портфель 100%га даромадлилик йиллик 0,06га тенг бўлган рисксиз қимматли қоғозларга инвестициялардан иборат бўлган вазият мос келади. *S* нуқтага 100% инвестициялар кутилаётган даромадлилик 0,14 ва стандарт оғиш 0,20 бўлган рискли активларга киритилган вазият тўғри келади. ??? нуқтада портфелнинг ярми рискли активлардан, ярми эса рисксиз активлардан иборат бўлади.

Портфель //(12.1-жадвалда учинчи сатрга мос келади) ярми рисксиз активлардан иборат. Агар сумманинг 50%и рискли қимматли қоғозларга, 50%и эса рисксиз қимматли қоғозларга киритлган бўлса, кутилаётган даромадлилик тўлалигича акциялардан, яъни рискли активлардан иборат бўлган портфель кутилаётган даромадлилик ставкаси (0,14) ва рисксиз активлар кафолатлайдиган фоиз ставкаси

(0,06) ўртасида бўлади. Кутилаётган даромадлилик ставкаси (0,10) 4-устунда, стандарт оғиш (0,10) эса – 5-устунда кўрсатилган.

Энди 10.1-жадвалда кўрсатилган нуқталар учунгина эмас, балки 10.1-расмда риск/даромадлилик тўғри чизиғида ётган ҳар қандай нуқта учун портфель таркибини қандай қилиб аниқлаш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Айтайлик, масалан, биз кутилаётган даромадлилик ставкаси 0,09га тенг бўлган портфель таркибини аниқлашни истаймиз. 10.1-расмга кўра, бундай портфелга мос келадиган нуқта *G* ва *H* нуқталар ўртасидаги риск/даромадлилик тўгри чизиғида ётади. Бироқ портфелнинг аниқ таркиби ва унинг стандарт оғиши қандай? Бу саволга жавоб бериш учун 10.1-расмдаги барча нуқталарни боғлайдиган даромадлилик ва риск нисбати графгини тавсифлайдиган формула керак бўлади. Ҳаракатларни қатор кетма-кетликдаги босқичларга ажратган ҳолда қуйидаги тарзда ҳаракат қилинг.

1-босқич. Рискли активга тўғри келадиган инвестициялар улуши ва кутилаётган даромадлилик ўртасидаги нисбатни аниқланг.

w 100000 доллар маблағнинг рискли активга киритилган қисмини ифодаласин. Маблағнинг қолган қисми *(I - w)* га тенг бўлади ва у рисксиз активга киритилади. *E(r)* портфель кутилаётган даромадлилик ставкаси қуйидаги формула билан берилган:

(10.1)

бу ерда E *(r)* рискли активнинг кутилаётган даромадлилик ставкасини, r_f эса – даромадлилик рисксиз ставкасини англатади. Мос келувчи ўрин алмаштиришлар ёрдамида қуйидагига эга бўламиз:

E (r)= 0,06 + w (0,14-0,06) = 0,06 + 0,08w

10.1-тенглама қуйидаги тарзда талқи этилади. ҳар қандай портфель учун даромадлилик бошланғич ставкаси даромадлилик рисксиз ствкаси (бизнинг мисолда 0,06) ҳисобланади. Бундан ташқари, портфелга инвестициялар $E(r_s) - r_f$ рискли актив бўйича риск (бизнинг мисола 0,08) учун мукофотга (1) ва рискли активга киритилган, w деб белгиланган портфель улушига (2) боғлиқ бўлган риск қўшимча мукофот келтиради деб тахмин қилинади.

Кутилаётган даромадлилик ставкаси 0,09га мос келадиган портфель таркибини аниқлаш учун 10.1-тенгламага керакли қийматлар киритиш ва wни ҳисоблаб чиқиш лозим.

0,09=0,06+0,08w

(0.09-0,06), 0,08

Шундай қилиб, портфель 37,5%га рискли активдан ва 62,5%га рисксиз активдан иборат бўлади.

2-босқич. Рискли активга тўғри келадиган инвестициялар улуши ва стандарт оғиш ўртасидаги алоқани аниқланг.

Агар рискли ва рисксиз активлар битта портфелга бирлаштирилган бўлса, бундай портфель даромадлилик стандарт оғиширискли актив даромадлилиги стандарт оғишининг унинг портфель таркибидаги салмоғига кўпайтмасига тнг бўлади. Рискли активнинг стандарт оғишини o_s сифатида белгилаб, портфель даромадлилиги стандарт оғиши формуласини қўлга киритамиз:

Даромадлилик кутилаётган ставкаси 0,09га мос келадиган стандарт оғишни аниқлаш учун 10.2-тенгламада w ўрнига 0,375 киритамиз ва σ ни ҳисоблаб чиқамиз

$\sigma = \sigma_s w$ =0,2x0,375 =0,075

Шундай қилиб, портфель даромадлилиги стандарт оғиши 0,075ни ташкил қилди. Ниҳоят, биз риск/даромадлилик тўғри чизиғида стандарт оғиш билан кутилаётган даромадлилик ставкасини тўғридан-тўғри боғлайдиган формула чиқариш учун w ни олиб ташлашимиз мумкин.

3-босқич. Кутилаётган даромадлилик ставкаси ва стандарт оғиш ўртасидаги нисбатни аниқланг.

10.1-расмда риск/даромадлилик тўғри чизиғини тавсифлайдиган аниқ тенгламани чиқариш учун 10.2 тенглама кўринишини ўзгартириш ва *w* ни *о/о* нисбати сифатида тақдим этиш мумкин. Бу

$$E(r) = r_f + \frac{E(r_s) - r_f}{\sigma_s}\sigma = 0{,}06 + 0{,}40\sigma$$

нисбатни 10.1-тенгламада w ўрнига қўйиб, қуйидагига эга бўламиз:

Бошқача қилиб айтганда, стандарт оғиш функцияси сифатида ифодаланган портфелнинг кутилаётган даромадлилик ставкаси *т[* == 0,06 нуқтада вертикал ўқ билан кесишадиган ва қуйидагига тенг бўлган қияликка эга тўғри чизиқни ифодалайди:

$$\frac{E(r_s) - r_f}{\sigma_s} = \frac{0{,}08}{0{,}2} = 0{,}40$$

тўғри чизиқнинг қиялик бурчаги инвестор унга рози бўлган қўшимча ҳар бир риск бирлиги учун бозор таклиф этадиган қўшимча кутилаётган даромадлиликни тавсифлайди.

Берилган кутилаётган даромадлиликни қандай олиш мумкин:

1-мисол.

Даромадлилик кутилаётган ставкаси йиллик 0,11 бўлган портфель таркибини аниқлаймиз. Бу ҳолатда даромадлилик стандарт оғиши қандай бўлади?

Ечим

Даромадлилик кутилаётган ставкаси йиллик 0,11 бўлган портфель таркибини аниқлаш учун ушбу маълумотларни 10.1-тенгламага қўйиш ва *w* ни топиш лозим.

0,11 =0,06+0,08w

$$w = 0{,}11 - \frac{0{,}06}{0{,}08} = 0{,}625$$

Демак, портфель таркибида 62,5% рискли актив ва 37,5% рисксиз актив мавжуд.

Даромадлилик кутилаётган ставкаси йиллик 0,11га мос келадиган стандарт оғишни аниқлаш учун 12.2-тенгламада *w* ўрнига 0,625 қўйиш ва σ ни аниқлаш лозим.

σ= 0,*2w*= 0,2x0,625 =0,125

Демак, портфель даромадлилиги стандарт оғиши 0,125га тенг.

Битта портфелда рискли активларнинг икки хил турини бирлаштириш рискли активни рисксиз актив билан бирлаштиришга ўхшаб кетади; бу мавзу олдинроқ кўриб чиқилган эди. Яна бир бор 10.1-жадвал, 10.1-расм, 10.1 ва 10.2-тенгламаларга назар ташланг. Агар иккита активдан биттаси рисксиз актив бўлса, унинг даромадлилик кутилаётган ставкаси стандарт оғиши ва бошқа актив билан корреляция нолга тенг бўлади. Агар иккала актив рискли - *w* ҳисобланса, у ёки бу тарзда риск/даромадлилик нисбати таҳлил қилиниши лозим.

Формула для вычисления среднего значения ставки доходности любоғо портфеля, в котором *w* – рискли актив 1, *(1 - w)* эса рискли актив 2 бўлган ҳар қандай портфель учун даромадлик ставкаси ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$E(r) = wE(r_1)+(l-w)E(r_2)$ (10.4)

Ўз навбатида, дисперсия формуласи қуйидагича бўлади:

$\sigma^2 = \sigma_1^2 + (1 - w)^2 \sigma^2 + 2w (1 - w) p\sigma_1 \sigma_2$ (10.5)

Бу икки тенгламани мос равишда 10.1 ва 10.2-тенгламалар билан таққослаш мумкин. 10.4-тенглама бу моҳиятига кўра, 10.1-тенгламадир, фақат r_r рисксиз актив фоиз ставкаси ўрнига унда рискли актив 2 кутилаётган даромадлиги $E\ (r_2)$ киритилган. 12.5-тенглама бу 10.2-тенгламанинг умумийроқ шаклидир. Агар актив 2 рисксиз бўлса, $\sigma 2 = 0$ ва 10.5-тенглама 10.2-тенглама кўринишигача соддалашади. 10.2-жадвалда 1 ва 2 активлар даромадлик ставкалари эҳтимолликларини тақсимлаш учун биз берган баҳолар келтирилган. Эътибор қаратингки: биз мы корреляция коэффициенти нолга тенг *(p = 0)* деган тахминдан келиб чиқамиз.

10.3-жадвал ва 10.3-расмда рискли актив 1 ва рискли актив 2 битта портфелда бирлаштиришда олиш мумкин бўлган даромадлик стандарт оғишлари ва ўртача қийматлари комбинацияси кўрсатилган. 10.3-расмда *S* нуқта фақат рискли актив 1 дан иборат бўлган портфелга, *R* нуқта эса – фақат рискли актив 2 дан иборат бўлган портфелга мос келади.

Энди даромадлик кутилаётган ставкалари ва стандарт оғишлар 12.4 ва 12.5-формулалар бўйича қандай ҳисоблаб чиқилишини

кўрсатамиз. 25%и рискли актив 1 ва 75%и рискли актив 2 дан иборат бўлган С портфелни кўриб чиқамиз.

Щ	Рискли актив 1	Рискли актив
Ўртача қиймат	0,14	0,08
Стандарт оғиш	0,20 0	0,15 0

Икки рискли портфел учун риск\ даромадлилик ртасидаги нисбат

ь	Рискли актив 1га киритилган маблағлар улуши (%)	Рискли актив 2га киритилган маблағлар улуши (%)	Кутилаётган даромадлик ставкаси	Стандарт оғиш
	0	100	0,0800	0,1500
	25	75	0,0950	0,1231
	36	64	0,1016	0,1200
	50	50	0,1100	0,1250
	100	0	0,1400	0,2000

10.4-тенгламага зарур қийматлар криитб, шуни аниқлаймизки, *С* нуқтада кутилаётган даромадлик йиллик 0,095ни ташкил қилади:

jE'(r)=0,25 *E(r,)* +0,75 *E{r}* =0,25x0,14 +0,75x0,08 =0,095

10.5-тенгламага *w* қийматини киритиб, стандарт оғиш қуйидагича бўлиши аниқланади

($T^2 = W^{22} + (1 - w) (7^2 + 2w (1 - w)$ pO'iO'2

$=0,25^2x0,2^2+0,75^2x0,15^2+0 =0,01515625$

о- =УО,01515625 =0,1231



10.3-расм. Риск/даромадлик нисбати эгри чизиғи: фақат рискли активлар

Изоҳ. Тахмин қилинадики, £'("/•=0,14, о-/=0,20, *E(r)=0,OS, crj=0,*15, /т=0.

Энди 12.3-жадвал ёрдамида 10.3-расмда *R* ва *S* нуқталарни бирлаштирадиган эгри чизиқни кўриб чиқамиз. *R* нуқтадан бошлаймиз ва капиталнинг бир қисмини рискли актив 2 дан рискли актив 1 га ўтказамиз. Бунда нафақат даромадлик ўртача ставкасининг ўсиши, балки стандарт оғишнинг пасайиши ҳам кўзатилади. У 36%и рискли активлар 1 ва 64%и рискли активлар 2га инвестициялардан иборат бўлган портфель олгунимизга қадр давом этади[6].

Бу нуқта рискли актив 1 ва рискли актив 2 дан иборат бўлган минимал дисперсияли портфелни (minimum-variance portfolio) тавсифлайди. Агар рискли актив 1 га умумий капиталнинг 36%идан ортиқ маблағ инвестиция қилинса, портфелнинг стандарт оғиши ортади.

Портфель дисперсиясини минималлаштирадиган рискли актив 1 улушини тавсифлайдиган формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$w_{\min} = \frac{\sigma_2^2 - \rho\sigma_1\sigma_2}{\sigma_1^2 + \sigma_2^2 - 2\rho\sigma_1\sigma_2}$$

10. 8.Рискли активлар оптимал комбинацияси.

Энди рисксиз активни рискли актив 1 ва рискли актив 2 билан бирлаштириш воситасида олиш мумкин бўлган риск/даромадлик комбинациясини кўриб чиқамиз. 12.4-расмда бўлиши мумкин бўлган барча риск/даромадлик комбинациялари график шаклида кўрсатилган; бу расм шунингдек, рисксиз актив билан бирлаштириш учун рискли активлар оптимал комбинациясини қандай олиш мумкинлигини ҳам кўрсатади.



Стандарт оғиш

10.4-расм. Рискли активлар оптимал комбинацияси

Изоҳ. Тахмин қилинадики, Гу=0,06, £/-=0,14, сг/=0,20, £)=0,08, сг;=0,15, /?=0.

Дастлаб *F* нуқтани *S* нуқта билан бирлаштирадиган тўғри чизиқни таҳлил қиламиз. У бизга муълум, чунки 10.1-расмда биз кўрган риск/даромадлик нисбати графигини ифодалайди. Тўғри чизиқ рисксиз активни рискли актив 1 билан бирлаштириш воситасида олиш мумкин бўлган риск/даромадлик комбинациялар қаторини кўрсатади.

Fc нуқтани *R* ва *S* нуқталарини бирлаштирадиган эгри чизиқдаги исталган нуқта билан бирлаштирадиган тўғри чизиқ қуйидаги учала актив: рисксиз актив, рискли актив 1 ва рискли актив 2 барча комбинациялари учун риск/даромадлик нисбатини тавсифлайдиган графикни ифодалайди. Бу нисбатнинг биз олишимиз мумкин бўлган энг катта қиймати *F* ва *T* нуқталарни бирлаштирадиган чизиқда ётади. *T* нуқта *F* нуқтадан чиқадиган тўғри чизиқ ҳамда *R* ва *S* нуқталарни бирлаштирадиган эгри чизиқ учун *умумий нуқта* ҳисобланади. Биз 12.4-расмда Г умумий нуқтага мос келадиган бундай рискли портфелни рискли активлар оптимал комбинацияси деб атаймиз. Айнан рискли активлар ушбу портфелини рисксиз активлар билан бирлаштириш воситасида максимал даражада самарали портфель шакллантиришга эришилади. Г нуқтада портфель улушини аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$w_1 = \frac{\left[E(r_1) - r_f\right]\sigma_2^2 - \left[E(r_2) - r_f\right]\rho\sigma_1\sigma_2}{\left[E(r_1) - r_f\right]\sigma_2^2 + \left[E(r_1) - r_f]\right]\sigma_1^2 - \left[E(r_1) - r_f + E(r_2) - r_f\right]\rho\sigma_1\sigma_2}$$

$$w_2 = 1 - w_1$$

керакли маълумотларни бу тенгламага қўйиб, рискли актив (*тангенциал портфель (the tangency portfolio)* деб ҳам аталадиган портфель учун тўғри чизиқ билан кесишув нуқтасида*)* 69,23% рискли актив 1 ва 30,77% рискли актив 2 эканлигини оламиз. Бу даромадлик ставкаси *Е(г-г)* ва стандарт оғиш қуйидагига тенг эканлигини англатади:

£(/у)=0,122 *Ст* =0,146

Демак, риск/даромадлик самарали нисбати учун янги график қуйидаги формула билан берилади:

бу ерда қиялик бурчаги — даромадликнинг рискка нисбати — 0,42га тенг. Олинган қийматни *F* ва *S* нуқталарни бирлаштирадиган риск/даромадлик нисбати аввалги чизиғи учун формула билан солиштирамиз*:*

Е (г) =0,06 +0,40ст

бу ерда қиялик бурчаги 0,40га тенг. Тушунарлики, энди инвестор яхшироқ аҳволда, чунки у исталган риск даражаси учун кутилаётган даромадлик ставкаси юқорироқ бўлишига эришиши мумкин.

Энг афзал кўриладиган инвестиция портфели шакллантириш.

Таҳлилни якунлаш учун инвестор танловини унинг нималарни афзал кўриши нуқтаи назаридан ва самарали портфеллар учун риск/даромадлик нисбати графигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқамиз. Умид қиламизки, сиз мавзунинг бошида портфель шакллантиришда нималарни афзал кўриш инвесторнинг ҳаётийлик даври қайси босқичида эканлиги, режалаштириш даври ва рискка мойилликка боғлиқ эканлигини айтиб ўтганлигимизни ёддан чиқармагансиз. Демак, инвестор F ва Г нуқталар билан чегараланган

кеисмда исталган нуқтада позиция танлаши мумкин. 10.5-расмда бунинг учун *E* нуқта танлаб олинган. Бу нуқтага мос келадиган портфель 50%и умумий нуқтадаги портфелли инвестициялардан (тангенциал портфель) ва 50%и рисксиз активларга инвестициялардан иборат. 10.1 ва 10.2-тенгламаларни шундай ўзгартирамизки, улар кесишув нуқтасида портфель энди рисксиз актив билан бирлаштириш лозим бўлган ягона рискли актив эканлигини акс эттирмин. Аниқланадики, *E* портфель стандарт оғиши ва кутилаётган даромадлик қуйидаги кўринишга эга бўлади:

() = /у + 0,5 х [£(/у) - /7] = 0,06 + 0,5(0,122 - 0,06) = 0,091 ст= 0,5ха,- =0,5х0,146=0.073

Тангенциал портфель 69,2%га рисклик актив 1 ва 30,8%га рискли актив 2 дан иборат эканлигини ҳисобга олиб, портфель таркиби қуйидагича бўлишини аниқлаш мумкин:

Рисксиз активларни улуши		50,0%
1 рискли активларни улуши	0,5х69,2%=	34,6%
2 рискли активларни улуши	0,5х30,8%=	15,4%
Жами		100,0%

Демак, сиз 100000 долларни *E* портфелга инвестиция қилган бўлсангиз, бунда 50000 доллар рисксиз активга, 34600 доллар – рисклик актив 1га ва 15400 доллар – рискли актив 2га инвестиция қилинган.

Иккита рискли актив ва битта рисксиз актив тури мавжуд бўлган ҳоллар учун самарали портфель яратиш бўйича бизда мавжуд маълумотларни умумлаштириб кўрамиз. Рисксиз актив билан оптимал тарзда бирлаштириш мумкин бўлган рискли активлардан

иборат бўлган фақат битта портфель мавжуд. Биз 10.4-расмдаги Г умумий (тангенциал) нуқтага мос келадиган бу портфелни *рискли активлар оптимал комбинацияси* деб атаймиз. Афзал кўриладиган портфель доимо умумий нуқтада рискли активлар ва рисксиз активлар портфели бирон-бир комбинацияси ҳисобланади.



Стандарт оғиш

10.5-расм. Энг афзал кўриладиган портфелни танлаш

2-мисол

Фараз қилайлик, сизда 100000 доллар бор ва сиз бу маблағни йиллик 0,10 кутилаётган даромадлик ставкаси билан инвестициялашни истайсиз. Олдинги риск/даромадлик графигида (*E* ва *S* нуқталарни бирлаштирадиган чизиқ) кўзатиладиган даромадлик стандарт оғишини янги риск/даромадлик графигида (*F* ва 7 нуқталарни бирлаштирадиган чизиқ) кўзатиладиган даромадлик

стандарт оғиши билан солиштиринг. Бу портфельлардан ҳар бирининг таркиби қандай?

Ечим

Биринчидан, портфель кутилаётган даромадлигини рискли активларга инвестиция қилинган улуш билан боғлайдиган формулани ёзиб олайлик ва уни ечайлик. Шу тариқа биз рискли активларга инвестициялаш лозим бўлган улушни аниқлаймиз. Икки хил рискли активлар оптимал комбинацияси фойдаланиладиган янги риск/даромадлик нисбати учун формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

£ (г) =£•(/,>+г, (1-w) £(/•)= 0,122w+0,06(1-н')

портфель кутилаётган даромадлик ставкасини 0,10га тенг деб оламиз ва қуйидагига эга бўламиз:

£(/-)=-0,06 + 0,062w =0,10

0,10-0,06 . .-

w = ———— = 0,6D 0,062

Демак, оптимал комбинация олиш учун 100000 долларнинг 65%и рискли активларга, 35%и эса – рисксиз активларга йўналтирилиши лозим. бундай портфелда стандарт оғиш қуйидаги формула бўйича аниқланади:

(J=\V(T =0,65x0,146=0,095

Рискли активлар оптимал комбинацияси 69,2% рискли актив 1 ва 30,8% рискли актив 2дан иборат эканлиги сабабли, кутилаётган даромадлилик йиллик 0,10 бўлган якуний портфель таркиби қуйидаги тарзда аниқланади:

Улуш безрискового актива		35%
Улуш рискованного актива 1	0,65x69,2%=	45%
Улуш рискованного актива 2	0,65x30,8%=	20%
Жами		100

Ягона рискли активдан иборат бўлган риск/даромадлилик аввалги графиги учун кутилаётган даромадлилик ва *w*ни боғлайдиган формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

£(r) =£(/•>+/y (1-uQ £(r)=0,14w+0,06(l-w)

портфель кутилаётган даромадлилигини 0,10га тенг деб олиб, *w*ни ҳисоблаб чиқамиз ва қуйидагига эга бўламиз:

£(r)= 0,06+0,08=0,10

$$w = \frac{0,10 \quad -0,06 \quad -0,50}{0,08}$$

Шундай қилиб, 100000 долларнинг 50%и рискли актив 1 га, 50%и эса рискли актив 2 га киритилиши лозим.

Бу портфелнинг стандарт оғиши қуйидаги тенглама билан берилади:

Назорат саволи 10.9
Фараз қилайлик, инвестор 10.5-расмда *F* ва *T* нуқталар орасидаги кесимда *F* нуқтадан кесимнинг тўртдан уч қисмига тенг масофада ёиган нуқтага мос келадиган портфелни танлаган. Бошқача қилиб айтганда, унинг портфели 75%и умумий нуқтага мос келадиган портфелга, 25%и эса – рисксиз активларга киритилган. Даромадлилик кутилаётган ставкаси ва стандарт оғиш бу портфель учун қандай? Агар инвестор 1000000 долларга эга бўлса, учта активдан ҳар бириша қанча маблағ киритиши лозим?

Таъкидлаш жоизки, *рискли активлар оптимал комбинациясини* излашда биз инвесторнинг фаровонлиги хақида ҳам, унинг хоҳиш-истаклари хақида ҳам ҳеч нарса билишимиз керак эмас. Ушбу портфель таркиби фақат рискли актив 1 ва рискли актив 2 кутилаётган даромадлилик ставкалари ва стандарт оғишлар ҳамда улар ўртасидаги корреляцияга боғлиқ бўлади. Бу эса шуни англатадики, *бундай даромадлилик тавсифномасига (ўртача қиймат, стандарт оғиш, корреляция) розилик билдирган барча инвесторлар рисксиз актив билан билдирилган битта тангенциал портфелга инвестициялашни истайди.* Рискли активлар кўплиги мавжуд бўлган барча ҳолларда қўллаш мумкин бўлган умумий қоида қуйидагича:

Рискдан қочадиган ва даромадлилик тавсифи хақида бир хил тасаввурларга эга бўлган барча инвесторлар энг афзал кўриладиган портфель олиш мақсадида рисксиз актив билан бирлаштирадиган рискли активлар оптимал портфели доимо мавжуд бўлади.

10.9.Рискли активлар кўплигига эга портфеллар.

Рискли активлар сони кўп бўлганда биз аввалги бўлимда кўриб чиқилгани каби, портфель яратишнинг икки босқичли усулидан фойдаланамиз. Биринчи босқичда биз фақат рискли активлардан иборат бўлган портфелларни, иккинчи босқичда эса – рисксиз актив билан бирлаштириш мумкин бўлган *тангенциал* портфелни аниқлаймиз. Бундай иш кўп сонли ҳисоблаб чиқишни талаб қилади, шу сабабли уни компьютерда бажариш мақсадга мувофиқ.

10.6-расмда бошланғич маълумотлар ва уларни портфелни оптималлаш учун фойдаланиладиган электрон жадваллар дастурида қайта ишлаш натижалари кўрсатилган[7]. Индивидуал *таянч активлар* (basic assets) бу – рискли актив 1, рискли актив 2 ва ҳ.к. улар диаграммада чапда соялланган нуқталар билан ифодаланган. Бу нуқталардан тепароқ ва ўнгроқда ётадиган эгри чизиқ рискли активларнинг портфеллар самарали кўплиги чегараси (efficient portfolio frontier) деб аталади. У ҳар бири инвесторларга берилган стандарт оғишда максимал даромадлилик ставкалари таклиф этадиган рискли активларга эга бўлган портфеллар кўплиги сифатида белгиланади.



Раздел 12 3. Оптимизация портфеля ценных бумаг

Исходные данные

	Стандартное отклонение	Ожидаемая доходность	Единица плюс ожидаемая ставка доходности	Единиць
Безрисковая ставка ( )		4 0%	104 0%	
Рискованныи актив 1	20 0%	8 0%	108 0%	100 0%
Рискованныи актив 2	20 0%	9 0%	109 0%	100 0%
Рискованныи актив 3	20 0%	10 0%	110 0%	100 0%
Рискованныи актив 4	20 0%	11 0%	111 0%	100 0%
Рискованныи актив 5	20 0%	12 0%	112 0%	100 0%

Корреляции

	1	2	3	4	5
1	100 0%	0 0%	0 0%	0 0%	0 0%
2	0 0%	100 0%	0 0%	0 0%	0 0%
3	0 0%	0 0%	100 0%	0 0%	0 0%
4	0 0%	0 0%	0 0%	100 0%	0 0%
5	0,0%	0,0%	0 0%	0 0%	100 0%

Рис 12 6 Программа электронных таблиц для оптимизации портфеля

10.6-расм. Дастурий таъминот ёрдамида тузилган.

Айрим таянч активлар самарадорлик чегарасининг *ички томонади* ётади, чунки одатда бир хил стандарт оғишда кутилаётган

даромадлилик ставкаси таянч активларникидан каттароқ бўлган икки ва ундан ортиқ таянч активлар маълум бир комбинацияси мавжуд.

Рискли активлар оптимал уйғунлашуви рисксиз активни ифодалайдиган (вертикал ўқда) нуқтада бошланадиган тўғри чизиқ ва рискли активлар самарадорлиги чегаралари кесишуви умумий нуқтасида аниқланади. Рисксиз актив нуқтаси ва рискли активлар оптимал комбинациясига мос келадиган тангенциал нуқтани бирлаштирадиган кесим риск/даромадлилик энг яхши нисбатларини ифодалайди.

Энди мавзунинг бошида ёдга олиб ўтилган масалага қайтамиз. Молиявий воситачи (масалан, инвесторларга у томонидан бошқариладиган ўзаро фондларга инвестициялар таклиф этадиган компания) мижозларга таклиф этиш учун турли активлар комбинацияларидан иборат бўлган «молиявий таомнома»ни қай тарзда тўзади? Биз ҳозиргина шуни кўсатдикки, рискли активлар оптимал комбинацияларини топиш фақат рискли активлар кутилаётган даромадлилик даражаси, стандарт оғиш ва улар ўртасидаги корреляцияга боғлиқ бўлади. У инвесторларнинг хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлмайди. Демак, самарали портфель яратиш учун инвесторларнинг хоҳиш-истакларини билиш умуман керак эмас.

Шундай қилиб, мижозлар мос келувчи фаолият турларига ихтисослашган молиявий воситачиларга активлар кутилаётган даромадлилик даражаси, стандарт оғишлар ва корреляция башорати тўзишни топширадилар; воситачилар шунингдек, таянч активларни оптимал пропорцияда комбинациялаш функциясини ҳам ўз зиммасига олади. Демак, мижозларга улар оптимал рискли

активларга киритиш истагида бўлган капитал ҳажмини танлаш қолади, холос.

Даромадлилик ўртача қиймати ва унинг дисперсиясига асосланадиган инвестиция портфели учун активлар танлашнинг статик модели ўзаро фондлар молиявий воситачилиги назарий асосларини яратди. 60-йиллардан бошлаб америкалий тадқиқотчилар оптимал портфель тўзиш соҳасида бу модель доирасидан четга чиқдилар ва динамик шакллар билан шуғуллана бошладилар. Уларда инвесторларнинг уй хўжалиги ҳаётийлик даврининг маълум бир босқичларида қабул қилинган жамғарма/истеъмол бўйича қарорларини вақтлараро оптималлаш бўшаган маблағларни инвестициялар муқобил йўналишлари ўртасида тақсимлаш билан бирлаштирилади. Бу моделларда индивидуал активларга талаб юқорида кўрсатиб ўтилганидек, оптимал диверсификациядан кўра жиддийроқ омилларга боғлиқ бўлади. У шунингдек, бирламчи моделга киритилмаган турли рискларни *хеджлаш* истагининг оқибати ҳам саналади. Портфель таркиби хақида қарор қабул қилишда хеджлашга эҳтиёж вужудга келтирадиган рисклар қаторига ўлим риски, фоиз ставкаларининг тасодифий ўзгаришлари риски ва бошқа қатор рисклар киради. Динамик моделлар инвестиция портфели шакллантиришда қимматли қоғозлар ва молиявий воситачилар рорлига назарий қарашларни сезиларли даражада бойитди[8].

Инвестицион менежмент доирасида активларни бошқариш амалиётида ўртача даромадлилик ва портфель дисперсиясини (mean-variance approach) ҳисоблаб чиқишга асосланган рискни баҳолашнинг

таянч усули устунлик қилади. Ушбу маҳсулотлар ўз фондларининг турли комбинацияларини ҳаётийлик даврининг турли босқичларида мижозлар сўовларига мос келадиган пропорцияларда бирлаштиради.

Портфель(молиявий) инвестицияси деб -давлат, корпоратив корхона ва хусусий корхона томонидан чиқарилган қимматли қоғоз, облигация ва акцияларига қўйилган капитал қўйилмага айтилади.Киматли қоғозларнинг турларини куп бўлиши, шундан инвесторга тегишлиси уларни портфелини шакллантириб, бунда уни шакллантиришдан мақсади шуки, қимматли қоғозларнинг ликвидлилиги ва ишончлилиги унга оптимал даражада даромад олиш имкониятларини таъминлайди. Бундан инвестициялар икки томонлама характерга эга:биринчи томондан;

-инвестор келгусида даромад олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиши мумкин:

-бу унинг худди қимматли қоғозлар портфелини эгаси сифатида иқтисодиётнинг хақиқийсектори бўлган иқтисодиёт ривожини характерига ахамиятли таъсир этади.

Россия хукумати Қонунчилигида «Портфель инвестицияси дейилганда-корхона капиталини устав фондида 10 % ортик бўлмаган қисмини ташкил этувчи, жамғармачиларга ишлаётган корхона фаолиятига таъсир этиш хуқуқини бермайдиган пай ва акция сотиб олиш(сотиш), шунингдек, облигация, вексел ва бошқа қарзли қимматли қоғозларга айтилади.» тушунча берилади. Портфель инвестицияси – акционерлик капитал хажмини 10 % ортик бўлмаган мазкур корхона қимматли қоғозларига қўйилган инвестицияларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан:Тоймухаммедов И Р томонидан ИП-қимматбохо қоғозлар портфелини ташкил қилиш учун контрол пакетини ташкил қилмасдан ва инвестиция объектини тўғри дан тўғри бевосита фаолиятидир.

Инвестициянинг кандай бўлишидан катий назар мазкур инвестицион жараённи шакллантиришга шароит яратувчи субъектлар, объекти, улар ўртасида келишувларга эга бўлган фоиз ва иқтисодий асосларни яратилиши, иқтисодиётни ривожлантиришдаги мамлакат ва худуднинг улуши, ахолини даромадлилик даражаси, мамлакатдаги микро корхоналарнинг ривожланиш даражаси, молия бозорини шаклланганлик даражаси ва уларнинг инструментларини даромадлилик даражаси ва хакозо шароитларга боғлик бўлади. Шунинг билан бирга мазкур жараёнга давлатнинг таъсири қўпроқ ахамият касб этади. Чунки инвестицион фаолиятни бозор иқтисодиёти шароитида уни бошқариш факат давлат таъсири орқали шаклланиб, ривожланиб боради. Чунки инвестицион жараённи инфраструктурасини шакллантиришда қўпроқ ички субъектив омилларнинг таъсири қўпроқ бўлади. Бу ўз навбатида мазкур жараённи шаклланишни ва ривожланишини жахаон микёсига етказишга сальбий таъсир кўрсатади.

Агар инвестор хақиқийинвестицияни амалгша ошираётган бўлса т.е. кандайдир корхона ташкил этилаётган бўлса ёки акционер жамият контрол пакетини сотиб олаётган бўлса у холда унинг бевосита асосий вазифаси корхона иш фаолиятини самаралигини таъминлашдан иборат, бунинг натижаси унинг соф фойдаси боғлик бўлади. Бундай холларда инвесторлар группаси тўғрисида сўз бориб,

бу қайсики корхонани бошқаришда бевосита иштирок этишни қабул этиш ёки тадбиркорларни ўзлари хисобланади.

Бирок куп инвесторлар худи якка(шахс)га ўхшаш институционал(пайли, песион фонд, страховой компания ва бошқалар) бўлиб, булар қайсики, акцияни контрол пакетига эга бўлмасдан, корхонани ташкил этмай, балки ўзини маблағини қимматли қоғозлар(акция, облигация,хосилавий қимматли қоғозлар)га хамда банк хисоблари ва жамғармаларига куяди. Шундай қўйилмаларнинг даромадлилик ва ишончлилиги инвесторнинг фаолиятига боғлик бўлмайди, шунинг учун инвесторнинг ўзи шундай молиявий инструментларга ўз маблағларини қўйишни танлаётган вақтда унинг даромадлилик ва рисклилик даражасини хисобга олмок зарур.Мазкур ўз олидаг қўйган мақсадга эришиш учун инвестор асосан ўз қўйилмсини дифференцияция қилади,т.е.инвестиция портфелини шакллантиради. *Инвестицион портфел- олдига қўйилган мақсадга эришиш учун хизмат килувчи инвестиция инструментларини танлашга айтилади.*Инвестор ўз қўйилмаларини турли хил қимматли қоғозларга йўналишини тақсимот жараёнида қўйилмасини рискилик даражасини пасайтириш хисобига унинг даромадлилик даражасини кутаришга эришади.Портфелни асосий характерли томони шуки, портфелни рисклилик даражаси портфел таркибига кирувчи алохида олинган инвестицион инструментларини рисклилик даражасига нисбатан кам бўлиши мумкин.

Инвестицион инструментлар сифатида қимматли қоғозлар, кучмас мулклар, қимматбохо метал ва тошлар, антиквариат,

коллекционерланган кўролларни киритиш мумкин. Бирок қўйилмага бўлган мулкийлик-эгалик қилиш ўзига хос белгиларга эга. Шундай, асосан рискли бўлган кучмас мулк бахосини тушиши хисобига қўйилган маблағахамиятсиз бўлиб колиши мумкин.Бундан ташкари, инвесторда мулкни сотиш холати вужудга келса, у холда мазкур мулкни сотиб олувчисини топиш муаммоси туғилиши мумкин. Шу сабабли кучмас мулкка инвестиция қилишни инвестицион портфел сифатида эмас, балки қўйилмани асосий шакли сифатида кўриб чиқиш эхтимол.

Мулкчилик шаклини бошқа турлари таркибига кирувчи қўйилмаларида эса ундан инвестицион инструмент сифатида уларнинг молиявий инструментларини даромадлилик ва рисклилик томонларини бахолаш сифатида фойдаланиш имкониятлари киради.

Шу нуқтаи назаридан, муқобил молиявий инвестицияларни танлашда қўпроқ афзал бўлгани олтин хисобланади. Шу сабабли факат айрим инвесторлар ўз капиталини сиёсий инкирозлар ва жахон иқтисодиётидаги салбий холатлар хамда инфляцияни суғурта қилинган маблағсифатида олтин сотиб олишга куядилар.

Бирок олтиннинг бахосини ахамиятли уйнаши инвестор куп фойдадан кўра қўпроқ зарар келтириш хам мумкин. Агар олтиннинг бахосини ахамиятли уйнаши, олтин сотиб олишга қўйилаётган бўлса, у холда бахоларнинг уйнаши имкониятларини хисобга олгандаги бу инвестиция - инвестициялашнинг юқориспекулятив инструменти хисобланади. Шунинг учун куп инвесторлар ўзини инвестицион портфелини шакллантираётганда инвестицион инструмент сифатида

нима сабабдан қимматли қоғозлардан фойдаланади, «инвестицион портфель» ва «киматли қоғозлар портфели» худи синоним сифатида фойдаланадилар.

Турли хил мамлакатларнинг амалдаги қонунчилигига асосан барча молиявий институтлар- «қимматли қоғозларни ушлаб турувчи»(держатель ценнх бумаг)лар(банклар, суғурта компаниялар, инвестицион фондлар, пенсион ва ўзаъро фондлар)га ўзини портфелини диверсификациялаш талаб этилади.Хатто *якка инвесторлар хам акция тўғрисида гап кетаётган бўлса ўзларини қўйилмалари ахамиятли хажмда бўлса хам улар бир хил эмас балки бир неча хил қимматли қоғозлар сотиб олишга харакат қилади.* Инвесторлар биринчи йўналишдаги инвестиция хисобидан келаётган зарарни бошқа йўналишдаги инвестициядан келган ютук хисобига копланишини яхши омил эканлигини билади. Бошқа сўз билан айтганда, асосий савол бўлиб, алохида қимматли қоғозлар характери эмас, балки барча портфелни рисклилиги ва соф фойда нормасини харакати хисобланади. Шу сабабли алохида олинган қимматли қоғозларини алохида хамда якка тартибда даромадлилик ва ва рисклилик даражаси барча портфелни рисклик даражаси ва соф фойда нормасига таъсир этувчи параметрларни тахлил қилиш зарур.

Қўйидаги кўрсатилаётган қимматли қоғозлар портфелни бир қисми сифтида кўриб чиқилаётган даврдаги рисклилиги камрок хисобланади.

10.10.Портфелни даромадлилиги

Бунда хаммадан аввал портфелнинг рисклилик даражаси даромадлилик(соф фойда нормаси) кандай аникланади?

Портфель акциясини кутилаётган даромадлилиги, *хар бир якка акцияларнинг (взвешенная) ўртача кутилаётган даромадларини барчасини –ўртачаси, акция портфелига қўйилган, хар бир акцияни умумий суммага нисбатан инвестициядаги улуши* кўринишда бўлади.

R=RxW+RxW+…..RxW ёки R= RxW

Банда:

R- акция портфелини даромадлилиги

R-i акцияни даромадлилиги

W- I акцияни инвестициядаги улуши

Юқори формуладан кўриниб турибдики,акция портфелини даромадлилиги 2 хил параметрдан: хар бир акцияни даромадлилиги ва хар бир акцияни инвестициядаги улуши хисобга олинади.

Мисол: Портфел 2 хил А ва Б акция хисобига шаклланган.Буларни даромадлилиги А-10%, Б-20%.

АБ портфелни даромадлилиги хар бир акцияни инвестициядаги улушини холатига боғлик.

А ва Б акцияни улуши ва АБ портфелни даромадлилиги

	Акция	Портфелдаги акцияни улуши					
	А	1	0.8	0.6	0.4	0.2	0
	Б	0	0.2	0.4	0.6	0.8	1
	R(%)	10	12	14	16	18	20

